

# УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

(СИЗ ОЛДИН ЎҚИМАГАН АСАРЛАР)



АЛИХОНТУРА  
СОҒУНИЙ

Алихонтўра Соғуний

Абдулла Қаҳҳор

Тухтасин Жалолов

Улмас Умарбеков



АБДУЛЛА  
ҚАҲҲОР

© Шарқ юлдузи № 6. 1996 й.

Ўзбекистон тоғларини  
бедор қутган кўзларим...

Миртемир



Азиз адабиёт дустлари!

Эскидан «Шарқ юлдузи» журналининг айрим сонларини китоб ҳолида нашр этиш тажрибамиз бор. Қулингиздаги китоб ҳам шу тажрибага асосланиб чиқарилди. Унга уқувчилар учун ЯНГИЛИК ва ҚИЗИҚАРЛИ булган, турли сабабларга кура ОЛДИН ЭЪЛОН ҚИЛИНМАГАН — Алихонтўра Соғуний, Абдулла Қаҳҳор, Тухтасин Жалолов, Улмас Умарбесковларнинг асарлари киритилди.

Биз журналнинг бу сонини меҳр билан, йил бўйи уйлаб, шошмасдан тайёрлашга ҳаракат қилдик. Шояд у Сизга манзур бўлса, китоб жавонингизда сақланиб қолса, деб умидландик. Ушбу асарлар — номи энди тарихга кўчган муҳтарам инсонлар қаламига мансуб бўлгани учун ҳам — Сизнинг эътиборингизга, эҳтиёткор муносабатингизга муҳтож! Уларни бир сўз билан, уша инсонларнинг Сизга васиятномалари дейиш мумкин!

Қўлёзмалар нашрга тайёрланаётганда, «Шарқ юлдузи» журнали муаллифларидан бири, адиба ва олима, маданиятимиз учун кўюнчак инсон Кибриё Қаҳҳорова вафот этдилар. Абдулла Қаҳҳорнинг «Ташвиш» асарига ёзилган сўзбоши ҳам Кибриё опанинг «Шарқ юлдузи» журнаси билан энди сўнгги ҳамкорлиги булиб қолди.

Инсон утади. Дунёда унинг номи ва қилган ишларигина қолади!

Бу асарлар донолар айтган шу фикрга яна бир қарра далолат бераётгандек...

Омон МУХТОР

## УМИД ВА АРМОН

1991 йил бошланишида Улмас акам бетобланиб, гаширолма қолганларидан кейин, мен кеча-кундуз у кишининг ёнларида бўлдим. Гоҳ бир-ярим товуш, гоҳ имо-ишора билан сўзлашардилар. Биз сўзсиз ҳам бир-биримизни тушунар эдик. Мен кун нарсаларни гаплашиш, сураш, кунглимдагини айтишга ҳаракат қилардим. Лекин мана энди, эрим оламдан утгач, қарасам, биз деярли гаплаша олмагандек, суҳбатга тўймай қолавергандек таассурот уйғонади менда.

Улмас ака хасталиқдан, оғир ҳаёллардан биров булса-да, фориглик сезсин, деб мен уларни ҳақда очиқ-сочиқ ёзишларини илтимос қилгандим. Торгина палатада ёзув столи йуқ эди. Улмас ака йулакда бир эшик синигини топиб, шунини каравот устига қўйганча, стол «ясаб», сизга тақдим этилаётган асарни ёздилар. Бу — қиссами, хотирами, кундалик дафтарми?! — нима деб аташ ўқувчига ҳавола. Улмас ака ҳаёт бўлганларида, буни эълон қилмасликлари ёки янада тартибга солишлари мумкин эди. Лекин шу ҳолда ҳам, у маълум маърифий аҳамиятга эга, деб уйлайман.

Касалхонанинг онкология бўлими унинг қаватда, хона кичик, аммо каттакон дераза урнатилган эди. Бир куни, ёдимда, тузон кутарилиб, шамол, қор нақ хонага, устимизга ёпирилгандек бўлди. Биз уйда ёмғирли, қорли кунларда купинча ҳаловат туйиб утирар эдик! Бу ерда эса эгимиз жунжикди. Улмас ака бирдан хомуш, маҳзун торгдилар. Кейин: «Ёзда сув таралган ер иси қанақа бўлишига эътибор берганмисиз?!» — деб шунчаки қизиқсиндилар.

У киши уйни соғинар эди. Ялпиз, райхон ҳидини яхши куради. «Ялпиз ҳиди» деган ҳикоялари ҳам бор. Уйда исириқ тутатишни сўрарди. Қизимиз Умида кичкиналигида, уни қуларига олиб, ҳар гал: «Боламнинг хушбўйини! Менинг атри-уфурим!» — дер эди.

Биз кун саёҳат-сафарга чиқар эдик. Ярим дунени айландик, десам муболага бўлмайди. Лекин Улмас акам ҳафта-ун кун утмай, Тошкентни, уйни қумсай бошлар эдилар. Бир гал Жанубий Америкага ёлғиз, иш юзасидан кетган эдилар. Қайтиб келганларида, мен сафарда олган энг кучли таассуротлари нима

эканлигини сўрадим. У киши кулиб: «Уйга қайтишдан кучлироғи йуқ!» — деган эдилар. «Бизнинг болалигимизда гуллар анча тиник, сара булармиди ёки менга шундай туюлармиди?!» — дер эдилар. Кун гиёҳлар номини яхши билардилар. У киши билан куча-бозор айланиш гаптли эди. Ниҳол утқазиниш, кўкартириш уларга чексиз завқ бағишларди. Буни билган дўст-биродарлари, танишлари Улмас акага совға қилиб, кучат келтирган пайтлар кун булган. Ҳовлида ортиқча, бун жой қолмаганига қарамай, келтирилган кучатни экаверардилар. «Бечора кучатни қайтиб кутариб кетсинми?!» — деб кулиб қўярдилар. Ҳовлимизда қурб қолган қуримсиз тут бор эди. «Юлиб тапшлашга қўлим бормади!» — деб Улмас ака уни илдизи билан кучага чиқариб утқазгандилар, у тирилиб, яна яшнаб кетган эди.

Баъзан, оғир ётган, айниқса, ҳаёти қил устида турган кишилар асабий, серзарда, тушкун бўлиб қолишади. Улмас акамнинг чинакам зиёлига хос, узини доим тартибли, озода туггани, озгина гамгин, уйчан, лекин одамларга ҳар қачонгидек меҳрибон, эътиборли, ҳаётни севиб қолаверган ҳолатда бўлганини эслаб, таъсирланмаслик мумкин эмас.

Улмас ака кечиримли инсон эди. Узига нисбатан ёмонлик қилган кишиларга ҳам яхшилик қиларди. У эртақ-афсоналардаги ухшаб, дунёдаги ҳар қандай ёвузлик устидан охир-оқибатда эзгулик галаба қозонишига ишонарди. Номардлик рўй бериши, айрим кишиларнинг лоқайдлиги, совуққонлиги натижасида узининг ҳатто улимга юзланиб қолганига ақли бовар қилмас эди. Вақтида диагноз тўғри қўйилиб, тўғри муолажа қилинса, Улмас акам ҳали яшармидилар, деб уйлайман...

У киши бир неча марта эҳтиёткор, босиқ оҳангда менга уз улими тўғрисида сўз очишга уринди. Мен билан Умида кейинчалик қандай яшашимиз, ҳаётимиз нима бўлиши Улмас акамни изтиробга солаётган эди. Васиятми, айрим курсатмалар бергиси келарди. Лекин менга бу ҳақда гаплашиш, буни уйлаб, кўз олдига келтиришнинг узи оғир эди. Мен ҳам, балки ҳаммаси утиб кетар, деб умид қилар эдим. Бир гал сўзлашганимизда, у кишига, сиз кетсангиз, мен ҳам яшаёлмайман, улганим дуруст, дегандек бўлдим. Шунда Улмас акам: «Йуқ, йуқ! Сиз яшашингиз керак. Қизчамизни вояга етказиниш, одам қилиш сизнинг бўйингизда. Мен учун ҳам... Кейин, кўп йиллардан кейин, учрашамиз. Дийдор куришини бор-ку, ахир!» — деган эдилар.

Мен энди бу сўзларни қайта-қайта эсламан. Илоҳим, Улмас акамни Худо раҳмат қилсин! Бизга бир куни яна дийдор насиб этсин!

Қолган умримни мен энди шу умид ва армонлар билан утқазиниш керак...

## ОҚҚУШ ҚҶШИҒИ

Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм.

Марҳумлар ҳақида суз айтиш қийин... жуда қийин.

Улмас Умарбеков...

У дунёга сафар қилганларига икки йил буляпти. Оллоҳ борган ерларини муборак қилсин.

Икки йил утяпти. Аммо... жилмайишлари, самимий гаплари... куз олдимиздан, қулогимиз остидан узоқлашгани йуқ.

Айниқса сунги учрашув.

Бу суҳбатнинг сунги булажагини сезган эдим, балки Улмас ака ҳам сезгандирлар (валлоҳи аълам). Лекин яна учрашувга умид бор эди. Уша касалхонада, уша каравотда... жонлари узилишини ким билибди?..

Сунги гаплари... Йуқ, сунги гапларини эшитиш мумкин эмасди. Гапира олмас эдилар. Уша сунги учрашувда ҳам гапларини дафтарчага ёзиб узатардилар. Мен уқиб жавоб берардим. Зуҳра опа (Оллоҳ бу фидойи аёлга сабр берсин) эса бемор толиқиб қолмасин, деб хавотир билан хабар олиб турардилар.

Улмас ака билан биринчи суҳбатим 1969 йилда Радио уйида бўлиб утган эди. Ушанда элга танилиб қолган ёзувчи Улмас Умарбеков ёзувчилик оламига кира олиши ёки кира олмаслиги номаълум бўлган, дорилфунунни эндигина битирган, «Т. Ҳобилов» деган имзода беш-ун мақоласию бир-икки ҳикояси чиқиб, шундан керилиб юрган йигит билан адабиётнинг келажаги ҳақида суҳбатлашган эди. Шундан сунг беҳисоб учрашувлар, суҳбатлар, биргаликдаги хизмат... Ниҳоят, 1994 йилнинг кузаги. Яна адабиёт ҳақида суҳбат. Афсус шуки, бу сунгиси.

Инна лиллаҳи, инна илайҳи рожибун...

«Фотима ва Зуҳра» романи «Шарқ юлдузи»да эълон қилина бошлаган дамлар эди. Охирги қисмини курулмай кетдилар. Китоб кулёзмасини наприётга уз қуллари билан топширган эдилар... Наприёт иккинчи қаватга жойлашган эди. Бир неча марта дам олиб чиқдилар.

Мен кулёзмани уқиб, узбошимчалик билан у ер, бу ерига қалам урган, шундан хижолатда эдим. Сунги учрашувда тахрирдан розиликларини ёздилар. Яна... «Фотима ва Зуҳра»нинг иккинчи китобини ёзишга тайёрланаётганларини ҳам билдирдилар.

Ҳар бир ёзувчининг ёзилмай қолган сатрлари булади. Бу оламини армон билан ташлаб кетганлар куп.

Айтадиларки, одам қачон вафот этишини билса, юраги ёрилиб улар эмиш. Улмас ака билардилар... Лекин, улимни кутмадилар. Ун-

дан куракмадилар. То сунги нафаслари чиққунча қаламга содиқ қолдилар.

Қаламга, яъни узининг севгани адабиётга содиқ қолиш — ёзувчи учун буюк жасоратдир.

Бизга Николай Островский, Алексей Мересьевни ибрат қилиб келдилар. Биз матонат нима эканини уларнинг ҳаётлари орқали ургандик. Ёнимиздаги, куз унгимиздаги матонат эгалари эса эътиборсиз қолавердилар.

Улмас аканинг «Фотима ва Зуҳра» асарлари Островскийларни ҳам дол қолдириши мумкин булган матонатдир, десам, мени баландлар-возликда айбланганг. Сиз билан биз нафас оламузу ана шу нафас олиш ҳам буюк неъмат эканини фикр қилмаймиз. Улмас аканинг нафас йуллари беркилган, томоқни тешиб қуйилган мослама орқали нафас олардилар. Бу мосламанинг вақтинча чора эканини билардилар. Бир куни шундай аҳволдаги гуржи ёзувчини курганамни, унинг ёши саксондан ошганини айтганимда Улмас ака ҳазин жилмайган эдилар. Бу жилмайишнинг маъносини кейинроқ фаҳмладим.

Китоб чиқди. Қувончли ҳол. Аммо афсус ери шундаки, аҳли қалам бу воқеага юқори баҳо берилиши лозимлигини унутди. Ҳатто бир «доно» адабиётшунос асарни таҳлил этиб ундан талай камчиликлар топибди.

Дунё бефаросатлардан холи эмас. Улмас аканинг уша дафтарчала-рида «Китоб чиққач, мени ҳимоя қиласизларми?» деган гаплари бор. Мен у кишига «Сиз ҳимояга муҳтож эмассиз», деб янглишган эканман. Улмас ака дунёни мендан дурустроқ билар эканлар, зийракроқ эканлар.

Кейинроқ билсам, Улмас ака яна бошқа нарса ҳам ёзиб кетган эканлар. Муҳтарама келин аямиз — Зуҳра опа кулёзмани лутфан тақдим этганларида бизни галати ҳаяжон босди. Унутмаганимиз, унутмоғимиз мутлоқ мумкин булмаган инсон билан яна суҳбат кургандек булди. Сунг... бу суҳбатдан бошқалар ҳам баҳраманд булса, деган маслаҳат билан нашрга тайёрлай бошладик. Тахририят ходимларининг меҳнати туфайли сиз, муҳтарам журналхонлар, Улмас Умарбеков билан яна учрашиш бахтига етишиб турибсиз. Шу муносабат билан мен бир-икки суз айтмоққа журъат этдим. Сузларимда тумтароқлик мавжуд булса маъзур тутинг.

Яна бир гап: айтарларки, оққуш улими олдидан осмонга парвоз этиб, чарх урар ва бир қушиқ куйлар экан. Сунг... жон бераркан... «Фотима ва Зуҳра», кейин эса «Қизимга мактублар» Улмас аканинг сунги қушиги дейишимиз мумкин.

Бу қушиқ хонадонингизга яхшилиқ олиб кирсин.


Бу қушиқ эгасини Оллоҳ уз мағфиратига олсин. Омийн йа Раббил олабийн!

Унутмас  
мени боғим

Ўлмас УМАРБЕКОВ

# Қизимга мактублар

(Мангу дунё бўсағасида)



Бу дунёга келганларнинг албатта кетмоғи бор. Кимдир бир кун олдин, кимдир бир кун кейин... Кетадую, қайтмайди. Мангу дунё абадий уни ўз кучоғига олади.

Кетмоғи яқин қолганини киши сезганда чўчимади, аммо турли уйлар қуршовига тушади, кечган, кечирганларини эслайди, олис, яқин одамлар кўз олдидан ўтади.

Мен билан ҳам шундай будди. Касалхонада ётарканман, вақтим, иродам етганича, кўнглим кутарганича ўйларга, хотираларга берилиб кетиб, шуларни ёздим.

I

Умида! Қизим...

28 октябрь, 1993 йил. Ўн кун давом этган текшириш, урганишлардан сўнг қандайдир аниқлик пайдо бўлди. Даволовчи врач Татьяна Дмитриевна келиб, қўлимни сиқди:

— Касалингиз биз хавотир олганчалик иддис отмаган экан. Нафас атрофидан бошқа ҳамма аъзоларингиз соғ. Касал нафас йулларига ўтмаган. Бир-икки кун ичида консилиум қиламиз. Радиологлар, бош хирург, директор билан маслаҳатлашамиз. Менимча, Сизни аввал даволашимиз, кейин операция қилиб, касалликни олиб ташлашимиз керак.

Истараси иссиқ, нигоҳи самимий шифокорнинг бу сўзларидан қувониб кетдим. Вужудим илиб, кайфиятим кўтаридди. Миннатдорчилик билдириб, телефонга югурдим. Текшириш натижаларидан Зухра қисман хабардор бўлса ҳам ўзимнинг оғзимдан хушхабарни эшитгани маъқул эди.

Қийналиб гапирсам ҳам Зухра мени англади, шу заҳоти, худди мен каби у ҳам ўзгариб кетди. Ёзининг бошларидан бери биринчи марта унинг овозида севинч оҳанглари пайдо бўлганини сездим. Телефонни ёриб юборгудай бўлиб, ҳозир етиб бораман, деди. Бошим осмонда эди. Худога шукр. Демак, бир қанча вақт томоғимни радиация нурлари билан даволашади. Тошкентда ўн марта нурланганимда шу ишлар бирмунча камайган эди. Касалим тарихида ёзилган. Ким билади, балки бу ерда шуни эътиборга олишдимикиан? Консилиумда ҳам шундай қарорга келинса, ўзимни бахтли ҳисоблардим. Тахминан бир ой, бир ярим

ойдан сўнг уйга қайтишим мумкин. Қизим, сени кўраман, укаларим, дўст-биродарларимни кўраман. Умида, сени жуда соғиндим. Деярли, ҳар кеча кўнгироқдек овозингни эшитгандек бўламан. Кўз олдимда ўзинг пайдо бўлиб, кўзларинг ёниб, «Ада! Келдим!» — дейсан-да, ёнимга келиб, юзимдан угандек бўласан. Кўп эмас, атиги икки ҳафтадан бери Москвада бўлсам ҳам, ҳар куни сенинг ўқишдан қайтаётган пайтинг, ўз калитинг билан дарвоза-эшикни шарақлатиб очишинг, шаҳдам қадамлар билан тақ-туқ, тақ-туқ қилиб айвонга кўтарилишинг кўз олдимдан ўтади. «Ада! Мен келдим!..» Қизим, жоним, сени яна кўрадиган бўлдим. Орзуим эсон-омон уйга қайтмоқ эди, ниятимга етадиганга ўхшайман. Худо хоҳласа, марҳамат қилса, бир ой, бир ярим ойлاردан сўнг тузалиб қайтаман...

Элчихонамиз меҳмонхонасида турган Зуҳра мен ётган онкология марказига қанот пайдо қилиб учиб келди.

— Ишонардим! Ишонардим! Ҳали яшайсиз. Ҳали қизимизнинг тўйини кўрамыз. Ўзингиз бош бўлиб ўтказасиз. Худодан ҳар куни сизга умр тилардим, мен етимга раҳм-шафқат қилишини сўрардим. Эшитибди илтижоларимни!..

Анчагача бир-биримизга қувонч билан тикилиб, гаплашиб ўтирдик. Гап орасида Зуҳра менга чой ичирди, овқатлантирди. Кейин Татьяна Дмитриевнадан касалхонага кириш учун доимий рухсатнома ёздириб олгани палатадан чиқди.

Илгари вақт ўтказиш, миямни чулғаб, бир дақиқа ҳам тинчлик бермаётган оғир, совуқ фикрлардан халос бўлиш учун телевизор қўярдим, ё радио қулогини бураб, турли тўлқинлардан турли хабар, куйларни тинглардим. Ҳозир эса бирдан шунчаки дам олиш учун, бирпас роҳат қилгим келиб телевизор қўйдим. «Реванш» номли кўп серияли фильм кетаётган экан. Элимиз касалхонага ётган кунимнинг эртасигаёқ рангли телевизор, радиоприёмник қўйдириб берган эди. Аммо нима кўрмай, нима эшитмай, бугунгача қулогимга ҳеч нарса кирмас, кўз олдимда турли суратлар, манзаралар, одамлар пайдо бўлиб, яна саробдек тарқаб кетарди. Биринчи марта бутун экранда одамлар нима деяётганини эшитдим, тушундим. Яйраб қулоқ сола бошладим. Фильм бир оила одамларининг турли тақдирлари, ҳаётлари ҳақида эди. Телевизорга маҳлиё бўлиб, Зуҳранинг кириб келганини сезмай қолибман. Унинг кўзлари ятирар, юзларига қон югурган эди. Афтидан, Татьяна Дмитриевна билан яхши гаплар бўлганга ўхшайди.

— Ҳозир ўзи пропуск олиб келади. Хавотир олманг, яхши гап билан келади.

Кўп вақт ўтмади. Татьяна Дмитриевна рухсатнома кўтариб кириб келди.

— Бояги гап, — деди у таклиф қилинган курсига ўтирар экан. — Хотиржам бўлинглар. Консилиумдан сўнг даволашни бошлаймиз.

— Операция оғир бўладими? — сўрадим ўзимни тутолмай.

Гап кўпроқ қўрқишимда эмас, операциялар жонимга текканида эди. Шу кунгача мураккабми, енгилми, бешта операцияни бошимдан ўтказдим. Ҳаммаси бир жойда, томогимда эди. Энди олтинчиси бўлади. Наркоз берилгандан сўнг одам ҳеч нарса сезмайди. Оғриқ кейин билинади.

— Операциянинг қандай ўтиши бизга тааллуқли, сиз ҳеч нарса билмай ётасиз. Кўкрак қафасигача кириш лозим. Яна қайтараман, бу бизнинг ташвишимиз.

У хайрлашиб чиқиб кетди. Эр-хотин тинчиган эдик, ҳали анча-мунча ишлар қилишимиз мумкинлигидан севиниб, кун кеч бўлганини билмай ҳам қолдик. Москвада кун тез қораяди. Бунинг устига вақт нотинч, ўғрилар, чўнтаккесар киссовурлар, безорилар кўпайиб кетган. Шунинг учун Зуҳрани қистай бошладим. Яна бирпас ўтирай, деди. Албатта, мен унинг ёнимда эканидан хурсанд эдим. Яна бир соатча гаплашиб ўтирдик. Гапимиз ҳар галгидек яна менинг касалимга келиб тақалди.

— Худо бизга раҳм қилди! Мана кўрасиз, ҳамма ташвишларимиз орқада қолиб кетади. Уйнинг тўрига ўтказиб қўяман сизни. Нима истасангиз шунини қилиб бераман. Умида иккаламизнинг бахтимизга омон бўлсангиз бас. Бизга бошқа ҳеч нарса керакмас. — Зуҳранинг кўзларида ятираб ёш кўринди. Бу бир неча йилдан бери чўзилиб келаётган алам, гап ёшлари эмас, севинч ёшлари эди.

Ўша куни меҳмонхонада Зуҳра, касалхонада мен Москвага келганимиздан бери биринчи марта хотиржам ухладик. Атиги уч-тўрт марта уйғондим, холос. Охириги уйғонганимда соат сақиз бўлган эди. Соқол-мўйловимни олиб, ошхонага бордим. Ширгуруч, сариеғ, тухум беришди. Ҳаммасини иштаҳа билан едим, устидан тўла стакан сутли кофе ичдим. Палатамга қайтиб келиб, ўзим яхши кўрадиган қора кофе ҳам қайнатиб ичдим. Кейин даҳлизга чиқиб юрмоқчи бўлдим. Марказнинг ёйдек бир томони тўқсон қадам, уртадаги чорси даволаш хоналари, ошхона, лифт майдонларининг атрофи юз эллик қадам эди. Мен ҳар куни гоҳ тўқсон қадамлик палаталар жойлашган томонни ўн икки-ўн тўрт марта айланиб чиқардим, гоҳ одамлар кам пайти чорси майдонда тахминан шунча юрардим.

Даҳлизга чиққанимда Татьяна Дмитриевнага дуч келдим. У менинг олдимга келаётган экан.

— Ўзингизда бўлиб туринг. Соат унда докторлар кўришади, — деди у.

«Консилиум бўлса керак», — хаёлимдан ўтказдим.

Ўндан бироз ошганда мени чақиришди. Булимнинг мажлислар залига кирдим. Мен кўрган булимдаги фан докторлари, профессорлардан ташқари янги одамлар ҳам бор эди. Улардан биттаси радиолог, иккинчиси хирург экан. Томоғимдаги трубкани олиб қўйиб, узоқ кўришди.

— Стома атрофи гулдаста, — деди булим бошлиғи профессор В. В. Шентал. — Муродхужаев телефонда менга айтган эди.

Тугри чиқди. Процесс иккала томонда бор. Аммо ичкарига утмаган.

— Чап томондаги шиш чандиққа ўхшайди, — деди нотаниш хирург томогимдан бармоқларини олмай.

— Йўқ, процесс, — эътироз билдирди Виктор Валентинович.

Хирург жавоб бермади. Ичимда унинг Шентал билан баҳслашишини истардим, чунки ТошМидагилар процесс озгина ўнг томонда пайдо бўлибди, бу ҳеч гап эмас, беш-ўн марта нурланиш билан ўтиб кетади, дейишган эди. Шундай бўлиб чиқишини бутун вужудим билан истаган ва ўзимни шунга ишонтиришга интилган эдим. Одам яхши гапнинг гадоси. Минг афсуски, ҳар доим ҳам яхши гап фойдали бўлиб чиқармайди. Бутун ёз бўйи Тошкентда профессор К. мени яхши гап билан овутди, касалимнинг илдизини тополмай ўзини ҳам, мени ҳам қийнади. Клиникада у икки-уч соатгина бўлиб, беморларни юзаки, чала-чулла кўриб, кетиб қоларди. Шенталга, Наримон Муродхўжаевга ўхшаб иш кунининг охиригача касалхонада бўлмасди. Унинг шогирди Б. Б. сунги операция пайти олган биопсия натижасини мен узоқ кутдим. 13 кун деганда жавоб келди. Тасодифан билиб қолдим. Б. Б. Киевга командировкага кетиб, менга қараб туришни ёш бир ординатор йигитга топширган эди.

Ўн учинчи куни эрталаб ундан жавоб келдим, деб сўрадим.

— Кеча келган, — деди у. — Профессорга берганман.

— Ёмонми?

Ҳали алдашга ўрганмаган йигит ўзини йўқотиб қўйди.

— Профессордан сўранг, — деди кўзларини олиб қочиб.

Дарҳол тушундим. Ичим муз бўлиб, оёқларим бушашиб кетди. Лекин ўзимни тутиб олиб, профессор кабинетига бордим. Ўзида экан. Нимадир чайнаб ўтирарди.

— Биопсия натижасини билсам, — дедим унга. — Кеча келган экан.

— Ҳа, зарур иш билан кетиб қолиб, Сизга айтолмадим. Энди айтмоқчи бўлиб турувдим. — У озгидаги нарсани ютиб, ўрнидан турди. — Хафа бўлманг, нурланиш билан даволанапсиз, ўтиб кетади...

Мен қулоқ солмай чиқиб кетдим. Шундан кейин уни кўрганим йўқ. Уйда бир ҳафта бўлиб, профессор Н. К. Муродхўжаев таклифи билан Москвага жўнадим. Яхши гап билан профессор К. қўйнимни пуч ёнгоққа тўлдирди, унга ишондим. Минг афсуски, яхши гап даволамади, касалим зўрайиб кетди. Мана, чап томоним ҳам соғ эмас экан. Буни ҳеч ким Тошкентда билмаган, шу сабабдан фақат томогимнинг ўнг томониغا радиация нурлари берилган, холос. Ўн мартадаёқ шишлар бироз қайтди.

Хирург кўриб бўлиб, менга қараб жилмайди.

— Сизга жавоб. Душанба куни директор ҳузурида бир қарорга келамиз.

— Умид борми?

— Хотиржам бўлинг, — деди нотаниш хирург тирсагимни қисиб.

Мен чиқиб кетдим.

Орадан кўп вақт ўтмади. Палатага Татьяна Дмитриевна кириб келди.

— Хуфия бир гап айтмоқчиман, — деди у. — Директоримиз катта хирург, тезкор, дадил одам. У операция таклиф қилади. Сиз рози бўлманг. Сизни аввал нур билан, кимёвий терапия билан даволаганимиз, кейин лозим бўлса операция қилганимиз маъқул. Шуни талаб қилинг.

— Операциягача қанча даволайсиз?

— Касалхонада узоқ бўлишингизга тўғри келади. Нурланиш тўрт-беш ҳафта давом этади. Келишдикми?

Мен бош қимирлатдим. Аммо дилимга гашлик чўқди. Одатда ўлаётган одамдан охириги чора сифатида операцияга розилик сўрашади. Наҳотки, мен шундай аҳволда бўлсам? Йўқ, сиҳатим яхши, эс-ҳушим жойида. Томогимдан бостириб келаётган касаллик билан ҳали қурашаман, қараб утирмайман. Худо хоҳласа, соғайиб кетаман шу ердан. Аммо Татьяна Дмитриевна дилимга шубҳа ҳам солиб кетди. Нима яхшилигини мен — шифокор бўлмаган одам қаердан биламан? Шу заҳоти иккинчи фикр келди. Умид билан, жаҳонга номи кетган шу марказга келдим. Тошкентдан хат марказ раҳбарлари номига ёзилган. Улар мени ўз касалхоналарига жойлаштиришиди. Қандай йўл билан даволашни улар яхши билишлари керак. Наҳотки, менга ёмонлик исташса, ё ҳафсаласизлик билан қарашса? Бундай бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун, нима дейишса шунга рози бўлиш керакми? Аммо мендан истагимни сўрашса, Татьяна Дмитриевна берган маслаҳатни айтаман.

Шуни ўйлаб, бир оз тинчидим. Палатага кириб, ёнбошладим. Лекин тинчлигим бузилган эди. Ҳарҳолда биронта одам билан, масалан, Наримон Муродхўжаев биланми, ё мени операция қилган Погосов биланми маслаҳат қилинса, ёмон бўлмасди. Қани энди шу тоб овозим пайдо бўлиб қолса-ю, шу одамлар билан телефонда ўзим гаплашсам! Менда бундай имконият йўқ, бўлмайди энди. Телефонда мени фақат хотиним ва кизимгина тушунишади. Айниқса, одам кўп, сершовқин жойдан гапирсам. Зўҳрани қанчалик аямай, унга телефон қилгим келиб кетди. У холасининг ўзи тенги кизи Фаиляларникида менга қозон овқат қилиб келмоқчи эди. Овқатдан ҳам кўра менга ҳозир Зўҳранинги ўзи, маслаҳати керак. Биламан, телефон қилмаслигим керак. Қилсам яна ташвишга қўяман. Лекин шуни била туриб, телефон қилдим. Эртароқ келишини сўрадим. Бечора уша заҳотиёқ етиб келди.

Зўҳра, севгилим, яккаю яғонам! Сабр-тоқатингга, меҳрингга, ақл-фаросатингга балли! Яхши ҳам ҳаётда сенга дуч келдим. Меҳрибон дўстим, маслаҳатгўйим, таянчим!.. Сен ҳар доим мени, менинги тинчлигим, обрўйим, фароғатимни ўйладинг. Энди ҳеч иккиланмасдан, сидқидилдан айтишим мумкинки, сен бутун

ҳаётингни менга бағишладинг. Қувончларимдан қувондинг, қайгуларимдан қайгурдинг, мен учун мендан кўпроқ азоб чекдинг. Бетоб кунларим бутун вужудинг, меҳринг, дилинг билан менга малҳам бўлдинг!.. Мана ҳозир ҳам ёнимдасан. Илкони бўлса, менинг дардимни шундай сугуриб олсанг-у, ўзингинг ичинга солсанг! Йўқ, жоним, сенинг соғ юрганинг менинг бахтим, қувончим. Ҳали қизимизни узатасан, неварга кўрасан, Худо менга яна қанча умр берган бўлса, ёнимда бўласан. Сенсиз менга бу ҳаёт қоронгу...

Зухра гап нимадалигини дарҳол тушуниб, мени юпатди.

— Аввало ҳали директор сизни кўргани йўқ, ҳеч нарса таклиф қилгани ҳам йўқ. Кейин умид билан шу даргоҳга келдик. Улар нима деса, шуни қилайлик. Лекин сиздан сўрашса, майли, юрагингиз нимага чопса, шуни айтинг. Аммо уларга ишонинг. Кўпчилик бўлиб сизни уйлашяпти, кўпчилик бўлиб тўтри йўлни танлашмоқчи.

Анча тинчидим. Ҳеч ким билан маслаҳат қилишга ҳожат қолмади. Шундай бўлса ҳам мени оғир уйлар гирдобига қолдирмаслик учун Зухра шанба куни эрталабданоқ касалхонага етиб келди. Бирга чой ичдик. Профессор Давидовга нима дейиш ҳақида у ҳам, мен ҳам оғиз очмадик. Кеча қароримизга нуқта қўйган эдик.

Тушга яқин угра оши кутариб, Азиза келди. Азиза менинг яқин танишим, шу марказга келишимга катта ҳисса қўшган одам, Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг иш бошқарувчиси уринбосари Рихсивой Раҳмонович Муҳамедовнинг синглиси. Биздан уч-тўрт кун кейин улар оналарини шу марказга даволаш учун олиб келишган эди. Зухра бир неча марта марказнинг учинчи қаватида ётган нуруний аёлни куриб чиқди. Рихсивой Раҳмонович ҳам уч марта мени куриб кетди. Мен у кишидан ниҳоятда миннатдорман. Бахтли бўлсин, мартабаси янада баланд бўлсин, ҳамма ниятларига етсин!

Шу ўринда айтиб ўтишим керак, мен ҳам бахтли одам эканман. Касалликка чалинаверганимдан кейин атрофимда ниҳоятда яхши одамлар кўп эканлигини кўрдим. Улар мени ёлғизлатиб қўйишмади. Қачонлардир мен ишга жойлаштирган журналист, ҳамкасб укам Тоҳир Малик, маданият жонкуярлари Маҳмуд Муродов, Давлат Алимовлардан тортиб ҳурматли президенти-миз И. А. Каримовгача менга гамхўрлик қилиб келишяпти: иш беришди, унвон, яхши пенсия... Рихсивой Раҳмонович шу тоифа одамлардан! У билан Ўзбекистон КП Марказий Комитетида бирга ишлаган эдик. Рўпара хоналарда утирар эдик. Кейин у Фанлар Академиясида ишлади. Уша пайтдаги Академия президенти, мени яхши биладиган ва ёзувчи сифатида чуқур ҳурмат қиладиган олим Пўлат Ҳабибуллаев унга яхши муносабатда бўлди. Мана энди Рихсивойнинг ўзи катта лавозимни эгаллаб, одамларга қўладан келганича ёрдам қиляпти.

Марказда охириги марта мени кўргани кирганида бош врач

Е. Г. Кондратьев бирга келди. Рихсивой Раҳмонович яна бир бор унга мени таърифлаб, яхшироқ қарашни илтимос қилди.

— Хавотир олманг, хабардор бўлиб тураман, — ваъда қилди Е. Г. Кондратьев.

Азиза билан Зухра дарҳол тил топишиб, турли хил овқатлар пишира бошлашди. Турли кўкатлар, райҳон сепилган утра ошини ичиб ўтирганимда, Азиза, қозон бўлганида палов қилардик, деб қолди. Зухра эрталабоқ Фаияларниқидан қозон, элчихона-мизга яқин бозордан янги қўй гўшти олиб келадиган бўлди.

Эртасига, якшанба куни, эрталабдан бошлаб, улар ошнинг ҳаракатига тушишди. Фаияя икки килограмм гуруч дамласа бўладиган қозон берибди. Олган гўштини кўрсатаётиб, Зухра мақтай кетди:

— Эркин савдо, эркин нарх-наво тўқчилик олиб келадиганга ўхшайди.

Ишқилиб унинг айтгани келсин. Мен унинг гапларига қулоқ солиб туриб, Олой, Эски шаҳар бозорларини эслаб кетдим. Яхши ҳам ўзбекнинг бахтига бозорлар бор. Ҳамма керакли нарсани ўзбек бозордан топади. Тирикчилиги бозор билан утади. Эсимни танибманки, шундай. Ажаб эмас, мустақиллик, эркинлик жафокан элимга чинакам бахт келтирса! Мустақилликнинг дастлабки икки йили шундай бўлишидан дарак бериб турибди.

Электр плита ошга қувватсизлик қилибди. Ош биров юшкоқ бўлибди. Лекин барибир, она юртдан тўрт минг километр наридаги касалхонанинг ичида ўзимизнинг икки миришкор аёл пиширган қўлбола ошни кўриб, дилим тоғдай кутарилиб кетди. Аввало таниш ҳиди димогимни олди. Кейин тўйнинг ошидек олтин ранги кўзларимни қувонтирди. Бунинг устига дилимдан ўтган нарса — саримсоқ ҳам солишибди. Кичкина чуст пичоғининг учи билан сувга солиб қўйилган кўм-кўк турпни «синдир»дим. Учинчи қаватда Азиза онаси билан, унинг чаватда мен Зухра билан юртимизнинг нафаси теккан, тупроғида унган масалиқлардан пишган, пазанда элимиз хўп уйлаб топган ошни едик. Қани энди қанот пайдо қилсам-у, Тошкентга учиб борсам! Ошхонага кириб, қор гупуллаб ёғиб турганига қарамай, Азиза билан Зухрага ўзим ош қилиб берсам! Худо хоҳласа, қилиб ҳам бераман. Фақат уларгагина эмас, қавми-қариндошларимга, дўст-биродарларимга, қизимга, мени катта ҳурмат қилиб келаятган маҳалладошларимга ҳам қилиб бераман.

Ё Худо, ҳар нарсага қодир, қудратли Парвардигор! Бандаларинг қатори мендан ҳам марҳаматингни аяма, ўзинг шифо бер! Шу ердан тузалиб, соғ-саломат уйимга етай! Узинг қўлла мени. Қолган умримни тоат-ибодатда ўтказай, қувватим, илконим еганича элимга, юртимга хизмат қилай. Эй қодир Худо! Шафқатингни аяма. Қанча умр берган бўлсанг, энди ҳаммасини гуноҳларимни ювишга, пок хайрли ишларга бағишлайман. Эртаю кеч сен тилимда, дилимда бўласан. Оллоҳим...



Қизим! Умида...

2 ноябрь 1993 йил эрталаб соат 8.00 да ҳовлиқиб Татьяна Дмитриевна, кетидан В. В. Шентал кириб келишди.

— Юринг тез, Сизни директор кутяпти! — деди ҳар доимгидек қистаб Шентал.

Яхши ҳам ювиниб бўлиб, кийинаётган эдим, ортларидан юрдим. Негадир хотиржам эдим.

Институтнинг янги директори М. И. Давидов кўпчилик мақтаётган шу даврнинг истеъдодли хирургларидан эди. Шу сабабдан директор этиб тайинланган бўлса ҳам, марказнинг кўкрак қафасидаги касалликлар бўлимини бошқариб турарди. Кабинети мен ётган бўлимдан бир қават юқорида экан. Чиндан ҳам у бизни кутиб турарди. Сурашди, кейин мендан трубкани ечишимни илтимос қилди. Татьяна Дмитриевна ёрдамида ечдим. Узоқ кўрмади. Бўйнимни, томогимни босиб-босиб ушлаб чиқди. Шентал гапириб турди. Процесс ичкарига ўтмаган, трохеястоманинг бошида, дегани қулогимда қолди. Ичимда яна бирмунча таскин топдим. «Ишқилиб операцияни ўзи қилишга рози бўлсин-да!» — дердим ичимда. Гап шундаки, кеча кечқурун Зуҳра билан телефонда гаплашганимда, у иттифоқо Нукусдан келган йигит, М. И. Давидовнинг аспиранти билан элчихонамизда учрашиб қолганини айтди. Омонжўл Боймуҳамедов экан. Бу йил номзодлик диссертацияси ёқлар экан. Шу Давидов қўл остида ишлаётган экан. Зуҳра унинг мен билан учрашишини айтди. Давидовдан агар операция лозим бўлса, ўзи қилишини сўрайдиган бўлибди. Мен хурсанд бўлдим.

Кечқурун соат ўнларда Омонжўл палатамга кириб келди. Ярим кечагача гаплашиб ўтирдик. Касалимни унга бошдан охиригача айтиб бердим. Омонжўл эрталаб келиб, Давидов билан гаплашиб қўядиган бўлди. Аммо Давидов мени соат саккизда қабул қилишини ҳеч ўйламабмиз. Албатта, Омонжўл ҳали марказга келмаган, демак, Давидов билан гаплашмаган эди. Бу Давидовнинг кабинетига киришим билан маълум бўлди. У мендан ҳеч нарса сурамади, ўзи ҳам ҳеч нарса демади. Шентал эса, менга оғиз очирмади. Давидов мени кўриб бўлиши билан:

— Кетавернинг, сизга жавоб, — деди.

Индамай чиқиб кетишдан бошқа иложим йўқ эди. Палатамга келиб, трубкамни ювдим, эҳтиётлик билан томогимга соддим. Кейин нонушта қилдим. Нима еганим, нима ичганимни билмадим. Вақт ўтказиш ниятида ошхонада узоқ чайналиб ўтирдим.

Орадан икки соатча ўтди. Палатага киришим билан орқамдан Шентал чақирди:

— Хотинингиз қачон келади?

— Яқин орада. Нима эди?

— Келиши билан Татьяна Дмитриевна, сиз, хотинингиз гаплашиб оламиз. Хотинингизга қулоқ солар экансиз, — деди у. Бу

билан у бизни бир-биримизга булган муносабатимизни мақтади-ми, танқид қилдими, англаб ололмадим. Менга унинг фикрини мутлақо аҳамияти йўқ эди. Ҳаммага ҳам шундай хотин буюрсин. Зуҳра келиши билан унинг олдига киришга ваъда бердим. Ҳар эҳтимолга қарши меҳмонхонага телефон қилдим. Зуҳра жавоб бермади. Демак йўлда, ҳали-замон келиб қолади. Автомат-телефон трубкасини қўйишим билан лифтдан Зуҳра чиқди. Қўлидан ушлаб палатамга олиб кирдим. Бир нарса юз берганини у сезди. Булган воқеани айтиб берган эдим:

— Мен Давидов билан учрашишим керак! — деди қатъий равишда Зуҳра ва шошиб чиқиб кетди.

У кетиши билан Татьяна Дмитриевна келди.

— Улар сизни операция қилишмоқчи. Менинг таклифимга қўшилишмаяпти, — деди у.

— Ким операция қилади? — сўрадим дарҳол.

— Давидов. Ёнида мен, Шентал буламиз.

Мен отилиб палатадан чиқиб кетдим ва ўн биринчи қаватга кутарилиб, Зуҳрани қидира бошладим. Давидовнинг кабинети қулф эди. Бўлимнинг операция хоналари, марказ директорининг асосий кабинети учинчи қаватда эди. Тушишга журъат қилмадим. Узун, ойнаванд йулакдан ўтиш керак. У ерда ҳар доим изгирин шамол эсиб туради. Палатамга қайтиб тушиб, Зуҳранинг қайтишини кута бошладим. Бир маҳал у суюниб кириб келди.

— Давидовни топдим, гаплашдим. Ўзи операция қиларкан!

Мен уни бағримга босдим, Татьяна Дмитриевна кирганини айтиб бердим.

Аммо севинчимиз узоқ давом этмади. Шентал хонасига кирганимизда, кайфиятим бузилиб кетди. Кўрдим: Зуҳра бечора ҳам галати бўлиб, бирпасда ранги ўзгариб, қорайиб кетди.

— Икки йўл бор, — деди Шентал. — Биттаси нур билан, кимёвий терапия билан даволаш. Иккинчи йўл — операция. Очигини айтаман, оғир, узоқ операция. Кўкрак қафасини очиб керак, юқори қовурга суягининг бир бўлагини кесиб керак, бошқатдан уни қўйиб бўлмайди албатта. Кейин трубкани пастроққа туширамиз. Чунки операция натижасида трохея калта бўлиб қолади. Операция яхши ўтади деб айтолмайман. Танланг. Бу ихтиёрий нарса. Шахсан мен операция тарафдориман. Лекин тузалиб кетишингизга қафиллик беролмайман. Бундан ташқари, операциядан сўнг сизга жисмоний қийнчилик ҳам тугилиши мумкин. Уйланг, бугун кечгача жавоб беринг.

Мен бундай бўлишини кутмаган эдим. Албатта, ростини айтишим керак, оёқларимгача бўшашиб кетди. Палатага қандай келганимни билмайман. Демак, операциядан омон чиқмаслигим мумкин. Тўғри, улим ҳар кимнинг бошида бор. Аммо бундай операциядан мажруҳ чиққанимда ҳам яшашни истамасдим. Мажруҳ бўлиш, жиндеккина бўлса ҳам чиқиб турган овозимни йўқотиш, томогимдаги нафас тешигини пастга, кўкрак суяклар

рининг уртасига тушириб яшаш — менга оғир. Кейин кукрак суяклари кесилган одам юра олиши мумкинми, йўқми — номаълум. Бундай яшашдан кўра ўлим афзал. Яқинда олтишига кираман. Уч-тўрт ой қолди. Улуғ кишилар, танишларим, дўстларим, ҳамкасбларим билан сира ҳам ўзимни тенглаштиргим йўқ. Аммо умрларимизни солиштирганда мендан анча ёш булган ҳолда бу дунёдан ўтиб кетганлар ози?! Пушкин, Лермонтов, Бобур... Чулон-чи? Усмон Носир-чи? Дўстларим Гани Расулов, Абдуазимов, Жуманиёз Абдурахимов, Ботир Зокиров, Дамир Шокиров, Уктам Усмонов... Рўйхатни яна давом эттирса бўлади. Лекин хожати йўқ. Уларнинг ҳаммаси узоқ умр кўришга ҳақли эдилар. Узоқ яшасалар мендан ҳам зиёд ўз юртлири, элларига (мен улугларни эмас, ўз дўстларим, ҳамкасбларимни назарда тутаялман) хизмат қилишлари мумкин эди. Афсуски, бераҳм ўлим улар ҳали эликка кирмасларидан, атоқли режиссёр Дамирни эса ўттизга кирмасдан олиб кетди. Владимир Висоцкий, Андрей Миронов, Олег Дал ҳам ёш кетдилар бу дунёдан. Мен улардан кўпроқ яшадим, яшаялман. Пешонамга шу ёшимда ҳаётдан кўз юмиш ёзилган бўлса, майли, шу дақиқани кутиб оламан. Фақат Умида менсиз эзилади. Ўн тўрт ёшда отасиз қолиши, уртоқлари олдида... қийналади. Биламан, Зухрага ҳам оғир бўлади. Лекин у иродали, ақлли аёл. Қизининг етим қолганини ҳеч кимга сездирмайди, бадавлат хонадоннинг қизларидек кийинтиради, тарантиради.

Татьяна Дмитриевна палатага кириб келди.

— Албатта ихтиёр узингизда. Лекин мен аввалги фикрданман. Нур, кимёвий терапия операциядан афзал.

Мен унинг маслаҳатини қабул қилдим. Эртага Шенталга шундай жавоб беришни Зухрага айтдим. У ҳам рози бўлди.

Яна аниқлик пайдо бўлгандек эди. Бу орада Омонжўл марказнинг иккинчи бош ва бўйин шишлари бўлимнинг бошлиғи фан доктори Е. Г. Матягин билан гаплашиб, мени унга курсатадиган бўлди. Бу одамни Зухрага Погосов ҳам тавсия қилган экан. Дарҳол йигирма учинчи қаватга кўтарилдик. Е. Г. Матягин ёш, баланд бўйли, ўзига ишонган одам экан. Мениа кўриб бўлиб, операцияга рози бўлишимни таклиф қилди.

— Сиз ўйлаганчалик, Шентал айтганчалик операция оғир бўлмайди. Албатта кукракни очиш керак, лекин нафас тешигини жойида қолдирса бўлади. Юқори суяк бироз кесилади. Шу холос. Агар истасангиз мен Михаил Иванович билан гаплашай, ўз мулоҳазамни айтмай.

У шундай деб биз билан хайрлашди. Менинг фикрим ўзгармади. Аввало у марказ директорининг фикрига қарши чиқолмайди. Буни мен тушунаман. Назаримда у мени овутиб, операцияга кундирмоқчи бўлди. Иккинчидан, у ҳам хирург, масалани тиг билан ҳал этиш тарафдори.

Кечки пайт Зухра кетиши олдидан Татьяна Дмитриевнага учрадим.

— Сиз айтгандек қиламан. Аммо Шенталга бугун жавоб бермайман.

— Тўғри, шошилманг, — деди у.

Останкино телевидениесининг олтинчи каналида «Тун бўсагасида» фильмининг давоми кетаяпти. Овозини пасайтириб қараб-қараб қўяман. Анчагина мураккаб асар кўринади. Аммо мениннг ҳозирги аҳволим ундан ҳам мураккаб. Эртага мени нима кутаётганикин? Худонинг хоҳиши билан мўъжиза юз бериши мумкинми? Яъни, докторлардан биттаси келиб, тамограф нотўғри кўрсатибди, сиз соғсиз, дейиши мумкинми?

Албатта бу хаёл, бундай бўлмайди. Тақдирга тан бериш керак. Нур, кимёвий терапия билан даволанаман. Имкони борича улим билан курашаман. Татьяна Дмитриевна билан радиологларнинг ҳамма айтганларини қиламан. Негадир уларга ишоналман. Зора шу ишонч умримни узайтирса!

Қизиқ, қандай қилиб мен шу касалга чалиндим? Нега Кашир катта йўлидаги қомбинатдек касалхонада ётибман? Студентлигимдан чекдим. Барча соғлом одамлар, дўст-биродарлар қатори ичдим. Балки шуларданмикин касалим? Йўқ, шундай десам тўғри бўлмайди. Асл сабаб асабда, шамоллашга бепарволик қилинганида. Буни менга ҳинд врачлари айтишди. Кувейтда бўлганимда амирнинг врачлари ҳам шу гапни тасдиқлашди. Белгияда ҳам шу фикрни билдиришди.

Биринчи марта томогимнинг чап томони ютинганимда нина санчгандек огриётганини Ёзувчилар уюшмасида ишлаётганимда сездим. Сут ичдим, дори-дармон қилдим. Кўпчилик олдида гапирётганимда овозим илгаригидек эркин, баланд чиқмаётганини кўрдим. Поликлиниканинг лор доктори томогимга ёғ суртиб турди. Наъматак ёғи. Ингаляция қилдим. Фойда бермади. Маданият министрлигида ҳам бирмунча қийналиб гапириб юрдим. Аммо ҳеч ким, биринчи гада ўзим жиддий қараганим йўқ. Меҳнат отпусказида стационарда ётиб даволанишни ниҳоят лозим топдим. Шунда орадан икки йил ўтиб кетган эди.

Стационарда Зухра билан Умида бирга боришди. Ёзнинг охирлари эди. Қабулхонада ҳужжатларимни кўришиб, зудлик билан ётқизишга тайёрлашаётганида, мени телефонга чақиришди. Бош врач хонасига кириб, трубкани олдим. Телефонда Ислом Абдуганиевич Каримов эди. Хавотир олиб телефон қилаётган экан. Ҳаммасини айтиб бердим.

— Шошмасдан, яхшилаб даволанинг, ишни хаёлингиздан кутаринг, — деди у киши.

Миннатдорлик билдирдим. Лекин барибир долзарб пайтда касалхонага ётаётганимдан ранжидим. Ётмасликнинг эса илжи йўқ эди. Минбарлардан гапиришга қийнала бошлаган — овозим хириллаб бошлаётган эди.

Станционар фойда бермади. Профессор К. бу ерда ҳам асосий маслаҳатчи ва даволовчи эди. У эски гапини (қаттиқ шамоллаганимни) қайтарди. Дорилар берди. Электрофорез тайинлади.

Томоққа ёғ суриб туришни буюрди. Ҳар сешанба куни келганида беморларни куришни мендан бошлар эди. Куриб мени ҳам, узини ҳам хурсанд қиларди.

— Тузуксиз. Анча тузук!..

Яхши гапга илон ҳам пуст ташлайди, дейди халқ. Унинг гаплари менга ёқарди, яқин орада мутлақо тузалиб кетишимга умида боғлаб у билан хайрлашардим, миннатдорчилик билдирардим.

Ҳозир ҳам, аҳволим ниҳоятда оғирлашган, охирги ҳаёт чега-расига етиб борган пайтимда ҳам ундан хафа эмасман. Касалимни билолмади. Шундай уйлаганим маъқул. Агар билиб туриб яширган бўлса, тегишли даво йулларини топишга, қўлашга интилмаган бўлса, бу одамгарчиликдан эмас. Гипшократ қасамига хилоф. Албатта у билмаган, худди менинг ўзимга ўхшаб тузалиб кетишимга ишонган.

Зухра кетганидан сўнг, ёлғиз қолиб, унга берган маслаҳатларимнинг (васият деса ҳам бўлади) қанчалик тўғрилигини ўйлаб кетдим. Учта китобни тайёрлаб қўйганман. Иккитаси келишиб ҳам қўйилган. Танланган қиссаларим Ғ. Гулом номидаги нашриётда чиқиши керак. Янги романим — «Фотима ва Зухра» «Шарқ юлдузи» журналида босилади. Баъзи бир қисқартишлар билан Омон Мухторов, Тоҳир Малик янги йилдан чиқаришни айтишган. Роман маъқул бўлибди. Бу бўлим ходимларининг фикри. Шу романини «Ёзувчи» нашриёти кейин чоп этиши керак. Ҳаммасини гаплашганман. Янги «Оқсоқол» номи пьесам машинкада. Ҳамза театрига бериш керак. Чунки бош ролларни Ёқуб Аҳмедов ва Теша Мўминовларга мўлжаллаганман. Рустам Ҳамидов қўйса, айни муддао. У мени тушунди. Ўзича ўзгартишлар қилмайди. Ташқи эффектни ёмон кўради. Уйда ўн бешта янги ҳикояларим турибди. Яхши битта тўплам бўлиши мумкин. Кейин ҳамма қўлёзмаларимни, нусхаларни Азиз Пулатович Қаюмов раҳбарлигидаги институтга топшириш керак. Ҳарҳолда одамлар у ерда кўпроқ менинг ёзганларим билан танишишлари мумкин. Бундан ташқари оилага қандайдир моддий ёрдам ҳам бўлади.

Зухра диққат билан қулоқ солиб ўтириб, жилмайди:

— Худо хоҳласа, шу ишларнинг ҳаммасини ўзингиз уйга қайтиб бориб бажарасиз. Мен ёрдам бераман.

Мен ҳам жилмайдим. Қўлини олиб юзларимга суртдим. Ишқилиб айтганинг келсин. Албатта шу ишларни ўзим қилганим маъқул. Бунинг устига ёзишга тайёр турган режаларим бор. Уларни ҳам қоғозга туширсам, анча кўнглим тулади. Жамоат, давлат ишлари билан бўлиб ижодий мўлжалларимга вақтим етмади. Энди уйда ўтириб, шошмасдан, хотиржам ёзишим мумкин. Ҳикоялар, пьесалар, яна битта роман ёки қисса. Ёмон бўлмайди шулар қоғоз юзини кўрса.

Кечасини бирмунча тинч ўтказдим. Олти яримларда турдим. Ундан олдин гира-ширада тушимда кўрдимми, ё хаёлимдан ўт-

каздимми, А. Толстойнинг «Иван Ильичнинг ўлими» асари дилдан ўтди. Кўз олдимда Иван Ильичнинг сўнги дақиқалари пайдо бўлди. Қаёққадир узун, қоронги йўлакдан учиб кетаяпти. Йўлакнинг охирида ёруғлик доира чизиб турибди. Мен ёнма-ён кетаяпман. Хурсандлигим, хафалигимни билмайман. Тинчман, аммо юрагим шувиллаб кетаяпти... Чучимасдан уйғондим. Ювиниб, соқол-мўйловимни олиб, озгина кофе қайнатиб ичдим.

Соат саккизда Шентал кирди.

— Хуш, нима қарорга келдингиз?

— Виктор Валентинович, — дедим хотиржамлик билан, — Кеча ҳеч нарсани, операциядан кейин мени кутаётган жисмоний қийинчиликларни яширмай рўй-рост гапириб бердингиз. Операциядан тўчмайман. Лекин кейинги аҳволим менга тўғри келмайди. Шунинг учун нурланишни танладим.

— Яхши, — деди у. — Мен тўғри йўл танладингиз деб ҳисоблайман.

Ниҳоят ҳамма нарса ойдинлашди. Нур, кимёвий терапия ўлимдан асраб қолишига ҳеч ким кафил бўлмайди. Лекин жароҳатланган қисмларни торайтириб, осонроқ операцияга олиб келиши мумкин. Баъзида мутлақо одамни соғайтириб, рақ балосидан қутқаради. Татьяна Дмитриевна, у тавсия қилган радиолог врач Сергей Иванович шундай фикрда. Ажаб эмас, Худонинг хоҳиши билан бу менга канадек ёпишган касалдан халос бўлиб кетсам! Ноумид, шайтон.

Қароримни, Шенталнинг келиб кетганини ва унинг муносабатини Зухрага айтиш учун телефон-автоматга шошилдим. Бирон соатдан сўнг ўзи ҳам келади. Лекин сабрим чидамади. Вужудимга қайтган қувват, нисбий бир тинчлик билан уни ҳам тинчитгим келиб кетди. Аммо улгурмадим. Зухра ўзи кириб келди. У кеча кечқурун Пагосов билан узоқ гаплашибди. Ҳар доим операция тарафдори бўлган хирург бу гал менинг қароримни маъқуллади. Мен эса Зухрага Шентал билан эрталабки суҳбатимни айтиб бердим. Операцияга рози эмаслигимнинг яна бир томони бор эди. Зухра аёл боши билан, агар операция фожиаги тутаса, мени соппа-соғ олиб келиб, тобутда юргимга олиб кетишга чидай олмайди. У билан фалокат юз берса, Худо кўрсатмасин, ё оғир касалга чалиниб қолса, Умида нима бўлади? Йўқ, мен тўғри йўлдаман. Беш кун олдин, беш кун кейин. Аммо уйга Худо хоҳласа, ўз оёғим билан кетаман, уйимиз эшигини ўз қўлларим билан очаман, оёқда туриб қизим, укаларим, дўст-биродарларим билан куришаман.

Шуларни ўйлаб, ёзиб ўтириб, машҳур афсона эсимга тушиб кетди. Эсингизда бўлса керак, қарга билан бургут ҳақидаги афсона...

Қарга бургутга мақтанибди:

— Мен уч юз йилдан зиёд яшайман. Сен эса ўттиз йил ҳам умр кўрмайсан.

Бургут унга шундай дебди:

— Сен уч юз йил ҳар куни чирик нарса, мурда қидирасан. Мен фақат иссиқ гушт ейман. Розиман уз ҳаётимдан.

Бу афсонанинг менга маъқул бир томони бор эди. Мажруҳ бўлиб, жисмонан яримта бўлиб, номигагина узоқ яшашдан кура, танамдаги биронта аъзоимни кестирмасдан шу ёшимда оламдан ўтганим маъқул.

Болаликни ҳисобга олмаганда, эсимни таниганимдан бери элик олти ёшимгача деярли касаллик нималигини билмай яшадим. Бу Худонинг менга кўрсатган марҳамати. Минг қатла шукр. Қизим учун яшаб, уни эр-хотин бир бўлиб, оёққа тургаз-сак, яхшилаб узатсак, унинг бахтли яшашига ишонч ҳосил қилсак — бўлди. Менга шу кифоя.

Зухрани палатада қолдириб, радиология ва нурланиш бўлимига кетдим. Йўлақдан йўлакка, ойнавандли узун осма даҳлиздан икки марта айланиб ўтиб, марказ минорасининг биринчи қаватида жойлашган радиология ва нурланиш бўлимнинг эшигини очиб бордим. Сергей Иванович узида экан. Ҳамкасби Лимаков Борис Иванович билан маслаҳатлашиб, мени бўлим бошлиги, профессорга аввал курсатиб олишни лозим топганини айтди. Бирпас кутдик. Профессор келасолиб, мени чақирди, кўрди. Кейин менсиз узоқ гаплашишди. Ниҳоят Сергей Иванович, чиққанидан сўнг қабул қилинган режани айтиб берди. Эртага, яъни 4 ноябрда эрталаб яна бир марта профессорнинг тақлифларини инobatта олиб, қаерларимга қанчадан нур беришни рентгенхонада, томографда мўлжаллаб олишди. Қайси кунлари нур беришларини, қайси кунлари кимёвий терапия билан даволашни, мен англаб етмаган яна бир чорани — гцаротермияни ҳисоб-китоб қилиб чиқишди. Жума кундан бошлаб, даволашга киришишди.

Палатага келиб, бўлган гапни Зухрага айтиб бердим. Айтгандек, йўлда мен ётган бўлим профессорларидан бирига дуч келдим. У консилиумда қатнашган эди.

— Хўш, нимада тўхтадингиз? — сўради у.

— Операция қилдирмайман. — дедим унга.

— Жуда тўғри. Инсоннинг ҳамма аъзоларини операция қилиш мумкин. Лекин яшаш керак-ку?! — деди у. — Даволанинг, операция қочиб кетмайди. Агар зарурат пайдо бўлиб қолса, албатта.

Зухра Рихсивой Раҳмоновичнинг онасидан хабар олиб, пастдаги пансионатда овқат қилиб келмоқчи бўлди.

— Яхши гушт олиб келганман. Қўй қовурғаси. Азизахон, оналари ҳам хурсанд бўлишди.

Қаршилик билдирмадим. Ёлғиз қолиб, қўлимга қалам олдим ва соғлом кунларимдагидек ушбу мактубларни енгиллик билан ёза бошладим.

Умида! Энди буёғини эшит...

Эрталаб, радиология ва нурланиш бўлимига бордим. Мени қайтадан рентгенга солишди, компьютерли томографда куришди. Кўкрагим, бўйнимга кўк буюқдан янги белгилар қўйишди. Бу белгилар аввалгиларидан пастроқда, кўкрагимнинг купроқ қисмини эгаллаган эди. Демак, мен тўғри қарор қилибман. Агар операцияга рози бўлганимда, шу белгилар қўйилган жойлар арраланарди, кесиларди. Оқибати нима билан тугарди — айтиш қийин. Балки ростмана одамларга ўхшамай, томогимдан нафас олаётган анчайин мураккаб аҳволим яна ўн, балки юз чандон оғирлашармиди! Қаддими ростлаб юролмай қолармидим! Бунга бутунги белгилардан сўнг тула ишондим. Татьяна Дмитриевнага радиологиядаги ишларимни айтиб бердим. Сергей Иванович Таачев, Борис Дмитриевич Лимаков Татьяна Дмитриевна билан бирга энди мени даволашди. Эртага соат ун бирда купдан бери айтиб келишайтган кимёвий дорини томиримга қўйишди. Ярим соат ўтгач, нурланиш хонасига кираман. Қанча «грей» нур беришди — билмайман. Ҳарҳолда биринчи марта камроқ беришса керак.

Татьяна Дмитриевнага ишониб қолдим, деб айтган эдим. Энди узоқ вақт мен билан шугулланадиган радиолог-докторлар ҳам менга ёқди. Иккаловининг қаршида самимият бор. Мен ўзимни уларга ишониб тоширдим.

Менинг бир ҳикоялар ва қиссалар китобим бор. Унга «Оқ қалдирғоч» деб ном қўйганман. Олтмишинчи йилларнинг охирида Булгорияда бўлганимда булгор адабиётининг машҳур, эл орасида катта обрўта эга классик ёзувчиси Эмин Пеликнинг шу номдаги ҳикоясини ўқиган эдим. Ҳикоя катта эмас. Мазмуни шундай. Бир деҳқон бугдой пишиги маҳали далага, уримга кетаётганида бўйига етган қизи ҳам унга эргашди. Ҳамма ўртоқларим кетишяпти, мени ҳам олиб боринг, деб отасидан илтимос қилади. Ота рози бўлади. Ёз. Кун иссиқ. Қиз далада бир дарахнинг остида ўримдан чарчаб дам олгани ётади ва ухлаб қолади. Уйқусида кўкраги муз бўлиб кетаётганини сезади. Чучиб уйғониб қараса, кўкрак устида кулча бўлиб, илон ётган эмиш. Дод солиб, қиз уни улоқтиради. Ҳамма унинг овозини эшитиб, югуриб келади. Қиз бўлган воқеани айтиб беради. Шу кундан бошлаб у касалга чалиниб қолади: овқатланмайди, ухламайди, кўнгли ағдариладиган бўлиб қолади.

Ота-она уни ҳамма яқин орадаги шифокорларга, табибларга кўрсатишди. Аммо қиз тузалмайди. Кимдир уларга қизингиз оқ қалдирғочни кўриши керак, шунда тузалади, деб маслаҳат беради. Эр-хотин аравага қизларини ётқизиб, оқ қалдирғоч қидириб кетишди. Улар телеграф устунларига тортиланг симёғочлар остида қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар узоқ кезишди, оқ қалдирғочни топишга қизларини ишонтиришди. Қиз шу ишонч билан яшайди. Умид билан симёғочларга, осмонга тикилади.

Татьяна Дмитриевна уз ҳамкасблари билан менга шундай ишонч беришди. Нурланиш, кимёвий терапия бундан бу ёгига менинг оқ қалдиргочим. Мен уни топаман, уни кўраман. Зора бу гузал, беозор куш менга ҳам Худонинг шифосини олиб келса?!

Иккинчи қалдиргочим жонимдан ҳам азиз қизим Умида. Унинг учун яшашга интилдим, ҳамма хаёлим, қувватимни жамлаб, сиҳатимни яхшилашда шифокорларга ёрдам беришим керак.

Москвага жўнаётган кунимиз Умида билан хайрлашувим кўз олдимдан кетмайди. Эрта туриб кийинаётганимда у олдимга келди. Буйнимдан кучоқлаб юзини юзимга қўйди. Сезиб турибман, мактабга боргиси йўқ. Икки-уч кундан бери у лицейга ўтган эди, ўқишдан қолиши керак эмас. Шунинг учун қаттиқ бағримга босдим, ўқишдан қолишига, самолётгача мени укам, синглим билан бирга кузатиб қўйишига зарурат йўқ. Кейин у ҳам эзилади, мен ҳам. Оддийгина хайрлашган маъқул.

— Нима олиб келай Москвадан? — сўрадим уни қўйиб юбориб. Шу билан шундай хайрлашганим кифоя, дегандек бўлдим. У ақли қиз — тушунди. Жилмайиб:

— Ҳеч нарса. Тузалиб қайтсангиз бўлди, ада, — деди.

— Албатта қайтаман.

Шундай деб елкасига бир-икки қоқиб қўйдим. У оҳиста юриб, ўз хонасига ўтди. Портфелини олиб, айвондан тушаётганда, орқасига қайтди:

— Хайр, ада! Мендан хавотир олманг! Согайиб келинг!

Мен қўлимни силкитдим.

Охириги қуришганимиз шу. Охириги деяпман-у, уни яна кўришимга, ҳали кўп у билан бирга бўлишимга ишонаман. Ўз оёғим билан уйга кириб бораман, бағримга босиб, иссиқ пешонасидан упаман. Зухра телефонда у билан гаплашиб турибди. Ҳар гал гаплашиб келганида ундан салом айтади. Ўқишлари яхши эмиш. Инглиз тилидан, математика, физикадан беш баҳо олаётган эмиш.

Умида, жоним қизим!-Яхшиям Худо бизга сени берди. Опанг каби мен учун ҳам энг азиз, энг қимматли, энг ширин ва шакар одамсан. Сенинг бахтли бўлишингни қанчалик ишташимни билсанг эди! Омон бўл, қизим. Барча орзуларингга ет. Мен ҳар куни Худодан опанг билан сенинг бахтингни сўрайман. Узоқ умр кўришингни, ниятларингга етишингни сўрайман. Ҳар қандай бало-қазолардан сени асрашини, сендан опанг, аммаларинг, Акмал акангдан марҳаматини аямаслигини сўрайман. Арзандам, ёлғизим, агар баъзида сени уришган бўлсам, кечир. Фақат яхши ниятда шундай қилганман. Сени яхши кўришимни, ҳеч кимга ишонмаслигимни яхши биласан. Қизим, агар тақдир тақозоси билан энди кўришмай қолсак, опангни эҳтиёт қил. Бечора опанг мен билан кўн азоб чекди. Сен уни ҳурмат қил. Ёлғизлатиб қўйма. Қаттиқ гапирма, яхши гапингни аяма. Иложи бўлса доим бирга тур. Қизим, ҳаётингга гард юқмасин, бахтли бўл. Омон бўл, фариштам, арзандам!...

Шентал кириб, эртадан нурланишни бошлаймиз, деди.

— Терапия-чи? — шошиб сўради Зухра.

— Афтидан терапияни байрамдан кейин қўлаймиз.

Бу гап менга ёқмади. Чиқиб кетиши билан, дарҳол мен Татьяна Дмитриевнани қидириб топдим. Чунки Борис Дмитриевич Татьяна Дмитриевнага айтинг, соат ўн биргача дорини беришсин, ўн бир яримда нур берамиз, деган эди. Татьяна Дмитриевнага шуни айтдим. У одатдагидек мени тинчлатди.

— Сиз менга қулоқ солинг. Бўлим бошлигининг бошида мингта ташвиш. Адаштирган бўлиши мумкин. Эртага ҳам химия оласиз, ҳам радиация.

Келиб Зухрага шуларни айтдим. Шундан кейин Зухра меҳмонхонага бориб келишини, Рихсевой Раҳмоновичнинг синглиси Азиза сингари марказ қошидаги пансионатта бутунлай кучиб келишини айтди:

— Сизга яқин бўламан. Купроқ иссиқ овқат қилиб бераман. Кейин меҳмонхонада ўзимни қўйгани жой тополмаяпман. Пансионатга кучиб келсам, эрталабдан кечгача ёнингизда бўлишим мумкин.

Эътироз билдирмадим. Менга ҳам унинг ёнимда бўлгани маъқул.

Зухра кетиши билан Сергей Иванович келиб қолди:

— Хавотир олманг, эртадан даволаш аниқ бошланади. Яна нималар қилиш, қандай дорилар кераклигини Татьяна Дмитриевнага айтиб кетаман. Сизни узоқ текшириб юборишди. Кейин операция масаласи ҳам директорнинг бандлиги сабабли уч-тўрт кун чузилди. Ҳечқиси йўқ. Хафа бўлманг.

У кўнглимни кўтариб чиқиб кетди.

Демак, эртадан ҳақиқий даволаниш бошланади. Эртага бешинчи ноябрь. Қизим тугилган куннинг арафаси. Эй, Худо! Ўн саккиз минг оламини яратган ўзингсан. Ҳар нарсага қодирсан, ҳар нарсага қудратинг етади. Мен бир гуноҳкор бандангни кечир, ҳали суяги қотмаган, мустақил ҳаёт қуришга ожиз қизимнинг бахтига менга шифо бер, уни оёққа турганини кўрай, кейин жонимни олсанг розиман. Ло илоҳа иллоллоҳ, Ло илоҳа иллоллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ.

Татьяна Дмитриевна айтгандек бўлди. Эрталаб Шентал кириб келди.

— Тайёрмисиз? Бутун бошлаймиз!

— Тайёрман, — дедим.

Тайёрланиб нима ҳам қилишим керак эди? Афтидан у узича меҳрибонлик қилаётганди, кеча нотўғри гашириб қўйганини яширмақчи. У кетиши билан Татьяна Дмитриевна кирди.

— Соат унда ўзингизда бўлиб туринг. Томирингизга аввал глюкоза томизамиз. Бу тахминан 40-45 минут давом этади. Кетидан платина томизамиз. Кўнгил айнатмайдинг дори ҳам қўшамиз. Ўн бир яримда нурланишга борасиз. Келишдикми?

У одатдагидек кўзларини менга тикиб, енгил жилмайди.

— Келишдик, — дедим мен.

Нонушта қилиб бўлишим билан Зуҳра кириб келди. У пансионатта, менинг ёнимга кўчиб ўтган эди.

Омонжўл яна гойиб бўлиб кетди. Назаримда унинг бизга булган муносабатида нимадир борга ўхшарди. Яқинда номзодлик диссертациясини ёқлар экан. Ёзда Тошкентда бўлибди. Республика Онкология институтида ишламоқчи булган экан, Наримон Қодирович ҳозирча жой йўқ, дебди. Наримон Қодировичнинг тавсияси билан келганимизни билади. Шунинг учун баъзи баъзида кириб, меҳрибончилик қилиб кетаётгандир? Агар шундай бўлса эсон-омон Тошкентга қайтганимизда унга ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Аммо у катга ваъдалар қилиб қўйиб, йўқ бўлиб кетяпти. Охирги ваъдаси В. Г. Матягинга менинг касаллик тарихимни кўрсатиш ва зудлик билан унинг фикрини билиб келиш эди. Унинг назарида аҳвол Шентал таърифлагандек жиддий эмас, суякларни қирқишга ҳеч қандай хожат йўқ эди. Кошкийди шундай бўлса! Агар шундай бўлса операцияга ҳозирок рози бўлардим. У Матягин билан гаплашиб, эртасигаёқ бизга натижасини айтмоқчи эди. Келмади. Майли. Мен унга жуда ҳам ишонаётганим йўқ. У ҳар ҳолда мустақил операция қилган жарроҳ эмас. Татьяна Дмитриевна, Шентал ва бошқаларнинг тажрибалари, қандай жарроҳ бўлишларидан қатъий назар, катта. Улар нега осон операцияни жиддий, оғир, деб айтишади? Бу бекорга бўлмаса керак. Бундай дейишларидан мен ҳеч қандай уларнинг шахсий манфаатлари борлигига ишонмайман. Айниқса, Татьяна Дмитриевна бундай қилмайди. Лекин барибир Омонжўл яхши гап топиб келса, хурсанд бўлардим.

Куннинг иккинчи ярмида, нурланиб келганимдан сўнг, бирпас даҳлизда юрган эдим, Шентал олдимга келди.

— Қалайсиз?

— Дуруст. Озгина бўшашиб турибман, — дедим.

— Агар нурланиш фойда бермаса, операцияга қайтамыз.

Жаҳлим чиқиб кетди. Даволаниш энди бошланди. Шифокор бўла туриб, беморга шундай дейдими одам? Ҳозирги даво методига ишонтириш керак эмасми?

Палатага кирганимда мендаги ўзгаришни Зуҳра дарҳол сездим.

— Шенталнинг овози келди коридордан. Нима деди?

Айтиб бердим.

— Шу қўпол одамдан хафа бўласизми? Ўйламанг унинг гапларини!

Аммо сезиб турибман. Зуҳранинг ҳам кайфияти бузилиб кетди. Бирпас телевизор экранига тикилишиб ўтирдик. Мен минг хаёллар гирдобига кириб кетган эдим. Чиндан ҳам нурланиш фойда қилмаса нима бўлади? Операция унда аниқ. Аммо операцияга рози бўлиш-бўлмаслик менинг ихтиёримда. Қизим, хотиним учун операцияга рози бўлишим керак. Аммо ундан қандай чиқаман? Буни ҳеч ким айтолмайди. Буни фақат Худо

билади. Шундай ўйладим-у, бирдан енгил тортдим. Келажакни, нурланишдан сўнгги воқеаларни, умуман нима бўлишини, мени нима кутишини Худога солдим. Қодир Худо ўзи менга нимани лозим топса, шу бўлади. Ажаб эмас, унинг марҳамати билан нурланишдан сўнг, шифо топиб кетсам! Шукр қилиб, унга ишониб яшайман.

Дилимни эгаллаган хотиржамлик юз-кўзимга ҳам ўтди шекли, Зуҳранинг чеҳраси ёришиб кетди. Азиза билан бирга Тошкентга телефон қилмоқчи эканларини, кейин Марказга яқин бозорчадан у-бу олиб келишлари лозимлигини айтиб, ўрнидан турганида, Азиза ўзи кириб келди. Иккалови хурсанд чиқиб кетишди.

Мен яна ёлғиз узим уз хаёлларим ичида қолдим. Йўқ, бу гал хаёлларим аввалги кунлардагидек оғир, қайғули эмас эди. Тошкентда нурланиш оз бўлса ҳам менга ёрдам берди, шишлар кичрайди. Бу ерда ҳам шундай бўлиши керак. Кутаман, ишонаман, умид қиламан. Назаримда бироз гапни кўпайтириб юбордим. Ўзимча иккиланишларимга, аҳволимнинг мураккаблиги, ҳар бир инсоннинг бошида бўлган мангулик дунёсига яқинлигимга ҳамманинг тушунишини истаганим, биринчи гада ўзимни ўз аҳволимга, ниманинг олдида турганимга ишонтиришим кераклиги бунга сабаб бўлди. Хомхаёллиқка, мўъжизага ишонч йўқ. Ишонч фақат Худога, унинг қудратига, унинг марҳаматига.

Эртаси куни Зуҳра жуда эрта келди. Мен эндигина нонуштадан қайтган эдим.

— Тезроқ олдингизга келгим келиб кетди!..

Биз қучоқлашиб кўришдик. Яхши ҳам эрта келган экан. Ҳамшира келиб, мени нурланишга чақираётганларини айтди. Соат ун бир яримга боришим керак эди. Ҳали ун ҳам булгани йўқ.

— Кутиб тураман сизни, — деди Зуҳра. — Кейин Розаларни кига бориб, уйга телефон қиламан.

— Бўпти, — дедим. — Менинг ҳам айтадиган гапларим бор.

Ярим соатлар чамасида қайтдим. Зуҳрага кеча кечқурун телевидениеда эшитган хабаримни айтиб бердим. Қозогистон бир ҳафтача бурун Россия давлати қўйган шарт, талабларга рози бўлмай, рубл доирасидан чиқиб, ўз пулини қўлламоқчи эканини эшитган эдик. Рус давлати ҳозирги пулини Қозогистондаги бор қазилма бойликлари, тилла ҳисобига ўтказиш талабини қўйбди. Буни Останкино телевидениеси айтмади. У Қозогистоннинг ўзини рубл зонасига ўтишда жуда сусткашлик кўрсатаётганини айтди. Кеча эса Ўзбекистон ҳам деярли шундай қарорга келаётганини, ҳозирча икки хил пул — эски, 1992 йилгача чиқарилган совет пуллари ва Ўзбекистон купонлари муомалада бўлиши лозим топилгани хабарини телевидение икки марта эшиттирди.

Зуҳра, бир дўстимга зарур бўлиб қолган тақдирда Россия рублига алмаштириб, бизга жўнатиш учун бирмунча пул қол-

дирган эди. Энди уни алмаштириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Аммо тақдири нима бўлишини уйлаб қўйиш лозим. Шуни эслатдим. Зухра Умидани тугилган куни билан табриклаб, Мовжудага шу гапни ҳам айтиб қўйса, ўз навбатида Мовжуда Саидамин билан боғланса зиён қилмайди. Менинг аҳволимда ҳозир бир сўм ҳам пул ва у керак. Шу ўринда яна бир марта Президентимиз бошлиқ республикамиз ҳукуматида, дўст-биродарларга мингдан-миг миннатдорчилик билдиришни лозим топаман. Раҳмат, азизларим! Сизлар туфайли даволанаяпман. Эсон-омон уйимга қайтиб борсам, қилган яхшиликларингизни қайтаришга бор ирода, қувватимни, билимимни сарфлайман. Ўзбекистоним, севикли юртим! Не-не жафолар сенинг бошинга, фарзандларинг бошига тушмади?! Шаҳарларинг, қишлоқларинг душманлар оёғи остида неча бор топтади, ёнди, фарзандларинг қирилади, қул қилиб сотилди. Сен барибир қад кўтардинг, қул бўлган шаҳар, қишлоқларинг қайтадан бунёд бўлди, ҳуснига ҳусн қўшилди. Элимиз, еримиз донгини жаҳонга таратган йигит-қизларинг сени кафтларига кўтардилар. Кимни айтай? Боболаримиз Темур, Улутбек, Бобур мирзоларними? Момоларимиз Зебунисо, Нодира, Увайсийларними? Аҳмад Яссавий, Беруний, Хоразмийларними? Чулпон, Боту, Авлоний, Қодирийларними? Усмон Носир, Ойбек, Ғ. Ғулумларними? Сен яна яшнаб кетасан, сени бўстонга айлантираётган халқинг ҳеч кам бўлмайди. Сен давр сурадиган замон келди. Шу замонни, мустақил ҳаёт заминини қураётганларга мен чин юракдан зафар, омад тилайман. Насиб этса оз бўлса ҳам уларга қўлимдан келганича ёрдам бераман.

Юртим, Ўзбекистоним, қадрдон, туғишган элим! Чўчима! Сен тарих кўргансан, баъзилар чипта ковуш кийиб юрганларидан, сен чарм этик, зар тўнда юргансан, шаҳарлар қургансан. Муҳими, йўқ бўлиб кетганинг йўқ, борсан, ҳаётсан! Давлат кўрган халқ хор бўлмайди. Ўз йўлини топади. Авлод-авлод болаларинг роҳатини кўрасан. Йиллар келади, ҳозир сенга шарт қўётганлар ўз шартларидан қайтиб, сенга дўстлик таклиф қиладилар, ҳеч қандай шартсиз, гурур ва киборсиз. Худо ўзи ёр бўлсин сенга!

#### IV

Қизим...

Бугун 7 ноябрь. Эрталаб Зухра келди. Бирпас ёнимда бўлиб, Азиза билан бирга пансионатда овқат тайёрлашмоқчи бўлишганини айтиб чиқиб кетди. У кетиши билан яна хаёлларга берилиб кетдим. Купроқ Умидани ўйладим. Минг раҳмат, иккала аммаси кеча унинг уч-тўртта ўртоқларини қақриб, кичкина зиёфат қилиб беришибди. Зухра қариндоши Роза билан кеча келганида шуни айтиб берди. Мен Роза билан кўришиб, у мени кўргани

келганидан миннатдор бўлдим. У узоқ утирмади. Тансиқ, ширин овқатлар олиб келиб, мени чарчатмаслик ниятида тез кетди.

Ҳозир у олиб келган ширинликлар билан чой ичиб, кароватим ёнида утирибман. Қаватимиздаги битта санитария хонасидан чорси тахта топиб олганман. Силиқ, ярим квадрат метр келади. Афтидан биронта шкафнинг эшиги бўлса керак. Стол йўқлиги сабабли криватта уни қўйиб, устида ёзаман. Қулай деб бўлмайди. Лекин ишласа бўлади.

Қоғозларни олдимга қўйиб, қўлимга қалам олдим. Фикрларим равшан, кўнглим тинч. Шундан бўлса керак, энг аввало қизимни уйлаб кетдим. Кеча тугилган кунига биринчи марта ҳеч нарса совға қилмадим. Опаси Москвадан жўнатган нарсалар ўз йўлига. Мен ўз қўлим билан унга бирон нарса олиб беришим керак эди. Дарвоқе, эсимга тушди, Москвага жўнаётганимда унга янги автомат ручка ва шундай автомат қалам бердим. Мабодо тугилган кунинггача қайтмасам, дедим. Оғзи қулогига етиб жилмайди. Ўзингиз ишлатинг, деди. Мен жавоб бермай, бошидан ўпдим.

Шуларни ўйлаб кетиб, унинг болалигида берган бир саволи эсимга тушди. Ада, бувам, бувимлар ҳақида, ўзингизнинг болалигингиз, опамлар ҳақида гапириб беринг, ҳеч нарса билмайман, деб сўраган эди у. Ўшанда хўп, деб, кулиб қўяқолган эдим. Шунчалик уйда кам бўлардим, утмишни эслашга вақт бормиди у пайтлари? Мана энди назаримда шундай вақт келди. Албатта қизимни ёнимга ўтқазиб, гапириб бериш имкониятидан ҳеч хаёлга келмаган касалик оқибатида маҳрумман — овозим йўқ. Даволанишдан буш вақтларим фақат ёзишим мумкин. Аммо кимёвий дори, нурланиш бошни айланттириб, кўнглини ағдарар экан, лоҳас қилиб, анчагина бушаштириб қўяр экан. Ўзимга келган дақиқаларда, даволаниш бўлмаган кунлари утмишдан эсимга тушганларни майли, ёзай. Шу мендан қизимга эсдалик бўлсин. Бобоси, бувисининг ҳаётлари билан, опаси ва менинг ёшлигим билан оз бўлса ҳам танишсин. Бафуржа ёзишга кўзим етмаяпти. Сезишимча, вақтим кам, кейин узоқ йилларни қайта эслашга шароит йўқ. Аммо қўлимдан келганича уриниб кўраман. Аммо ёзганларимни ҳозир жўнатмайман. Тузалиб кетсам, ўзим олиб бориб қўлига бераман. Тузалмасам... опаси, Зухра олиб кетади...

Умида, қизим. Сени ўйлаб ёзаяпман. Ўқи, ота-боболаринг кимлиги билан таниш.

#### V

Мен асли тошкентликман. Ҳовлимиз Тошкентнинг ҳозирги «Россия» меҳмонхонаси билан вокзалга борадиган трамвай йўли ўртасида бўлган. Мен шу ерда тугилганман. Ҳовлимиз катта,

йигирма сотихча келарди, бундан ташқари олти сотих атрофида болахонали молхонамиз ҳам бор эди. Молхонага алоҳида эшикдан кирилларди, кўзга унча ташланмасди.

Уша пайтлари бизнинг ҳовлимиздан Миробод маҳалласининг шимол томони бошланган. Чунки биздан юқорида атиги икки хонадон бўлиб, улар Шота Руставели ва Саперная кучалари туташган жойга бориб тақаларди. Ҳозирги девор қўшнимиз Гайрат аканг ана шу бизнинг юқоримиздаги уйлاردан бирида тугилган. У ерда ҳам биз девор қўшни эдик.

Шимолдан пастга қараб кетган, кетма-кет тушган уйларда асосан қариндошларимиз яшашарди. Улардан кейин рус қўралари бошланарди.

Бобонг, менинг отам Раҳимбек аканинг уч акаси ва бир опаси борлигини биламан. Дадамнинг энг катта акалари Каримбек полвонни кўрмаганман. Айтишларига қараганда баланд бўйли, елкадор, жуда келишган одам бўлган. У кишининг ўгли Тургунбек акани биламан, кўп кўрганман, кўп у билан бирга бўлганман. Баланд бўйли, мўйловдор, овози уйни титратадиган одам эди. Унга қиёс қилса, албатта отаси, Каримбек полвон ҳам шундай одам бўлган.

Дадамнинг ундан кейинги акаси Бобобек полвон эди. Эсингдами, опанг жуда кўп марта Чилонзорда яшайдиган Раҳима аммангга телефон қиларди, унга зарур дорилар топиб бериб турарди. Бобобек полвон ана шу Раҳима аммангнинг адаси, мен уни эс-эс биламан. Урушдан олдин қазо қилиб кетган. Уни кўмиш маросими ҳам эсимда. Одам жуда кўп бўлган. Тошкентдаги полвонлар, айтишларича, Фаргона водийсидаги полвонлар ҳам у билан видолашгани келишган.

Ҳаким полвон дадамнинг энг кичик акаси эди. Дадам, Бобобек амакимдан у дескин фарқ қиларди. Кўк кўз эди. Бундан ташқари дадам катта амакимлардек тўла эмас, баланд бўй, қотма эди. Лекин ундан ҳам тошкентлик кўп полвонлар йиқилишган, деб айтишарди. Амакиларим, дадамнинг бирон марта ҳам кураш тушганини кўрмаганман. Лекин айтишларича Паркент, Пискент, Бука, Тошкентнинг ўзида анчагина обрута эга бўлган полвонлардан эканликларини кўп эшитганман. Уйда моддий тақчиллик юз бериб қолса, улар жума кунлари курашга бориб, этак-этак пул ишлаб келишар экан.

Зулфия аммам Бобобек амакимдан кичик, Ҳаким амаким ва дадамлардан катта эди. У киши ҳам худди ака-укалари сингари баланд бўйли, қирра бурун, бақувват, полвонсифат аёл эди. Кўзлари ҳам буй-бастига яраша йирик эди. Биз, болалар ноҳўя иш қилиб қўйсак, у бир олайиб қараса, тирақайлаб ҳар чеккага қочиб кетардик. Аммам бир қарашда дагал, қўпол кўринсалар ҳам, диллари буш, салга кўзлари намланадиган, аммо тез ўзларини тутиб оладиган аёл эдилар. Катта ва кенжа ўғиллари билан қўш ҳовлига уч ҳовли уйда турардилар. Урганча ўғиллари Миробид ака ўқитувчи, ҳозирги «Пахтакор» стадиони тушган Эгар-

чи маҳаллада яшарди. Миробид бозорда қаричилик сабабли сабзавот сотиб кун ўтказадиган Яккасарой маҳалласининг обрўли кексаларидан, қариндошимиз Тулаганбек амакимнинг қизларига уйланган эди. Дадам қариндошлари Эгарчи, Ўқчи ҳам Миробид маҳаллаларида, оғимнинг авлодлари эса Тезеков бозорининг орқаси Яккасаройга туташ Дамариқ, Қушбеги, Қумариқ маҳаллаларида узоқ-узоқ даврлардан бери ҳовли-жой қилиб келишарди.

Катта амаким билан аммамнинг нима иш билан шуғулланишгани, тирикчиликлари қандай ўтганини яхши билмайман. Аммо Ҳакимбек амаким мол-мулки ажратиб олиниб, қулоқ қилингани, Украинанинг Николаев шаҳрида ўн йилча бўлганини биламан. Амакимнинг ўзлари айтиб берардилар. Битта кўрпа, иккита ястиқ, тунука чойнак билан тўртта пиёлани қўлларига тутқазиб, вокзалга ҳайдашган. Хотинлари, катта ўғиллари Юсуфбек, иккита қизлари билан Қизил юк вагонда Украинага жўнаб кетганлар.

Амаким русча, украинча яхши гапирарди. Сургунда албатта анча қийналган. Лекин унинг бахтига Николаев шаҳрининг обҳавоси Тошкентникига ўхшар экан. Тезда кўникиб, аввал битта чайла, кейин бир хонали лўмбоз уй қуриб олган. У украинларни жуда ҳурмат қиларди. Уни ёлғизлатиб қўйишмаганини, кечалари сут, ёг, нон олиб келиб ундан хабар олиб туришганини кўп гапирарди.

Амаким ўзи яхшигина деҳқон эди. У ерда ерёнгоқ, қовун, тарвуз, жўхори экиб, икки-уч йил ичида анча ўзини ёплаб олибди. Ўттиз тўққизинчи йили уни юртига қайтишига рухсат беришибди. Қизим, Музрон аканг, шу Ҳакимбек амакимнинг ўгли. Биз у билан тенгдошимиз. Икки ёшгина мендан катта бўлса керак.

Она юртларига қайтиб келиб, амаким турли жойларда энг оддий ишларда ишлаганлар, аравакашлик, қоровуллик қилганлар. У киши дунёдаги сиёсий аҳвол, давлат арбобларининг қилаётган ишлари ҳақида гапиришни яхши кўрардилар. Аммо фақат дадам, оғимгилар билан гаплашардилар. Бошқалар билан гаплашиш кутилмаганда яна қандай фожиалар олиб келишини билардилар.

Дадамнинг ҳам қулоқ қилиб юборишларига оз қолган экан. Амакиларимни, шу жумладан, дадамнинг ҳам Новқатда ерлари бўлган. Дадам ўз ерларида иморат қўрмақчи бўлибдилар. Томи ни ёпишаётганда кимдир ҳукумат қарори чиққан газетани кўтариб келиб қолибди. Дадам ўқиб қарасалар, қарор ошиқча ер, ошиқча иморатларни тортиб олиш ҳақида экан. Шундай томдан тушибдилар-у, усталарга жавоб бериб юборибдилар. Қоронги тушганда аравани қўшиб, бор юкни ортиб, устига бизни ўтқазибдилар-да. Тошкентга йўл олибдилар. Эртасига ёлғиз ўзлари қишлоқ советига бориб, иморатни ҳам, ерни ҳам ҳукуматга топшириш ҳақида ариза бериб келибдилар.

Шундай қилиб қулоқ бўлиш хавфидан қутулиб қолган эканлар.



Сен мен туғилган, опанг билан тўйимиз ўтган ҳовлини бил-майсан. Катта эди, деб айтдим. Мевали дарахлар ҳам кўп эди. Икки туп ўрик бор эди, турли хил узум, аммо узумга кўпинча касал тегар эди, камдан-кам тўйиб ердик. Аммо ҳовлимизнинг уртасидаги нокнинг таърифи бутун маҳаллага кетган эди. Гала-ти нок эди бу нок. Ҳовлининг ярмидан кўпига ёз кунлари соя ташлаб, ҳаммаёқни салқин қилиб турарди. Тагига катта қўш қанотли тахта сўри қўйиб қўйилган, келган-кетганлар кўпинча ичкари уйлардан кура шу ерни афзал кўрардилар. Бундан таш-қари баланд тоқнинг остида чорси, кенг супа ҳам бор эди. Унинг ёнидан ариқ ўтган, доим ундан сув оқиб турар, атрофида атир гуллар, гулсафсарлар очилиб ётарди. Нок бирдан етилиб, бирдан пишарди-да, пақ-пақ тўкиларди. Бир ҳафта ичида териб, қоқиб олиномаса, ҳовлида юриб бўлмасди. Энди пишадиган маҳа-ли қариндош-урутларни нок егани чақирардик, келолмаганларга эса мен, опам, акам челақ-челақ таширдик, баъзан бозорга сот-гани ҳам олиб чиқардик. Қўшни болалар эса ҳар куни бизники-да бўлишарди. Шу нок ҳовлимиз 1961 йили бузилгунча турди, ҳосилдан қолмади. Уни кесишаётганда ойнинг, бувинг йиғлаб юбордилар. Улар учун танаси қулочга сигмайдиган, ҳовлимиз-нинг кўрки бўлган шу нок дадамлардан эсдалик эди.

Сенга акамни эслатиб кетдим. Ҳа, менинг туғишган акам бўлган. У мендан ўн ёш катта эди. Агар ҳаёт бўлганида ҳозир олтиш тўққиз ёшга кирарди...

Иккинчи жаҳон урушидан бир йил аввал у ўрта мактабни имтиёзли шаҳодатнома билан битириб, медицина институтига кирган эди. Ўқишга улгурмади. Хужжатларини топшириб келди, холос. Ушанда август эди. Ҳали-ҳали эсимда.

Оқшом. Дадам, унинг ўртоғи Гулом ака деган одам, мен супада тарвуз еб ўтирибмиз. Акам уйдан кийиниб чиқди.

— Анварбек! Тарвуз емасанми, углим? — сўрадилар дадам.

— Кейин! — деди акам ва кўча томон йўл олди.

— Кеч қолиб кетма, қоронгу тушиб қолди! — қичқирдилар орқасидан дадам.

Акам эшитди.

— Дарров келаман. Тошпўлатларникига ўтаман-у, қайтаман! — деди у ва эшик орқасида гойиб бўлди.

Ойим молхонада сигир-бузоқларга овқат бериб юрган эди-лар. Акамнинг кетганларини кўрмай қолдилар.

Кўп ўтмай, дастурхонга фотиҳа ўқиб, дадам ҳам ўртоқлари билан уринларидан турдилар.

— Ойингга айтиб қўй, Гулом акангни кузатиб қайтаман, — дедилар менга.

— Хуп, дедим.

Орадан кўп вақт ўтмади. Ярим соат-қирқ минутча ўтган бўлса, бордир. Бирдан кўча эшик занжирини кимдир зарб билан қоқабошлади. Кейин бунга ҳам чидамай, овози борича чақирди:

— Раҳимбек! Рихсиниса!

Мен ўрнимдан тургунимча, молхонадан чиқаётган ойим ни-манидир сезиб, эшикка юрдилар.

— Болам! Болажоним! Анвар!!! — эшикда у кишининг дод солиб юборганларини эшитдим.

Югуриб бордим. Эшикни тақиллатган аёл, Гайрат аканнинг бувиси, мени кўриб, қўлимдан ушлади.

— Ҳеч қаёққа борма! Уйда ўтир! Акангни трамвай босиб кетди! — деди у йиғламсираб.

Мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. Кўзларимга ёш келмади. Нима бўлганини мен ҳали тушуниб етмаган, фожиа ҳали менга ўз таъсирини кўрсатмаган эди. Ушанда мен энди олти ёшга тўлган эдим.

Анвар акамнинг қандай ҳалок бўлганини эртаси куни бил-дим. Ўртогиникига кетаётиб, у Шота Руставели кўчасидан трам-вай йўлини кесиб ўтмоқчи бўлган. Орқасидан трамвай келаётган-нини билганми-билмаганми, ҳеч ким айтолмайди, трамвай билан йўл уртасидаги икки томони темир қопланган устун орасида қолиб, қаёққа қочиниши билмаган бўлса керак, трамвай уриб юборганда устунга боши билан тегиб йиқилган ва трамвай ости-га кириб кетган.

Уни эргалаб гира-ширада ТошМИдан олиб келишди. Касал-хонада жон берибди. Пешинда чиқарилди.

Анвар акам ўн етти ёшида ҳалок бўлди. У шўх, ақлли, кам-гап, аммо жуда қувноқ йигит эди. Аччиқ гаримдорини яхши кўрарди. Бутуналигича ерди. Унинг тенгқур ўртоқлари ҳозир ҳам юришибди. Умрлари узоқ бўлсин. Ҳаммалари акам ҳақида жуда яхши гапиришади. Тоҳир ака деган одам, биздан икки кўча на-рида туради, акам билан бирга ўқиган. Куришиб қолганимизда гапимиз албатта акамга бориб тақалади. Акам жуда яхши ўқи-ган эди. Мактабни битиргандаги етуқлик аттестатини кўрган-ман. Ҳамма фанлардан баҳолари беш эди, фақат интизомдан тўрт қўйишган эди. Мактабда ҳам у кўп шўхлик қилган бўлса керак.

Дадам акамнинг ўлимни кўтаролмади. Соғлом, полвон, бир юз ўттиз килограмм келадиган одам касалга чалиниб қолди. Акам фожиасидан сўнг мен дадамнинг деярли кулганини, ҳазил-хузул гаплар, латифа, аскияларни яхши кўрадиган одам бирон марта ҳазил қилганини билмайман. Кечалари кўпинча у ухла-май, ҳовлида юриб чиқадиган бўлиб қолди. У бутун меҳрини менга, иккита синглим ва укамга қаратди. Биз билан ўзича овун-моқчи бўлди. Аммо биз ёш эдик. Унга оғир кунларда, бошига ҳам маънавий, ҳам моддий қийинчиликлар тушганда кўмакчи бўлолмадик. У бизни етилиб, мустақил бўлиб, уйга қараш, оила тебратишга қўрбимиз келадиган пайтимизни кўролмай оламдан ўтди. Акамнинг фожиали ўлими туфайли чалинган касалидан халос бўлолмади. Уни олтиш олти ёшда, деб кўтаришди. Лекин Ҳакимбек амаким уч ёш кичиклигини, паспорти нотўғрилигини айтди. Барибир, дадам ҳали кўп яшашлари мумкин эди.

Умида, қизим, сенинг буванг, менинг дадам Раҳимбек Умарбеков 1956 йили, 22 декабрда, пайшанба куни кечқурун оламдан ўтди.

Ойим, сингилларим, амакиваччам Музроб айвонимиздаги танча атрофида утирардик. Кетма-кет катта хонага кириб бетоб дадамлардан хабар олардик. Мен кирганимда дадам кўзлари очиқ, анчагина энгил нафас олиб, шифтга қараб ётардилар. Мени кўрдилар, назаримда кўзлари билан жилмайган бўлдилар. Икки кунча бурун худди шу жойда, шу қора темир қороват ёнига мени чақириб, васият қилган эдилар. Йўқ, видолашмадилар, ўляяпман, сен энди оиланинг каттасисан, демадилар. Хотиржамлик билан ёнларига ўтқазиб, қўлимни қўлларига олдилар:

— Ўғлим, бир-иккита одамга берадиганим бор. Имкониятингиз пайдо бўлганда бериб қўйсангиз. Хупми?

— Албатта, дада, — дедим мен юрагим орқамга тортиб.

Гаплари васият эканини, ўлимга тайёргарлик кўраётганларини дарҳол фаҳмлаган эдим.

— Дада! Ўзингиз ҳали ўша одамларни кўрасиз. Туриб кетасиз яқинда! — дедим юпатишга интилиб. Ушанда уларнинг қазо қилишларини тасаввур ҳам қилолмаган, шундай кун яқинлигига ишонмаган, ишонгим келмаган эди.

Дадам гапимни эшитиб, оҳиста қўлимни қисиб қўйдилар, қўллари ҳар доимгидек юмшоқ, иссиқ эди.

— Биттаси Юнусбек тунукачи. Ойинг уйини билади. Рақатда. Иккинчиси Тулаганбек оппоқдаданг. Бу одамга берадиганимиз куп эмас. Лекин барибир қарз бўйнимда кетмасин.

— Хўп бўлади, дада. Хавотир олманг. Ҳамма қарзларингизни узаман.

— Раҳмат, ўғлим. Боринг энди. Ўз ишларингизни қилинг. Мен бирпас ухлайман.

Дадамларнинг шу гаплари, овозлари ҳозир ҳам қулогим остида, дилимда.

Ўша куни хотиржам ётганларини кўриб, оёқ учида секин чиқдим. Ҳамма менга қаради.

— Ухлаяптиларми? — сўрадилар ойим.

— Уйгоқлар. Лекин тинч ётибдилар, — дедим мен.

Ярим соатлардан сўнг, Музроб хабар олгани кирди ва бирдан кўзлари олайиб, қўрқиб чиқди:

— Муздайлар! Жавоб бермаяптилар!

Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, катта хонага отилиб кирдик.

Дадам ухламоқчи бўлиб ётганларича, оламдан ўтган эдилар... Эртасига жума куни Минорга, ўзимизнинг хилхонага қўйиб келдик.

Опанг иккаламиз дадамнинг вафотларидан кейин куп вақт ўтмай қарзларини топширдик. Тулаганбек амаким олмадилар. Аммо бизни фарзандлик бурчимизни адо этаётганимиздан хурсанд бўлиб дуо қилдилар, омад, умр, бахт тиладилар.

Дадамларни купчилик «Мулла Раҳимбек», «Раҳимбек оқсо-

қол», «Раҳимбек полвон», деб атарди. Шу мурожаатларнинг ҳаммасида у кишига нисбатан чуқур ҳурмат, эътибор борлиги кўриниб турибди.

Куча-қўйда кетаётганимизда ҳамма, катта-кичик у киши билан сўрашарди, биринчи бўлиб салом берарди. Бунинг албатта сабаблари куп. Дадам очиқ кўнгил, бағри кенг, сахий, халқимиз урф-одатларининг ҳаммасини чуқур ҳурмат қиладиган одам эди.

Уруш йиллари, айниқса, дадамнинг қандай одам эканликларини мен — анчагина эси кириб қолган бола, тушундим. Ҳозир ҳам у кишининг ўша пайтлари қилган ишларига, одамларга кўрсатган яхшиликларига қойил қоламан, таҳсин ўқийман. Мени, у кишининг ўгли эканимни билиб қолган кексалар дарҳол қўллари фотиҳага ёзадилар, у кишини мақтайдилар, Худодан жойлари жаннатда бўлишини тилайдилар.

Холамга, ойимнинг опасига қийналиб қолишганини кўриб, сигирларимизнинг биттасини бериб юборганлари эсимда қолган. Ўзим ҳайдаб олиб бориб берганман. Холамнинг эрлари Лутфулла қори ака ажойиб одам эди. Новча қотма. Яхши овози бор эди. Қуръон сураларини жуда қироат билан ўқирди. Аммо раҳматли ўзига яраша биронта иш тополмай оламдан ўтиб кетди. Афтидан у кишининг меҳнат дафтарчаси ҳам бўлмаган бўлса керак. Урушга касаллиги туфайли олишмади. У куп вақтини қариндош-уруғларникида, уларнинг уй хизматларига ёрдам бериб ўтказарди. Ҳақимбек амакимга ўхшаб сиёсий аҳводдан, мамлакатлар, халқлар тарихи, урф-одатларидан гапиришни яхши кўрарди. Шунинг учунми, ё биз, болаларни яхши кўрганиданми, ё дадамга ҳурмати баландлигиданми, бизникида куп бўларди. Экинга қарарди, хомтоқ қиларди. Кейин ярим кечагача амаким билан гаплашиб чиқарди. Аммо қорамол билан шугулланишни ёмон кўрарди. Ким билади, балки шунданми, олиб бориб берган сигиримизни бир йил ўтмай қайтариб олиб келиб берди. Афтидан, ем-хашак олиб келиш Қори поччамнинг жонига тегди шекилли.

Қариндош-уруғ, маҳалладаги биронта маърака дадамнинг иштирокисиз, ёрдамларисиз ўтмасди. Шунинг учун уйимиз ҳар куни кечқурун говжум бўларди. Кимгадир улар пул берардилар, кимгадир бир қоп-ярим қоп гуруч, ё сабзавот олиб бориб беришни ваъда қилардилар. У кишининг икки гилдиракли «дуву-қолка» дейиладиган икки кишилик извошлари бор эди. Ишга ҳар куни шу извошда бориб келардилар. Кўпинча отни извошга мен қўшардим. Дадам текшириб, уёқ-буёғини қаттиқроқ тортиб қўярдилар. Отлар ичида эсимда қолгани туқ қизил рангдаги тўриқ от. У жуда чопқир ва йўрга эди. Менга ҳам яхши қулоқ соларди. Унинг эсимда қолгани шуки, бир йили Қўйлиқда бўлган улоқда дадамнинг ўртоқларидан бири шу отни сўраб келгани бўлди. Улоқни олди. Аммо ташлаётганда от нимадандир хуркиб, уни йиқитиб қочди. Бир ҳафтадан сўнг Самарқанд дарвоза томондаги экинзор ичидан топиб келдик.

Шунинг учун дадам фарзандлари урушга кетган кексаларга бозордан у-бу олиб бериб турардилар. Мен ёнларида ёрдамлашардим.

Биз уруш бошланганини ўша тарихий 1941 йилнинг 22 юни, якшанба куни кундузи эшитиб қолдик. Аммо кўпчилик бу мудҳиш хабарга унча эътибор бергани йўқ. «Бир-икки ҳафталик гап бу немиснинг чираниши». «Совет билан, Қизил Армия билан уйнашиб бўлмайди!». Бу фақат Ҳакимбек амакимнинг эмас, ҳам-манинг, шу жумладан, девор қўшимиз Гофуржон ака, Гофур оқсоқолнинг (у киши Тезеков бозорининг директори эди), да-дамларнинг ҳам фикрлари эди.

Ўша куни эрталаб Саригочдан бир қозоқ танишимиз икки-та сигир олиб келди. Биттасини Гофуржон акаларга, биттаси бизга экан. Сигирлар бир хил, қукиш рангда, пешоналарида кичкина оқ қашқалари бор, бўйи-басти ҳам тенг эди.

— Нима қиламиз? Қайси бири сизга, қайси бири бизга? — сўради дадамдан Гофур оқсоқол.

— Сиз олинг аввал, кейингиси менга, — дедилар дадам.

Гофуржон ака кулди, рози бўлмади.

— Иккаловининг сағринига попирос қўямиз. Қайси бири олдин қимирлаб тушириб юборса ўша сигир биттамызники. Нима дейсиз?

— Бупти, — дедилар дадам.

Биз, болалар диққат билан улар қилаётган ишларни кузатиб турардик. Гофуржон аканинг беш ўгли бор эди. Иккитаси, менинг тенгқурим, ўртоқларим Усмон билан Эрмон ёш улиб кетишди. Катта утиллари Нуъмон ака, кичиклари Ўрмон билан Сулаймон ҳаёт. Сен, қизим, Нуъмон акани яхши биласан. Биз-никига кўп телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўраб туради. Хотини, Гулчехра опа билан тез-тез келиб кетади. Улар икковлари узоқ йил Чирчиқда яшашди. Нуъмон ака ўша ерда ҳам ўқитувчилик, ҳам урта мактабга директорлик қилди. Ҳозир пенсияга чиққан, Тошкентдаги ҳовлисига кўчиб келган. Аммо Гулчехра опа ҳамон ишлайди. Анча тетик. Ишқилиб уларнинг умрлари узоқ бўлсин. Болаларининг роҳатини куришсин. Эшитишимча утиллари Ҳасан, қизлари Шоира жуда яхши яшашар эмиш. Касблари яхши, обрўлари ҳам тузук эмиш. Кўз тегмасин.

Шундай қилиб, Гофуржон ака иккала сигирнинг устига биттадан попирос қўйди. Кейин ариққа оёқларини солиб, ўзи ҳам попирос тутатди. У киши «Казбек» чекарди. Ҳар эҳтимолга қарши жим туринглар, деб, бизга муштини курсатиб қўйди. Дадам ҳам оёқларини ариққа солиб ултирардилар.

Сигирлар жуда ювош чиқди. Узоқ кутдик. Қани энди биттаси қимирласа! Қанча вақт ўтди, билмайман. Бизнинг болаҳонадан Гофуржон акаларнинг ниҳоятда нотинч қора итлари битта мушукни қувиб чиқди. Мушук деворга етганда қаёққа қочиб кетди билмай сигирларнинг устига ўзини ташлади. Аммо уларнинг устига эмас, ўртага, ерга тушди. Иккала сигир ҳуркиб, икки то-

монга ўзларини отишди. Попирослар барабар устларидан ерга тушди.

Дадам ҳам, Гофуржон ака ҳам кулиб юборишди.

Энди нима қилишаркин, деб турган эдик. Гофуржон аканинг хотинлари Лазокат келиноийи масалани ҳал қилди.

— Бечоралар қийналиб кетди. Соғиш керак. Ўзларингга яқин турганини олинглар-қўйинглар. Тезроқ соғайлик.

Бу гап ҳаммамизга маъқул бўлди. Мен дадамга яқин турган сигирнинг арқонидан тортидим. Шу билан иккала сигирни икки ёққа олиб кетаётганимизда, ховлиқиб Ҳакимбек амаким келиб қолдилар.

— Қаёқдасизлар? Уруш! Герман бизга ҳужум қилибди.

Дадам билан Гофуржон ака турган жойларида қотиб қолишди.

Биз, болалар аввал нима бўлганини тушунмадик. «Уруш» деган сўздан баъзиларимиз хурсанд ҳам бўлдик. Ростакам урушни киши болалик чоғида кўргиси келади, унинг қанчадан-қанча ўлим, қон, фожиалар билан боғлиқлигини англамайди.

Ўша куни ярим кечагача нокимиз тағидаги тахта сўрида эркалар гаплашиб ўтиришди. Ҳаммаси ўйчан эди. Битта амакимгина ҳар доимгидек тинч, хотиржам эди.

— Немис икки марта русни енгмоқчи бўлган. Иккаловида ҳам енгилиб, шарманда бўлган. Наполеон ҳам тирақайлаб Москвадан қочган. Менга ишонинглар, русни енгадиган дунёда куч йўқ. Мана, кўрасизлар, икки, жуда бўлмаса уч ҳафта ичида немис дабдала бўлади.

Минг афсуски, амаким айтгандай бўлиб чиқмади. Аммо икки-уч ой биз, Тошкентда уруш кетаётганини деярли сезмадик. Магазинларда гушт, турли хил колбаса, шўр балиқ, хом балиқ, саригёғ бемалол эди. Қизил, қора икра бочка-бочкалаб турарди. Килоси адашмасам тўқсон сўм эди. Буни билганимки, менга докторлар балиқ ёғи ичиб, оз-озгина икра еб туришни буюрган эдилар. Опам, ёки оғим билан магазинга бориб, олиб келардик. Нон дўконларда уч-тўрт хил нон кети узилмай турарди. Гижда нон, чуррак, французча оқ булка, оқ нон, думалоқ буханка, жайдари нон. Биз уйга кўпинча гижда ёки жайдари нон олардик. Гижданинг неча пул туриши ҳозир эсимда йўқ. Жайдари ноннинг буханкаси уч сўм йигирма тийин эди. Бундай мазали, катта, усти кесилганда курсилайдиган нонни ҳозир ҳам билмайман. Уста нонвойлар кўп. Ширин нон пиширишади. Ўша пайтдаги нонни эса мен ҳамон қўмсайман. Бу ношукрчиликдан эмас. Ҳар бир ноннинг ўз мазаси, ранги, шираси бор. Ҳаммаси яхши. Аммо уруш арафасидаги Тошкентда пиширилган жайдари ноннинг мазаси жуда бошқача эди... Уни дадам ҳам, раҳматли акам ҳам яхши кўришарди. Мен ҳам иштаҳа билан қаймоққа тўғраб ёки саригёғ суртиб ердим.

Ўша кунлари Бобобек амакимнинг ҳарбий хизматдаги ўғиллари Тўхтабек ака икки кунга уйга келди. У капитан унвоида

булиб, офицер кийимида эди: туқ яшил галифе шим, хром этик, ёқаларига капитанлик белгиси қадалган гимнастёрка, белида сарик темир илгаки чарм камар, биқинида тўпшонча.

У келиши билан ҳамма қариндошлар дув этиб катта амакимнинг уйига ёпирилиб келишди. Қўни-қўшнилар ҳам бирпасда ҳовлини тўлдириб юборишди.

Тўхтабек ака аввало ҳаммани тинчитишга интилди. Уруш узоққа чўзилмайди. Қизил Армиядек кучли армия дунёда йўқ, унга немислар бардош беролмайдилар, деди.

Ҳарбий офицернинг гапига ким ишонмайди? Ҳамма биринкетин уйга соғ, эсон-омон қайтишни тилаб, чиқиб кетди. Кечқурун бизникида Тўхтабек ака, амаким, Гофуржон ака ва дадам узоқ гаплашиб ўтиришди. Ойим ош дамайдилар. Ўшанда мен амакимнинг анча шашти пасайганини кўрдим.

Орадан бир кун ўтиб Тўхтабек ака дадам билан вокзалга йўл олишди. Кетаётганида у ҳамма болаларни бир-бир қучоқлаб, упиб чиқди.

Тўхтабек ака шўх, уйинқароқ, офицер бўлса ҳам кўзларидан болалик аломатлари кетмаган ажойиб одам эди. Ҳеч нарсадан кўрқмасди. Уч-тўрт марта бўйнига тирик илон солиб кўчада юрганини, қизларни кўрқитганини кўрганман. Ҳамма болалар уни яхши кўришар ва ҳурмат қилишарди.

Урушгача ҳарбий хизматда бўлиб, офицер унвонини олган яна бир қариндошимизни биламан. Абдуллабек амакиваччамиз эди. Урушнинг дастлабки ойлари у ҳам бир неча кунга уйга келиб кетди. Унвони майор эди. У ҳам Тўхтабек акадек ҳарбийча чиройли кийинган, ёнига тўпшонча осиб олган эди. Эсимда Абдуллабек ака деярли ҳамма қариндошларимизникига ўзи бориб кўришиб келди. Бизникига ҳам келди.

У Тўхтабек акадек балад бўйли, аммо ундан гавдалироқ, йўгонроқ эди. Бир нарса эсимдан чиқибди, иккаловининг ҳам кўкрагида қизил духоба устидан гимнастёркасига қадаб қўйилган биттаданми-иккитаданми ордени бор эди.

Уруш ташвиши биринчи бўлиб қариндошларимиз ичида амманнинг бошларига тушди. Катта ўғиллари Аҳмад ака фронтга жўнади. Узун равонларида иккита қизи, Ҳақима ва Шарифа билан, хотинлари Назира келинойим билан, аммам билан, кейин биз, қўни-қўшни, қариндош болалар билан хайрлашганлари ҳали-ҳали кўз олдимда.

— Бўлди, кўп йигламанглар, хат ёзиб тураман, — дедилар Шарифани ерга қўйиб. — Ойи, келинингиздан ҳушёр бўлиб туринг.

Бу гаплари тагида нима ётганини кейин билдик. Аҳмад ака урушга кетгандан кейин бир неча ой ўтиб, Назира келинойим тугдилар. Тошпулат уларнинг кенжа фарзанди. Акмал акандан фаразимча икки ёш катта.

Аҳмад акамиздан кейин урушга бирин-кетин Муҳсин ака, аммам билан Ҳақимбек амаким ҳовдиларининг уртасидан жой

қилган қўшнимиз Толиб аканинг катта ўғли, Аҳмад акамнинг укалари Ҳомид акам кетишди. Ҳомид акамни кўп эшитгансан. Хотам, Қобил, Восид акаларинг, Фотима-Зухра опаларингнинг адалари, бизга почча. Урушдан қайтиб келиб, опамга уйлангандар. Иккаловлари ҳам ойим, дадамларнинг ёнида, ўз хилхоналарида ётишибди.

Ўқчи, Эгарчи маҳаллаларидан кўпгина қариндошларимиз ҳам урушга чақирилди. Ойим томондан укалари Обид тоғам кетдилар.

Уйларимиз бирдан ҳувиллаб қолди. Борди-келди камайди. Эркакларнинг овозлари кам эшитиладиган бўлди. Бир куни дадамга ҳам повестка келди. Аммо ўша куниёқ адаш жўнатилаганлиги маълум бўлди, юрак касаллари, кексаликлари муносабати билан дадам, амаким, Гофуржон акаларни ҳарбий хизматдан озод этишган эди.

Кечки овқатлар энди аввалгидек узоқ, гавжум ўтмасди. Дадам, аммам, амакиларни албатта, кечки овқатга чақириб келсалар ҳам, улар билан кўп гаплашиб ўтирмасдилар. Извошни қўштириб, иш билан кетардилар. Маҳаллада кимларгадир қорахат келганини эшитиб, баъзан куйиниб ўзларича гапириб қўярдилар: «Анвар урушда ҳалок бўлса, мингдан-мингта рози эдим, бунчалик эзилмасдим».

Ҳеч кимдан у кишини овутадиган гап чиқмасди. Нима ҳам дейишлари мумкин? Акам бекорга нобуд бўлиб кетган эди.

Ҳақимбек амакимнинг уруш тез тугаши ҳақидаги тахминлари нотўғри эканлиги йил ўтмай маълум бўлди. Душман Москва остонасигача етиб келди. Тошкентда одамлар кўпайиб кетди. Етишмовчиликлар бошланди. Яқин-яқинда бозорда моллари кечаси очиқ, беркитилмай қоладиган деҳқонларнинг мева-чева, дон-дуналарини ўғри, қароқчилар босадиган бўлиб қолди. Уйларга ҳам ўғри тушадиган бўлиб кетди. Нон, ёғ камайиб, «очеред» деган гаплар пайдо бўлди. Азонда, гира-ширада нонга ёзилгани чиқиб кетамиз. Баъзан кун ёришмасдан магазинга етиб борган бўлсак ҳам, уч юз, тўрт юзинчи бўлиб кетамиз. Бу ҳам майли, баъзи кунлари нон етмайдиган ҳам бўлиб қолди.

Илгари ҳам уйда ойим ўзлари нон ёшиб турардилар. Жуда булмаганда ҳафтада икки-уч марта тандирга ўт ёқардилар. Гушт, қовоқ сомса, патир, оширма нон ёшиб турардилар. Энди оз нон ёпилса ҳам ҳар куни тандир ёқиладиган бўлди. Чунки нондан бошқа ейдиган нарса камайиб кетди.

Ўша йили мен Шарифа, Эрмон билан бирга мактабга бордим. Ҳали етти ёшга тўлмаган бўлсам ҳам олишди. Бизнинг кўчада мактабга борадиганлар кўп эди. Эрталаб молларга қараб, отлангунимча ҳовлимиз болаларга тўлиб кетарди. Чунки бизнинг уйдан мактабга борадиган ёш бола фақат мен эдим. Шунинг учун ҳамма мени олиб кетгани келарди. Шарифанинг опаси Ҳақима учинчи синфда ўқирди. Эрмоннинг акалари Нуъмон

ака, Усмон ҳам иккинчи, бешинчи синфларда ўқишарди. Акасиз, опасиз мактабга борадиган битта мен эдим.

Мактабимиз (темир йўл бошқармасига қарашли 40-мактаб) Миробод бозорининг орқасида эди. Аслида бу мактабни зиёли қариндошимиз, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, даданинг яқин уртоғи, Миржалил Каримовнинг дадаси ва катта тарихчи, адабиётчи олим, шоир, биринчи филология фанлари профессори Абдулла Авлониёв очишган эди. Хусусий мактаб эди аввал. Кейинчалик кенгайиб, Тошкент темир йўли уни ўз қарамоғига олди. Дадамлар ҳам 1918-1920 йилларда шу мактабни ташкил этишда иштирок этганлар, деб эшитганман. Гап ҳозир бунда эмас. Юқорида айтиб ўтдим. Мактабга йўл Миробод бозори ичидан ўтган эди. Озода, тартибли, мўл-кўл, очиқ-сочиқ бозор бирдан ўзгариб кетди.

Немислар босиб олган шаҳарлардан қочиб келганлар Тошкентда асосан шу томонларда жойлаша бошлагандилар. Бунинг учта сабаби бор эди. Биринчидан, темир йўл вокзали шу томонда эди, икки қақиримча ундан берида христиан черкови қадр кўтарган, рўпарасида Ўрта Осиёдаги энг катта ҳарбий госпитал жойлашган эди. Яна бир қақиримча берида, мактабимизнинг яқинида Миробод бозори, Тезеков бозори ҳам унча узоқ эмасди.

Менимча, турли шаҳарлардан ҳар куни эшелон-эшелон келаётганларнинг кўпроқ шу томонлардан турар-жой суроқлашларига сабаб шулар эди. Куча-кўйда, бозорда тиланчилар, чўнтак-кесарлар, оч-гадолар кўпайиб кетди. Ҳокимият текин ошхоналар очиб қўйган бўлса ҳам, кучиб келаётганларнинг ҳаммасини турар жой билан таъминласа ҳам бозор ичи тўполон, тинч ўтиш қийин бўлиб қолди. Лекин бу биз, болаларни ташвишга солгани йўқ. Тўполон, уруш-жанжал, қий-чувни қайси бола четлаб ўтгиси келади?

Иккита катта ҳовли атрофи иморатлар — синфлардан иборат мактабимизнинг ярмини Украина, Белорусиядан кўчиб келганлар эгаллашди. Ўқиш икки сменада ўтадиган бўлди. Пастки синфларни аввал биринчи сменада қолдиришди. Аммо бир соат олдинга кўчиришди. Биринчи, иккинчи синф болаларининг кўпи ўқишга кечикадиган бўлиб қолди. Шундан кейин юқори синфларни биринчи сменага кўчиришди. Биз ўшанда роса қувондик. Эрта туришимиз зарурлигини, бозор-ўчарга чиқишимиз, жуда бўлмаганда нон, пахта ёғига навбат олиб қўйишимизни эсимиздан чиқарган эдик.

Мен опам билан нон, ёғга навбат олиш учун чиқардим. Кейинги ишим уйда молга қараш, тонгги соғилган сутни мижозларимизга тарқатиш, ортиб қолганини баланд овоз билан қичқириб кўча-кўйда сотиб келиш эди. Бу ишни мен бир ўзим эмас, ойимлар билан бирга қилардим. Эрталабки сут ун литрли бидонларда уч бидон чиқарди. Икки бидон билан ойим кетардилар. Бир бидон билан ярим литрли шиша банкани кутариб, уйқу босган кўзларимни ишқалаб-ишқалаб мен кетардим.

Саперная кўчасидаги мен таърифлаган уйимизнинг рўпарасида ҳарбий казарма жойлашган эди. Россия Тошкентни босиб олиб, Туркiston генерал губернаторлиги тузилганидан бери шу казарма бор эди. Иморатларнинг ҳаммаси қалин хом гиштлардан қурилган, бу казармада солдатлар туришарди, ҳарбий машқлар қилишарди. Казарманинг икки томонига эса кейинчалик пишиқ гиштдан бир қаватли уйлар қурилди. Бу уйларда офицерлар оилалари билан туришарди.

Сутни кўпроқ офицер оилалари олишарди. Ойим бозор томон кетардилар, чунки қайтишда бозордан биз болаларга тансиқ бирон нарса олиб келардилар. Мен Чехов кўчасидаги офицерлар уйига борардим. Доимий мижозларимиз бор эди. Аммо барибир уч-тўрт литр сут ортиб қоларди. Шунда кучага чиқиб, катта кўраларда, боши берк кўчалар олдида:

— Молоко! Кому парное молоко! Кому парное молоко! — деб қичқирадим.

Тахминан бир соатча айланиб юриб, қолган сутни ҳам сотиб келардим. Баъзан сутни кечаси билан кўчаларда навбатчилик қилиб чиққан патрул офицер, солдатлар олиб ичишарди. Улар ҳеч савдолашмасди. Неча пул десам, шуни беришарди. Баъзида трамвай ҳайдаб кетаётган «вожатий» мени кўриб қолиб, трамвайни тўхтатарди. Чақириб, бир банка тўлатиб оларди, қора нонни бўктириб шошиб-шошиб еб оларди. Трамвай тўла одам унга қараб турарди, биронта одам уни уришмасди.

Ойимлар билан кетма-кет келиб, нонуштага ўтирардик. Сингилларим бир нима олиб келишимизни кутиб ўтиришарди. Баъзан офицерларнинг хотинлари пул урнига нон беришарди. Ойимлар эса Туркман бозоридан шинни ё ҳолва олиб келардилар. Қаймоқ, саригёғ ўзимизда доим буларди. Сотилмай қолган сутдан ойим саригёғ қилардилар. Нонуштадан сўнг дастурхонни йиғиштириб, пулимизни ҳисоблардик. Ҳеч қачон сутдан олиб келган пулимиз овқатга, молнинг ем-хашагига етмасди. Дадам, амаким Қўйлиқ, Бектемир томонлардан ҳар ҳафта бир арава-бир арава похол олиб келишарди. Яқинимизда, Баранова кўчасида (бу кўча ҳозир ҳам бор, «Россия» меҳмонхонасининг биқинида, бир томони Шота Руставели кўчасига, бир томони Педагогика кўчасига туташиб кетган) ёғ заводи бор эди. Завод аҳолига кунжара сотарди. Молларнинг энг яхши кўрган овқати сомон, кепақдан терг қориб, унга беш-олти ҳовуч кунжара солинган қоришма эди. Сигирларга бир челақдан, қўйларга ярим челақдан уч маҳал шу қоришма берилса, бечораларга дарҳол ранг кирарди, қўйларнинг думбаси кўзга чалинадиган бўлиб қоларди, сигирларнинг эса сути кўпайиб, сезиларли қуюқлашарди.

Ўша йиллари қорамолга янги овқат ҳам пайдо бўлди. Албатта, илгари ҳам у бўлган бўлса керак, аммо мен, бизнинг қариндош, қўшнилариимиз билишмасди. Бу овқат барди эди. Барди икки хил бўларди. Суёқ ва қуюқ. Қуюқ барди пиво заводларида пиводан чиқадиған ташландиқ бугдой, арпа қоришмалари эди.

Суяқ барди вино, арақ заводларидан илгари жарликларга, Буз, Зах сувларига оқизиб юбориладиган ташландиқ суяқ қоринчалар эди. Уруш бошланганидан кейин, ем-хашак қимматлашиб, топиш ҳам қийинлашиб кетганидан кейин бардига ишқибозлар кўпайиб кетди. Моли бор одам арава топиб, бочка-бочка ташийдиган бўлиб қолди. Шунда дадам ҳам эшак билан битта ёғоч гилдиракли арава сотиб олдилар. Ўз-ўзидан маълум, шу эшак аравада кунора барди ташиш менинг бўйнимга тушди. Албатта мен бир ўзим бардига бормас эдим. Амманнинг келинлари Назира келинойим билан, ё ойим билан, ишга бормаган кунлари опам билан борардим. Қайноқ бардини катта темир бочкаларидан челақлаб олиш ва арава устидаги ёғоч бочкаларга солиш бир одамнинг қўлидан келмас эди. Бунинг устига навбат кутиб турганлар шоширишарди. Туполон ичида бир неча одам темир чанга тушиб кетиб қуйган.

Эшак аравада барди ташиш ёзда унча қийин эмас эди. Йул қуруқ, бардихона ҳам унча лой эмас. Тунги, тонгги совуқ қийнамайди. Қишда бориш азоб эди. Аввало кулранг, ўжар эшагимизнинг ўзига хос одатлари десаммикан, ё феъли десаммикан, бор эди. Кейин икки нарсага ҳеч тоқати йўқ эди. Совуққа, сувга. Ҳалқоб жойни ҳам айланиб ўтарди. Аммо ўзи кучли, чайир эшак эди. Яхши кўрардим уни. Баъзан худди отга ўхшатиб миниб, болалар билан қиличбозлик қилардик. Ўзи ҳам ишдан кўра шунақа ўйинларни яхши кўрарди. Молхонада дадамларнинг извошга қўшадиган тўриқ отлари билан беда, ем талашиб туполон қилгани-қилган эди. Кўпинча у зўр чиқарди.

Худди шу эшак билан қишда бардига бориш азоб эди. Аввало бир кун олдин уни яхшилаб боқишга тушардик. Балки шундан оқ у эртаги куннинг унга оғир бўлишини сезиб, эркалик қила бошларди. Тертга кепак кам тушган бўлса эмасди. Сулини талаб қиларди.

Тунги соат туртларда, яъни саҳарликдан сўнг устига қалин тўқим солиб, аравага қўшардик. Бўйнидан думигача яна қоп ёпиб қўярдик. Шундан кейин бир неча дўқ аралаш «ҳиҳ, ҳиҳ!»дан сўнг у эриниб йўлга тушарди. Ярим йул босилганидан сўнг, юрмасликнинг иложи йўқлигини тушуниб, пилдираб кетарди. Олдимизда бошқа бир эшак арава пайдо бўлиб қолиши бизга роҳат эди. Ҳеч қандай уришиш, сўкинишсиз эшагимизнинг ўзи ўша арава кетидан кетаверарди.

Араваимизнинг темир қопланган ёғоч гилдираклари баъзан яхмалак йўлда эшакни сургаб кетиб қоларди, қаршидан келаётган арава, машина, трамвайга урилиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Эшагимиз бечора араванинг устидаги ўн беш-ийигирма челақдан барди солинган бочкаларнинг оғирлигидан ўзини элаолмай гилдираклаб кетар, йиқилар, аммо дарров ўзини ўнглаб олишга интиларди. Барди олиб келинган кун мен уни уйдагилар уришишса ҳам, ялинишса ҳам аравага бошқа қўштирмасдим, дам олди-рардим.

Ўнинчи синфга ўтгунимча шу эшак аравани ҳайдардим. Барди, ем-хашак таширдим, баъзан киракашлик қилардим. Ўша эшагимизни эласам, дилим ёришади: унингчалик айёр, ақлли ҳайвонни кўрмаганман.

Ўша йиллари кўпчилик от, эшак-арава ушлайдиган бўлиб кетди. Чунки ишхоналарнинг яхши от, аравалари, мошиналари ҳарбий хизматга олиб қўйилди. Кичик корхоналар, артеллар уловсиз қолди. Хусусий аравакашлар ишларидан кейин шу корхоналарнинг хизматини қиладиган, кичик корхона, артелларга от, эшак-аравалари билан ишга кирадиган бўлиб кетдилар.

Бундан ташқари шаҳарда фақат ўзбеклар эмас, руслар, украин, озорбайжонлар ҳам мол боқадиган бўлишди. Кўпчилик уйда (албатта мен билган хонадонларда) битта сигир, икки-учтадан қўй, эчки бўларди.

Муҳсин аканинг отаси Толиб ака яхши от-арава ясарди. Арава ўша пайтдаги энг қулай, мустаҳкам, чиройли аравалардан эди. Юк ортадиган саҳни гилдираклар орасига туширилган, қанотлари эса ошиқ-машуққа қоқилиб, худди эшикка ўхшаб очилиб, ёпиларди, зарур бўлганда кенгайтириш, торайтириш мумкин эди. Гилдираклари ёғоч эмас, самолётнинг резина гилдираклари эди. Оти ҳам зўр эди. Жонивор семизлиги, яғрини кенглигидан арава шотирлари орасига зўрга сигарди.

Гофуржон ака ҳам утилларига эшак-арава олиб берди. Уларнинг эшаги қора, бизникидан кичикроқ эди. Аммо аравалари худди Толиб аканикидек ўртаси ўйилиб ишланган, гилдираклари шинадан эди. Бу аравада бардига бир киши борса ҳам бўларди. Чунки бочкалар араванинг ўртаси, шундай гилдирак ўқи устида турар, темир чандан ерда туриб олиш мумкин эди. Мен ҳам шундай арава сотиб олишни кўп орзу қилардим. Лекин шундай аравага эга бўлиш насиб қилмади. Дадам бир-икки ваъда қилдилар, аммо олиб беролмадилар. Шунинг эвазига янги жабдуқ қилдириб бердилар.

Биздан пастроқда вино дўкони бўлган армани — Вано амаки турарди. У ўзбекчани яхши билганидан ҳаммамиз уни Вано амаки деб чақирардик. Унинг ҳунари кўп эди. Соат тузатарди, эгар-жабдуқ тикарди, яхши этикдўз эди. Дадам отларига эгар-жабдуқ ясаптириб, эшагимизга ҳам қилдириб бердилар. Попукли қуюшқон унга жуда ярашди.

Вано амаки уруш тугагунча ҳамма ҳунари билан барабар шугулланди. Дадам ўзларига, менга унда этик тиктирдилар. У тиккан этикни узоқ кийдик, оёғимни сиқиб, қадоқ қилгунча кийдим. Аммо йиртилгани йўқ.

Эшагимизга попукли, чарм қуюшқон, худди шундай бўйнида осилиб турган чарм юган тақиб, янги, ўртаси чуқур, мошина гилдираги ўрнатилган аравани унутдим...

Дадамнинг топишлари ёмон бўлмаса ҳам доим етишмовчилик сезилиб турарди.

Қиш кунларининг бирида дадам уйга рус чол-камбир билан ўрта ёшли бир аёлни бошлаб келдилар.

— Бугун вокзалда эдим, келганларнинг ҳаммаси ҳар қаёққа кетишяпти. Булар туришибди. Қаёққа боришларини билишмайди. Юклари йўқ. Ленинграддан келишибди. Бошлаб келаведим. Битта хонани берамиз. Битта оила экан.

Дадам шундай деб, бизни уларга таништирдилар.

Катта хонамизни, икки эшикли, ойнавошли айвонимизнинг бир эшиги ёнидан фанер билан тўсириб, уларга ажратиб бердик. Уйда учта тур симли темир кароват бор эди. Шуларни ҳам уларга бериб, ўзимиз ерда ётадиган бўлдик.

— Булар ерда ётишга урганмаган. Кейин уччалоғи ҳам зиёли одамлар экан. Хотини уқитувчи, ўзи, қизи доктор экан, — дедилар бизни ўзларича овулган бўлиб дадам.

Лениградлик меҳмонлар тўрт йилдан зиёд, 1946 йилнинг ёзигача бизникида туришди. Бағрикенглик қилинса, кичкина жойга ҳам сигиб кетаверилар экан. Улар уч киши бир уй, айвоннинг чорағида; ойим, опам, дадам, яна тўртта бола бир уй, айвоннинг қолган қисмида ҳеч қандай хунобгарчиликсиз шунча йилни ўтказдик. Улар билан бир оиладек бўлиб кетдик.

Акмал аканг уларнинг қўлида туғилди.

## VI

Сталинграддаги жангдан кейин ўзбек хонадонларида йиги-сиги кўпайиб кетди. Почтальон ҳар куни қора хат кўтариб келадиган, хонадонларда кетма-кет жаноза ўқиладиган бўлиб қолди.

Урушнинг дастлабки кунлари ҳаммамизнинг уйимиздаги кўптўқинли радиоприёмниклар олиб кетилган эди. Радио хабарларини шаҳар тармоғига уланган тоғорадек қора карнай борларгина эшитарди. Бизникида шундай карнай бор эди. «ВЭФ» радиоприёмникимизни олиб кетишганидан сўнг, дадам Турғунбек акам билан қаердандир шу карнайни топиб шаҳар тармоғига улаган эдилар. Асосий хабарлар, совинформбюро хабарлари эрталаб соат саккизда, кўпроқ кундузи соат ўн иккиларда эшитириларди. Шу вақтларда, айниқса ўн иккидаги ахборот пайти уйимиз қўни-қўшниларга тулиб кетарди.

Биз болалар эса уруш хабарларини мактабга кетаётган пайтимиз, бозор ичида баланд устунга ўрнатилган карнайдан эшитардик. Хабарларга қараганда Сталинград жангида жуда кўп одам ҳалок бўлган эди. Албатта, немислар бизнинг одамлардан тўрт-беш марта кўпроқ ўлдирилганлиги, қурол-техникаси, самолётлари ҳам бизникидан кўп ишдан чиқарилгани бизни қувонтирарди.

Уша кунлари юз берган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бозорнинг вокзал томонга чиқадиган дарвозаси олдида ҳар доим

киракаш аравалар турарди. Икки-уч ойдан бери шу аравалардан бирининг устида биз мактабга кетаётган маҳалимиз бир қўли, бир оёғи йўқ солдат пайдо бўлиб урушдаги аҳвол ҳақида вағз қилар, армиямиз қаерларни озод қилганини батафсил айтиб берар, кейин хуштак чалиб, ашула айтиб, ҳужумга кетаётган солдатларни тасвирларди. Бир самолёт буларди, бир пулемёт булиб, немисларни қирарди, бир паровоз бўлиб, фронт орқасидан жангчиларга юборилаётган кийим-кечак, озиқ-овқатларни таширди. Унинг бу концертини катта бир театр спектакли деса буларди. Биз болалар, уни эшитишга ошиқиб уйдан эртароқ чиқардик. Соат ўн иккидаги ахборотни бозор ичида эшитиб бўлиб, солдат ўтирган арава томон югурардик. Одамлар йиғилиши билан у томошасини бошларди. Бирдан у йўқ бўлиб қолди. Аравалар ҳам бозор дарвозасидан нарироқда турадиган бўлди. Бир неча кундан кейин сабабини билдик.

Қанчалик рост, қанчалик ёлгон — билмайман, ярадор солдат немисларнинг айгоқчиси экан. Арава устидаги томошаси пайтида морзе йўли билан Тошкентдан фронтга бугун неча эшелон одам, қурол кетганини хабар қилар экан. Томошабинлар орасидаги шериги эса унинг хабарларини тегишли йўллар билан ўз қўмондонлигига етказар экан.

Бир қўл, бир оёқсиз уша солдатни бошқа кўрмадик. Албатта айгоқчилигини эшитиб, унинг қўлга олинганидан хурсанд бўлдик. Аммо томошасидан маҳрум бўлганимизга ачиндик. У жуда истеъдодли, кўп қиррали артист ва диктор эди. У тайёрлаган концерт композициялари ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди. Раҳбарлар, қўмондонларнинг овозларини худди ўзидек келтирарди. Гитлер, Геббельс бўлиб гапирганда эса одамлар ўзларини тутолмай кулардилар.

Бозор олдида турли қимор ўйинлари ҳам бозор ёпилгунча давом этарди. «Уч қарта», «Уч ангишвона», «Икки ошиқ» каби ўйинлар атрофидан доим одам аримас, баъзан тўполон бўлиб кетар, қиморбозлар бир-бирларини пичоқлашгача етардилар.

Ўйинларнинг мазмуни бир эди. «Уч қарта»да ким тузни топса, шу ютарди, «Икки ошиқ»да ошиги олчи турган одам ҳамма пулни оларди. «Ангишвона» ўйини ҳам қизиқ эди. Битта ангишвона остида кичкина золдир яширинган буларди. Ким шу золдирли ангишвонани топса, ютуқ уники эди.

Мактабимиздаги юқори синф ўқувчилари баъзан ўйнашарди. Лекин ҳеч маҳал уларнинг, улар қатори бегона одамларнинг ютганини билмайман, бир марта ҳам курганим йўқ. Ютуқ ўйин тикканда, ё унинг шерикларида кетарди. Мен кўп вақт нега ошиқчи ошиқларни отганда доим олчи туради, бошқалар отганда турмайди, шунга ўйлардим. Бир куни тағига етдим. Ошиқчи бир даста ошиқни ўртага ташлаб, пул қўйган одамга истаган ошигини ташла, деди. Бегона одам албатта энг катта ошиқлардан иккитасини танааб, ташлади. Жуда яхши танлаганидан ошиқлардан биттаси олчи турди, холос. Кейин ошиқ эгасининг

навбати келди. У билдирмай ўзининг ошиқларини ташлади. Иккалови ҳам олчи турди. Чунки у ўз ошиқларининг «товва» томонига ичидан қўрғошин қуйган. Ташлаганида, ошиқлар ўз огирлиги билан олчи турар, буни кўпчилик билмасди. Яна бошқача уйинлар — тухум, ёнғоқ уйинлар ҳам ўша пайтда пайдо бўлди. Аммо уруш тугаши билан йўқ бўлиб кетди.

Ўша даҳшатли уруш йиллари болалар учун уруш-уруш уйинлардан, юқоридаги уйинларни томоша қилишдан бошқа деярли ҳеч нарса йўқ эди. Кинога боришга аввало вақт йўқ, кейин пул йўқ эди. Борардик, аммо жуда кам борардик.

«Қора хат» деган бало бизнинг қариндошларимизникига ҳам келадиган бўлиб қолди. Биринчи бўлиб бу кулфатни аммам эшитдилар. Катта ўғиллари Аҳмад акадан қора хат келди. Сталинград остонасида бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлганларини урушдан кейин билдик. Уларни деярли тайёргарчиликсиз, жуда оз ўқитиб, урушга солишган. Баъзилар милтиқни қандай ўқлашни билмай ўлиб кетишган.

Ўша куни аммамнинг уйлари бирпасда одамга тўлди. Ҳамма қириндошлар йиғилишди. Аммо аммам, Назира келинойим жаноза очирмадилар. Қора хат келиб, орқасидан ўзи кириб келган одамлар йўқ эмасди.

— Кутаман, — деди Назира келинойим. — Балки омондилар?

Ҳеч ким эътироз билдирмади.

Назира келинойим уч боласи билан Аҳмад акани оламдан ўтгунига қадар кутди. Адашмасам 1988-1989 йилларда у қазо қилди. Мен у хотиннинг эрига бўлган садоқати, болаларига меҳри ва матонатига таҳсин ўқийман. Аҳмаджон акадан қора хат келган кундан кейин кўп ўтмай, катта қизлари Ҳакима тутқаноқ касалига чалиниб қолди. Синглиси Шарифа билан мен биринчи синфга борганимизда у учинчи синфни битирган эди. Ўз ёшига нисбатан гавдаси катта, тўладан келган, қувноқ, шўх қиз эди у. Ўқиши ҳам яхши, ҳамма фанлардан аълога ўқирди. Касали зўрайиб, у эсини ҳам йўқотди. Дадам, ойиси, бошқа қариндошларимизнинг уни кўрсатмаган шифокорлари қолмади. Аммо Ҳакима тузалмади. Анча йиллар ўтиб қазо қилиб кетди.

У билан бир кўча бўлиб биринчи марта мактабга борганимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Ёқалари елкаларигача тушиб турган оқ шоҳи кўйлак кийган, ёқаси тагидан қизил пионер галстугини тақиб олган эди. Бошида қанотлари кенг оқ шляпа. Ҳозир эсимда йўқ, ўша йиллардан хотира сифатида уйимизда бир сурат бўлиши керак. Унда Шарифа, Ҳакима, мен бормиз. Бозор ёнидаги суратхонада олдирилган эди. Турган бўлиши керак. Шу суратдаги нигоҳидан ҳам Ҳакимининг қувноқлиги, ақллилиги шундай сезилиб турарди. Отасидан келган қорахат уни соғлом одамлар орасидан юлиб олди, ота дардида бедаво касалга чалиниб, ун гулидан бир гули очилмай дунёдан ўтиб кетди. Жойи жаннатда бўлсин.

Иккинчи қора хат Толиб қарвоннинг ўгли Муҳсин акадан келди. Раҳима опанинг гапига қараганда Тўхтабек акадан «бедрак кетди», деган хабар келган. Абдуллабек акадан бирон хабар келганини эшитганим йўқ. Урушга кетган қариндошларимиз ичида аммамнинг кичкина ўғиллари, менинг поччам Ҳомид ака эсон-омон 1946 йилнинг охирларида қайтиб келди, холос.

Тўхтабек ака, Абдуллабек акалар билан нима бўлгани ҳалигача номаълум. Ўқимишли офицер одамлар агар омон бўлишса, йулини топиб ўзларидан хабар беришарди. Омон бўлиб, бирон чет мамлакатда қўним топишган бўлса, умрлари узоқ бўлсин, бола-чақаларининг роҳатини кўришсин.

1944 йилнинг охирларига келиб, турмуш бироз енгиллашгандек бўлди. Нон магазинларида ҳафтада бир марта оқ нон бериладиган бўлиб қолди. Бозордаги озиқ-овқат магазинларида тухум порошоги сотила бошлади. АҚШники экан. Товага бир қошигини солсанг, кўпириб, шишиб тайёр қуймоқ бўлиб чиқади. Аммо барибир ҳаёт огир эди. Очликдан шишиб улганлар камаймасди. «Чўлоқ арава» минганларнинг сони эса борган сари кўпайиб борарди.

Ўша йили офицерлар уйига сут олиб борган кунларимнинг бирида бир офицер ўз хотинини отиб қўйганини эшитдим. Офицерлар уйининг ҳовлисида одам кўп эди. Ҳамма шу фожиани муҳокама қиларди. Биров хотинни оқлаб, офицерни айбласа, биров тамомила тескарисини айтарди — хотинни айблаб, офицерни оқларди.

Эрига бевафолик қилган аёллар уруш йиллари бўлди, албатта. Қийинчилик, ёлғизликка чидашолмади. Яхши яшашлари, кийинчилари келди. Аммо аёлларни алдаган фирибгар эркаклар ҳам ўша йиллари оз эмас эди.

Шуларни мен ўйлаганимда, уруш тугаб, ун-ун беш, ҳатто ўттиз йиллаб ўз турмуш ўртоқларини кутган аёлларга таҳсин ўқигим келади. Улар фаришта аёллар. Улар жаннати. Уларнинг ҳар бирига олтин ҳарфлар билан исмлари ёзилган ҳайкал қўйса арзийди. Шундай аёлларнинг фарзандлари ўз муътабар оналари билан фахрланишлари керак. Уларни унутмай зиёрат қилиб туришлари, омон бўлсалар, уйнинг турига ўтқазиб, дуоларини олишлари керак.

Ҳақимбек амакимнинг катта қизи Карима опа, Аҳмад акамнинг умр йўлдошлари Назира келинойим ана шундай аёллардан эди. Улар, улар кабиларнинг ҳаёти авлод-авлод қизларга вафо, садоқатда, меҳнат ва сабр-тоқатда узоқ йиллар ўрнак бўлади.

Юқорида айтиб ўтиб кетдим. Уйимиз рўпараси ҳарбий казарма эди. Фронтга, умуман, ҳарбий хизматга қақирилганлар ҳаммаси Ўзбекистон вилоят, туманларидан ўз кийимларида, елкаларига қопчиқлари, турваларини ташлаб, тўп-тўп бўлиб офицерлар бошчилигида шу казармага кириб кетишар, бир ҳафта ўтар-ўтмас, мутлақо бошқа қиёфада, солдат кийимида, соч-соқоллари олдирилиб (фақат мўйловга рухсат беришарди) теп-те



кис, ихчам, ёш йигитлардек яна тўп-тўп бўлиб, аммо энди бир оҳангда қадам ташлаб чиқишарди. Уларни кутган ота-оналари, умр йўлдошлари, болалари «тап-тўп», «тап-тўп» қадам ташлаб чиқишаётганда кенг, ёғоч дарвозанинг у ёқ-буёғида югуриб қолишарди. Чунки уларни таниш қийин эди. Кўпинча қариндошларини солдатларнинг ўзлари чақириб ёнларига олардилар. Казармадан чиққан солдатларнинг борадиган йўллари битта — вокзал эди. Баъзан казармага келтирилганлар халқ билмайдиган сабаб билан икки-уч ой қолиб кетишарди. Аммо бундай воқеа камдан-кам бўларди.

Казармада уларни ювинтириб, кейин бирин-кетин оддий солдат тартибларига, ҳарбийча юриш, қурол-аслаҳа тутишни ўргатишарди. Бу ердан олиб кетиб, Оренбургдами, Саратов ёки Куйбишевдами уч-тўрт ой уруш қонун-қоидалари билан таништириб, фронтга жўнатишарди.

Ўз яқинларини кузатиб келганлар уларни солдатча кийинтириб, вокзалга олиб кетишмагунча казарма дарвозаси тагида ўтиришарди. Биз болалар, уларга сув, чой таширдик. Бир-иккита бола аввал сувни ҳам, чойни ҳам сота бошлади. Чой деяшман-у, у чой эмас, олма, олча қоқилари билан жиндай қизарган, саргайган чучмал иссиқ сув эди.

Дадам буни эшитиб қолиб, урушиб бердилар. Ўзлари кўчага чиқиб, икки табақали эшигимиз олдида казарма дарвозасига тикилиб ўтирган чол-кампирлар, ёш аёл, болаларни ҳовлига таклиф қилдилар. Ҳаммаларига сув, чой бердирдилар. Шундан кейин уйимиз доим урушга чақирилган одамларнинг яқинлари билан тўла бўладиган бўлди. Биз болалар эса бўш қолдикми ёки казарма олди одамларга тўлдими, дарҳол чойнак, кружка, стакан кўтариб, уларнинг олдига йўл олардик. Чанқовларини босиб, озгина бўлса ҳам ташвишларини енгиллатишга интилардик. Улар дуо қилардилар. Ким билади, қизим, балки уларнинг тилаклари, астойдил қилган дуолари билан мен яқин-яқингача касал нималигини билмадим, опанг билан турмушимиз ҳарҳолда ёмон ўтмади...

Кечқурун эса, нокнинг остидаги сўри одамларга тўлиб кетарди. Уларни дадам, оймлар чақириб, тонггача — солдатлар эрталабки машқларини бошлагунларича, мизгиб олишни таклиф қилишарди. Битта биз эмас, Гофуржон ака, амаким, аммамларнинг уйларида ҳам ўз яқинларини кузатиб келганлар ётиб чиқишарди. Ўзбекми, урисми, қозоқми, татар ё арманими — ҳеч ким бунинг фарқига бормасди. Кейин турли кийим, қиёфада казармага кириб кетганлар солдат кийимида, бошларига қўндирилган қизил пилоткада бир ота-онанинг фарзандларидек бўлиб чиқишарди.

Баъзида бирдан икки-уч ака-ука баравар келиб қолишарди. Бундай ҳодисалар, айниқса, Фарғона, Чимкент томондан келадиганларда кўп учраб турарди. Кимларнингдир ҳаракати билан одамгарчилик қилиб, ака-укаларнинг баъзиларини вақтинча

қайтариб юборишарди. Шу ҳам катта байрам эди. Шундай пайтларда дарҳол қаердандир қўй, бир-икки пуд гурунч, сабзи топишарди. Бизнинг ҳовлида зиёфат қилиб беришарди. Соқчи солдатлар, баджаҳл офицерлар ҳам шундай пайтда бир-икки соатта юмшар, казармага кириб-чиқиш бемалол бўлиб қоларди. Мен кўп кинофильмларни шу казармада кўрганман. «Қасам», «Александр Невский», «Она», «Йулбарс», «Ўзбекистон қиличи»... ҳозир ҳаммаси эсимда йўқ. Баъзи кунлари катталар ҳам кинога боришарди.

Уша йиллари биз томонларда лўлилар кўпайиб қолди. Улар тиланчилик қилиш билан бирга фол очишарди. Бриллиант, ёқут кўзли зирак, узуклари бор аёлларга эрлари, қайлиқ ё ака-укалари қаердалигини (шаҳар, вилоят маъносида эмас, ўрмон, денгиз, тоғ маъносида) шу узук, зирак кўзларига қараб айтиб беришни таклиф қилишарди. Эвазига бола-чақага озгина овқат, озгина пул булса кифоя эди. Буни қараки, қизим, уларнинг баъзилари тўғри чиқарди. Фол очирганнинг яқинидан хат келиб қоларди, баъзан ўзи кириб келарди.

Лулилар ойдин кечалари томга чиқиб, узук, зирак кўзларини ойга тутиб, урушдаги қариндошларни кўриш мумкинлигини ўргатиб кетишди. Эрта баҳордан кеч кузгача ой ўн тўрт кунлик бўлиб, баркашдек саргайиб турган тунлари маҳалладаги деярли ҳамма аёллар, қизлар томда бўлишарди. Узук ёки зирак кўзининг чизиклари ой нурида кенгайиб, ўрмонни, денгизни эслатарди. Баъзи майда-майда доғлар эса одамларга ўхшаб кетарди.

Бечора аёлларнинг ўз яқинларини узук, зиракларидея бўлса ҳам кўриш орзулари шу қадар кучли эдики, хаёлларидаги одамлар узук, зиракларини кўзига тушиб қаршиларига юриб келаётгандек бўларди. Кимлардир эри ёки отасини кўриб, ҳушидан кетиб қоларди, кимдир дод солиб йиғлар, кимдир, нега мен ҳеч кимни кўрмаяман, Худо, менга ҳам шафқат қил, деб Худога илтижо қилиб ёлборарди. Хуллас, бечора аёлларга на кечалари тинчлик бор эди, на кундузи...

Биз, болалар эса яна азонда туриб нонга кетардик, келиб апил-тапил чой ичиб, молларга қарардик. Ҳар кунгидек туполон, йиғи-сиги ташвишлар билан янги кун бошланарди.

Молхонада туриб, солдатларнинг казармадаги гурас-гурас юришларини эшитардик. Уларнинг борлиги, шундай шахдам-шаҳдам қадам ташлаб юришлари, ҳарбий ашулалар, марш музикаларига мос оёқ ташлашлари дилни қувонтирарди, қандайдир гурур бағишларди, баъзан беихтиёр кўздан ёш чиқиб кетарди. Улар, кечаги деҳқон, ишчилар, студентлар бутун қўлларига қурол олиб, шундай ерни титратиб, ларзага солиб юришар экан, албатта, галаба биз томонда бўлишига умидимиз катта эди.

Тўрт йилги даҳшатли уруш вақти қанча миллион одам шундай казармалардан солдат бўлиб чиқиб, фронтга кетди, қанчаси қайтди-ю, қанчаси бегона ерда мангута кўз юмди. Бунинг ҳисоб-китоби ҳали ҳам йўқ. 20-30 миллион деган гаплар осмондан олиб

ёзилган рақамлар. Ҳеч қайси шаҳарда аниқ рўйхат бўлмаган. Борлари ҳам беҳафсалалик оқибатида йўқ бўлиб кетган.

Шу ўринда мен бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир, СССР йўқ бўлиб, иттифоқдош республикалар мустақилликка эришган бир пайтда урушда бедарак кетганлар, туғрироғи, душман томонга ўтиб кетганларга муносабат ўзгарди. Лекин асир тушиш билан, ўз хоҳиши-ла душман томонга ўтиб кетиш орасида осмон билан ерча фарқ бор. Асир тушганларнинг аҳволига тушуниш, уларни ҳимоя қилиш ҳар бир соф виждонли одамнинг бурчи. Аммо ўз истаги билан йўлини топиб, душманга таслим бўлиш, унинг хизматига ўтиш бу — хоинлик.

1964-1966 йиллари мен Ёзувчилар союзининг таклифи билан икки марта уч ойдан Булгорияда бўлдим. Булгор адабиёти, тилини имкон борича ўргандим. Булгор ҳаётидан ёзган асарларимнинг купини биласан. Булгорчадан таржималар ҳам қилдим. Иккинчи сафар борганимда опангни бир ойга ёнимга юборишди. Бир ой Булгория бўйлаб саёҳат қилдик. «Золотые пески» деган жойда, Қора денгиз бўйида йигирма кун дам олдик. Кейин опанг қайтди. Мен яна бир ойга қолдим. Уша кунлари Софийадаги «Рус булвари» деб аталган кўчада кетаётиб миллий — инқилобий музейга кўзим тушиб қолди. Кирдим. Узоқ айланиб, булгор халқининг тарихи, сиёсий тузумлари билан таниша туриб, тўртта совет солдатлари гимнастёркасидаги йигитлар суратини кўриб қолдим. Суратларнинг тепасига «Совет кишилари — Булгория халоскорлари» деб ёзиб қўйилган эди. Солдатлардан биттаси ё тожик, ё ўзбек эди. Қора кўз, қора қош. Кичкина қўнғиздек мўйлов қўйган. Аммо солдат йигитларнинг биронтасининг ҳам исм-фамилияси йўқ эди. Музей ходимларидан уларни суриштирдим. Улар ҳам ҳеч нарса айтиб беришолмади. Шунда суратлардан бир нусха кўчириб беришни илтимос қилдим. Булгор ёзувчиси, дўстим, Ўзбекистонга кўп марта келиб-кетган Йордан Милев икки кун ичида суратларни катта қилдириб, олиб келди.

Тошкентга қайтганимда (мен унда Ўзбекистон радиосида ишлардим) зангори экранда булгор таассуротлари орасида номаълум солдатларнинг суратини ҳам кўрсатдим.

Эртаси куни, Хоразм кўчасидаги ишхонамизда ўтирсам, бир одам пастда мени чақираётганини, зарур иш билан келганини айтишди. Тушдим. Ва уша заҳотиёқ рўпарамда турган одамни танидим. Бу уша, қўнғиз мўйлов, қора қош, қора кўз солдат йигит эди. Албатта у анча ўзгарган, юзларига ажин тушган, сочлари оқарган.

— Мен Зиёмат Ҳусанов бўламан. Кеча менинг суратимни кўрсатдингиз, — деди у бир юзи билан жилмайиб.

Уша куни ишдан жавоб сураб, Зиёмат Ҳусановни уйга олиб кетдим. Опанг ош қилди. Биз узоқ гаплашиб ўтирдик.

Зиёмат Ҳусанов 1941 йили 19 ёшида Тошкент педагогика институтидан кўнгили бўлиб урушга кетибди. Асли ҳовиллари Шайхонтоҳурда экан. Сен у ҳақдаги менинг ёзганларимни, Йор-

дан Милевнинг «Шарқ поэмаси» китобидаги унга бағишланган бобларни биласан. Шунинг учун кўп гапириб ўтирмайман. Асосий гапим шуки, 1943 йили Курск-Орёл жангида у катта қаҳрамонлик кўрсатган, немисларнинг тўрттами-бештами танкини ёндириб юборган, бир взвод душманини ҳужумдан қайтариб, қанчасини қириб ташлаган, аммо ёнида граната портлаб йиқилган. Фронт қўмондонлиги уни ҳалок бўлган ҳисоблайди ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этади. Кўп ўтмай, фармон чиқади. Калинин қўл қўйган бу фармонни мен ўз кўзим билан кўрдим, ўқидим.

Омон қолган Зиёмат Ҳусанов албатта булардан анчагача баҳабар бўлган. У кўзини очганда ўзини ўрмонда кўради, атрофида ярадорлар, итлар, немис соқчилари. У асирга тушиб қолганини билади. Кўп ўтмай уларни вагонларга ортиб, олиб кетишади. Зиёмат Ҳусанов аввал Словения, кейин Черногориядаги ҳарбий лагерларда бўлади. Шу ерда Туркистон Комитети вакиллари мусулмон совет солдат ва офицерлари билан учрашиб Туркистон легиони тузишни, озода Ўзбекистон учун курашни таклиф қилдилар. Аввал бу таклифга рози бўладиганлар чиқмади. Бир куни Худойбердиев деган лейтенант 30 га яқин одамни йигиб, рози бўлишни, кийим, қурол беришганидан сўнг, югослав ва булгор партизанлари томонига ўтиб кетишни таклиф қилади. Чунки унинг фикрича, асир тушганларга барибир ватанда ишонч йўқ, ё отиб ташлашади, ё Сибирга сургуни қилиб, чиритиб юборишади. Агар у айтгандек қилишса, партизанлар билан немисларга қарши уришса, уларни кечиришлари ва яна Қизил армия сафига олишлари мумкин. Узоқ мулоҳаза-уйлардан сўнг, 28 киши Худойбердиевга қўшилади.

Улар орасида Зиёмат Ҳусанов ҳам бўлган. Икки ой тайёргарликдан сўнг, уларга легион кийимини кийдириб, немис солдатлари билан бирга партизанларга қарши курашга ташлайдилар. Аммо партизанларга бир дона ҳам ўқ узмай, легион аъзолари ҳар ёққа қочиб кетадилар. Немислар билан отишма бўлади. Отишмага Худойбердиев раҳбарлик қилади. Қанча одам биз томондан, қанча немислардан ўлгани, ярадор бўлганини Зиёмат Ҳусанов билмайди. Худойбердиев буйруғи билан кизгин отишма пайти партизанлар борлиги фароз қилинган томонга қочади.

Уч кун деганда бир ўрмончининг уйига етиб боради. Кечаси уникага кириб, ўзини таништиради. Эртаси кун ўрмончи уни булгор партизанларига топширади. Легиондаги қолган 27 киши билан нима бўлганини Зиёмат ака билмайди. Афтидан кўпчилик отишма пайти ҳалок бўлган, ёки яна немислар қўлига тушган.

Зиёмат Ҳусанов тарихини мен Йордан Милевга айтиб бердим. «Ўзбекистон маданияти» газетасида бир неча очерклар ёздим. Йордан Булгорияга қайтиб, Зиёмат аканинг партизан командири, генерал Боян Михнев-Чабановни тоқди. Уларнинг ҳаракати билан, мен ёрдам бериб, турли идораларга мурожаатлардан сўнг Зиёмат Ҳусановга 1968 йили 9 майда қайтадан Совет Итти-

фоқи Қаҳрамони унвони берилди. Яхши хабар одамни қанчалик ўзгартиб юборишини мен ушанда кўрдим. Зиёват Ҳусанов қари, касалванд одамдан бирдан ёш, қирчиллама йигитга айланиб кетди. У билан дўстлигимиз унинг ўлимигача давом этди. У ҳар ёзда бизникига келиб, сурида бир-икки соат ўзининг янги, мутлақо беташвиш ҳаётидан гапириб бериб ўтирарди. У урушдан қайтганидан кейин асирда бўлганлиги сабабли Тошкентдан элик километр нарига чиқариб юборилган, Сайрамда кичкина уй қилиб, шунда яшарди, мактабда математикадан дарс берарди.

Унинг тарихида уни, мени ва Йорданни ҳайратга солган одамийликка хилоф иккита воқеа бор эди. Биз бу воқеаларни эсламасликка интилдик. Лекин ҳозир ёзмасам кўнглим жойига тушмайди. Зиёват Ҳусанов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига лойиқ топилганда ва у ҳалок бўлган, деб ҳисобланганда, у ҳақда бир ёзувчи очерк ёзган экан. Уша йили Зиёват ака шу очеркни менга кўрсатди. Очерк қалин бир китобда бошқа очерклар қаторида чоп этилган. Булғор партизанлари билан Италия армиясида хайрлашиб, совет вакиллари иштирокида у Одессага қайтганида, ҳамма орденлари, совга қилинган қуролини тортиб олинади. Аммо қамашмайди. Тошкентга келганида Зиёват Ҳусанов ўзига қаҳрамон унвони берилганини эшитади. Ҳарбий комиссариатда, уни ҳарбий прокуратурага олиб бориб, қаҳрамонлик ҳақида гап очадиган бўлса, қамалишини, Сибир томонга сургун қилинишини айтишади.

— Нега? — ҳайрон бўлади Зиёват Ҳусанов.

— Асирда турк легионига кирганингиз бизга маълум. Фақат хоинларгина легионга киришган. Наҳотки Туркистон Комитетининг бизга душманлигини билмаган бўсангиз?— дейишади унга.

Шунда Зиёват ака унинг ҳақида ўзини кўрмасдан, у билан бир марта ҳам гаплашмасдан очерк ёзган ёзувчини қидириб боради. Ёзувчи уни қабул қилмайди, «Бундай одамни танимайман», — дейди. Мен бу гапни ўздан эшитганим учун дадил ёзаяпман. Шундай қаламқашлар ҳам бор экан.

Мен Зиёват Ҳусанов ҳақидаги ёзганларимни катта бир кинорежиссёрга кўрсатиб, шу одам ҳақида ҳужжатли фильм қилинса, яхши иш бўларди, дедим. У ўқиб кўриб мақтади. Ҳатто ким режиссёр бўлишини айтди. Аммо бу фильм Зиёват Ҳусановга қаҳрамон унвони қайтарилганидан сўнг суратга олинди. Машҳур режиссёр ҳам уша ёзувчи каби асирда бўлган одамга ёрдам беришни истамади.

Яна бир нарсани очик айтиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман, қизим. Совет тузуми узи-кесил галаба қилган, Сталин конституцияси бир овоздан қабул қилинган йиллардан бошлаб, кўпчилик совет кишиларида ўзгариш юз берди. Партия, совет идоралари раҳбарлари, умуман раҳбар одамлар билан баҳслашиш, уларга, «танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш» илгари мав-

жуд бўлса ҳам, сўз қайтариш аста-секин йўқола борди. 60-70 йилларга келиб эса, урушдан кейинги Сталин даврини айтиб ўтирмайман, ҳамма бир оғиздан раҳбар гапларини қувватлайдиган, жуда бўлмаганда кўпчилик овоз билан унинг фикр, режаларини, айтганларини маъқуллайдиган бўлиб кетди. Бошқача, айниқса, партия органларнинг бошлиқларига қарши чиқиш — Ватанга, партияга хоинлик қилиш билан тенг баҳоланишини халқ биларди. Кўр-кўрона бошлиқлар гапини маъқуллаганларни, дўстлари, уртоқлари, ҳамкасбларини партиядан, комсомолдан раҳбар кишилар таклифи билан ўчиришаётганда розилик бериб қўл кўтарганларни қандай оқлаш ёки қандай қоралаш мумкин? Ҳаммани, ҳаммамизни тинч яшаш орзуси қўпгина бошқа фазилатлардан воз кечишга, тўғрироғи, уларни эсламасликка мажбур қиларди. Мен давлатга хиёнат моддаси билан қамалган таниқли одамларнинг хотиналари дарҳол эрларидан воз кечиб, ажралганларини, фамилияларини ўзгартириб олганларини кўрганман. Майли, ўтган ишларга саловат. У даврлар ўтиб кетди. Ёмон воқеаларни, фожиаларни эсламаган маъқул.

Зиёват Ҳусановни ҳарбий прокуратурада Файзи Саидов билан учраштиришган. Прокурорми, ё терговчими, Зиёват акадан Курск-Орёл воқеасини, асир тушиш сабабларини сўраб бўлганидан сўнг, Туркистон легиони масалаларига ўтган. Зиёват ака бор гапни айтиб берган. Турк легионига уз ихтиёри билан ўтганлар астойдил советларга қарши курашга ўзларини бағишламоқчи бўлганларни у эшитган, аммо кўрмаган, улар билан гаплашмаган.

— Нега? — ўзини соддаликка солиб сўрайди терговчи.

— Биз уларни тан олмасдик, улардан ҳазар қилардик, — жавоб беради Зиёват ака. — Бизнинг асл ниятимиз имкон топиб юртимизга, Қизил армия сафига қайтиш эди.

— Саидов билан қачондан бери танишсиз?

Бу тўсатдан берилган саволдан Зиёват Ҳусанов гангмайди. Фақат нима бўлганини тушунади. Худойбердиев бошлиқ йигирма саккиз кишининг биронтасига ҳам совет органларида ишонч йўқ. Улар ҳам кўнгилли легионлар сингари совет давлати, совет халқининг душманлари.

— Концлагерда. Черногорияда.

— Унинг офицерлигини биласиз. У одамларни, мусулмонларни, шу жумладан, сизни нимага тортди, қандай ташвиқот юргизди?

— Ҳаммамиз каби унинг ҳам нияти битта эди. Лагердан қочиш.

— Лейтенат Худойбердиев билан Файзи Саидов тил бириктириб, Туркистон Комитетининг топшириғи билан барча мусулмонлардан армия тузмоқчи бўлган. Сиз, Ҳусанов, бизни чалғитманг. Қўлимизда етарли ҳужжатлар бор.

— Мен бунга ишонмайман. Файзи Саидов тўғри, биринчи

лар қаторида Худойбердиев таклифини қабул қилишни айтган. Бошқа ҳеч нарсага у бизни ташвиқот қилмаган.

Терговчи столни уч-турт чертади. Иккита соқчи озгин, соч-соқоли ўсиб қорайиб кетган бир одамни олиб киришади. Зиёмат ака танийди. У Саидов эди.

— Мана, Зиёмат Ҳусанов сизни танир эканлар. Лагерда бир-га бўлган экансизлар, — дейди терговчи.

Саидов ялт этиб, Зиёмат акага қарайди.

— Балки шундайдир, — дейди у. — Аммо мен бу одамни танимайман, у билан сира гаплашмаганман.

Терговчи уни тутмоқчи бўлади.

— Зиёмат Ҳусанов сиз биринчи бўлиб легионга ўтишни, Худойбердиев таклифини қувватлашни ташвиқот қилганингизни тасдиқлаб турибди.

— Таклиф қилганим рост. Ният — тезроқ лагердан қочиш эди. Аммо бу гап бўлаётган пайтда бу одамни кўрмаганман. Мен уни танимайман. Бекорга бизни учраштиряпсиз. Мендан бошқа ҳеч нарса эшитмайсиз.

Терговчи ишораси билан Файзи Саидовни олиб чиқиб кетишади.

Ҳусанов ушанда Файзи Саидов уни мудҳиш айбномадан қутқариб қолганини тушунади ва умрининг охиригача ундан миннатдор бўлиб ўтади, у билан фахрланади.

Умуман тарихдан маълум, буюк подшолар, лашкарбошилар асирларга раҳм-шафқат билан қарашган. Александр Македонский, улуғ Амир Темур, жаҳонга донги кетган араб лашкарбоши-си, салб юришларни ташкил этган Оврупо императорининг кушандаси Амир Салоҳиддин ҳаётларига разм солинса, уларнинг мағлуб душман аскарларига, асирларга фақат ҳаёт эмас, юртларига етиб олиш учун пул, улов ҳам беришганини кўриш мумкин.

Умид қиламан, йиллар ўтган сари, одамларнинг меҳр-оқибатлари бир-бирларига кучая боради. Бир кун келиб, урушларни болалар фақат китоблардан ўқийдилар, тинч-тотув ҳаёт кечиридилар. Фақат биттагина мамлакат ичида эмас, бутун ер юзиде шундай бўлади.

Ҳозирча эса урушлар, янги-янги қиргинлар инсон вужудини ларзага соляпти, дилини қақшатапти. Ота-онани боладан, йигитни қиздан, хотинни эрдан жудо қиляпти.

Урушда яқин жигарларидан ажраган одамларнинг, ота-онасиз қолган болаларнинг асирларга қандай раҳм-шафқат билан қарашганини ўз кўзим билан ўз шаҳримизда, ўз кўчамизда кўрганман.

Улар бизнинг кўчага киришлари билан трамвайлар юришдан тўхтарди. Кўча тор эди. Юк машиналари, аравалар ҳам четта ўтиб, уларни ўтказга бошларди.

Мен ҳозир одамлар уларни уриб кетади, деб уйлаган эдим. Йўқ, ҳеч ким уларни сўккани ҳам йўқ. Фақат бир-икки шўх

болалар «Фашист»! Фашист!» — деб бақиршиди. Аммо ҳеч ким қувватламаганидан кейин улар ҳам жим бўлиб қолишди.

Кимдир бир дўшпа урик олиб чиқиб, соқчининг олдида борди. Соқчи беравер, деган ишора қилди. Одамлар худди шуни кутиб туришгандек, югуриб уйларига кириб кетишди. Кўп ўтмай кимдир нок, кимдир бир товоқ олма, памиддори, хулаас, нима қўлига тушса, шуни олиб чиқиб, асирларга беришди.

Одамлар энг аввало бу дунёга яшаш учун келадилар. Қадим-қадимларда шундай бўлган. Одамлар бир-бирлари билан иноқ, қариндош-уруғлардек яшаганлар. Фақат очкўзлик, бойликка интилиш урушларни келтириб чиқарди. Албатта, ҳар хил урушлар бўлади. Мен асосан, босқинчилик урушларини, бегуноҳ халқлар бошига ҳисобсиз кулфатлар келтирувчи урушларни биринчи гада назарда тутаяпман. Уйингга душман келиб, эшик қоқиб турса-да, сен урушга қаршиман, деб қўл қовуштириб турсанг! Бу албатта, бемаънилик. Лекин барибир уруш бўлмагани, ҳамма масалалар тинчлик-тотувлик билан ҳал бўлгани маъқул. Шунга ҳамма интилиши керак. Бу Худога ҳам, унинг ер юзидеги барча бандаларига ҳам маъқул келади.

Йирик ўзбек таржимони, мен билан узоқ йиллар радиода, «Ўзбекфильм» киностудиясида бирга ишлаган дўстимиз Қодир Мирмуҳамедов асирлик азобларини худди Файзи Саидов, Зиёмат Ҳусанов сингари бошидан кечирган. Аммо унинг гапи буйича бу азобларни у кўпроқ юртига қайтиб келганидан кейин кўрган. Асирликда у хонадонларда ишлаган экан. Немис аёллари ҳам бизнинг аёллардек меҳнаткаш экан. Раҳм-шафқатли экан. Соқчиларнинг кўзини шамғалатиб туриб, нон, ситарет, хулаас, топганини асирларга бериб туришар экан.

Бу фақат Қодир Мирмуҳамедовнинг гапи эмас. Германияга ҳайдаб кетилганлар (концлагердагилар бундан мустасно) оз бўлса ҳам хонадонларда одамгарчилик кўришган.

Урушнинг тугаши яқинлашиб қолганда, ҳарбий казармада ҳам аҳвол ўзгариб кетди. У илгаригидек қўриқланмас, деворлар устидаги электр токи юборилган симлар, бир-бирига яқин ўрнатилган фонарлар олиб ташланди. Ичкарига кириб-чиқиш осон бўлиб қолди. 1948 йил урталарига келганда, казарма бутунлай ҳувуллаб қолди. Офицерлар уйларида одамлар яшаса ҳам, солдатлар турадиган жой кимсасиз қолди. Вилоятлардан ҳеч кимни бу ерга олиб келмайдиган бўлишди. Демак, ўз-ўзидан ҳеч ким бу ердан урушга кетмайдиган бўлди. Бу албатта яхши аломат эди. Энди казарма дарвозаси олдида йиги-сиги бўлмас, энди ҳеч ким ўз яқинини худди ўлимга юбораётгандек ташвишга тушмасди.

Уч йиллардан кейин бирдан казармани бузиб юборишди. Унинг ўрнида кўп қаватли уйлар қад кўтара бошлади. Ҳозирги Лоҳутий кўчасининг икки томонидаги уйлар казарма ҳовлиси ўрнига тушган.

Ўша пайтда нон дўконларида яна гижда нон пайдо бўлди. Оқ

юмшоқ, ўртаси, чакич тушган жойи, курс-курс қилади тишлаганинда. Аммо унга етиш амри маҳол эди. Бизнинг кучалардаги нон дўконларида у жуда кам бўларди. Кўпчилик ўртоқларим Эски шаҳардаги нон дўконларига борадиган бўлишди. Азонда кетиб, пеннинг яқин «Заборная карточка»ларига янги, иссиқ, қип-қизил гижда нон олиб келишарди. Мен ҳам уларга қўшилиб борадиган бўлдим. Аммо ҳар куни боришга имкон бўлмасди. Гижда нонга борсам, моллар бардисиз қолиб кетарди. Шунинг учун бир кун қора нон оладиган бўлдик, бир кун эса Усмон, Музроб ва бошқалар билан эрта саҳарда трамвайнинг орқасига осилиб, Хадрага борамиз. У ердан пиёда Эски Жўвага ўтамиз. Бизнинг оилага саккизта гижда нон беришади. Нон қўлга текканида биздан бахтли одам дунёда бўлмасди. Яна трамвайга осилиб уйга қайтардик.

Уйимиз рўпарасидаги ҳарбий казарма мен учун ана шу гижда нонга етказган, уруш болаларини кунжара, кепак нондан халос этган, юзларига қон югуртирган бир даргоҳ сифатида эсимда.

Иккинчи жаҳон уруши тутаганига яқинда ярим аср бўлади. Бу уруш ер юзидаги деярли барча халқлар тарихида муҳдиш, фожиали ҳодиса бўлди. Уйимиз рўпарасидаги ҳарбий казармани мен ана шу урушнинг туташига муносиб ҳисса қўшган катта бир қарвонсаройга ўхшатаман. Шу ердан халқ белини тутиб, душман қаршисига отланди, улим билан юзма-юз келди. Ватан, дўстлик, биродарлик қасамига ўзини сафарбар қилди. Даҳшатли уруш, ўзбек халқининг бир сўзли халқ эканини, мард дўстларига содиқ эканини, сабр-тоқатли, заҳматкаш халқ эканини кўрсатди. Шу билан бирга бу уруш қанча одамларнинг ёстигини қуритди.

Қизим, Умида, мен сенга атаб, мураккаб, катта урушнинг бир кичкина бўлагини қисқача қоғозга туширдим. Лекин шу қисқача ҳикоядан ҳам ўз халқининг қандай эканини кўриб турибсан. У билан фахрлан. Мен, даданг каби, шу халқни сев, унга содиқ бўл, унинг хизматини қил. Биламан, ишонаман, сен ўз халқининг обрўсига обрў қўшадиган, унинг дуосини оладиган ишлар қиласан. Қодирсан шунга, ниятинга ет, омад, бахт ҳамиша сенга ёр бўлсин!

Яна бир нарсани шу ўринда айтиб кета қолай. На опанг, на мен бизнинг йўлимиздан боришингни, тил ва адабиёт билан шугулланишингни тавсия қилганимиз йўқ. Ёзувинг, иншоларинг яхши бўлса ҳам, китобга муҳаббатинг булса ҳам. Аммо қизиқишларингни диққат билан кузатиб бордик. Мана, ҳозир лицейдасан. Опангнинг гапи бўйича ўқишларинг яхши эмиш. «Беш» баҳоларинг кўп эмиш. Демак, халқ ҳўжалигига, аниқ илмга яқин фанлар сени қизиқтирибди. Ишқилиб орзуларинг амалга ошсин. Чин юракдан менинг истагим шу. Оқ йул сенга, қадрдоним, ёлғизим!

Бугунча бўлди. Бошқа ёзолмайман. Назаримда нурланиш

реакция беряпти. Уч кундан бери томогим огрияпти. Бушашиб турибман. Томоқ огригидан тупук ютишим ҳам қийин бўляпти. Аммо бу вақтинча, радиолог-профессор кўриб, нурланиш менга ижобий таъсир қилаётганини айтди. Шу гапни бошқа врачлар ҳам айтишди. Ажаб эмас, аста-секин тузалиб кетсам. Ҳозирча, хайр.

## VII

Қизим...

Бугун Москвага келганимга бир ойу бир ҳафта бўлди. Шанба, 20 ноябрь. Онкология марказида эса икки куни кам бир ойдан бери ётибман. Даволаниш асосан бешинчи ноябрдан бошланди, Ярим ой кузатиш, текшириш, урганишга, кейин даволаш йўлини танлашга кетди. Охириги қарорни менинг ўзимга ҳавола қилишди. Нурланиш, кимёвий терапияни танладим. Танлаганим тўтрига ўхшайди. Кўпчилик шундай деяпти. Ўн кун ичида шишлар юмшагандек, стома асл ҳолига келаётгандек, ёки бироз кенгайгандек кўриняпти. Худонинг хоҳиши билан ажаб эмас, тузалиб кетсам! Ҳар куни унга мурожаат қилиб, шуни сўрайман. Худонинг қудратига тенг қудрат йўқ. Шифо бериб юборса, узимни энг бахтли одамлардан ҳисоблайман. Қолган умримни фақат одамларга яхшилик қилишга, қўлимдан келганича муҳтожларга — нима соҳада бўлмасин, ёрдам беришга бағишлайман. Вақтим етса ёзаман. Ўйлаб қўйган режалар кўп. Энди кўпроқ наср билан шугулланаман. Ўзи энг севган ёзувим наср эди. Яна шунга қайтаман. Пьесаларнинг муҳокамаларига қатнашиш, ўз фикримни исботлаш, ҳақлигини тушунтириш энди қўлимдан келмайди, огирлик қилади. Лекин дилимда яна иккита-учта саҳна асарининг асослари утирибди. Кимлар уйнашини ҳам кўриб турибман. Ҳай, бўлди, шошилиш керак эмас. Ҳозирги менинг энг катта улут вазирам шу даргоҳдан тузалиб, ўз оёғим билан уйимга кириб бориш.

Зўҳра деярли эрталабдан кечгача ёнимда. Бечора. Ниҳоятда эзилиб кетди. Ҳозир ҳам соғайиш нишонлари кўрина бошлаганда, даволанишнинг тўтри йўли танланганда ҳам ўзига келганича йўқ. Кейинги тўрт-беш кундан бери «Бугун яхши ухладим», деб келади. Лекин бунчалик эмас. Ҳамон уй, ташвиш уйқусини ўтирлаб, тинчлик бермаётгани салқинган юзи, кўзларидан билиниб турибди. Узимча овутаман, биронта яхши гап билан кўнглини кўтаришга интиламан.

Тахминан кунора уй билан гаплашиб турибди. Худоба шугур, уй тинч. Ҳамида, Мовжуда бизникида. Умида уларнинг қарамоғида. Емоқ-ичмоқдан деярли ташвишлари йўқ эмиш. Ё бизни шундай деб, тинчитишаётганмикан? Йўқ, ҳарҳолда ҳали Тошкентда куз. Кузда жуда ҳам катта моддий қийинчиликлар бўлмайди. Қишда эса Худо хоҳласа, уйда булаимиз. Шу кун на-

сиб этармикан? Қизимни, Умидани яна бир бор кўрармиканман?

Куришим керак. Кураман. Худо марҳаматини аямай шифо беради, дилим сезиб турибди. Парвардигори олам, сен борсан, мутлақсан, мангусан. Ниятимга етказ. Омин, Оллоҳу Акбар!

Юқоридаги яхши гаплар, яхши умидлар билан яна кўлимга қалам олдим. Қизимнинг илтимосини имкониятим етганича бажаришга ҳаракат қиламан.

## VIII

Умида, олдинги саҳифаларда мен амакиларим, умуман дадамнинг уруглари ҳақида ёздим, албатта билганимни, эсимда қолганини. Энди аввалгидек қисқача бўлса ҳам ойимларнинг қариндошлари, бувимнинг уруглари ҳақида билганларимни қозоғга тушураман.

Ойимлар ҳам асли тошкентликлар. Тугилган жойлари ҳам маълум — Яккасарой, Губрбоғ маҳаллаларининг пастида, Дамариқ маҳалласи бўлган. Маҳалланинг чор атрофи колхоз ерларига туташганлиги ҳали-ҳали эсимда. Дамариқнинг бошида узун болахонали қўрғон бўларди. Тўрттала томони болахона, пасти турар жой, ошхона, молхона, ҳисобсиз ҳужралар. Шу қўрғонни Дўсимбой деган одам қўрган. Айтишларича, у катта йилқичи савдогарлардан экан, Қўрғонга яқин жойда пахта заводи ҳам бўлган экан. Ойим, яъни бувинг шу одамнинг невараси. Сен ойимларнинг ойиларини, менинг бувимни ўқишга бўлган ҳавасинг билан эслатасан. Кўпчилик орасида Хожар отин, деб ном олган ойимларнинг ойилари ўз даврининг анча ўқимишли аёлларидан эди. Кўп марта мен бунинг гувоҳи бўлганман. Жуда яхши Қуръон ўқирдилар, унинг сураларини содда қилиб тушунтириб берардилар. Бундан ташқари жуда кўп тарихий, бадий китобларни ўқиб туширганларини гап орасида англаб олиш қийин эмас эди. Аммо ўзларича ҳеч маҳал ўқимишли эканликларини кўз-кўз қилишга, бошқалардан ўзларини банд тутишга интилмасдилар. Машҳур Хотамбой, Хорун ар-Рашид, Лайли ва Мажнун ҳақидаги араб афсоналарини ва яна алақанча «минг бир кеча»дек давом этадиган эртакларни мен у кишидан эшитганман. Ким билади, балки бадий адабиётга қизиқишни менга у киши ўргатгандир!

Бувимни иккинчи исмлари ҳам бор эди. Маҳалладагилар, кейин қишлоқлардан келадиганлар «Завод ая» деб аташарди. Оталари Дўсимбой отанинг йўқлигида пахта заводи ишлари билан у киши шугуланар эканлар. Албатта, бу Октябрь инқилобидан олдинги гап. Инқилобдан кейин бувим ва уларнинг болалари укалари қўлида Дамариқ бошидаги қўрғонда қолган экан. Заводни тортиб олишган. Қозоғистон чўлларидagi қорамолларни

Шуро вакиллари нима қилган, кимга берган — ҳеч ким билмайди.

Бувимни мен анчагина кексайган, олтмишга яқинлашиб қолган пайтларидан биламан. Қўрғоннинг ичи катта, чорси ҳовли эди. Ўртада қулуқ бўларди. Водапровд у томонларга бормаган эди. Қудуқнинг атрофида етти-саккиз туп алламбало нок дарахти бор эди. Дўрмондаги бизга берилган боғдаги катта нокни тасаввур қил. Бувимларнинг қўрғонларидаги нокларнинг меваси шунақа катта, ҳар бири чойнакдек-чойнакдек келарди. Кейин қиш бўйи бузилмай турарди.

Бувимнинг ўзларига тааллуқли, ҳеч ким бемаҳал кирмайдиган, фақат ўзлари турадиган иккита бир-бирига туташ хоналари бор эди. Бу хоналар қўрғоннинг турида эди. Адашмасам Дўсимбой ота ҳарбийликларида шу хоналарда турганлар. Хоналарнинг бири олди очик айвонни эслатарди, иккинчиси катта, расмана ойнали уй эди. Иккала хонанинг шифти ҳамон кўз олдимда. Ярим ой нухасидаги узунасига тилинган ёғочлардан қоқиб чиқилган эди. Айвонда беш-олтита қалдирғоч ини бор эди. Уйда ўлтириб, эрталабдан-кечгача дам учиб келаётган, дам учиб кетаётган қалдирғочларнинг чугур-чугурини эшитиш мумкин эди.

Токчалардаги идиш-товоқлар, турли қути, қутичалар, қозикларга осиб қўйилган сочиқлар, доим дастурхон тuzоғлик танча атрофида қалин кўрпачалар, уйнинг ўзига хос енгил исириқли, райхонли, яна алақандай ўтларнингми ҳидини эслатувчи, кирганинган кейин чиқиб кетишинга қўймайдиган нозик сеҳрли ҳиди ҳам димоғимда, эсимда.

Бувимни ўқимиши аёл эдилар, дедим. Назаримда у киши билмайдиган, қўлларидан келмайдиган иш, ҳунар йўқ эди. У кишини чевар ҳам дейишарди. Палак, турли дорпечлар, аёлларнинг банд ёқали кўйлак, чакмонлари, гулли пардалар, Макка, Мадина мачитларининг миноралари ўйиб солинган жойнамоzлар, яна қанчадан-қанча нарсаларни ўзлари тикардилар, қавирдилар. Тикув машиналари, «по-поп» машиналари бор эди.

Бизникига ҳар келишларида албатта, беш-олтита ҳалиги чойнакдек-чойнакдек келадиган нок, иккита француз булкаси, ҳамма болаларга ёнғоқ, ё майиз, бозор-учар учун ойимларга атаб қаттиқ матодан сумка ёки халта олиб келардилар.

Мен бувимларни тез-тез кўришни, бизникига келишларини, ё уларникига боришни яхши кўрардим. Кўпроқ бизникига келишлари маъқул эди. Бизникига келсалар, беш-олти кун турадилар. Ҳар кеча тўйиб-тўйиб чўпчак эшитардик.

Бувимнинг ёшлиklarини эслатувчи бирорта расм, сурат бўлмаса ҳам, уларнинг чиройли, келишган аёл бўлганлари шундай билиниб турарди. Ўрта бўйли, қирра бурун, қизил мағиз, қоматлари тик. Қўллари текис, панжалари узун, юмшоқ. Мен учун бувим мақтаса, гурурланса арзийдиган ўзбек аёлларининг ёрқин тимсоли эдилар.

Энди-энди тушунапман, у киши оталари Дўсимбой буваниз-

ни жуда яхши кўрганлар. Чунки атрофларида қачон болалар тўпланмасин, биз, болалар эса, кўпчилик эдик, улар кўпинча оталари ҳақида, у кишининг от миниши, улоқ тушиши, болаларни яхши кўргани ҳақида гаширардилар.

— У кишидан пулат сандиқ қолган, — дердилар. — Қулфи, зулфи пулатдан. Ҳақ тутдан. Бу сандиқни ҳеч қурт емайди. Доим ичи тоза туради. Қулфига шундай калит солиниши билан жаранг-журун қилиб очилади. Отам раҳматли шу сандиқда пул, ширинлик, қуруқ мева сақлардилар. Сандиқ уч бўлимдан иборат. Биттасида танга пул турарди, биттасида қуруқ мева, биттасида чақмоқ қанд. Ҳар куни отам шу сандиқни очиб ҳамма болаларни чақирардилар. Аввал уларга пул ташлардилар. Муҳтожлик бошларингга тушмасин, деб дуо қилардилар. Кейин қуруқ мева ташлардилар. Кўряпсизларми, туршак, жийда, майиз, ёнғоқ — ҳаммаси бирга турибди. Сизлар ҳам шундай бирга, аҳил бўлиб, бир-бирларингга ҳурмат билан қараб яшанглар, дердилар. Охири чақмоқ қандни болалар устига ташлардилар. «Ҳар бирингизнинг ҳаётингиз шу қанддек ширин бўлсин», деб яна дуо қилардилар. Уша сандиқ ана, тахмонда турибди. Битгаларингга уни албатта қолдириб кетаман. Яхши кунларга хизмат қилсин.

Умида, бувим оламдан ўтганларидан кейин уша сандиқни бизниқига олиб келишди. Бувим менга қолдириб кетдилар. Ошхонамизнинг оддида турган қизил тахта сандиқ Дусимбой бува-миз болаларга атаб битта бўлагида чақмоқ қанд, битта бўлагида танга пул, битта бўлагида қуруқ мева сақлаган уша сандиқ бўлади. Тураверсин, у бувиларимиз, боболаримизнинг ўз даврида анча тўқ, аҳил, тотув, бир-бирларини ҳурмат қилиб яшаганларидан нишон.

Бувимнинг катта қизлари Саври холам ҳам худди бувимлардек чиройли, келишган аёл эдилар. Мен у кишининг бирон жойда ишлаганларини билмайман. Лекин ишлари кўп эди. Бувимдан чеварлик, мошиначилик, хуллас, турли тикув ҳунарлари у кишига ҳам ўтган эди. Хоҳ ўз уйларида бўлсин, хоҳ бизники ёки бувимларникида бўлсин, бирон нарса тикиб, қавиб ўтирардилар. Эски уйимиздаги кўпгина кўрпа, кўрпачаларни холам қавиганлар. Қўли гул аёл, дейишарди у кишини қариндош-уруғлар, таниш-билишлар. Шўх, қувноқ, гапдон бўлишларига қарамай, феъли торроқ эди. Бирдан ўзидан-ўзи хуноб бўлиб кетар, арзимаган нарсадан ўзи сезмаган ҳолда жанжал чиқариб юборар, аммо бирпасда ҳовридан тушиб, хафа қилиб қўйган одамидан кечирим сўрарди.

Холам ҳам бувим сингари бизниқига тез-тез келиб турарди. Баъзан гўрт-беш кун қолиб кетарди. Шунда ойим, опамга жон кирарди. Кўп тикув-бичув ишларини холам қилиб кетарди. У кишининг турмуш ўртоқлари, Қори поччам ҳақида сенга гапириб бермасдан ўтолмайман. Лутфулла қори ака ажойиб одам эди. У ҳам худди холамга ўхшаб, бир кун ҳам бирон жойда

ишламаган. Назаримда меҳнат дафтари ҳам бўлмаган. Тирикчиликлари қандай ўтарди, ҳозиргача менинг ақлим етмайди. Уларнинг иккита фарзандлари бор эди. Файзулла ва Фатхулла. Фатхулла акангни биласан. Уйимизга келиб туради. Невараси билан бирга ўқигансан. Файзулла ака раҳматли бўлиб кетди. Жуда чиройли, чеҳрасидан доим нур ёғилиб турадиган, кўзлари йирик, балаанд буй одам эди у. Мени яхши кўрарди. Уруш йиллари бизниқига тез-тез келиб турганда, бизнинг уй ишларига ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Лекин гап ҳозир уларнинг дадалари — Лутфулла қори ака ҳақида. Қори поччам ҳам худди Файзулла акамдек новча, қотмадан келган, чиройли эди. Чўққи қора соқоли, узун, бурама мўйлови ўзига жуда ярашиб турарди. У доим тикка ёқа кўйлак киярди. Ёқаси гўрт-беш тутмали бу чиройли кўйлакларни албатта, холам тикиб берарди. Салқин пайтларда шундай тикка ёқа кўйлак устидан тикка ёқа мовут чакмон, зарурат тугилиб қолса, унинг устидан қора чакмон киярди. Оёқларида доим этик ё маҳси-ковуш бўларди. Хуллас мен сенга айтсам, холам ўзи ҳам яхши кийинар, эри — Қори поччамизни ҳам ҳамманинг суқи кирадиган қилиб кийинтириб юрарди.

Қори почча чинакам қори эди. Унинг ёлғиз ўзи Қуръон ўқиб ўтирганини, маъракаларда тиловат қилганини кўп кўрганман. Дадам қазо қилганларида поччам бир йилдан зиёд ҳар пайшанба бизниқига келиб, Қуръон ўқиб кетарди. Унинг ширали, одамларни дарҳол ўзига ром қилиб оладиган овози бор эди. Кейин камдан-кам адашарди. Адашиб қолса, баъзи қориларга ўхшаб тутилиб, ўзини йўқотиб қўймасди, одамлар уни диққат билан эшитишларини билиб, яна сураларни қайта бошдан бошларди.

Қори почча узоқ умр кўрдилар. Саксондан ўтиб, жуда енгил қазо қилдилар. Аммо холамнинг ўлимидан кейин узоқ яшамасди. Афтидан ичикдилар, ёлғизлик эзди, холамсиз туришга қийналди.

Уни мен «бизнинг Мюнхаузен» дердим ичимда. Буни одамнинг кулгисини қистатадиган катта бир сабаби бор эди. Бизниқига келганларида, агар ётиб қоладиган бўлсалар, кечқурун узоқ давом этадиган шақирлаб қайнаб турган самовар атрофидаги чойхўрлик пайтида у кишининг ўртага ташлайдиган бир орзуси бўларди. Эсимни танибманки, шу орзунини эшитардим.

— Раҳимбек, яна уша гап-да, — бошлардилар поччам ёстиққа ёнбошлаб. — Шу, Сибирь томонга барибир икки-уч вагон қовун-тарвуз олиб бориш керак. Тунов куни эшитдим. Тошкентдан ўн баравар қиммат эмиш. Бир боришда беш-ун йиллик давлатга эга бўлиб келиш мумкин эди.

Дадам поччамнинг бундай гапларини кўп эшитганларидан кулмасдилар, жаҳллари ҳам чиқмасди, лекин хотиржамлик билан бу хомхаёлик эканини тушунтиришга ҳаракат қилардилар.

— Олиб борганга яраша ўн беш-йигирма вагон нарса олиб

бориш керак. Вагоннинг нархи сиз олиб бормоқчи бўлган тарвуз-қовундан қиммат. Ун беш-йигирма вагон бўлса, ё яхшиси бир состав бўлса, унда бошқа гап.

— Шунча вагонни менга ким беради? Икки-уч вагон деярлик, машинист билан гаплашиб, составига улатиб олсам деярлик-да. — Шундай деб, почтам ноёб фикр топган одамдек, дадамга узоқ тикилиб қолардилар.

— Унда бошқа гап, — ўзларича нималарнидир ўйлаб, рози бўлардилар дадам. — Бу яхши гап. Унда вагонни текинга оласиз десак бўлади. Аммо-лекин...

— Нима?

— Сиз гаплашган машинист Сибирга етмасдан кичкина бир қишлоқда икки-уч ҳафта составни ушлаб қолса, унда қовун-тарвуз нима бўлади? Ириб кетади-ку? Кичкина қишлоқда икки вагон қовун-тарвузни сотиб оладиган одам топилармиди?!

— Бу гапингиз тўғри. Шуни ўйламапман, — рози бўларди почтам. — Ё Сибирдан берида, ҳеч қаерда тўхтамайдиган машинистни топишим керак, ё узоқ турадиган нарса олиб бориш керак.

— Мана бу гап маъқул, — қўшилардилар дадам. Сезиб турибман, у кишининг ниятлари секин-секин ҳар доим бўладигандек божасининг дилини огритмасдан ниятидан қайтариш. — Яхшиси узоқ турадиган нарса олиб борган маъқул.

— Масалан, карам, — дерди почтам ва топдимми, дегандек ҳаммага бир-бир қараб чиқарди.

Ҳеч ким жавоб бермасди. Биз, асосан гап нима билан туташини билардик. Қори почтадан савдогар чиқмаслиги ҳаммага равшан эди. Лекин у киши холам олдиларида, холамнинг қариндошлари, айниқса, ишбилармонлар орасида анча обрўга эга бўлган, Тошкентнинг деярли ҳамма жойида таниши бўлган дадам олдида ўзини ишнинг кўзини биладиган одам қилиб кўрсатгиси келарди.

— Карам? Карам яхши. Лекин Россияга карам олиб бориш жуда қимматга тушиб кетмасмикан? Ўрисларнинг асосий овқати картошка, карам, чўчқа гўшти. Тошкентдан карам олиб бориб, қори, узингизни қийнаманг. Яхшиси, биасизми, нима қилинг? Уч-тўрт қоп қуруқ мева олиб бординг. Туршак, қора туршак, юракнинг давоси. Савдолашмай талаб кетишади. Майиз, қовун қоқи... Нима дедингиз?

— Саври! Нима дейсан?

Қори почтам қалин қошларини чимириб, холамга мурожаат қиларди.

— Ман нимани билардим? Нарх-наво, бозор-учарни узингиз яхши биласиз. Нимани лозим топсангиз қилаверинг. Фақат қийналмасангиз бўлди.

Бу гапдан Қори почта бироз гурурланиб кетарди.

— Раҳимбек тўғри айтяпти. Лекин уч-тўрт қоп кам-да! Нима бўларди даромади? Зўрга бориб келишни кўтаради. Йўқ, бир

вагон олиб бориш керак. Ана шунда бир нарсалик бўлиб келиш мумкин.

— Унда таниш машинист қидиринг. Машинистсиз, арзон вагонсиз иш битмайди.

— Шундоқ қиламан. Эртагаёқ Қизил тўқимачига бораман. Ўқчилик бир танишим станцияда ишлайди. Ўша билан гаплашаман.

Албатта у эртасига Қизил тўқимачи станциясига бормасди, таниш машинистни қидириб топмас, хаёли бутунлай бошқа ишлар билан банд бўлиб, вақтинча Сибирни унутарди.

Урушдан анча кейин, тахминан 1954—1955 йиллари Қори почтам кўп йиллик ўз орзусини ниҳоят амалга оширди. Аммо у шунчалик тез ҳаракат қилдики, ҳеч ким, на холам, на дадам унинг қаёққа, қанчага кетганини билмай қолдилар.

Тахминан икки-уч ой утганда Қори почтам озиб, қорайиб, кийимлари йиртилиб, хуллас, одам зўрга танийдиган ҳолда бизникига кириб келдилар.

— Қори почча! — бақриб юбордим уни кўриб.

— Ўғлим! Ўлмас-ей!

Қори почча эгилиб, мени бағриларига босдилар, кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Бормисиз, почча?! — югуриб келдилар олдиларига ойим.

— Борман, борман. Олдин яхшилаб ювиниб олай. Кейин гаплашамиз.

Ойим, опам қайнаб турган самовардан дарров тоғорага сув ағдариб, водопровод олдига олиб келишди. Қори почтам белларигача ечиниб, мириқиб, қандайдир тиловатлар қилиб ювиндилар. Дадамларнинг тоза кийимларидан кийиб, овқатландилар. Кейин бошларидан ўтган воқеаларни гапириб бердилар.

Кечқурун дадам ишдан қайтганда ҳикоя янгидан бошланди. Фақат энди почтам бафуржароқ, тўлароқ қилиб, кундуз кундагидек эзилиб эмас, қандайдир эркакча киноя ва кулги билан гапирдилар. Тоza сув, тоза кийим, она юрт, иссиқ овқат, қадрдон башаралар у кишини ўзига келтирган, чеккан азоб, ташвишларни анча эсдан чиқаришга ё шу ташвиш, азобларига эркаклик гурури, матонати билан қарашга ярим кун ичида кўниктирган эди.

— Раҳимбек! Бир каттани, бир кичикни гапига кир, деб халқ бекорга айтмаган экан, — деб Қори почча дадамга ўз ҳикояларини бошладилар. — Аввало мени ширинлик бир танишим йўлдан оздирди. Ҳеч қаёққа боришни хаёлимга ҳам келтирмай, уйда ўтирган эдим. Шу танишим келиб қолди. Бешёғоч бозорига карам олиб келган экан. Яхши, ҳар биттаси беш-олти кило келадиган оппоқ карамаар. Ҳосил бу йил яхши бўлибди. Нима қилишни билмай боши қотиб, олдимга келибди. Сибирга бормоқчилигимни эшитган экан. Қўярди-қўймай бозорга олиб бориб, карамини кўрсатди. Караммисан-карам. Оппоқ, катта,



ялт-ялт қилади. Синдириб оғзимга солсам, курсиллайди. Серсув. Ишқилиб, у ёғимдан ўтиб, бу ёғимдан ўтиб Сибирга бориб келишга кўндирди, хумпар.

У ёқда қанча сотсангиз ихтиёрингиз. Тўртдан бирини менга берсангиз бўлди, деди. Шу гап менга маъқул келиб қолди. Аблахнинг тулкилик қилганини билмабман. Биргалашиб станцияга бордик. Буни қарангки, бирпасда Барнаулга борадиган поезд ҳам топилади. Унга иккита вагон улаб берадиган бўлишди. Станциядагилар, молнинг учдан бирини оладиган бўлди. Рози бўлдим. Нақд пулдан молнинг ўзини олгани дуруст эди. Нақд пул ёнимда йўқ. Икки кун эртаю кеч қарам ташидик. Иккита вагон бўлди. Худди шуни кутиб тургандек учинчи куни азонда состав йўлга тушди. Охирги вагонга қарамларнинг ёнига хас-хашак босиб, кўрпа-ёстиқ қилиб мен ҳам жўнадим. Арисдан утгандан кейин бирдан кун исиб кетди дегин. Сасиған қарамнинг ҳидидай қўланса ҳид менимча дунёда бўлмаса керак. Секин-секин сасий бошлади, устидан қорая бошлади. Бунинг устига Оренбургга етганда, менинг вагонларимни составдан чиқариб, бошқа составга улаб қўйишибди. Кейин билиб қолдим. Оренбургда бир ҳафта қолиб кетдим. Ҳеч юрмайди состав. Лекин машинист алдамбади. Состав Барнаулга борадиган состав экан, ҳайтовур олтинчи кунни йўлга тушди. Кун барибир иссиқ. Сибирь томонлар анча салқин, совуқ бўларди. Бу қандоқ бўлди, дейман ичимда. Ўзимни ўзим баъзан юпатаман. Уст барглари тозаласам, ичи ҳали сотишга арзийди, дейман ўзимча. Битта-иккита қарамни олиб, айтганимдек тозалаб кўраман. Кўнглим жойига тушгандек бўлади шу билан. Аммо-лекин, Раҳимбек, сиз тўтга айтган экансиз, состав Барнаулга кетаётгани рост экан-у, лекин йўлда бир коннинг ичида тўхташи керак экан. Кўмир ортиши керак экан. Икки-уч кун турганимиздан кейин очиқ вагонларга эксковатор билан кўмир орта бошлашди. Эксковатор ҳар чўмичини вагонга ташлаганда, қора қуюн кўтарилиб, ҳаммаёқни қоронгилик босади. Вагон ичи қуяга тўлади. Жонивор қарам бир пастда қорайиб, худди қора таппига ўхшаб қолди. Ўзимнинг ҳам аҳволим танг, йўтал тутгани-тутган. Бир амаллаб бу азобдан ҳам қутулдим. Майли, қарам қорайса қораяр. Яна бир-иккита баргини олиб ташланса оппоқ бўлади-қўяди. Кетяпмиз, кетяпмиз.

Бир куни кечаси тарақа-туруқ қилиб, состав тўхтади. Станция бўлса керак, ё етиб келдикмикан, деб суюниб кетдим. Вагондан тушиб у ёқ-бу ёққа қарайман. Қўп-қўруқ дашт. Рупарада битта икки қаватли уй турибди, холос. Ҳеч ким кўринмайди. Олдинга ўтиб, машинистлардан суриштирай, десам, юриб кетиб қолса нима қиламан? Турдим вагон олдида. Тонг отгандегина нима бўлганини билдим. Бошқа паровоз келиб, составни олиб кетиши керак экан. Хуллас, қарамни шу ерда тушуришга тўтти келди. Тозалаганимиздан кейин икки вагон қарамдан муштумдек-муштумдек тўрт қопча қарам чиқди. Бир ҳафта туриб шу состав билан орқамга қайтдим. Оренбургда махсимни сотиб,

пассажир поездига билет олдим. Мана шунча азоб-уқубатлардан кейин бугун Тошкентга келиб турганим.

Қори почча дадамга кўзларини қанчалик шўх, беғам қилиб тикмасин, қаттиқ эзилганлиги бутун афт-ангоридан сезилиб турарди. Ҳикояларини тутатгунча холам ҳам бизникига етиб келдилар. Ойим кимнидир жўнатган бўлсалар керак. Опам бориб келган бўлишлари ҳам мумкин.

Айвонда кўпчилик бўлиб утирганимиз таъсир қилдими, ё эрининг соғ-саломатлигини кўриб севиңдими, холам дадам ёнида утирган Қори поччанинг олдиларига бориб, елкаларига қоқдилар.

— Хайрият, омон экансиз! Адойи-тамом бўлдим уч ой ичида.

— Омонман, худога шукр. — Қори поччам уринларидан туриб, янгидан холам билан қучоқлашиб кўришдилар. — Ўзинг қалайсан? Болалар?

Гап янгидан бошланди. Ойим янги овқатга уннай бошладилар. Ҳарҳолда опалари келди, уни алоҳида ҳурмат билан кутиб олиш керак. Имкони борида улар доим шундай қилардилар. Албатта, бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермас эди. Молхонада иккита сигир, икки-учта қўй, йигирма-ўттизта товуқ бўлишига қарамай, кўп вақт бир маҳал иссиқ овқат қилинарди. Кўпинча кечқурун бўлгач, қуюқ овқат қилинарди. Ойимнинг бир яхши кўрган иборалари бор эди: «Жаз-буз» қилиб, бир нарса қовуриб қўя қолайлик — дердилар. Шундай қилардилар ҳам. Нима овқат «жаз-буз» қилиш билан битади-қўяди? Қартошка билан гушт. Демак, жарпоқ. Лекин бизнинг уйда дадамдан бошлаб ҳаммамиз, ойимларнинг ўзлари ҳам палов ошни яхши кўрардик.

Баъзан дадам эртароқ келиб қолиб, ойим улардан нима қилишни сўрасалар, дадам ўз навбатига сўрардилар:

— Гуруч борми?

— Бор.

— Унда ош-да!

Баъзида бир кунда икки-уч марта ош дамланарди.

Ойим, ошнинг устаси эдилар, кейин у кишининг ошлари доим бир хил бўларди. Эсимни таниганимдан бери неча минг марта у киши ўз қўли билан қилган ошни еган бўлсам, бир марта ҳам бўш бўлиб қолганини, ё гуручи тирик, ола-була бўлиб қолганини билмайман. Кафгирдан лаганга ошлари сакраб тушарди, ҳар бир гуручи марвариддек ялт-ялт қиларди. Ҳали ҳам у кишининг ошларини егим келади. Қани энди худонинг амри билан бу дунёда ҳам одамлар мангу яшасалар, улим билмасалар! Ўшанда ойимдан қиладиган битта илтимосим — қўлларидан ош ейиш бўларди.

Ўрни келганда айтиб утай, опанг, Мавжуда, Ҳамида аммаларинг ҳам яхши ош қиляшади. Опанг дамлаган ош нимаси биландир ойимларнинг ошларига ўхшайди, ширин, ейишли, гуручлари дона-дона. Олгиндек ялт-ялт қилади.

Қори поччамнинг олис сафардан қайтишлари муносабати билан бизникага келган холамлар учун ойим ош қилдилар. Иккинчи марта уша кунни ош едик. Холам ушанда жуда хурсанд бўлиб кетдилар.

Мен холам бир жанжал кутарсалар керак, Қори поччамни қуриб, деб уйлаган эдим. Йўқ, аёл кишининг дилида нима бўлаётганини ҳеч қачон билиб бўлмайди. Жанжал бўлгани йўқ. Бизникада қолиб, эртасига нонуштадан сўнг, эр-хотин худди ҳеч нарса бўлмагандек, уз уйларига кетишди.

Мен холамларникида тез-тез бўлиб турардим. Ёш бола уйларида йўқлигиданми, (Файзулла, Фатхулла акамлар мендан икки баравар катта эдилар) ё ўзлари мени яхши кўришармиди, холам ҳам, Қори поччам ҳам мени бизникага келишганида олиб кетишга интилишарди. Агар сигир-бузоқларнинг ем-хашаги, бардиси икки-уч кунга етгулик бўлса, ойим йўқ демасдилар.

Оқорида айтиб ўтдим, холам ҳам бувимларга ўхшаб чевар эдилар. Бундан ташқари яхши пазанда ҳам эдилар. Уйларига келишимиз билан қорним тўқ бўлса ҳам дарҳол менга у-бу тайёрлашга тушиб кетардилар. Бирпасда огизда эриб кетадиган қуймоқми, ё чети гуллик қатламами қилиб, қўярда-қўймай едирардилар. Кейин кўчага, болалар билан ўйнагани чиқарардилар. У ердаги болаларнинг кўпи мени танирди. Ҳозир ҳам уларнинг баъзи, ҳаётлари билан салом-алигим, дўстлигим бор.

Ўйиндан тўйиб, қайтиб келганимда мени яна, албатта, бирон-та хурсандчилик кутиб турарди. Холам келгунимча чўнтакли иштонми, майками ё енги калта қўйлакми тикиб қўйган бўлардилар. Дарров кийиб кўрардим. Кичикроқ ё каттароқ тикиб қўйган бўлсалар, дарҳол тузатишга киришардилар. Мен эса, янги кийимда, яна кўчага отланардим.

Холамларнинг ҳовлилари Гулистонда эди. Чақар билан Бешёғоч уртасида шундай маҳалла ва трамвай бекати бор эди. Бу маҳалла Олмазор маҳалласи, Муқимий номидаги театр биносининг орқасидан Қоратошгача борарди. Лекин Бешёғочдан холамнинг уйларига етгунча шу даражада боши берк тор кўчалар кўп эдики, баъзан адашиб, бошқа маҳаллага ўтиб кетиш ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун саккиз-тўққиз ёшга чиққунимча бир узимни юборишмасди. Кўпроқ холам ё Қори поччамнинг ўзлари олиб кетишарди. Ойим узоқ-яқин қариндошларникига кам борардилар. Борсалар ҳам, ярим кунга, узоғи билан бир кунга борардилар. Ёш болаларни, сигир-бузоқни ташлаб кетолмасдилар.

Холамникига боришни қанчалик истамай, мен ҳам икки кундан зиёд туролмасдим. Ҳовлилари кичкина эди. Бу ҳам майли. Чор атрофдан ҳовлини ўраган иморатлар икки-уч қаватли, болахоналик бўлгани учун кичкина ҳовли худди ўрага ўхшарди. Офтоб кам тушадиган, доимо салқин, зах шу ҳовлида Қори поччам ажойиб бир усталик билан сира кул тушурмай, ҳар донаси олтиндек саргайиб, шира бойлаб, тилни ёрадиган узум

етиштирардилар. Токнинг шохларини чиройли тараб, атрофидаги баланд иморатларнинг томларига чиқариб юборардилар. Уйдан баҳор киргунча карс-курс қилиб ейдиган узум аримасди.

Холам эса ҳовлининг ўртасидан ўтган ариқ сувидан фойдаланиб, бўйрадек жойда райҳон, аччиқ гаримдорининг ун-ун беш хилини, усма, кундалик овқатга ишлатиладиган яна қанчадан-қанча кўкат турларини — кўк пиёз дейсизми, укроп, кашнич дейсизми, ўстирардилар. Эрта баҳордан кеч кузгача, бир йиллик гуллар чамандек очилиб ётарди.

Уйга одам келганда холам албатта тандир ёқардилар. Келган одам менга ўхшаган ёш болами, ё катта одамми — аҳамияти йўқ эди. Меҳмон баҳона нон ёпардилар.

Ўзбек аёллари тандирда нон ёпишга жуда уста. Баҳс учун бир хил ун, бир хил хамиртуруш, бир хил ўтин ва битта тандир бериб, иккита аёлга нон ёптириб қурилса, иккаловиники, албатта, икки хил бўлади. Кўриниши ҳам, мазаси ҳам. Лекин иккало-ви ҳам ейишли бўлади.

Ойим яхши нон ёпардилар. Лекин холам ёпган патир нонларни мен ҳеч қаерда емаганман. Аввало, у киши ёпган патир чиройли бўларди. Чиройли чакич ишлатиш билан бирга, қўллари билан патирнинг четларига гул солардилар. Узун, ингичка бармоқлари билан чимчилаб кўтариб қўйган гулларнинг чеккалари пишганда галати қизариб, ажралиб турарди, патирнинг чиройига чирой қўшарди.

Ўзбекларда бир гап бор. Гўё эркаклар қилган овқатлар ширин бўлар эмиш. Бу тўғри. Нега? Эркаклар овқатга масаллиғни аямай соладилар. Холам ҳам овқат қилганда, ё нон ёпганда овқатлари, нонларининг ширин бўлиши учун ҳеч нарсани аямасдилар. Хамир қориш учун эринмасдан қўшниларникига чиқиб, янги соғилган сут олиб келардилар.

Мен холамни яхши кўрардим. Буни у киши ҳам сезарди. Шунинг учун бўлса керак, Дамариққа, бувимларникига, ё Шириндаги қариндошларникига борадиган бўлса, атайин бизника келиб, мени уй ишларидан бўшашимни кутиб, олиб кетарди.

Қори поччам билан холам ҳақида ёзаётиб, бир жойда тирикчиликлари қандай ўтарди, ҳозиргача ҳайронман, билмайман, деб кетдим. Қисман бу гапим тўғри. Лекин ҳозир эсимга тушди. Холамни жуда кўп, тез-тез турли маъракаларга олиб кетишарди. Мен кўрмаганман, лекин ойимларнинг айтишларича, бувим ҳам, холам ҳам жуда яхши зикр тушишаркан. Уларнинг Қуръон ўқишларини эшитиб, ёнларида одамлар кетолмай қолишларини мен ўзим ҳам кўп кўрганман. Мен ҳам уларни эшитганимда қандайдир мутлақо бошқа оламга тушиб қолгандек сезардим узимни. Кўчалар, уйлар, боғлар у оламда мутлақо бошқача эди, бувим, холамлар тикишган палак, дорпечлар, жойнамозлардаги миноралар, гуллар, боғларни эслатарди. У олам, гулларнинг иси эса холамнинг, бувимнинг ва ўзимизнинг уйдаги гиламдек ёниб,

товланиб турган гулзорларнинг исини димогимга урарди. Тулқинланиб, ич-ичимдан бутун вужудимни иссиқ титроқ босиб, йиллагим келиб кетарди.

Холам яхши умр кўрдилар. Албатта, менинг назаримда. Етмиш олти ёшларида бирдан икки кун ётиб оламдан ўтдилар. Улимларидан икки-уч кун бурун Чилонзорга, опамларникига борган эканлар. Уша ерда ванна қабул қилиб, бош ювибдилар. Афтидан, бош қуримасдан уйга жўнабдилар. Уйда бирдан иситмалаб, ётиб қолибдилар. Шу ётганларича турмадилар.

Холамни кундуз кун, пешин намозга чиқарадиган бўлишди. Ушанда Обид тоғам билан бўлган қисқа бир суҳбатни эсламасдан иложим йўқ.

Мотамга келганлар кўп эди. Ҳовли кичкина бўлгани сабабли кўпчилик кўчага, йўлнинг икки четига териб қўйилган курсиларда ўтиришар, ҳар ер-ҳар ерда тўп-тўп бўлиб суҳбат қуриб туришарди.

Обид тоғамнинг ёлғиз утирганини, анчайин хаёлчан эканликларини кўриб, ёнларига бордим. Албатта гапимиз холамга бориб тақалди.

— Неччига кирган эдилар, тоға? — сўрадим ҳеч нарсани ўйламай, ҳеч нарсадан гумон қилмай.

Тоғам жуда галати, носвой чеккан одамдек огзининг бир томони билан жилмаярдилар бир нарса ёқмай қолса. Гапим ёқмаганини сездим.

— Эшитмадингми? — огзини очмай сўрадилар.

— Йўқ.

— Етмиш олти, деб кўтаришармиш. Холангни етмиш олти деб кўтаришса, мен — етмиш олтига кирган укаси, нечага кирган бўламан? Ман тугилганимда, холанг, ойинг бекинмачоқ ўйнаб юришарди!..

— Нега бўлмаса...

Гапим огзимда қолди.

— Нега бўларди? Қори поччангдан опам уч-тўрт ёш кичик бўлиши керак эди-да, унга текканидан кейин!

Мен ҳам беихтиёр жилмайдим. Қори поччам, холамдек аҳил эр-хотин камдан-кам бўлади. Қори поччам холамнинг асл ёшларини билганида ҳам улар тотув яшашарди. Балки билгандир ҳам.

Бунинг ҳозир аҳамияти йўқ. Гап шундаки, холамнинг вафотидан сўнг, қори поччам жуда қийналиб кетди. Болалари, неваралари бўлишига қарамай, ёлғизлик уни эзиб юборди. Икки йилдан сўнг ҳеч қандай касал бўлмай, ётмай, холамнинг ортидан кетди.

Мен уларнинг иккаловига ҳам жуда боғланиб қолган эдим. Уларни ўзимга қариндошларимиз ичидаги энг яқин ва азиз одамлардан ҳисоблардим. Инсон ҳаммасига кўникиб кетар экан. Мана уларнинг бу дунёдан кетишганига анча бўлди. Ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Ҳаёт давом этаяпти. Аммо уларни ўйлаганимда, дилимда қандайдир илиқлик пайдо бўлади, ёришгандек бўлади.

Улар покиза, бегараз, сахий, ширинсўз одамлар эди. Умрим бўйи шундай бўлиб хотирамда қолишади.

Уларнинг менга муносабатларини кўриб, Файзулла ака ҳам менга яхши қарарди. Уруш пайтидаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бўш эдим, ёнимда озгина пулим ҳам бор эди. Шаҳар маркази — Пиёнбозорга бориб, «Искра» кинотеатрига кинога тушдим. Одам кўп эмас эди. Кинога киришдан олдин ҳамма болаларга ўхшаб, катта стаканда бир стакан писта олиб, чийду-хоба камзулимнинг чўнтагига солдим. «Биз Кронштатданмиз» деган кино кетаётган экан. Писта чақиб, тамоша қилиман. Ярмага борганда, матрос кийимидаги, менга иккита келадиган одам ёнимга ўтириб, қўларимни қисди-да, чўнтақларимни ковлай бошлади. Аввало пистадан бир ҳовуч олиб, ўз чўнтагига солди. Кичкина оқ пакким бор эди, шуни олди. Очиб, кўкрагимга қадади.

— Пулларингни яхшиликча ўзинг бер, — деди русчалаб.

Нима қилишим мумкин эди? Шимимни чўнтагида беш сўм бор эди. Шуни олиб бедим. У ишонмади. Ўзи чўнтақларимни пайпаслаб, танга пулларимни ҳам олди. Холамнинг таъсирларида, ёнимда доим яхшилаб тахланган дастрўмол бўларди. Шуни ҳам олди.

— Мен кетгунча ўтир жойингда! — деди шивирлаб, кейин залдан чиқиб кетди.

Албатта менга жуда алам қилди. Битта ўзим кинога борганимдан пушаймон эдим. Уйда Файзулла акага дуч келдим. Ҳозир сабабларини билмайман, лекин уруш йиллари у бизникида уч-тўрт кунлаб туриб кетарди.

— Ҳа, ким билан урушдинг! — сўради у кайфиятим бузуқлигини кўриб.

Бўлган воқеани айтиб бедим.

— Хафа бўлма, пичоқ топилади, — юпатди у.

Орадан икки-уч кун ўтди. Файзулла ака моларга овқат бераётган пайтим, ортимдан молхонага кириб, қўлимга ўзимнинг паккимни, тахи бузилмаган рўмолчамни, кейин битта қоғоз пакетда икки стакан писта тутқазди. Пакетнинг устида беш сўм пул ҳам турарди.

— Қаердан топдингиз? — сўрадим суюниб.

— Қўявер, — деди Файзулла ака кулиб. — Шу пакки, дастрўмол сеникими?

— Ҳа, — дедим.

— Бўпти. Энди «Искра» киносида сенга ҳеч ким тегмайди.

У шундай деб, пакетдан ҳовучига озгина писта тўкиб солди-да, қусурлатиб чақиб, молхонадан чиқиб кетди.

Мен ҳам Файзулла акани жуда ҳурмат қилардим. Аммо орамизда қандайдир бир тусиқ бор эдики, бир-биримиз билан самимий, қариндошлардек яқин, очиқ муносабатда ҳеч қачон бўлолмадик. Биламан Файзулла ака кўп шунга ҳаракат қилдилар. Мен ҳам. Аммо яқинлаша олмадик.

«Ўзбекфильм» киностудиясида ишлаб юрган пайтим, бирдан у киши келиб қолди. Секретарь қиз кириб, яқин қариндошим зарур иш билан келганини айтди. Киритишини сўраб, ортидан нимадандир хавотир олиб, узим қабулхонага чиқдим.

Эшик очилди, рўпарамда баланд бўйли Файзулла акам огзилари тўла тила тишларини кўрсатиб, кулиб турарди.

Юзларида кулги бўлгани сабабли кўнглим жойига тушди. Ичкарига олиб кириб, ўтқаздим.

— Келинг? Тинчликми?

Файзулла ака бирдан ўзгардилар. Юзлари жиддий ва ташвишли тус олди.

— Ресторанда ишлайдиган жиянинг қамаладиган бўлиб қолди. Ёрдан сўраб келдим, — дедилар кўзларига ёш олиб.

Гавдали бўлишига қарамай, у кишининг кўз ёши бурнининг учига турарди.

— Нима булди?

Ҳозир суҳбатимизнинг тафсилотига ҳожат йўқ. Уғилларига катта айб қўйилган. Мен ресторан раҳбарлари, район ижроқўмидаги танишларим билан гаплашиб кўришни ваъда қилдим. Файзулла ака рад қилди.

— Фойдасиз. Иш терговда. Терговчи билан гаплашиш керак.

У киши терговчининг исми, фамилияси, телефони ёзилган қогозни олдимга қўйдилар.

— Катта одамсан. Ҳамма сени танийди. Бир огиз сўзинг. Терговчи қанча деса бераман. Йигирма минг, ўттиз минг!.. Бодомзорда ўғлим устакга солган. Шуни ҳам сотиб бераман. Терговчи билан гаплаш, жон ука.

Мен галати бўлиб кетдим. Умримда бирон марта ўртага пул қўйиб, бирон ишни ҳал қилмаганман, бировга пора ҳам бермаганман, пора ҳам олмаганман. Мени билмаган терговчи билан қандай гаплашаман? Менинг ҳақимда, яккаю ягона «Ўзбекфильм» киностудиясининг директори ҳақида қандай ўйлайди у?

— Файзулла ака, кечиринг, мен бу ишни қилолмайман, — дедим. — Бундай қилиш қўлимдан келмайди.

Файзулла ака огир жилмайди ва хайрлашиб чиқиб кетди. Шу сўнги учрашув шундай ҳам яқин бўлмаган муносабатимизга нуқта қўйди. Куришмайдиган бўлиб кетдик. Қаёқдандир, олис сафарда юрганимда, оламдан ўтганини эшитдим. Ажойиб, камтар, хушмуомала хотини бор. Келинойимни, Сайдулла, Сайфуллаларни ҳурмат қиламан. Одамнинг қўлидан келадиган, виждони йўл қўйиб, ҳал қиладиган, аини чоғда бутун вужуди билан қабул қилаолмайдиган ишлари бўлади. Мен ушанда терговчи билан гаплашишдан воз кечганимни Файзулла ака уйдагиларга қандай тушунтирди, билмайман. Бунинг ҳозир аҳамияти йўқ. Жойи жаннатда бўлсин. Келинойим, Сайдулла, Сайфуллалар соғ-саломат бўлишсин, узоқ умр куришсин.

Ойим, холам томонидан урушга кетиб, соғ-саломат қайтиб келган қариндошларимиздан бири Обид тоғам бўлади. Обид то-

ғамнинг бешта ўгли бор. Ҳаммаси ҳаётда ўз йулини топиб олган, турмушлари яхши, ўзига тўқ одамлар. Мен улар ҳақида эмас, Обид тоғам ҳақида озгина билганларим, кузатганларимни сенга ёзиб қолдирмоқчиман.

Агар дунёда иккита камган одам бўлса, биттаси шу Обид тоғам эди. У қўрғонда, бувим билан бирга турарди. Бир неча йил, катта тоғам Гани ака ҳам оиласи билан шу қўрғонда турган. Кейин Вревскийдан жой қилиб, кўчиб кетган. Катта қўрғонда бувим, кичик тоғам, яъни Обид тоғам ва унинг оиласи қолишган.

Урушдан у орден билан қайтди. Ҳозир эсимда йўқ. «Қизил юлдуз»миди, ё жанговар «Қизил Байроқ»миди? Икки-уч кун, то граждан кийимига утгунича орденни тақиб юрди. Гражданча кийингандан кейин бир марта ҳам у шу орденни таққанини кўрганим йўқ. Тоғам ўта камтар, юмшоқ табиатли, мўмин одам эди. Унинг биров билан урушганини, бировни болаҳонадор қилиб сўкканини билмайман.

Шундай одамнинг фронтдан жанговор орден билан қайтгани мени жуда қизиқтирарди. Бир куни сўрадим. Огзининг ҳар доимгидек бир чети билан жилмайиб, айтиб берди.

— Бизнинг қисм ўрмон ичида турган эди. Хужумга ўтамизми, ё шу ердан мудофаа чегараси бошланадими, ҳеч ким билмасди. Лекин ҳар куни машқ қилардик. Найзавозликни ўргатишарди. Граната отишдан жуда кўп машғулот ўтказишарди. Шундан биз солдатлар яқин орада хужумга ўтсак керак, деб хулоса чиқариб қўйган эдик. Ўрмонга урганмаган одамга ун-ун беш кун эртадан-кечгача дарахтдан бошқа нарсани кўрмаслик қийин бўлар экан. Мен билан тўрттами-бешта қозоқ, туркман йигитлари бор эди. жуда эзилиб кетдик. Бунинг устига ўрмоннинг чивинига чидаб бўлмайди. Гимнастёркангни ҳам тешиб ўтиб чақади, қизиталоқ. Мен қашийверганимдан чақа бўлмаган жойим қолмади. Хуллас, шундоқ кунларнинг бирида немис снайперлари пайдо бўлганмиш, деган гап чиқиб қолди. Тўсатдан, уруш бошланмасидан, кўкрагидан ўқ тегиб уладиганлар кўпайиб кетди. Батальон командири икки марта бештадан-бештадан отряд тузиб, ўрмонни айланиб чиқишни, уша аблаҳ снайперларни тутиб келишни топширди. Икки отряд икки кун деганда, тўртта одами-ни йўқотиб, кўп-қуруқ қайтиб келди. Командирнинг жаҳли чиқиб кетди. Ўзи борадиган бўлди. Яна беш кишини қўшиб олди. Мен ҳам бор эдим шулар орасида. Ярим кун юриб, ўрмоннинг немислар ҳужум қилиши мумкин бўлган томонига чиқдик. Ҳаммаёқ жимжит. Ҳеч ким кўринмайди. Қайтдик. Арчага ўхшаб қорайиб турган бир дарахт тагида капитаннинг бошидан шапкаси учиб кетди, шундай ёнидан ўқ «виз» этиб ўтганини эшитдим. Ҳаммамиз ётдик. Ётган жойимда бундай қарасам, беш юз-олти юз метр наридаги сершоҳ дарахтнинг устида бир одам курси қўйиб ўтирибди. Қўлида милтиқ. Немис снайпери шу эканини дарров пайқадим. Шу топ унинг ёнида яна битта калла кўринди.

Улар икки киши экан. Иккаловининг қўлида дурбинли милтиқ. Капитанга қараб, қўлимни оғзимга тутиб, «жим ётинг», дегандек ишора қилдим. Тушунди. Мен бир сакраб, узимни йўгон дарахт панасига оддим. Немислар, афтидан, мени куришмади. Пойлаб туриб биттасини отиб туширдим. Шундан кейин иккинчиси ўзи қўл кўтариб, пастга тушди. Баччагарлар бир ҳафталик овқатни гахлаб, оёқ узатиб ётадиган курси қўйиб, жойлашиб олган экан. Ордени шунда беришган. Э, укам, мен уриб туширмасам, бошқа биров уриб туширарди уларни. Муҳими, омон қайтиб келдим.

Обид тоғамнинг урушдаги ҳаётидан билганим шу. Ўзича у ҳеч нарса гапириб бермас, сўралганда, бир-икки гап билан қисқача жавоб бериб қўяқоларди. Назаримда, болалари ҳам дадаларининг урушдаги ҳаётларидан мутлақо беҳабар қолиб кетишди.

Тоғам ўз феъли, одатларига бутунлай тескари касб билан шугуллана бошлади. Урушдан олдин нима билан шугулланган — билмайман, аммо урушдан қайтиб, ўша давр учун хавfli касб — қассобчилик қила бошлади. Тезаковдаги, аниқроғи, тоғамнинг кучаларидаги кўпчилик эркаклар ота касб — хуфия қассобчилик билан шугулланишарди. Олис жойлардан, Қозогистон томондан иккита-учтадан қорамол олиб келиб уйда боқишар. бироз семиртириб сўйиб, гўштини Тезаков бозорида, Қўйлиқда бир кило, икки килолаб сотишарди. Албатта бу иш даромад келтирмас, бола-чақани боқмаса, ким узини ўт билан уйнашга мажбур қилади? Тоғам ҳам шу йўлни танлади. Сайрам, Туркистон, Турбот томонлардан иккитами-учтами наввос олиб келарди. Баъзан боқиб утирмасдан, баъзан бирон ҳафта семиртириб, сўярди. Кейин бироз совутиб, майда-майдалаб, эринмасдан бир кило, ярим кило, икки килолик булақларга ажратиб, эски қоғозларга ўрайдилар. Турва-турва қилиб тахлаб, Зуҳра келинойим (хотинлари), Рауф (катта утиллари), яна кимларнидир бозорга жўнатади. Милиция ҳайдамасдан, тинч, омон-эсон гўшт сотилса, ҳаммани севинч қоплайди. Ош қилинади, фойдага қолган молнинг калласи, ичак-чавоғи қайнатилиб, ҳасип солиниб, қариндошлар чақирилади. Нон ёпилади. Битта-яримта қўлга тушиб қолса, мўлжалланган даромадга уйдаги бор пул қўшилиб, милициядан, прокурордан қутулиш чораси кўрилади.

Тоғам бир-икки марта қамалиб ҳам чиқдилар. Тоғам қамалиши билан Зуҳра келинойим бизникига югуриб келарди. Дадамдан тоғамни қутқариб олишни илтимос қиларди. Дадам ёрдам берардилар. Бор танишларини ишга солиб, қутқариб олардилар. Шунда доим дадам билан тоғам орасида бир хил гап буларди:

— Обиджон, ука, бўлди энди, бошқа иш қил. Бунақада хонавайрон бўлиб кетасан. Ўзим иш топиб бераман.

— Хўп, почча, бошқа бунақа иш қилмайман, — ваъда берарди тоғам.

— Қилмайди бошқа, бола-чақасини уйлайди, — қувватлардилар укаларини ойм.

Аммо бу гап эди. Икки-уч кун ўтиб тоғам яна эски касби билан шугулланарди. Болаларининг деярли ҳаммаси тоғамнинг йўлидан кетишган.

Ҳозир шу тоғамнинг қийналганларини эслаб, илгариги тузумдан хафа бўлиб кетаман. Қассобчилик қилиб, икки-уч маҳалладаги одамларни янги гўшт билан таъминлаган одамни нега энди қувгин қилиш, уни халқ мулкига тажовуз қилган одамдек айблаш керак экан? Туртта-бешта дукон очиб, очиқ-ойдин гўштми, қази-қартами сотиб ўтирса, кимга зарари тегарди? Ҳозир шундай қилиняпти-ку? Тоғамга ўхшаганларга эрк бериб қўйилганда, ҳозир анча тузук яшардик. Улар қилган ишда тузумни бўшаштирадиган, беобрў қиладиган нима бор? Ҳеч нарса йўқ. Эсимни таниганимдан бери ўзбек йигитлари умуман, эркакларнинг фабрикада тикилган дўшидан кийганларини эслолмайман. Фабрикада машинада қингир-қийшиқ ўзбек дўппичилигини оёқ ости қиладиган, обрусини туширадиган дўппиларни, расми учун, миллий туси учун чет элликлар эсдалик, деб олишади. Аммо биронта ўзбек уни киймайди. Демак, етмиш йил ўзбеклар хуфия тикилган дўппи кийиб келишди. Хуфия сотилган гўшт, хуфия сотилган нон еб келишди. Ўзбек тандир нони билан савдо қилганлар бир йилда неча мартадан бозорлардан ҳайдалганларини ҳамма нонвойлар яхши билишади.

Ачиниб айтмоқчи бўлган гапим шуки, Обид тоғам уруш ветерани, бола-чақасини боқиш учун, тирикчилигини ўтказиш учун улимига қадар юрагини ҳовучлаб ўз севган касби билан шугулланди. Бирон кеча уйқусида ҳаловат бўлмаган булса керак, деб ўйлайман уни эслаганимда. Аммо барибир ҳаёт қизиқ, одам яшагиси, кўнглини тирикчилик ташвишларидан ташқари нима биландир ёзгиси келади. Тоғам бедана, хўроз уруштирардилар. Шунга ишқибоз эдилар. Унинг битта тананинг нархига тенг хўроз, беданалари бўлган, кўп жангларда катта-катта ютуқлар келтирган, деб эшитганман. Кейин у чекарди, чилим ҳам, папирос ҳам, носвой ҳам чекаверарди. Хотини, мен жуда яхши кўрган келинойим Зуҳра опам ҳам чекарди. Қизиқ, тоғамнинг болаларидан биронтаси ҳам чекишмайди. Бизнинг уйда эса ҳеч ким — на ойм, на дадам — чекмасди. Қондан ўтар эканми, дейман узимча. Тоғамнинг, келинойимнинг кетидан мен кетдим, ёшлигимдан чека бошладим. Азобини энди тортиб ётибман.

Зуҳра келинойим қазо қилганларидан кейин тоғам ҳам, худди Қори поччам сингари узоқ ёлғизликда яшай олмади. Тугрироғи, умр йўлдошларисиз яшай олмади. Кўп ўтмай, бир оёғи, бир қўли ишламайдиган бўлиб қолди. Шунда бориб кўрдим. Узоқ гаплашиб ўтирдим. Холамнинг ёшларини эслаб, кулишдик. Шундан кейин кўп ўтмай, келинойимнинг ёнларига тоғам шошилинич йўл олганини эшитдим. Тоғам, меҳнаткаш, очиқ табиатли, мард одам эди раҳматли, жойи жаннатда бўлсин. Болаларга нисбатан оталик бурчини тула адо этиб кетди. Дамариқнинг тепасидаги кўргон бузиладиган бўлганидан Кўкча томондан ҳамма утилла-

рига жой қилиш ниятига тушди. Аммо бу осон эмас эди. Уч угил ҳозир билишимча ҳовли-жойли. Икки угил аэропорт яқинидаги, эски Дамариқдаги кўп қаватлик иморатлардан квартира олишган. Билишимча, ҳаммасининг турмуши яхши, бола-чақали, баъзилари неварачеварали бўлиб кетишган.

Тоғамни эслаганимда, албатта касблари кўз олдимдан ўтади. Уйимизда ўтказилган маъракалар, гуй-базмлар олдидан у киши келиб қўйми, ё тана сўйиб бериб кетарди. Мен тоғам мол сўйганда, ҳеч чўчимасдим. У бирпасда жониворларни қийнамасдан сўярди. Гўшт доим тоза бўларди, битта ҳам юнг юқмасди. У Усталик билан, деярли болта ишлатмасдан майдалаб берарди.

Ҳозир шуларни ёзатуриб, тоғамни эслаб, қассоблар орасида ҳам шафқатсиз одамлар, ўз касбини севмай ишлайдиганлар борлигини бир мисолда айтиб кетмоқчиман. Бу воқеанинг тоғамга мутлақо алоқаси йўқ. У киши ҳақида ёзаётганим учун, эсимга тушиб кетди.

Урушдан кейин, ҳали пул реформаси бўлмасдан, тўғрироғи, шу пул реформаси арафасида (бир кунми, икки кунми қолган эди) қисир қолган сигиримизни сотишга тўғри келди. Дадам маслаҳатга тоғамни чақирдилар. Тоғам сўйиб сотишни маслаҳат берди.

— Яхши гўшт қилади. Мол ҳали қари эмас. Жуда етилиб турибди. Тирик сотиб юборсангиз, анча ютқизасиз, — деди тоғам сигирнинг у еқ-бу ёғини ушлаб кўриб. — Камида уч юз элик кило гўшт қилади. Ўзим сўйиб бераман.

Дадам тоғамнинг маслаҳатини қабул қилдилар, аммо тоғамни овора қилмай. Миробод бозорига яқин бир жойдаги қушхонага олиб бордилар. Мол ҳайдашиб бордим.

Қисир қолган, сути камайиб кетаётган сигирни албатта алмаштириш керак эди. Аммо бу сигирни уйда ҳаммамиз яхши кўрардик. У катта эди, ранги филнинг рангидек кулранг бўлиб, ўзи ҳам семизлиги, катталигидан филга ўхшарди. Филга ўхшашлигининг яна бир томони — шохлари йўқ, синиб кетган эди. Тумшугини кўтарса, ўзи бўларди-қўярди.

Қушхонага олиб кетаётган кунимиз, сездими, ҳеч уйдан чиққиси келмади. Уч-тўрт киши ҳайдашиб-сургаб, кўчага олиб чиқдик. Анчагача уйдагилар ортимиздан қараб қолишди, сингиларим йиғлашди.

Қушхонага етганимизда сигир яна юрмай қийнашга тушди, жойида туриб қолди. Хашак тутиб, бўйнидан силаб, қушхона ичига зўрга олиб кирдик.

Дадам сигирни цемент пол устига чиқариб, худди шундай цементдан қилинган ариқ ёнидаги темир қоziққа боғлаб, ҳовлига тушдилар. Шу тоб «гум!» этиб ерни ларзага солган овоз эшитилди. Сигиримиз маъраб юборди.

Дадам қушхона ичига отилдилар. Кетларидан мен ҳам югурдим. Сигиримиз бўйнидаги арқонини узиб, қушхона ичида гандираклар юрар, кичкина, қип-қизил юзини сепкил босган сарик

мўйловли қассоб катта болга билан унинг бошини пойлар ва пешонасига урмоқчи бўларди.

— Нима қиялсан?! — қичқириб юбордилар дадам.

— Бунинг бошига уриб йиқитмас, йиқилмайди.

Қассоб шундай деб, сигир у томон бошини бурганда, шошапиша пешонасига болга билан туширди. Сигир маъраб, яна гандираклар кетди, аммо йиқилмади.

— Аҳмоқ! Сўйишни билмасанг нима қиласан, жониворни қийнаб?!

Дадам қассобнинг қулидан болгани тортиб олиб, улоқтирдилар. Иккала қўллари билан сигирнинг олдинги оёқларини қучоқладилар-да, деворга суяб йиқитдилар ва дарҳол оёқларини боғладилар.

— Бўйнига сол пичоқни энди!

Мен қочиб кетдим. Биламан, ўшанда тоғамга сўйдирмаганларига дадам ҳам минг-минг пушаймон едилар.

Бир ҳафтагача уйимизда шу филга ўхшаш кўк сигиримизнинг гапи бўлди. Уша кунлари гўштли овқат еёлмадик. Унинг гўштига бўлса, ҳеч ким тегмади. Ҳаммасини, калла-поччаларига-ча сотиб юбордик.

Ўрнига дадам битта ола сигир олиб келдилар. Бу сигир жуда кўчага ўрганган, бойлоққа тоқати йўқ чиқди. Эрталаб маъраб соғиб олишни талаб қилади, кейин апил-тапил емини еб, кўчага судрайди. Бир-икки кун кўчада ўтлатиб, ўзини қўйиб юборадиган бўлдик. Соғин пайти келганда ўзи кириб келади, кейин яна чиқиб кетади.

Сапернаядаги ҳовлимиз, уйимиз бузилгунча кўп сигирларни боқдим. Кўп сигирларни алмаштирдик. Аммо ҳеч ўша, филга ўхшаган шохсиз, кўк сигир кўз олдимдан кетмайди.

Қушхонадаги қассобни ўшанда жуда ёмон кўриб қолдим. Ҳамма катталарга салом беришга ўрганган одам, унга ҳеч салом бермасдим, тўй, маъракаларда учрашиб қолсак, қўлини узатса, ўзимни кўрмаганга солиб кетардим. Дадам ҳам уни хушламай қўйдилар. Кўк сигирдан кейин бирон марта ҳам шу қушхонага қадам босганлари йўқ. Қассоб дадамнинг хафа бўлганини сезиб, у кишидан ўзини четроқ олиб юрадиган бўлиб кетди.

Обид тоғам ҳақида гаширганимда, катта — Гани тоғам ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтиш фарз. Гани тоғам урушга бордим, ё ички ҳарбий ишларда хизмат қилдим, аниқ билмайман. Ҳар ҳолда уруш йиллари бир неча йил кўринмади.

У киши ўз феъли, одатлари билан Обид тоғамнинг тескариси эди. Сержаҳл, сал нарсага пов этиб ёниб кетарди. Айтишларича, ёшлигида жуда шўх бўлган. Қўрғондагилар у катта йигит бўлиб, бола-чақа қилганда ҳам қўйми, товўқми, унга сўйдиришдан чўчишар экан. Бир марта катта бузоқни оёқларини боғламай сўйиб юборибди. Қалласи олинган бузоқ қўрғонда жони чиққунча бир-икки шатолақ отиб, аёлларнинг юрагини ёриб юборган экан. Шундан бери унга мол сўйдиришмас экан. Аммо

у ҳам кичик тоғам сингари қассоблик қиларди. Эллигинчи йиллар охирларида Олмазорнинг ортидан Вревский деган жойдан ҳовли қилиб, бола-чақаси билан кучиб кетди.

Гани тоғамнинг уч қиз, бир ўгли бор эди. Энг катта қизлари Муаззам, ўртанчиси Муқаддам, кенжаси Қундуз. Ўгилларининг исми Маждид. Муқаддам опа тоғамнинг болалари ичидан анча кўзга яқин, баланд бўйли, оппоқ қиз эди. Опаси Муаззам отасининг нусхаси десам бўларди. Пакана, тўладан келган, кенг елкали, бақувват, оёқлари йўтон. Худди тоғамдек у ҳам баланд овоз билан гаплашарди. Ҳеч тинч, хотиржам бировнинг гапини эшитмас, албатта гапга аралашиб, иложи борича ўзиникини маъқуллашга интиларди. Бундан кўриниб турибдики, анчагина ўжар эди.

Кўпчилик болалар уни яхши кўришарди. Шу жумладан, мен ҳам. Бўш қолди, ўзидан кичик болаларни йигиб турли ўйин ўйлаб топар ё катта ариққа олиб бориб, сузишни ургатарди. Ҳамма уни адашиб қиз тугилиб қолган, аслида у ўғил бола, дейишарди. Чиндан ҳам шундай эди. У эркаклар билан баббаробар ишлар, улар қилган ҳамма ишни қилар, кейин жаҳлини чиқаришса ё бирон иш нотўғри қилинган бўлса, эркаклардек бола-хонадор қилиб сўкинарди ҳам.

Муаззам опани, Умида, сен билишинг керак. Бизниқига у куп келарди. Ҳар келганида бир хурмача қатиқ, иккитами, тўрттами баркашдек, ўзи ёпган жайдари нон кўтариб келарди. Айвонда бир-икки соат ўтириб, ҳамма қариндош-уруғларнинг гийбатини қилиб (албатта дилини оғритмай), бозор-учар қилгани кетарди. Шаҳарда иши бўлмаса бизниқида қолиб, кечки салқин билан уйига жўнарди.

Муаззам опанг бир гал келганида, қўлидаги ҳар доим олиб келадиган тугун билан хурмачани стол устига қўямасидан менга мурожаат қилди:

— Ўлмас, укам, жиянларингдан биттаси санинг йўлингдан борадиганга ўхшайди. Келганда бир гаплашгин!..

Хўп, дедим. Жияним келди. Бизниқида тура бошлади. Адабиётга қизиқар экан, мендан, опангдан ҳамма ёзувчиларни бир-бир суриштириб чиқди. Гап-сузларидан, билимидан уни адабиётга киролмаслиги маълум бўлди. Опанг, мен ҳаракат қилиб, Мадааният институтига олиб кириб қўйдик.

Институтга кирганидан кейин ҳам бир неча ой бизниқида турди. Ишдан келишим билан ёнимга ўтириб, китобларимнинг тарихини сўрайди. Кўпроқ севги ҳақида ёзилган ҳикоялар, қиссаларимнинг уз бошимдан ўтказган-ўтказмаганим билан қизиқади. Севган йигит билан ўзга юртларга қочиб кетган қизлар (албатта китоблардаги), «Княгина Мэри», «Анна Каренина», «Меҳробдан чаён»лар воқеалари билан қизиқади.

Мен аввал унинг деярли бир хил, бир-бирига яқин саволларига аҳамият бермадим. Опанг ҳам. Бизниқидан кетиб, ётоқхонага жойлашганидан кейин нима бўлганини билдик. Бир йигитни

яхши кўриб қолиб, у билан унинг юрти, Тожикистонга қочиб кетибди. Феъли билан у ҳам онасига ўхшарди. Лекин мен унинг бундай ишга қодирлигига ишонмасдим.

Икки-уч йил ўтганидан сўнг қайтиб келди. Албатта эри билан, боласи билан. Муаззам опанг уни кечириб, яхшигина тўй қилиб берди. Маҳаллани, қариндош-уруғларни чақирди.

Эсингда бўлса мен «Менинг ўғил бола жияним» деган ҳикоя ёзганман. Ана шу ҳикоядаги Ўғилнинг феъл-атворини қисман Муаззам опанг, қисман унинг қизидан олганман.

Муаззам опа ўшанда қизи топилгунча, аниқроғи, у хат ёзиб қаердалигини, нима қилиб қўйганини хабар қилгунча кўчага чиқолмай қолди. Кўчага чиқса ҳам, шаҳарга тушса ҳам заруратдан, яқин одамлариникигагина бориб келиб турди, холос. Овози ҳам пасайиб кетди, аввалги қулоқни тешиб юборадиган шангиллаган овозидан асар ҳам қолмади. Бечора бошига шундай «уятли» кун тушишини, тўй-ҳашамларда бировга сўз бермай катта оғизлик қилган одам бирдан ҳаммадан кўзини олиб қочадиган одамга айланиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаган экан. Шунинг учун бўлса керак, бизниқида келиб, бир оз бўлса ҳам дилини ёзиб кетадиган одат чиқарди. Чунки опанг ҳам, мен ҳам қизини урушмадик. Бундай воқеалар куп бўлишини, баъзи халқларда қиз ўғирлаш одати борлигини айтиб, тинчитдик. Кейин бир кун, албатта, топилишига ишонч билдирдик. Чунки шўх қизнинг бизниқида суриштирган гапларини мулоҳаза қилиб-эслаб, унинг албатта, муҳаббат кўчасидан топилишига қатъий умид боғлаган эдик.

— Шундоғ дейсан-у, Ўлмас, узбекларни биласан-ку, уларда аввало бунақа одат йўқ. Шу ўғирлашни мен ҳам эшитганман. Ўғирлайдиган ўғирлар ота-онанинг розилиги билан ўғирлайди. Беному нишон кетмайди.

— Поччам нима деяптилар? — сўрадим жўрттага уни чалғитиш учун.

Чунки Муаззам опанинг эри ҳамма оила ташвиши, муносабатларини ўзидан соқит қилиб, унга ташлаган, эрталаб ишга кетиб, қоронгида қайтишдан бошқа нарса билан шугулланмас эди. Муаззам опанинг гапига қараганда, қизи билан нима бўлганини анчагача у ҳатто билмаган.

— Поччанг нима дерди? Қизинг иккита. Биттаси ўзи уйдан кетиб қолибди. Иккинчисини ўзинг иззат-икром билан узат. Шу билан кўнглинг жойига тушади. Айт-айт, омон бўлсин. Хуноб бўлма.— Мана поччангнинг гапи.

Поччамдан шундай ақлли гап чиқишини кутмаган эдим. Ундан умуман, бир оғиз гап эшитмаган эдим Муаззам опамга уйланганидан бери. Ҳамма гапни ўзи учун ҳам, эри учун ҳам Муаззам опа гапирарди.

Қизи топилиб, она-бола, қариндош-уруғлар яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишганидан кейин Муаззам опа асл ҳолига қайтди. Келганларида ҳали ҳовлига кирмасдан, кўчадан яна овози эшитила-

диган бўлиб қолди. Оғзидан энди қизи, тожик кўёви, невараларининг «ғийбати» тушмасди.

Мен унинг кўзларида бахт учқунларини куриб, қувонардим. Аммо қувончимиз узоққа чўзилмади. Муаззам опа тўсатдан, касал бўлмай вафот этиб кетди.

## IX

Йўда бир кичкина сурат бор. Ойим билан менинг суратим. Куз бўлса керак, мен пальтодаман. Ойим макентошдалар. Бошларига рўмол ураб олганлар. Бир сиқим қора сочлари рўмол тагидан пешоналари устида чиқиб турибди. Сураткаш иккала мизни фотоаппаратга қараб туришимизни талаб қилган бўлса керак, мен кўзларимни катта очиб, тикилиб турибман. Ойимларнинг ҳам нигоҳлари шу томонда. Лекин менга қарамаётган бўлсалар ҳам меҳр тўла кўзлари, бутун вужудлари, диллари менда экани сезилиб турибди.

Одам қариганида, болалик, неварали бўлганида ҳам ота-она меҳрига зор бўлар экан. Қани энди ҳозир ойим тирик бўлсалар, юртимдан олис бир жойда Худодан шифо тилаб шифтга қараб ётган пайтимда ёнимга келсалар, гадир-будир, аммо иссиқ қўллари пешонамга қўйиб, мени юпатсалар. Қани энди уларнинг тиниқ, ширали овозларини эшитсам? Албатта, улар мени юпатадиган, кўнглимни кўтарадиган гаплар топардилар. Йўқ, менга ҳозир уларнинг гаплари ҳам керак эмас, ўзларини кўрсам кифоя эди. Ким билади, балки мен ҳозир уларни эслаб, ўзимнинг манфаатимни ўйлаб шундай деяётгандирман? Балки менинг ҳозирги аҳволимни кўрмаганлари маъқулдир. Кўрсалар эзилиб кетармидилар? Аммо биламан, оғиримни енгил қилиш учун ўзларини ўтга, сувга уриб, Худодан менга шифо тилардилар.

Дадамлар-чи? У киши ҳам шундай. Сира эсимдан чиқмайди. Учинчим, тўртинчи синфда ўқийман. Қишда бирдан жағ тишим оғриб қолди. Кечаси билан ухламай, думалаб чиқдим. Аҳволимни кўриб, ойим ҳам, дадам ҳам ухлашгани йўқ. Номакоб қилиб, гаргара қилдириб кўришди. Марганцовка билан ҳам чайдиришди. Иссиқ гувалага юзимни қўйиб ётқизишди. Қани энди оғриқ босилса?! Эрталабга бориб яна зўрайиб кетди. Дод деб йиғлаб юбордим. Дадамнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Извош қўшишни кутмай, тезда мени кийинтириб трамвайда Эски Жувага олиб бордилар. Шу ерда бир таниш тиш дўхтири бор экан. Доктор кўриб, бирпасда оғриқ тишни сугуриб олди. Ҳатто сезмай ҳам қолдим. Анча йиринг чиқди. Кейин бирдан оғриқ қолди. Дадам мени қучоқлаб, бағриларига босдилар.

У киши ҳозир менинг аҳволимни кўрсалар, эс-ҳушларини йўқотиб қўйишларига аминман. Йўқ, яхшиси улар ҳозирги ҳолатимни кўрмаганлари маъқул. Балки кўриб туришгандир? Балки Яратганининг ўзидан менга шифо тилашаётгандир? Уларнинг ил-

тижолари билан, қизим, сенинг, опангнинг илтижолари билан Худо менга шифо бераётгандир? Ажаб эмас шундай бўлса!

Дада, ойи! Жойларингиз жаннатда бўлсин. Ҳар куни Худодан мен шуни сўрайман. Қандай фарзанд эдим сизларга, фарзандлик бурчимни қандай адо этдим? Буни сизлар, ўзингиз биласизлар, Худо билади. Аммо мен сизлардек отам, онам бўлганидан фахрланаман.

Умида, қизим, сен бувангни билмайсан. Лекин оз бўлса ҳам бувингни кўргансан. Унутма уларни. Улар яхши одамлар эди. Ҳалол меҳнат билан яшади, бировнинг ҳақига хиёнат қилишгани йўқ, қўлларидан келганича одамларга яхшилик қилишди. Бизни, яъни мен — дадангни, амакинг, аммаларингни ўқитишди, покиза, ҳалол яшашга ўргатишди.

Ойимларни ҳам худди холам сингари маҳалла-куйдагилар, олис-яқин қариндош-урутлар «отин» дейишарди. Эски ўзбек алифбосини, латин алифбосини яхши билардилар. Шу ҳарфлар билан терилган китобларни шариллагиб ўқиб ташлардилар. Яхши овозлари бор эди. Турли байрам, маърака-мовлутларда кўпинча ойимга Қуръон ўқитишарди. Холамга ўхшаб ойим ҳам зикр тушардилар. Мотам маросимларида эркаклар кетганидан сўнг, айтиб йиғлаш лозим бўлса, доим ойим бошлаб берардилар.

Ойимларнинг аллаларини ҳам мен мароқ билан эшитардим. Бир ашулалари сира эсимдан чиқмайди. Мен уни кейинчалик, катта бўлганимда, тикламоқчи бўлдим, аммо ҳеч кимдан суриштириб билолмадим. Мана уша ашуланинг бир банди:

*Оқди-я, оқди, Омилахон оқди,  
Ҳасан-Ҳусанлар билан сойларда оқди.  
Оқди-я, оқди, Омилахон оқди,  
Чилвир-чилвир сочлари балчиқда қалқди.*

Китоб ўқиб ўтириб, ёки кўрпа қабиб ўтириб, баъзан шу гамгин, алам, дардга тўла ашулани айттардилар. Энди биламан, бундай ашула бўлган эмас, бу халқнинг оғзидаги терма эди. Ким билади, балки ойимнинг ўзлари уни тўқигандирлар? Оҳанги ҳам дилни эзадиган, биронта бошқа ашула оҳангига ухшамасди. Минг афсус, овоздан қолганман, бўлмаса айтиб берардим. Қулоғим остида янграб турибди, аммо айтолмайман.

Мен ойимни саводсизликни тугатиш курсига қатнай бошлаган пайтларидан бошлаб эсламан. Ушанда демак, уч-тўрт ёшли бола эдим. Курс кўчамизнинг охиридаги клубда жойлашган эди. Ойим мени ҳам олиб борардилар. У ерда беш-унта қизга эски ўзбек тилидан ўргатардилар, ўзлари эса бошқа курсга кириб, латин алифбосини ўрганардилар. Шу клубдан бир муюлиш нарида Миробод бозорининг дарвозасидан бериқоқда Абдулла Авлонийлар уйи жойлашган эди. Мен кўп вақт ойим билан, баъзан дадам билан шу уйга келиб турардик. Ойимларнинг айтишларича, Абдулла Авлоний уларга шахматни ўргатган, ёзув-ўқувлари-



дан ҳам хабардор бўлиб турган. Аммо мен Абдулла Авлонийни кўрмаганман. Дадам томонидан бу буюк маърифатчи олим, шоирнинг қандайдир қариндошлиги бор, дейишади. Лекин гап бунда эмас Абдулла Авлоний бутун ўзбек халқининг қариндоши, фахри ва унутилмас фарзандидир.

1988-1989 йиллар Кенжа Авлоний, Бегали Қосимов ва мен Миробод маҳалласида Абдулла Авлонийдан ёдгорлик сифатида уйини бир музейга айлантириш фикри билан юқори идораларга мурожаат қилдик. Аммо уйни сақлаб қолиш имконияти бўлмади. Йўл тушиши керак экан. Шунда мен бошқа таклиф, анчайин маъқул бўладиган таклиф киритдим. Абдулла Авлонийнинг бутун мирободликлар ўқиган қирқинчи мактабни очишда хизматлари катта бўлган. Шу муносабат билан мактабнинг янги ташаётган биносида Абдулла Авлоний музейини ташкил этиш ва шаҳар кўчаларидан бирига унинг номини бериш таклифини Тошкент шаҳар ижроия комитетига киритдим. Шаҳар раҳбарлари бу таклифни қабул қилишди. Назаримда, ҳозир шундай қилинган, соғ бўлсам, Тошкентга қайтганимда суриштираман, мактабни бориб кўраман.

Абдулла Авлонийникида ўз даврининг йирик сиёсий ва маданият арбоблари тез-тез йиғилиб туришган. Бегали Қосимов — адолатли, ақлли олим — ўз китобида бу масалаарни, Авлоний ижодини кенг ва яхши ёритган. Мен фақат бизнинг оилага алоқадор бир кичкина воқеани айтиб ўтмоқчиман.

Абдулла Авлонийникида улуг одамларнинг йиғилиб туришлари қариндош-уруғ, таниш-билишларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Масалан дадам, адабиётдан четда бўлишларига қарамай, адабиёт, санъатга меҳр қўйганлар, санъаткорлар, ёзувчилар билан яқин муносабатда бўлганлар. Юнус Ражабий, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Гафур Гулом, Карим Муминов ва бошқа бир қанча адиб, санъаткорлар бизникида тез-тез бўлиб туришарди. Мендаги адабиётга ҳавасни сезиб, дадам бир куни Ҳамза Ҳакимзода билан ҳам таниш бўлганларини гапириб берганлар.

Абдулла Авлонийникида Ҳамза «Бой ила хизматчи» пьесасини қўйиш ҳақида гапириб турганида, дадам кириб қоладилар. Шунда Ҳамза уларни кўриб:

— Ана, Солиҳбой! — деб юборибди.

Гап нима ҳақда кетаётганини тушунтиришгандан сўнг, дадам қатъий бош тортадилар. Лекин кийинтириб куришади. Кийинтиришади-ю, шу заҳоти айнишади. Солиҳбой юмшоқ чеҳрасидан нур ёғилиб турган бой бўлиб қолади.

Анвар акам фожиали ҳалок бўлгунга қадар оиламиз жуда бахтли эди. Дадам соғ-саломат эдилар, ишлари яхши эди. Акам медицина институтига кирадиган, мен мактабга борадиган бўлиб турган эдик. Бирдан кутилмаган даҳшатли воқеалар бошланиб кетди. Энди аниқ тасаввур қилишман, жуда катта ташвишлар оиймининг бошларига тушди. Сенга, қизим, оиймининг бир кунлик

иш тартибларини айтиб берсам, кўп нарса равшан бўлади. Гираширада туриб сизиларни соғардилар. Сузиб, бидонларга солиб, сотгани олиб кетардилар. Қайтишда Миробод ёки Туркман бозорига кирардилар, нонуштага нон, озгина ширинлик — холвами, шинними олиб келардилар. Дадамни ишга жўнатиб, қолган сутларни пиширардилар ва қатиқ солардилар. Агар уйда сариеғ тутаган бўлса, кувада сариеғ қилардилар. Шу билан тушликка етиларди. Бизни мактабга жўнатиб, молларга овқат берардилар. Шундан кейин кир ювишга ё ямоқ ишларига ўтирардилар. Ҳовлида талайгина экин, гул бор эди. Биз ўқишдалик пайтимиз уларни суториш, тағларини юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш ҳам у кишининг бўйида эди. Улардан қутулиб кечқурунги овқатга уннардилар.

Урушгача уйда кўп вақт икки маҳал қозон қайнарди. Уруш бошланиб, ҳамма қатори бизнинг уйда ҳам қийинчиликлар бошланди. Аммо оийм йўлини топиб, албатта, кечқурун бирорта овқат қилардилар. Баъзида эрталаблари дадам ишга кетаётганларида сўрардилар:

— Кечқурунга нима овқат қилиб қўяй?

Бу саволни эшитиб биз, болалар, бошимиз осмонга етарди. Чунки дадам албатта, бизнинг истагимизни сўрардилар. Бизнинг истагимиз нималигини иккаловлари ҳам яхши билишарди. Гап шундаки, оийм шу савол билан дадамнинг кўнгилларини кўтариб, яхши кайфият билан ишга жўнашларини истардилар.

— Болалар нима дейди? — сўрардилар дадам.

— Ош! — қичқирардик биз.

— Бупти, болалар нима деса шу!

Дадам ўзлари дарвозани очиб, извошни кўчага олиб чиқардилар. Извошга ўтирганларидан кейин оийм ё биз дарвозани беркитиб олардик.

Ош бўладиган куни оиймни кўп нарсага кўндириш мумкин эди. Музқаймоққа пул сўрасак бўларди. Кинога ҳам ҳар эҳтимолга қарши пул олиб қўярдик. Чунки ош бўладиган куни дадам ё гушт олиб келган бўлардилар, ё мижозлардан битта-яримтаси қарзини узган бўларди. Оиймининг ошларини гапириб ўтирмайман. Ёздим, биласан. Бир оғиз гап билан айтганда, жаннати ош қилардилар оийм. Ана шундай яхши кунларда уиймизда уйин-кулги бўлиб турарди. Холам дуторни яхши чертардилар. Айниқса, уйин куйларини. Оийм эса чертмакка уста эдилар. Термалар ҳам айтар эдилар. Опам, Раҳима опа, бошқа аёллар, қизлар уйнашарди. Оийм дугор чалиб, терма айтаётганларида жуда чиройли бўлиб кетардилар. Албатта, менинг назаримда. Аслида холам, бувим улардан чиройли, қадди-қомати тик, келишган аёллар эди.

Оиймни эслаганимда кўпинча, қишки бир манзара кўз олдидан ўтади. Икки бочка оргилган эшак арава музлаган трамвай йўлидан тепага қараб зўрга кетяпти. Унинг орқасидан калта пахтали тўн кийган аёл итариб боряпти. Агар у елкаларини,

қўлларини аравадан олса, эшак таққа тўхтайдй ё тийганиб йиқилади.

Аравани бор кучини йигиб итариб бораётган аёл — ойм. Мен арава шотисига ёпишиб олганман, шу ҳаракатим билан гўё эшакни яхмалак йўлда, ё ундан ҳам баттар сирпанчиқ трамвай изида тойиб кетишдан асрайман...

Шу манзара кўз олдимдан кўп ўтади. Уруш йилларидаги қийинчиликлар, урушдан кейинги оиламизнинг тортган азоблари биринчи галда оймларнинг елкаларига тушганигини дадамдан бошлаб ҳаммамиз билардик. Афтидан шунинг таъсирида юқоридаги манзарани кўрардим. Арава итарган, кетмон кутарган аёлни кўрсам юрагим эзилиб кетади. Ўша болалик пайтларимдан бери шундай. Ўша пайтлардан бери эркалардан меҳнатини қилиб, номдор бўлган аёлларимизга ачинаман. Мен оғир жисмоний меҳнатни назарда тутаялман. Қанча қахрамон аёл ажалидан бурун ўлиб кетди, қанчаси умр бўйи ногирон бўлиб қолди!

Худога минг шукрки, ойм яхши умр кўрдилар. Саксон икки ёшларида оламдан ўтдилар.

Уруш қийинчиликларига кутилмаганда даданинг касалга чалинишлари қўшилиб кетди. Тахминан, қирқ етти, қирқ саккизинчи йиллардан бошлаб, юрак оғриқлари сезиларли оғирлашди, бунинг устига қон босимлари кўтариладиган бўлиб қолди. Ишлари қийинлашди. Икки-уч йил узлуксиз даволанганларидан сўнг, натижа кўнгилдагидек бўлмай, инвалидликка чиқдилар. Аммо ишга ўрганган одам уйда ўтиролмадилар. Оз-оз бўлса ҳам шаҳар савдо идораларида енгил-енгил ишлаб турдилар. Аммо босим ишлаш ҳақида энди ўйлаш мумкин эмас эди. Шунда ойм янги иш топдилар. Албатта ўзларига. Нон ёпиб сотадиган бўлдилар. Аввал беш кило, кейин ўн кило ун қориб, нон ёпа бошладилар.

Сигирлар соғилгунча хамир қориб, оширгани кўярдилар. Сут сотиб келиб, нон ясайдилар. Шу пайт ичида тандир қизиб туради. Уч-тўрт тандир нон ёпилгандан сўнг, нонушта қиламиз. Ҳаммамизнинг олдимизга янги ёпилган нондан синдириб кўядилар. Янги ёпилган ноннинг мазаси, айниқса, оймлар ёпган ноннинг мазаси бошқача бўлади. Ҳеч тузида адашмайдилар. Баъзида хамир ошмай қолиб, нон гуллайди. Ўшанда қаттиқ ранжийдилар.

Нонуштадан сўнг яна уч-тўрт тандир нон ёпиб, сумкаларга жойлайдилар. Мен бозорга кўтаришиб бораман. Икки сумка нонни ойм оладилар, икки сумкани мен. Нонвойчилик қиладиганлар маҳалламизда кўпайиб қолган эди ўшанда. Шундай бўлса ҳам пешингача ҳамма нонни сотиб бўламиз. Кейин бозор қиламиз. Бозорни тез қиламиз. Чунки мен, синглим Мовжуда мактабга боришимиз керак. Жуда шошиб қолсак, портфеламизга биттадан нон солиб, чой ичмай кетаверамиз. Вақт бўлса оймлар билан бирга чой ичамиз. Баъзан вақтли қайтсак, ойм нон қовурдоқ қилиб берардилар. Бу ғалати овқат. Мен яхши кўраман. Уни қилиш тез ва осон. Тухум, ёғ, пиёз ва нон бўлса

бас, жуда ейишли овқат бўлади. Баъзида, агар бўлса, жизза ҳам солардилар. Бу овқатни фақат дадам еёлмайдилар. Оғирлик қилади, қон босимлари кўтарилиб кетади.

Ярим йилчадан сўнг, нонни асосан мен сотадиган бўлдим. Албатта, ҳар куни эмас. Дарсим кам, бўш пайтларимда. Аммо менинг нон сотишим оиламизга қимматга тушди. Миробод бозорида Журабой ака деган милиционер бўларди. У фақат бозорда ишларди. Ўзи шу маҳаллада, хато қилсам, бозорнинг орқасидаги кўчада яшарди. Бир куни нон бозорига нон олиб келиб, сумкани очаётган эдим, кимдир тирсагимдан маҳкам ушлади. Ялт этиб қарадим. Журавой мелиса. Лекин нега мени ушлаганига аввал тушунмадим. Бундай қарасам, нон сотиб турган хотинлар орасида таниш ўғил-қиз болалардан ҳеч ким йўқ. Фақат мен. «Болаларни ҳайдашаётганга ухшайди, ҳозир урушиб, қўйиб юборади», — деб ўйладим, қаттиқ хафа ҳам булганим йўқ, кўрққаним ҳам йўқ.

— Сан Раҳимбек оқсоқолнинг ўглисан-а? — сўради у.

— Ҳа.

— Юр баққа.

У мени бозор ичидаги милиция булимга бошлаб кетди. Нон тўла сумкани ўзи кўтариб олди. Йигирмата нон олиб чиққан эдим.

— Даданг ақлли одам, — деди булимга кирганимизда сумкани стол устига қўйиб. — Болаларга олиб-сотарлик, чайқовчилик қилиш ман этилганини билади. Кейин эшитишимча, яхши ўқир экансан. Ўқи. Сени иккинчи бозорда кўрмай, бор.

Мен нима қилишимни билмай, турган жойимда қотиб қолган эдим.

— Ол.

Сумкани олиб чиқиб кетдим. Абдулла Авлоний уйидан сал ўтганда иккинчи Саперная кўчаси бошланади. Кўчанинг бурчагида эшигининг устида катта зонти туртиб чиққан урисча уй бор эди. Кўпинча бозордан чарчаб келаётиб, ойм билан шу зонт тагида дам олардик. Олган нарсаларимиз, қилган даромадимиз, қанча пулимиз қолганини она-бола ҳисоблаб чиқардик.

Сумка тўла синдирилган нонни ёнимга қўйиб, шу жойга ўтирдим. Бирдан хўрлигим келиб кетди. Журавой мелиса фақат мени эмас, дадани ҳам нонни синдириб беҳурмат қилган, бепоблигини билатуриб дилини оғритган эди. Ўз-ўзидан кўзларим ёшланиб кетди. Бақариб юбормаслик учун икки қўлим билан оғзимни юмиб, бошимни тиззаларим орасига олдим. Аммо бутун вужудим титради. Йигирмата нон икки юз сўм пул эди. Бу ўша пайтда бир кило гушт, уч кило оқ ун эди...

Анча ўтирдим зонт тагида. Қани энди ҳозир дадам соғайиб кетсалар-у, яна ишлай бошласалар?! Ойм кунда тирикчилик деб, ўзларини утга, сувга урмасдилар. Мен ҳам нон сотмасдим. Одам тугилгандан кейин яшаши керак. Яшаш учун соғ булиш

керак. Сого одам меҳнат қилолади. Ким уйлаб топган касалликни? Нега одамлар, яшагани келган одамлар касал бўлиб, қийналишлари керак? Худо, дадамга раҳм қил, шифо бер! — шундай деб ичимда Худога ёлвордим. Бироз енгиллашгандек бўлиб, уйга йўл олдим. Бўлган воқеани дадамдан яширишнинг сира иложи йўқ эди. Айтиб бердим.

— Хафа бўлманг, уғлим, — дедилар дадам. Улар доим мени сизлаб гапирардилар. — Ойингиз Жўра мелиса билан ўзи гаплашиб қўяди.

Ойим ҳам мени юпатдилар.

— Ўзимиз еймиз. Манга уйда ёрдам берарсан. Нонни ўзим сотаман.

Шу-шу мен нон сотмайдиган бўлдим. Битта мен эмас, кўпчилик болалар бозорга чиқмайдиган бўлишди.

Албатта, бу ҳаётнинг аста-секин тузалиб бораётганидан, уруш тугаб, одамлар қийналиб бўлса ҳам ўзларига келаётганларидан нишона эди. Аммо бизнинг уйда аҳвол аввалгича қолди, ўзгармади. Оила бошлиги, эркак киши, айниқса, дадамдек полвон одамнинг уйдан чиқолмай қолиши ҳаммамизнинг руҳимизга таъсир қилмай қолмади. Ҳаммамиз ўқишдан қайтишимиз билан:

— Дадам қалайлар? — деб бир-биримиздан сурардик.

Агар уларни ҳовлида у-бу қилиб юрганларини кўрсак, ё Гофуржон ака билан чойхонага кетганларини эшитсак, бошимиз осмонга етарди. Ушанда ҳаммамиз дадамнинг тузалиб кетишларига ишонардик. Шундан бўлса керак, дадамларнинг касалларига чалинган биронта одам нимадандир соғайиб кетганини эшитсак, суриштирар, шу одамни топиб нимадан соғайиб кетганини билишга интилардик. Дадамнинг ошна-оғайнилари ҳам кўп маслаҳатлар беришди, дори-дармонлар топиб келишарди.

Кимдир Сағбонда бир уйгур табиб пайдо бўлганини, у қон босими бор касалларни ҳам кўришини айтиб қолди. Дадам, ойим биланми, ҳозир эсимда йўқ, катталардан ким биландир шу табибга бориб, учрадилар. Табиб у кишининг кўнглини кутарибди. Тузсиз лочира, каптар гўшти билан пиёз, лавлаги, савзи, картошка солинган тузсиз шўрва ичишларини буюрибди. Албатта уйдагилар дарров табибнинг айтганини қилишга киришишди. Эрталабдан битта кичкина қозонда савзи, картошка, лавлаги, шолгом паст оловда қайнай бошлайди. Кун ора бир тандир-бир тандир тузсиз лочира ёпилади. Каптархона ясаб, каптар боқадиган бўлдик. Каптарни асосан Акмал аканг, укам боқарди. Хафсала билан у бу ишга киришиб кетди. Каптар боқишни, каптарларни у шу даражада яхши кўриб қолдики, биттаси тутиб сўйиладиган бўлса, кўзлари ёшга тўлиб йиглайдиган бўлиб қолди. Аммо нима учун каптар боқишга рухсат берилгани, дадамизга даво эканлиги эсига тушгандан кейин ўзи индамай тутиб менгани, поччамга беради, биз сўйиб, аёлларга берамиз. Улар тозалаб, дадамнинг овқатларига солишади.

Билмадим, табибнинг бу кўрсатмалари кимларгадир шифо

келтиргандир, аммо дадамга, салбий таъсир қилди. Девдек одам озиб кетдилар. Йўгон суякларигина қолди. Шундан кейин воз кечдик. Яна докторлар айтганини қиладиган бўлдик.

Одам, астойдил Худога ишонса, мушқули осон бўладиган йўллар топилаверар экан.

Бизнинг ҳовлида уйимизнинг бир хонаси, ошхона билан бирга қандайдир бир артелга ёқиб қолди. Ижарага олишди. Ойимларни эса қоровул штатига қўшиб қўйишди. Шу сабабдан нон ёпиб сотишни ойим тўхтатдилар. Артел берадиган даромад кундалик ҳаётни тебратиб туришга етадиган бўлиб қолди.

Шу пайтда менга алоқадор бир воқеа юз берди. Мен унинг синфга ўтган эдим. Ўқишдан келаётсам, уйимиздан мактабимиз директори, жўгрофия ўқитувчиси, дадамлардек гавдали, полновсифат Асомиддин ака чиқиб келаётибди. Кўришим билан юрагим «шув» этиб кетди. Нега келди бу одам? Нима иш қилиб қўйдим? Бир кўнглим югуриб бориб, нега келганини суриштирмоқчи бўлдим, аммо ўзимни тўхтатиб қолдим. Ўз иши билан келган бўлса-чи? Дадамдан хабар олиб кетаётган бўлса-чи? Улар кўпдан таниш эдилар. Лекин барибир юрагимга гулгула тушди.

Асомиддин ака орқасига ўтирилмай трамвай бекати томон кетди.

Уйга кирдим. Айвонда ойим, дадам дастурхон атрофида гаплашиб ўтиришарди. Иккаловлари мени кўриб жилмайишди. Саломлашиб, ёнларига ўтирдим. Дадам фотиҳа қилдилар.

— Қалай? Ўқишларингиз яхшими?

— Дуруст, — дедим ва ўзимни тутиб туролмай сўрадим. — Асомиддин ака бир нарса дедиларми? Орқаларидан кўриб қолдим.

— Йўқ, — дадам диққат ва меҳр билан менга тикилдилар. — Асомиддин акангиз сизнинг ўқишингиздан хурсанд. Агар шу кетишда ўқишни давом эттирса, олтин медаль оладиганлар ичида бўлади, деяпти.

— Номдорлар оз эмас, — дедим уртоқларимни эслаб. Чиндан ҳам синфимизда яхши ўқийдиганлар кўп эди.

— Ундай бўлса, уғлим, энди ўзингиз билан жиддий шугулланг. Кўпроқ дарс қилинг.

Бу гапни нимага алоқадорлигини эрталаб билдим. Бардига Акмал билан поччам кетишди. Мени юборишмади.

Бекорчи вақтим кўпайди. Бекорчи вақт деяшман-у, суриштирилса қиладиган дарслар жуда кўп эди. Лекин ўқиш менга мактабда ҳам, кейинчалик университетда ҳам ортиқча қийинчилик туғдирган эмас. Огзаки топшириқларни мактабнинг ўзида қилганман. Уйда фақат математикадан, чизмакашлиқдан берилган топшириқларни қилардим холос.

Ҳозир болалар ёзувчиси бўлиб танилган маҳалладошим Латиф Маҳмудов билан биз бирга мактабга бориб, бирга университетга, журналистикага ўқишга кирганмиз. Латифнинг катта,

деярли ҳар нарсани чизаоладиган, йигирма-ўттиз хил қўшимча ускуналари бўлган готовалнийси бор эди. Шунинг учун чизмачилик дарсларини у билан уларникида қилишга ҳаракат қилардим. Умуман, Латиф Маҳмудов билан биз жуда кўп бирга бўлганмиз. У мактабда ўқиб юрган йиллари яхшигина шеърлар ёзарди.

Айтмоқчи бўлган гапим шуки, эшак-арава минмайдиган бўлиб, буш вақтим кўпайди. Ана ўшанда кўпроқ китоб ўқийдиган бўлдим. Уйда қўлимда китоб борлигини ким кўриб қолса, бўлди, гапи оғзида қоларди, иш буюрмасди. Бунга укаларим ҳам ўрганишган эди.

Бир куни мактабдан келсам, ойим китоб ўқиб утириб, йиғлаптилар. Дадамлардан хавотир олиб, чўчидим, олдиларига югуриб бордим.

— Ойи! Тинчликми?

— Э, болам, тинчлик қаёқда? — дедилар ойим китобдан бошларини кўтармай. — Ер ютқур Зайнаб Кумушни заҳарлаб қўйди!..

Анча энгил тортдим. Гап шундаки, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларини мен ўқимаган бўлсам ҳам мазмунлари билан таниш эдим. Дадам, ойим биз болаларга айтиб беришган эди.

Араб алифбосида чоп этилган эски китоб яна оймларнинг қўлларига тушиб қолибди. Ошхонани супураётди, кўмир яшиқлар орқасидан топиб олибдилар. Қизиқиб кетиб, яна ўқишга тушибдилар. Китобнинг ярми йўқ эди.

Ешларини артар эканлар, мени оғоҳлантирдилар.

— Мактабда тагин шу китобни ўқиётганимни айтиб утирма. Қодирийни халқ душмани қилиб юборишган.

Ваъда бердим. Аммо овоз чиқариб ўқишларини илтимос қилдим. Тўрт кечами, беш кечами оз-озгинадан ўқидилар. Бутун оила бўлиб эшитдик. Давоми йўқ эди.

Шунда дадам кимларда борлигини айтдилар. Бир танишимизникига опам, иккинчисиникига мен бордим. Исми-шарифини айтмайман, мен борган одам, дадамнинг яқин уртоқларидан бири, мактабимиз ўқитувчиси эди.

Илтимосимни эшитиб, у киши узоқ бошини эгиб утирди.

— Вақти келиб бу китобни ўқийсан, — деди ахийри. — Лекин ҳозир ҳеч кимдан суриштирма. Менда ҳам йўқ.

Унда борлигини фаҳмадим, лекин жавоби менга кифоя эди. Опам ҳам китобни тополмадилар.

Орадан икки-уч ой ўтгач, оймнинг ўзлари қаердандир шу китобни топиб келдилар. Бошидан охиригача ўқиб бердилар. Китобни ўқиётгандаги ҳаяжондан дам титраган, дам йиғи аралашган овозлари ҳамон қулогим остида.

«Ўтган кунлар» — улуг китоб. Фақат ўзбек адабиётининг эмас, бутун мусулмон халқлари маданиятининг фахри.

Абдулла Авлониинниг: «Миллат бари арбокашу хаммолдир, афти-ангори қаро, кийгани жулдуур-жулдуур» сатрларини уша йиллари дадамдан эшитганман.

Ойим, дадам, амаким мени энди катта, эсли йигит бўлиб қолди, деб ҳисоблашар ва олдимда жиддий мавзуларда бемалол гаплашишарди. Айниқса қулоқлик азобини чеккан Ҳакимбек амаким кўп масалалар бўйича хуноби чиқиб гапирарди. Ойим бу гапларга деярлик аралашмасдилар.

Бувим, холамга қараганда ойим табиатан сипо, камгап, сал нарсага кайфиятларини бузавермайдиган одам эдилар. Кўни-қўшничиликда нималар бўлмайди, орадан қандай гаплар утмайди. Лекин шуларни ҳам ойим кўпинча тинчитардилар, бўлажак жанжалларнинг олдини олардилар.

Жўра мелиса билан дадам гаплашиб қўй, деган булсалар ҳам гаплашмаганлар. Гуё ҳеч нарса булмагандек орқаларига солиб кетганлар. Бир куни шу воқеа эсимга тушиб қолиб сураганимда:

— Э, Улмас, болам, икки юз сўм деб дадангни беобрў қиламанми? Мани у билан учрашишим, дадангни хафа қилиш билан борабар. Мана, Раҳимбек оқсоқолнинг хотини келиб кечирим сураб кетди, деб юрарди кейин. Оч қорним тинч қулогим. Икки юз сўмни йўқотиб, оч қолиб кетганимиз йўқ, Худога шукр, — деб жавоб қилган эдилар.

Оймларнинг сокин, хотиржам феъллари дадамнинг касал булсалар ҳам асабларини баттар бузадиган қийинчиликлардан асради. Умрларини оз бўлса-да чўзди. Мен шундай ҳисоблайман. Чунки ойим баъзи аёлларга ўхшаб, дадамларга ҳеч нарсадан шикоят қилмасдилар. Бор нарсаларни ишлашиб, овқат қиладилар, бор нарсалардан йўлини, бичигини топиб, ҳаммамизнинг кийимизни бутун қилиб юрардилар. Дадамнинг иккита эски, улар энди кийолмайдиган пальтоларидан менга пальто қилиб берганлар. Қора қундуз ёқали кўк мовутдан тикиган пальтони мен университетда ҳам кийганман. Учинчи курсга ўтгандан кейин эса пахтага кийиб борадиган булганман.

Яна бир гап, сабр-тоқатда ҳам ойим филдек одам эдилар. Айниқса ҳозир, орадан шунча йил ўтиб кетганидан кейин у кишининг шу одатлари кўз олдимда яққол намоён бўлапти ва ичимда уларга таҳсинлар ўқияпман...

Эски ҳовлимизда дадам билан оймларнинг ҳаётликларида жуда кўп қувончли воқеалар ўтган. Шулардан иккитаси хотирамда яхши сақланиб қолган. Биттаси — Акмалнинг суннат туйи. Иккинчиси — менинг мактабни тугатишим.

Акмалнинг туйида кечки базм-утиришлардан ташқари, кўз олдимдан кетмайдиган манзара — эрталабки ош булган. Ош иккита катта қозонда дамланган. «Кўп тўйларга борганман, қарзим кўп, мени танийдиганлар кўп», деб дадам эрталабки ошни жуда катта қилдирганлар. Одам кўп келган. Ҳовлимизнинг катталигини сенга айтиб берган эдим, одамлар шу ҳовлига сигмаган. Гофуржон аканикига ҳам жой солинган.

Мен ўшанда дадамни бахтли бир қиёфада кўрганман. Шу қиёфалари — қип-қизил юзлари, нур ёгилиб турган кўзлари, девдек гавдалари, кулганларида катталашиб, икки томонида чиқиқлар пайдо бўладиган қирғий бурунлари ҳамон кўз олдимда. Шундай бахтли қиёфада уларни олтин медаль билан мактабни битирганимда кўрганман.

Дадам мен уйламаган, кутмаган совға қилганлар ўшанда. Бутун синфдаги болалар, қизларни меҳмонга чақириб, ажойиб зиёфат қилиб берганлар. Уша куни қариндош-уруғларимиз, ўқитувчиларимиз нокнинг тагида утиришган. Биз, болаларга эса, ўрикнинг тагига катта жой қилинди. Овқатлар, майли, гапириб ўтирмайман. Аммо улар ҳам яхши бўлган эди. Кўпроқ эсимда қолгани, ҳаяжонга солгани — дадам ўшанда ҳаммамизга шампан виноси қўйиб берганлар. Уялишмасин, деб, ўзлари биринчи бўлиб, бизни табриклаганлар.

Кейин биз ўзимиз узоқ ўтирганмиз. Ашулалар айтганмиз, уйнаганмиз. Ҳали-ҳали шу ўтиришни баъзи ўртоқларим, қариндошларимиз эсга солишади. Ойимлар ўшанда ажойиб нон, патира, сомсалар ёшганлар. Ажойиб, олтиндек ялт-ялт қиладиган ошлар қилиб берганлар. Ўшанда мендан бахтли одам назаримда дунёда йўқ эди. Шундай дадам, шундай ойим борлигидан севишим ичимга сигмасди!

Юқорида холам билан ойимнинг яхши дутор чалишлари, ашула айтишларини айтиб кетган эдим. Дадамларнинг санъат аҳли билан яқин эканликларини ҳам чамамда ёздам. Аммо у кишига алоқадор бир нарсани ҳали айтганим йўқ. Эски ҳовлимиздаги шодиёна кунларни эслаганда, кайфиятим ҳозиргидек кўтарилиб турганда, дадамнинг яхши уйинга тушишларини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Қизим, буванг гавдали, тўладан келган, елкадор, қўллари узун одам эдилар. Аммо ўйинга тушганларида гавдали эканликлари билинмай кетарди. Мусиқанинг ҳар бир оҳанги у кишининг эътиборидан четда қолмасди. Алоҳида қайд қилиб ўтмоқчиман, у киши ҳақиқий эркакча ўйнардилар. Беҳуда, узлуксиз қош қоқиш, кўз қисиш, бел, елкаларнинг ортиқча ҳаракатлари у кишида бўлмасди. Савлат билан, жуда енгил табасум билан мусиқа оҳангига берилиб, оёқлари билан ерни енгил уриб ўйнардиларки, ҳамма маҳлиё бўлиб қоларди. Мен дадамнинг ўйин тушишларини яхши кўрдим. Тўй, базмаларга чақирилган махсус ўйинчилар у киши ўртага тушганда четга чиқишарди. Ёнма-ён улардек эркакларга хос ҳаракатлар билан уйнашолмасди.

Мен олти йилдан зиёд Маданият вазирлигида ишладим. Ишимнинг биринчи куниданоқ мутахассислар билан ўзбекча эркак ўйинларини тиклашга интилдим. Андижонда, Фарғонада бир-иккита ансамбллар тузилгандек бўлди. Аммо кейин улар ҳам тарқаб кетди. Ҳалигача мен Ўзбекистонда туркман, кавказ халқларининг эркакча ўйин ансамблларида ухшаган труппа йўқлигига ачинаман. Хоразм эркакча ўйинлари менинг бу аччиқ

гапларимдан мустасно. Хоразмда яхши эркак ўйин ансамбллари бор.

Турли концертларда ўйинчи йигитларнинг ўйинларини кузатиб, дадам эсимга тушиб кетадилар. Наҳотки улардек эркакча ҳаракатлар билан савлатли, жанговар, мардонавор ўйнаш қийин булса?! Менимча, илгариги Қори Ёқубов, Юнус Ражабийлар даврасидаги ўйин мактаблари йўқолиб кетди. Асосий гап шунда булса керак.

Мен ойимларнинг диллари огриб, ичларига ютган дард, азоблари вулқондек отилиб чиққан дами эсладим ҳозир. Одам эсласа, эсга тушаверар экан. Шундай — ойим ўзларини қўйиб юборган дамлари — дадамнинг йигирмаларини ўтказган кунимиз кўрганман.

Одам куп бўлди. Келди-кетди тахминан ўн-ўн яримларда туғади. Уйда қариндош-уруғлар, хизмат қилиб юрган кўни-кўшнилар қолди.

Ойимнинг таклифлари билан ҳаммани айвонга ўтказиб, ош едирдик. Мен бир лаган ош олиб, ойимларнинг ўзларини қидира бошладим. Албатта ярим кечадан бери ҳеч нарса татимаганлар, ҳатто чой ҳам ичмаганлар. Тахмин билан катта хонага, дадам қаза қилган хонага кирсам, дадамларнинг устунларига тухумсимон ялтироқ темир қопланган кроватларида қўлларини ияқлирига тираб ўтирибдилар. Хаёл сурсалар, қайгули уйларга берилиб кетсалар, кўшинча шундай утирардилар.

— Ойи, бир ошам ош еб олинг, — дедим лаганини олдиларига қўйиб. — Жуда ширин ош бўлибди.

Ойим бошларини кўтариб, менга тикилдилар. Аввал назаримда танимадилар, гапимни ҳам эшитмадилар. Аммо таниб, енгил жилмайдилар.

— Майли. Узинг ҳам ўтир. Бирга еймиз.

Рупараларига утирдим. Ўзлари гўштни кичкина қўллари билан тўтрадилар.

— Ол.

Мен уларни кутдим.

Кичкина ошамни тугиб, оғизларига олиб бордилар, аммо емадилар, қайтадан лаганининг четига тўқдилар-да, ўкириб йиғлаб юбордилар. Ўзимни йўқотиб қўйдим, чунки бундай аҳволда уларни биринчи марта кўришим эди.

Бирпасда хонага қариндошларимиз киришди. Турга тахмон тагига жой қилиб, ётқиздик. Кимдир, Зуҳра келинойим булсалар керак, бирпас холи қўяйлик, ухласинлар, деб, ҳаммамизни чиқариб юбордилар.

Афтидан дадам ўлган кундан бери ойим ташвишлар, қилинадиган ишлар билан бўлиб кўнгилларига эрк беролмаган эдилар. Бутун, дадамнинг биринчи катта маъракалари утиб бўлганидан кейин бушашиб, ўзларини қўйиб юборган эдилар.

Дадам билан ойим бир-бирларини гапсиз ҳам англай оладиган, бир-бирларига қандайдир ички ҳурматлари улуг одамлар эди.

— Сиз ҳам эрингиз билан ҳеч уришасизми? — сўрашарди баъзи кўшни аёллар.

Ойим кулардилар.

— Ичимда, — дердилар кулги аралаш.

60-йилларнинг бошида ниҳоят эски ҳовлимиз бузиладиган бўлди. Бутун Саперная кўчасидаги иморатлар олиб ташланиб, ўрнига меҳмонхона, авиакасса, йўл тушадиган бўлди.

Албатта кўпдан бери гап бўлиб келадиган шу ишларни сокинлик, тартиб билан, ҳеч кимнинг дилини огритмасдан қилиш мумкин эди. Аммо бизда ҳеч қачон бундай қилишган эмас. Уйимиз ҳам тўсатдан, ҳеч қандай огоҳлантиришсиз, туполон билан бузила бошланди.

Мен ишда эдим. Опам телефон қилиб қолдилар.

— Келоласанми? Уйни бузишвотти!..

Ўша заҳотиёқ уйга югурдим.

Келсам, томда тарақ-туруқ қилиб, беш-олтита одам юрибди. Опанг билан биз турган хонани бузиб бўлишибди. Шиферлари ҳар қаерда синиб ётибди. Катта уйимизнинг оқ тунука билан ёпилган томини уч-тўрт киши қайси томондан бузишни мўлжаллаётган экан. Ойим супада ияklarини қўллари орасига олиб, қорайиб утирибдилар. Мени кўриб, бошларини кўтардилар.

— Қара! Ҳар куни радиоингдан мақтаётган ҳукуматинг нима қилаётганини кўр! Одамми бу уйда утирганлар, ҳайвонми — уларга барибир!

Мен томдагиларга «Тўхтанглар! Ахир, ҳамма нарсани вайрон қиляпсизлар-ку?!» — деб бақирдим. Битта ҳам одам қулоқ солгани йўқ.

Шунда аҳмоқона фикр миямга келди. Ёнимда Гофуржон аканинг мен тенг ўғли, раҳматли Усмон турган эди.

— Юр! — дедим унга ва кўчага отилдим.

У билан Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари қабулхонасига кириб бордик. Ўшанда райкомнинг биринчи секретари Соцев деган одам эди. Усмон билан унинг кабинетига кирганимизда у бизни душманининг болаларидек қабул қилди.

— Бузишаётган бўлса, тўтри қилишяпти. Аллақачон бузилиши керак эди у жойлар. Ҳаммага участка берилди. Яна нима керак? Жуналаринг! Иккинчи бу ерга келмаларинг!

Мен унинг гапларини тахминан ёзаяпман. Аммо у бундан ҳам кўпол гаплашган эди. Унинг қандай бизга қараганини тасаввур ҳам қилолмайсан. Гуё олдида иккита ҳозиргина катта гуноҳ иш қилиб қўлга тушган безори тургандек эди.

Биз шалвираб уйга қайтдик.

Масалани ойимнинг ўзлари ҳал қилдилар. Тўтрироги, пул ҳал қилди.

Райкомдаги гапни айтиб берганимиздан кейин, ойим бирдан узгариб кетдилар. Илгариги ишчанликлари пайдо бўлиб, дарҳол чучоққа олов ёқдилар, самоварга ўт ташладилар.

— Ҳой! Тушинглар! Бир пиёладан иссиқ чой ичиб олинглар!

— деб қичқирдилар томдагиларга. — Қоринларинг ҳам очгандир? Тухум қовуриб бераман.

Томдагилар шу заҳотиёқ пастга тушишди.

Ойим супага жой қилдилар. Ҳаммаларини утқазиб, олдиларига нон, қаймоқ қўйдилар. Иккита-иккитадан тухум қовуриб келдилар. Ишчилар индамай ичишди, ейишди.

— Материаллар ҳали яхши экан. Ёгочлари ҳам. Устунлар тарақлаб турибди. Тунука ҳам. Секин бузиб олиш керак эди... — деди улардан кимдир.

Ойим худди шуни кутиб тургандек, юз сўми, юз элик сўми, пулни хонтахта четига қўйдилар.

— Барака топинглар, уринтирмасдан бузиб, тахлаб беринглар. Участкага олиб бориб берсангиз яна хурсанд қиламан.

Уларга шу керак эди. Райком, ижроқўмсиз, пул билан уйни авайлаб усқуналарни уринтирмасдан бузиб олдик. Мевазордаги амманг, амакинг турган уйнинг ярмидан кўпи, даставал солинган иморатлар эски ҳовлидан олиб келинган эски уйимизнинг ёгоч-усқуналари, гиштларидан кўтарилган. Томдаги оқ тунука ҳам эски уйимизнинг тунукаси.

Кўчириб олишга, одиллик билан айтиш керак, ижроқўм машина берди. Вақтинча Чилонзордаги гишт уйлاردан уч хонали квартира ажратди. Уйимизни уч ярим минг сўмга баҳолаб, ойимларнинг номларига ўтказди. Албатта жуда кам пул ажратган эди. Лекин қаёққа шикоят қилиб борасан? Райкомгами? Ўша Соцевга ухшаган амалдорларнинг олдидами? Ҳеч қаерга бормадик, борига барака, деб янги уйни қуришга тушдик.

Ҳозирги биз турган уйнинг ҳовлига қараган ярмини бир уй, ошхона, айвонни хусусий грек бригадаси кўтарган эди. Улар фақат пул оларди. Овқат талаб қилмасди. Мен ўшаларни қидириб топдим. Ойим, опам, сингилларим, укам биргалашиб тузган уй режасини, яъни тўрт хона, бир дахлизли уй режасини уларга кўрсатдик. Икки минг сўмга иморатни кўтариб, тунукагача олиб боришадиган, эшик, ромларни ўрнатиб берадиган бўлишди.

Эски уйдан йигирма мингга яқин гишт бутун чиқди. Барибир яна ўн беш минг гишт олишга тўтри келди. Бир ярим ойда иморат кўтарилди. Эски уй бузилаётгандаги алам, ташвишлар унутилгандек бўлди. Лекин барибир, доғи юракда қолди.

Мен кўп йиллар партия матбуотида, органларида, ҳатто Марказий Комитет аппаратида ишладим. Аммо ҳозиргача ўша аламлар кўнглимдан кўтарилмайди. Дунёнинг кўп ерларида бўлиб келдик. Кўп жойда одамнинг обрўси унинг бойлигида. Камбағал хор, зор. Аммо совет тузумини оёқости қилган, халқни ундан бездирганлар ўша Фрунзе райком секретарига ўхшаган одамлар эди. Улар оз эмас эди. Райком секретари ўз районида, шаҳар партия комитетининг секретари ўз шаҳрида, область секретари ўз областида ўзига хон, ўзига бек эди. Ўн беш, йигирма йиллаб партия раҳбарлари ўзгармасди, демак, улар нима исташса, шуни қилишарди. Қўллари ҳар нарсага етарди. Мен барча

партия раҳбарлари, ходимларини ёмонламоқчи эмасман, улар ичида покиза, фақат маоши билан кун кўрадиган, халқ гамини ейдиганлар оз эмасди, лекин ёмоннинг касрига яхшилар ҳам кўпинча қолиб кетади. Политбюрода, совет давлати раҳбариятида кимлар ўтиргани йиллар ўтган сари аён бўлиб борапти. Яна ҳали кўп нарсалар очилади. Алам қиладиган жойи шуки, халқ яхши кўнлар келишига астойдил ишонди, ҳамма нарса марказлаштирилган совет давлати йўқ бўлиб, барча халқлар тенг, тотув, бир-бирига ҳурматда яшайдиган иттифоқдош давлатлар ҳам-корлиги, ҳамжиҳатлиги пайдо бўлади, дейилган сафсатага ҳам ишонди. Қани, ўша ваъда қилинган ҳамфикр, ҳамжиҳатлик, арзончилик?

Ишонаман, қизим, сен, сенинг дўстларинг бизнинг даврни ачиниб, куюниб эслайсизлар. Сизлар яшайдиган, сизлар бошқарадиган тўқ, фаровон давр келиши табиий. Чунки инсон ҳеч маҳал ўз фарзандларига ёмонлик истамайди.

Сиёсатта аралашмайдиган, ҳукумат раҳбарларининг гийбатини қилмайдиган, энг оғир дамларда ҳам уларни қаргамайдиган — оймларни ўшанда совет ҳукумати қаттиқ хафа қилди. Ўз буюми, ўз уйига, ўз ерига ҳужайин эмаслигини кўрсатди.

Янги уйга кучиб ўтганларидан кейин ойм анча ўзгариб қолдилар. Албатта, ҳеч ким буни дабурустан сезгани йўқ. У кишидаги ўзгаришни ўзи сезиш осон эмас эди. Янада камгап бўлиб қолдилар, касаллари кўпайди. Аммо барибир, сир бой бермадилар. Имкони борича касалларини камайтириб гапирардилар. Янги уйда иккита тўй ўтказдилар. Акмал аканг уйланди. Отабекнинг суннат тўйи бўлди. Катта ҳовли, сигир-бузоққа ўрганган одам кичкина ҳовлига кўниқиб кетдилар. Уйнинг ҳовлига қараган бир хонасига деразаларни паст, ерда ўтириб ҳовлини кафтдек кўриб турадиган қилиб ўрнаттирган эдик. Оймлар учун. Студда ўтиролмайдилар. Кўрпачада ўтирадилар. Кейин қишда сандал қўйиш мумкин буларди.

Шу хонага жуда ўрганиб қолдилар. Қачон бормаи шу хонада ўтирганларини кўрардим. Ё китоб ўқиб ўтирардилар, ё бирон нарса қавиб-тикиб ўтирардилар. Кўпинча, Ҳақимбек амаким чиқиб турарди. У кишига ҳам Музроб аканг билан бирга иккита участка ажратилган, девор орқаси уларнинг ҳовлиси эди.

Бир кун борганимда ойм «Одам бўлиш қийин»ни ўқиб ўтирибдилар.

Мени кўриб қизариб кетдилар. Менинг китобимни ўқиётганларидан уялиб, дарҳол ёстиқ тагига яширдилар. Аммо кўриб қолганимни пайқадилар. Ўзларини тутиб олиб, кўришганимиздан кейин:

— Яхши ёзгансан, — дедилар.

Биринчи ва охири марта ўз қулоғим билан уларнинг мақтовларини эшитдим шунда. Менсиз китобларим ҳақида гапиришларини, деярли ҳамма қиссаларимни ўқиганларини билардим. «Севгим, севгилим», «Жўра қишлоқ» у кишига жуда

ёққанини ҳам эшитгандим. Аммо ўзимга ҳеч нарса демасдилар.

Охири марта оймларни ўлимларидан бир кун олдин, тўғрироғи, ярим кун олдин кўрдим. Борганимда ўз хоналарида ухлаб ётган эдилар. Аммо мен келганимни дарҳол сезиб, бошларини кўтардилар. Кўришдик. Хурсанд бўлдилар, маошимдан озгина берган эдим, дуо қилдилар. Бирпас гаплашиб ўтирдик. Кечқурун аҳволлари ёмонлашибди. «Тез ёрдам»да касалхонага олиб боришибди. Кечаси оламдан ўтганлари ҳақида хабар келди. Ўша заҳотиёқ касалхонага жўнадим. Бир соатлардан сўнг уйга олиб келдик.

Ойм шовқин-суронсиз, шикоятсиз, сокин, тинч умр кечирдилар. Шундай сокин, тинч, шикоятсиз оламдан ўтдилар.

Шифокорлар имконлари борича, у кишининг огриқсиз, узоқ умр кўришларига ҳаракат қилишди. Аммо ҳамманинг пешонасига ёзилгани бўлади. Саксон икки йил яшаб, оймнинг бировга оғирликлари тушганини, бировдан ўпқаланганларини билмайман. Ойм чинакам ўзбек аёли эдилар.

...

Уч ҳафталик танаффусдан сўнг Рихсивой Раҳмонович Муҳамедов синглиси Азиза билан оналарини яна даволашни давом эттириш учун марказга олиб келишди. У анча хурсанд эди.

— Нон еяптилар! — деди мени кўргани кирганида кўзлари чарақлаб. — Чайнаб едирардик. Энди ўзлари еяптилар. Ранглари ҳам кириб қолди.

Мен бу хабардан хурсанд бўлиб кетдим. Табрикладим.

Рихсивой Раҳмонович менинг аҳволимни суриштирди. Республика ҳукумати нима лозим бўлса шуни қилишга тайёр, тортинмай айтинг, деди. Мен ўз номимдан, опанг номидан ҳукуматимизга, унинг раҳбарларига чин юракдан яна чуқур миннатдорлик билдирдим. Менинг ҳам аҳволим тузуқлигини айтдим. Рихсивой Раҳмонович хурсанд бўлиб чиқиб кетди. Ҳамма сураганларга салом айтиб қўйишни илтимос қилдим.

Ўзун даҳлизда унинг орқасидан қараб туриб, бир ривоят эсимга тушиб кетди. Бадавлат бир одам онасини опичлаб ҳажга, Маккага олиб борибди. Қайтиб келиб, Худога мурожаат қилибди:

— Э Худо, айт энди, фарзандлик қарзимдан қутулдимми?  
Шунда:

— Онангнинг сени устираман, деб чеккан бир тунлик азоби-дан қутулдинг, — деган нида келибди осмондан.

Рихсивой Раҳмонович онасини Маккага олиб боргани йўқ. Лекин унинг умрини узайтирди, унинг дилига яшаш умидини солди.

Қани энди ҳамма фарзандлар ота-оналарига шундай муносабатда бўлсалар! Ота-онага ҳурмат — элга, юртга ҳурмат, деган

гап. Шундай фарзандлари бор эл, юрт кам бўлмайди, бирига ун, юз қўшилиб, турмуши яхши бўлиб кетаверади. Шундай фарзандлари бўлган эл ўзини бахтли эл, шундай фарзандлари бўлган ота-она ўзини бахтли ота-она ҳисоблайди.

Умида, қизим, мен ҳам ўзимни бахтли одамлардан ҳисоблайман. Менинг бахтимга сен борсан. Менинг бахтимга опанг бор. Билмадим, агар опанг бўлмаганда бу мушкул дард азобларига чидалмай, лозим ҳаракатларни қилолмай аллақачон оламдан ўтиб кетармидим? Албатта пешонага ёзилгани, тақдирдаги бўлади. Аввало Худога минг қатла шукр, унинг марҳамати билан аста-секин тузалиб келаётганга ўхшайман. Опангнинг ёнимдалигидан бошим осмонда, у доим менга далда, мададкор. Шафқатли Худо уни менга учраштирганидан, бир ёстиққа у билан бош қўйиб, бирга яшаб келаётганимиз билан бахтлиман.

Биласан, Москвага бориб даволанишимнинг асосий сабабчиси, ташкилотчиси опанг. Яхши ҳам келдим. Ҳозир анча кунгим тинч. Аммо дилимни бир афсус кемиряпти. Сенинг ҳозир авжи ўйнаб-куладиган вақтинг, опанг ҳам ишдан кунгли равшан, роҳат қилиб яшайдиган, турли сафарларга чиқиб, санаторийларга бориб дам оладиган, соғлигини қувватлайдиган бир ёшда. Ана шундай бир пайтда мен бетоб бўлиб қолдим. Уч йилдан бери менинг дардим билан яшайпсизлар. Опанг бечора эзилиб кетди. Мен ўзимни бундай қаришимни, сизларни ўз ташвиш гапларингиз, орзу, умидларингиз билан ёлғиз ташлаб қўйишимни кутмаган эдим. Ҳали ҳам Худога шукр қиламан, эсим жойида, қулоғим бут... Мен ётган палата марказнинг ўнинчи қаватида. Катта деразаси кўчага қараган. Азонда, ҳали чироқлар ўчмасдан шаҳарда ҳаёт бошланганини шу деразадан томоша қилиб туриб, ният қиламан. Худо, ўзинг менга шифо бер дейман, қизимнинг, хотиним, укаларимнинг бахтига тузалиб, ўз оёғим билан она юртимга кириб борай, дейман. Агар умр берсанг, кўз юмгунимча ҳаётимни тоат-ибодатда, одамларга яхшилик қилиб ўтказаман, дейман. Зора шундай бўлса! Худонинг марҳамати улут, у ҳамма нарсага қодир. Ажаб эмас, у менинг илтижоларимга қулоқ солса! Ўзим бош бўлиб тўйингни ўтказсам, мустақил ҳаёт, мустақил хизмат бошлаганингни кўрсам!.. Шунда тинч бўлардим.

Биламан, сен ақлли қизсан, опангга ўхшайсан кўп жиҳатларинг билан. Турмушинг яхши бўлиши, одамлар билан тил топишиб, обрўингни тушурмасдан ишлашингга ишонаман. Лекин барибир, орзуга айб йўқ, дейишади. Ҳаётингнинг бир бўлагини кўриб қолсам, армоним бўлмасди. Барибир Худога шукр қиламан. Шу кунларга етганимдан, шундай юрганимдан мингдан-минг розиман.

Опанг деярли олдимдан кетмайди. У билан ҳеч қандай ташвишим йўқ. Ҳамма нарса бор, на овқатни ўйлайман, на дори-дармонни. Опанг ўзи ҳаммасини муҳайё қилиб турибди.

Умуман, мен сенга айтсам, опанг билан топишганимиздан

бери, елкамдан турмуш ташвишлари ағдарилди-қўйди. Мен асосан ишимни билдим, ёзув-чизувларимни билдим. Қолган ҳеч нарса билан деярли шугулланганим йўқ. Бир жойда мен ойимларни кўпинча барди ортилган эшак араванинг орқасидан итариб бораётган ҳолда кўраман, деб ёздим. Шундай ташвиш, азоб бизнинг Ўзбекистон аёлларининг пешонасига битилган эканми, дейман. Опанг ҳам кўмир, ўтин, тахта-ёғоч ортилган эшак араваларни итариб, шу ҳозирги ўйимизни кўтарган. Иморатнинг лойи опанг терига қорилган, десам хато бўлмайди.

Опанг билан факультет кутубхонасида танишганмиз. Ушанда мен учинчи курсда эдим. Иккинчи сменада ўқирдик. Лекциялардан сўнг, баъзилар факультетда қолишарди. Кутубхонада, бўш аудиторияларда дарс тайёрланарди, ўқишарди. Мен ҳам кечқурун уйга шошилмасдим. Бўш аудиториялардан бирига кириб олиб, ё бўлмаса кутубхонада уйлаб юрган очерк, ҳикояларимни ёзишга ҳаракат қилардим. Шундай кунларда беихтиёр кутубхонада кимлар ўтирганига эътибор қиласан одам. Мен ўшанда кичкина, нимжон, сочини битта қилиб ўриб, орқасига ташлаб олган қизни кўп кўрадиган бўлиб қолдим. Қачон лекциялардан кейин кутубхонага кирмай, унинг туртга-бешта китобни стол устига ёзиб олиб, дарс тайёрлаб ўтирганини кўраман. Жуда берилиб, жойидан қимирламай, ҳеч қаёққа чиқмай дарс тайёрлайди. Фақат баъзида дафтар-китоблардан бошини кўтариб уёқ-буёққа қараб қўяди ва таниш қизга кўзи тушса оҳиста жилмаяди. Ўзимдан-ўзим уни кузатадиган бўлиб қолдим, кутубхонага келмаса зерикадиган, нимадандир хавотир оладиган бўлиб қолдим. Ленинград кўчасидаги (университетнинг орқасида) ётоқхонада турар экан. Исми Зухра экан. Рус филологиясининг биринчи курсига ўқишга кирган экан. Шуларни билиб олиб, уни кутубхонада кутадиган бўлдим. Келса, курсам, хурсанд бўламан. Ёзадиган нарсамни ёзаман. Аммо олдида бориб у билан гаплашгани негадир тортинаман. Қиш кунларининг бирида унинг бешинчи декабрда тутилганини тасодифан эшитиб қолдим. Мен факультет комсомол бюросининг секретарларидан бири эдим. Қандайдир бир ҳужжатда шундай маълумотлар ёзилган эди. Факультетимизда тутилган куни билан студентларни табриклаш одати бор эди.

Бешинчи декабр куни опангни кутубхона олдида кўриб табриқладим. У жилмайиб, миннатдорчилик билдирди. Шу-шу бир-биримиз билан сўрашадиган, узоқ-узоқ гаплашадиган бўлиб кетдик. Бир кун келиб, опангга албатта ўйланишим кераклиги, фақат опанг билан турмуш қуришим мумкинлиги жуда равшан бўлиб дилимга тушди. Тўйимиз бир минг тўққиз юз эллик олтинчи йилнинг ўттизинчи сентябрида эски ҳовлимизда бўлди. Мен унда университетни битириб, Ўзбекистон радиоэшиттириш ва телевидение комитетида ишлардим. Ишга ўқишни битирмасдан кирган эдим. Моддий қийинчилик, бунинг устига орзу шуни тақозо қилди. Радио комитетнинг болалар редакциясида муҳар-



рирлик қила бошладим. Яхши ҳам ишга кирган эканман, тўйимизга оз бўлса ҳам мен ўз ҳиссамни қўшдим. Мана, ўшандан бери опанг билан биргамиз. Вақт тез ўтар экан, одам тез қарир экан. Ким билади, балки бу ҳаётимиз нисбатан яхши бўлганлигидандир? Мен учун ҳеч шубҳасиз опанг билан ўтган дамларим ҳаётимнинг энг яхши дамлари. Шодликларга, мазмунга, орзумидларга тўла дамлар. Опанг билан топишган пайтларимизда эндигина бадиий ижод билан шугуллана бошлаган, иккита-учта ҳикоялар ёзган эдим. Дастлабки ҳикояларим болалар ҳаётидан эди. «Топшириқ», «Ёш чорвадорлар»... Бу ҳикояларни «Пионер», кейинчалик «Гулхан» журналида Носир Фозилов, менинг энг содиқ дусларимдан бири, катта болалар ёзувчиси эълон қилган эди. «Ёш чорвадорлар» деган ҳикояни халқ ёзувчиси Одил Ёқубов кўриб берган ва у з қўли билан «Ёш чорвадорлар» деб сарлавҳа қўйган эди. Одил ака билан бир курсда ўқиганмиз.

Ёзда катталар, тўғрироғи, ёшлар ҳаётидан битта ҳикоя ёздим. Жуда тез ёздим. Номини ҳам жуда тез топдим. Узи келиб қолди. «Хатингни кутаман...» Бу ҳикоя ҳозир ҳам менга ёқади. Жуда самимий, юракдан ёзилган.

Ўшанда каникул эди. Ҳикояни биронта одамга ўқиб бериш иштиёқи баланд. Нима қилиш керак? Эсимга Нуъмон акам тушдилар. Гофуржон аканинг катта уғиллари, яхши биласан. Нега у киши эсимга тушди? Бир йили Нуъмон аканг бизни бир қанча қўшилларимиз билан Тошсовет номидаги (ҳозирги Муқимий номидаги) театрга тақлиф қилган эди. Уларнинг курси «Тоҳир ва Зухра» музикали драмасини қўйган, Нуъмон акам шу спектаклда Зухранинг отаси, шоҳ Бобоҳонни ўйнаган эди. Хотини, Гулчеҳра келиноним эса, Зухра ролида чиққан эди ўшанда.

Спектакль бизга ёқди. Нуъмон акани табрикладик. У киши мени адабиётта қизиқишимни билар, газеталардаги лавҳа, очеркларимни ўқиб юрар эди. Шунинг учун ҳикояни у кишига ўқиб бермоқчи бўлдим. Катта уйга олиб кириб, эшикни маҳкам беркитиб ўқиб бердим. Ҳикоя у кишига маъқул бўлди. Нуъмон ака анча кўнгли бўш одам, баъзи жойларда, ҳатто кўзларидан ёш ҳам чиқиб кетди.

Куз келди. Ўқишлар бошланди. Бизнинг бўлим «Тошкент ҳақиқати» газетасида бир ойга иш ўрганишга жўнатилди. Мен пропаганда ва агитация бўлимига тушдим. Газетада шоир Назармат, яхши журналист Маҳмуд Яхёев ишларди. Маҳмуд акалар биздан икки йил олдин, журналистика бўлими очилган йили университетга киришган ва битиришлари билан республика газеталарига ишга жўнатилган эди. Ҳикоямни Маҳмуд акага кўрсатдим. У киши мақтаб, Назармат акага берди. Назармат акага ҳам ҳикоя маъқул бўлди. Газетада чиқарсак бўлади, редактор ҳам кўрсин, деди у киши. Аммо ҳикоя редакторга ёқмади. Хомуш ҳолда бинодан чиқиб кетаётсам, рупарамдан Расул Раҳмонов пайдо бўлиб қолди.

— Ким хафа қилди? — дабдурустдан сўради у.

Бўлган воқеани айтиб бердим.

— Бу ёққа юринг! — у мени қайтадан бинога олиб кирди.

Иккинчи қаватга кўтариладик. Расул ака Раҳмонов «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишларди. У ҳам Маҳмуд Яхёев сингари университетни битирган биринчи журналистлардан эди. Бир хонага кириб дарров қайтиб чиқди-да, ичкарига мени тақлиф қилди. Кичкина хонадаги стол орқасида елкадор, думалоқ, қорачадан келган, сочи устарада олдирилган ўрта ёшли бир одам ўтирарди. Стол ёнида эса, ундан ёшроқ, йул-йул нимчалик костюм кийган, қалин сочлари чеккаларига осилиб тушган калта дахан иккинчи бир одам бошини кўтармай нимадир ўқирди.

— Мана шу йигит, — деди Расул ака.

Стол орқасида ўтирган одам менга қўлини узатди. Салом бердим. Ўқиб ўтирган одам ҳам бошини кўтариб менга қаради. Танигандек бўлдим. Аммо эслолмадим. Унга ҳам салом бердим.

— Кел, ука, — деди у қўлини чўзиб.

— Майли, кўрамиз, — деди стол орқасидаги одам қўлёмани олиб.

Расул ака раҳмат айтиб, эшикни очди. Орқасидан мен ҳам чиқдим.

— Танидингми? — сўради дахлизда мендан.

— Йўқ.

— Биттаси Йўлдош Шамшаров. Адабиёт бўлимининг бошлиги. Иккинчи одам Саид Аҳмад.

Энди эсимга тушди. Мен унинг 1947 йилда чоп этилган кичкина ҳикоялар китобчасида суратини кўрган эдим. Бирдан негадир ваҳимага тушдим. Расул ака ҳеч нарсани писанд қилмай, мени иккита катта ёзувчига рупара қилган ва қўлда ёзилган ҳикоямни уларга қолдириб чиққан эди. Ёқмаса нима бўлади? Унда адабиёт кўчаси менга берк. Мухбирлик билан шугулланишга тўғри келади.

Ўша куни хотиржам ухлаганим йўқ. Кундуз куни университетга келсам, Расул ака мени қидириб юрганини, зудлик билан редакцияга, унинг олдига боришимни болалар айтишди. Бордим.

— Манавини ўқиб чиқинг, — деди Расул ака ва бир даста машинкаланган қоғозларни олдимга қўйди. Бу менинг ҳикоям — «Хатингни кутаман» эди.

— Табриклайман, — деди ҳикояни ўқиб, машинистка хатоларини тузатиб чиққанымдан кейин. — Афтидан беришадиганга ўхшайди. Яхши ҳикоя учун ҳозир конкурс кетапти. Шунга мўжаллашаяпти назаримда.

Мен севиниб кетдим. Ҳикоя эртасига босилиб чиқди. Жуда кўп одам уша куни мени табриклади.

Аммо мени бошқа бир воқеа уша куни ниҳоятда хурсанд қилди.

Кундуз куни уйга келсам, Ҳамид акам, опамнинг эри, нокнинг тагидаги сўрида ўтирган дадамга баланд овоз билан ҳикояни ўқиб бераяпти. Йўлақда тўхтаб қолдим. Охиригача ўқиб бўлишларини кутдим. Фақат шундан кейин олдиларига бордим.

— Яхши нарса ёзибсиз, углим, — дедилар дадам. — Мен ёзувчиларнинг кўпи ўзларига тахаллус қўйиб олишларини биламан. Раҳмат, сиз ўзимизнинг фамилиямизни қолдирибсиз.

Дадамнинг шу гаплари ҳамон қулогимда. Кўп таклифлар бўлди. Исмиим ҳақида ҳам, фамилиям ҳақида ҳам. Биласан, исмиим қўшалоқ — Ўлмас Камол. Аммо дадамнинг гаплари билан ҳеч қайси таклифни қабул қилганим йўқ.

Йил охирида «Қизил Ўзбекистон» газетасида ҳикоялар конкурсининг якуни чиқди. Биринчи мукофотни жюри ҳеч кимга бермади. Ёзувчи Саида Зуннунова билан мен иккинчи мукофотни олддик. Адашмасам, учинчи мукофот бухоролик ёзувчи, менинг дўстим Аҳаджон Хасановга берилди. Ўшанда хурсандчилигимнинг чеки йўқ эди. Мукофотни сира ўйлаганим йўқ, лекин шунга ҳикоям лойиқ топилгани мени чексиз қувонтирган эди.

Редакцияга борганимда, орадан уч-тўрт кун ўтган эди ўшанда, истеъодли журналист Восеъ Маҳкамов мени кўриб қолиб, бухгалтерияга бошлади.

— Биламан, мукофотни олгани келаясан. Олиб бераман ҳозир.

Аммо паспортсиз, омонат дафтарчасиз қўлимга бир тийин ҳам беришмади. Тахминан икки ойлардан кейин, ҳамма қоғоз-ҳужжатларни олиб бориб берганимдан сўнг, икки минг сўм мукофот ва беш юз сўмча ҳикоянинг гонорари қўлимга тегди. Ўша пайтда бу катта пул эди.

Биринчи галда опанга у-бу олиб бергим келди. Дадам, ойим эсимга тушишди. Шунда опанг «Уйимизда ҳаммани хурсанд қиладиган бир нарса олинг», — деди. Карл Маркс кўчасидаги Тошкентнинг энг йирик унвермагига кирдик. Узоқ айланиб бир минг етти юз сўмга «Урал» радиоласини олддик. Уруш бошланишда олиб қўйилган «ВЭФ» радиоси қайтариб берилган бўлса ҳам, ёмон ишлар, олис тўлқинларни тутмас, доим хириллар эди. Дадам эса бетоблар, уйдлар. Битта яхши радио жуда керак эди. Хуллас, опангнинг маслаҳати билан радиола олиб, бордим уйга. Дадам дуо қилдилар. Уйдагилар кеч кириши билан радиолани қўйиб, ҳинд, афгон, турк қўшиқларини эшитадиган бўлишди. Радиоланинг тепасида грампластинка қўядиган қисми ҳам бор эди. Тўлқинлардан яхши нарса тутишолмас пластинка қўйиб, ашула эшитишарди. Дадам кўпинча, Ожунжон қизиқнинг ҳикояларини ва Жўраҳон Султонов ижросидаги «Бог аро» ашуласини эшитиб ўтирардилар, ўзлари ҳам баъзан қўшилиб қўядилар.

Опанг билан бир куни уйга келсак, радиола бизнинг хонамизда турибди. Ўшанда тўйимиздан кейин бир ҳафтача ўтган эди чамамда. Иккаламиз ҳам дарҳол нима бўлганини тушундик.

Дадам мени тезроқ уйлантириш мақсадида уйимиз ёнидаги иккита ҳужрани буздириб, ўрнига бир уй, бир даҳлиз солдирдилар. Иккала хона кичкина бўлса ҳам иккита ёш бир амаллаб турса бўлади. Касал одамнинг иморат солдириши, тўй қилиши

ўзи бўлмайди. Бунинг устига ишламас эдилар. Ниятлари менинг тўйимни кўриш эди. Афтидан дилларидаги дардлари оғирлигини сезган бўлсалар керак, шунинг учун шошилиш ҳаракатга тушдилар.

Опанг билан биз ҳеч нарсани — мол, кийим-кечак, идиш-товоқ, ўйлаганимиз йўқ, ота-оналаримиздан ҳеч нарса сураганимиз йўқ. Мен ишга кийиб юрган кўйлак-шимимда, тўй куни, куёв бўлиб ўтирдим. Опанга ҳам ҳеч нарса қилиб берганимиз йўқ. Ўзи бир амаллаб топгани, тиктирганида келин бўлиб тушди. Биз учун қўрилаган уйда ҳам ортиқча ҳеч нарса йўқ эди. Иккита темир кароват, битта шкаф, стол устига қўядиган кичкина ойна. Албатта, икки кишига лозим бўладиган идиш-товоқ. Шуни билиб, дадам билан ойим радиолани хонамизга киритиб қўйишган эди.

— Бекор қилишибди, — деди опанг. — Биз эрталабдан кечгача кўчада бўлсак. Дадамлар уйдлар. Зерикишади.

Ўша заҳотиёқ биз уни яна айвонга олиб қўйиб қўйдик.

Шу ўринда айтиб ўтай, тўйимиз тўйдек бўлган эмас. Тутри, одам кўп эди, жой яхши қилинган эди. Нокнинг тагидан дарвозагача столлар қўйилган эди. Лекин биласан, тўй санъаткорсиз бўлмайди. Бир қариндошимиз Карим Муминов билан бирга уч-тўрт киши бўлиб келишини дадамларга ваъда қилган экан. Аммо келмай, кўпроқ пул берган одамникига кетиб қолишди.

Дадам тўйга санъаткорлар келмаганидан қаттиқ хафа бўлибдилар ва қон босимлари ошиб ётиб қолдилар. Тўй кечасининг ярмига бориб, амаким секин қулогимга дадамнинг оғир ётганларини айтдилар. Нима бўлганини опанга ҳам айтмай, ўрнимдан турдим. Дадам ўзларига келган эдилар, аммо бошларини кўтаролмасдилар. Мени кўриб жилмайган бўлдилар. Қўллари билан боринг-боринг, жойингизга бориб ўтиринг, деган ишорани қилдилар.

Мен уларнинг хафа бўлганларини тушундим. Санъаткор қариндошимиз билан Карим Муминовга уруш йиллари дадам бирмунча яхшилик қилган, ҳатто қамоқдан қутқариб чиққан эдилар. Содиқ укангиз бўламиз, хизматингизга тайёрмиз, деган одамлар шундай нозик кунда у кишини алдашди.

Бирон соатлар ўтгач, Исоқ Катаев келиб қатор ашулалар қилиб берди. Кимлардир ўйинга тушди. Кейин бирдан етти-саккизта ашулачи ва ўйинчилар келиб қолди. Уларни дадамнинг дўсти, Гофуржон аканинг укаси Амир ака бўлган воқеадан хабар топиб олиб келибди. Амир ака билан дадам дўст, қадрдон, бир-бирларига меҳр-оқибатли эди. Мен Амир аканинг угли Ҳасан Йўлдошев ота изидан кетганидан, қариндошлар, дўст-оғайнларига меҳрибон, садоқатли одам бўлиб етишганидан хурсандман. Унинг укаси Тоир Йўлдошев ҳам шундай меҳр-оқибатли одам.

Тўй тарқагандан кейин опанга нима бўлганини айтиб бердим. Хафа бўлди, дадамга ачинди. Ўша куни мижжа қоқмай

чиқдик. Мен дадамдан хавотирда эдим. Йўқ, эрталаб бошларини кўтардилар. Бир неча кун ўтиб, ҳовлига чиқдилар. Аммо хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Йигирма иккинчи декабрь кунини кечкурун оламдан ўтдилар.

Тўйдан кейин ўтган уч ой ичида дадам опангни жуда яхши куриб қолдилар. У билан узоқ гаплашардилар, болалигини, қариндош-уруғларини суриштирардилар. Опангга ҳам дадам ёқиб қолган эдилар. Ўқишдан келиш билан олдиларига борар, чойларни, овқатларидан хабар олиб турарди.

Шуни айтишим керакки, опанг болалар уйида ўсган одам тез хонадон ҳаётига қуниқиб кетди. Ҳамма билан чиқишиб, бирини опа, бирини синглим, деб тил топишди. Опанг сабаб бўлиб уйимизда бирон марта уруш-жанжал булганини билмайман. Чунки ўзинг ҳам, қизим, кўп марта сезган бўлсанг керак, опангда келишувчилик хусусияти ҳамма нарсадан устун чиқади. У чидамли, сабр-тоқатли, кўп нарсани ичига ютиб, атрофдагиларнинг кунглини хира қилмасликка интилади. Опанг тўгрисўз, покиза, қўли гул аёл. Унинг бу фазилатларини ойим дарҳол сезиб, тушлик, кечки овқатларни кўпинча унга ташлаб қўярдилар ва меҳмон келишидан ҳеч чўчимасдилар. Опанг уларни яхши кутиб олишига ишонардилар.

Опангни жуда ёш ота-онасиз қолганини биласан. Болалар уйида катта бўлган. Болаликда етим қолишдан оғир кулфат йўқ. Опангнинг қийинчиликларга бардош билан, анчайин хотиржам қараши, меҳнатсеварлиги шундан бўлса керак.

Ёшайгимизни ўйлаганимда, опангни кўпинча пахта тераётгани куз олдимдан ўтади. Биз ўқиган пайтимиз ҳар йили икки-уч ойдан пахта теримига чиқардик. Университет Бўка районига боғлаб қўйилган эди. Биз теримга чиқмаган шу районнинг биронта колхозни, совхозни қолмаган бўлса керак.

Кеч кузда теримга тушиш анча қийин. Жўяклар лой. Пахта кўсақлари, дори тўкмаган барглари ҳўл. Бунинг устига колхозчилар юзадаги очилиб турган кўсақларни териб кетишади. Эгилишмайди. Пастдаги пахталар студентларга, мактаб болаларига қолади.

Опанг деярли бошини кўтармай пахта терарди, кўп терарди. Баъзан мен катта қопларини хирмонга олиб боришга ёрдам берардим. Пахта териб тошган пулига опанг ўзига кийим-бош қиларди. Умуман, мен сенга айтсам, опанг бечоранинг болалиги, ёшлигида хурсандчилик, тўкин-сочинлик кам бўлган, моддий, маънавий қийинчиликлардан, турли ташвишлардан боши чиқмаган. Уруш йилларида ўсган болаарга оғир булганини сенга айтган эдим, лекин опанг уруш қийинчиликлари билан бирга етимлигини бошидан кечирган, урушга кетган иккита акасидан ажраш каби фожиали йўқотишларни курган. Шунинг учун баъзи-баъзида утмишимизни эслаб кетганимизда, опанг болалигидан гапириб қолганда, юрагим эзилиб кетади, дилим унга меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошади. Ҳеч кимнинг бошига етимлик туш-

масин! Ҳеч ким уруш йиллари биз кўрган қийинчиликларни кўрмасин!

Опанг, қизим, менинг биринчи ўқувчим, биринчи танқидчим, биринчи маслаҳатчим. Шу пайтгача ёзган нарсаларимнинг ҳаммасини опангга ўқиб берганман, унинг мақтовларини эшитганман, танқидларига қулоқ солганман. У ҳеч маҳал асарга баҳо беришда адашмаган. У мақтаган ҳикояларим, қисса, пьесаларни халқ яхши кутиб олган. У унча хушламаган, ўзини босиб, мени аяб фикр билдирган асарларим танқидга учраган. Лекин опанг ҳамма танқидга ҳам қўшилавермайди. У жаҳон адабиёти классикасини ўрганиб тарбия топган, шунинг учун унинг фикрлари доимо тўғри, аниқ.

«Севгим, севгилим» қиссаси «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиққанда анча шов-шув бўлди. Бир куни кечаси уйимизга Саид Аҳмад ака билан Саида опа келиб қолишди.

— Хавотир олма, — деди Саид Аҳмад ака жилмайиб. — Бизни Абдулла Қаҳҳорни юборди. Эртага союзда қиссангни муҳокама қилишармиш. Тош отадиганлар тайёрланиб юришганмиш. Лекин ташвиш чекма. Жиддий гап буладиган бўлса, Абдулла аканинг ўзи аралашмоқчи.

— Эзилиб утирган бўлса керак, тинчитинглар, дедилар. — Қўшимча қилди Саида опа.

Улар узоқ ўтиришмади, бир пиёладан чой ичишди-ю, кетишди.

Мен чиндан ҳам Ёзувчилар союзидаги муҳокамани бирмунча хавотирланиб кутаётган эдим. Саид Аҳмад акаларнинг келиши, Абдулла Қаҳҳорнинг гаплари менга катта далда бўлди.

— Мана кўрасиз, муҳокама яхши ўтади, — қатъий равишда дилимни кўтарди опанг.

Муҳокама ҳақиқатан ҳам опанг айтганидек бўлди. Ёшлар, студентлар, тенгдош ҳамкасбларим ноурин тош отганларни деярли гапиртиришмади. Бир оғиздан мени табриклашди.

«Жўра қишлоқ», «Ёз ёмғири», «Қиёмат қарз», қўй-чи, деярли ҳамма ёзганларим ҳақида опанг айтганлари тўғри чиқди.

Лекин опанг билан бизнинг ҳаётимизда дил оғритадиган дамлар ҳам бўлиб ўтган. Бундай дамларнинг сабабчиси, тўғрироғи, асосан мен бўлганман. Эракк киши кўчани яхши кўради, уйга келишининг тайини бўлмайди. Ана шундай пайтларда, бунинг устига озгина кайф билан келсам, опанг хафа бўларди. Чунки эрталаб келишганимиздек маълум вақтгача маълум овқатни қилиб кутиб ўтирарди. Мен бўлсам журналист, ёзувчи уртоқларим билан чойхонада ош еб қолардим. Опанг индамасди. Овқатни олдимга қўйиб, индамай ишини қилиб утираверарди. Кайфи бор одам, умуман айбдор одам хўрозга ўхшаб ўзи жанжал бошлайди. Мен ҳам худди шундай қилардим. Ўзим гап бошлаб, ўзим изза бўлардим. Лекин эр-хотиннинг уруши доқа рўмоннинг қу-

риши, дейди халқ. Бирпасда орамизда нохушликни унутиб, яна самимий муносабатларга утиб кетардик. Опангнинг узоқ хафа бўлиб юролмаслигини ўзинг ҳам яхши биласан.

Хуллас, биз опанг билан яхши яшаб келаяпмиз. Мен ўз оилавий ҳаётим билан фахрланаман. Опанг менинг умр йўлдошим эканлиги, сендек қизимиз борлиги билан ўзимни бахтли одам санайман.

Опанг ҳақида яна кўп нарсаларни сенга гапириб беришим мумкин. Чунки унга ўхшашингни истайман.

Опанг ҳақида ёзиб туриб, Абдулла Қаҳҳор билан сўнги учрашувимиз ёдимга тушиб кетди. Учқун Назаров, Тургун Азизов, Диалбар, Роза опанг ва мен Абдулла ака яқин кунларда Москвага даволангани кетаётганини эшитиб, уйига бордик.

Абдулла ака оғир касал эди, ўрнидан туролмади. Кибриё опа дастурхон ёзиб, чой қўйди. Икки кундан кейин Москвага жунашларини айтди. Ушанда унинг Москвадан тобутда қайтишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган. Москвадан соғайиб қайтишига ишонган эдик. Абдулла аканинг ўзида ҳам, Кибриё опада ҳам шундай қайтиш ишончи бор эди.

Беморни узоқ утириб чарчатмаслик учун Кибриё опа тайёрлаган сомса, беляшлардан едик-да, ўрнимиздан турдик. Шифо топиб тезроқ қайтишни ният қилдик.

Абдулла ака ҳамма билан қуюқ хайрлашиб, менинг қолишимни сурадилар. Ёнларига стул қўйиб ўтирдим.

— Сизга иккита маслаҳатим бор, — дедилар ҳар доимгидек жиддий оҳангда ва қандайдир шу пайтгача мен сезмаган илиқлик, юмшоқлик билан.

— Эшитаман, — дедим у кишининг юзларига тикилиб.

— Сизни союзга ишга чақиришлари мумкин. Союздаги йиғилишларга қатнаб юраверинг. Аммо союзда ишланган. Иккинчи гапим. Хотинингиз сизга жуда меҳрибон. Шуни қадрланг.

Абдулла ака шундай деб, енгил жилмайдилар.

Мен миннатдорлик билдириб, хайрлашдим.

Абдулла акани тириклигида кўрганам шу бўлди. Жойлари жаннатда бўлсин. Абдулла аканинг иккала маслаҳатлари ҳам катта меҳр билан, келажакни ўйлаб берган самимий, доно маслаҳатлари эди. Бу маслаҳатлар узоқ вақт ёдимда бўлди. Партия Марказий комитетида ишлаб юрганамда мени Ёзувчилар союзи-га секретарь сифатида чақиришди. Яшин ака Раҳмат Файзийни юборди мен билан гаплашгани. О. У. Салимов — Марказком секретари бир куни мени Ш. Р. Рашидов ҳузурига олиб бораётди:

— Шу ҳақда гап бўлади, — деди. — «Ўзбекфильм»ни таклиф қилсалар, рози бўлма. Сени Ёзувчилар союзига юборамиз.

Ш. Р. Рашидов ҳузурда чиндан ҳам шу ҳақда гап бўлди. Абдулла аканинг маслаҳати дилимда бўлгани сабабли Шароф ака киностудия ҳақида гап очганида дарҳол розилик бердим. Турги қилдим. «Ўзбекфильм» киностудиясида мен катта бир те-

гирмонга тушиб чиққандек бўлдим. Саккиз йил директорлик қилдим. Студия тарихида бунчалик узоқ ишлаган директор бўлмаган.

Абдулла аканинг опанг ҳақида гаплари ҳамиша дилимда бўлди. Аммо қанчалик опангнинг қадрига етдим, буни айтишим қийин. Ҳамон ўзимни унинг олдида қарздордек сезаман, гуноҳкордек ҳис қиламан. Кеча туни билан безовта бўлиб чиқдим. Чунки бутун, бешинчи декабрь. Опангнинг тугилган куни. Мен эса касалхонадаман. Ҳатто кучага чиқиб бир дона гул сотиб олиб келолмайман. Шуни ўйлаб уйқум қочди. Эрталаб опанг келганда эса, кайфиятим бутунлай ўзгариб кетди. Опанг шундай, бир зумда одамнинг кўнглини кўтариш қобилиятига эга. Уни табрикладим. Иккаламиз чой қўйиб, узоқ телевизор олдида гаплашиб ўтирдик. Борлигимизга, сенинг борлигинга севиндик. Телефон қилибсан, табриклабсан. Хурсанд бўлдим. Опанг менга саломингни айтди. Раҳмат, қизим.

Кундуз куни қариндошларимиз Фая билан Карл келишди. Узоқ утиришди. Улар ҳам опангни табриклашди.

Қоронгу тушганда опанг пансионатдаги ўз хонасига кетди. Мен эса, яна сенга шу хатларни ёзишга утирдим.

Назаримда Москвада мени даволай бошлаганларидан бери, анчагина дилим тинчиб, қўлимга қалам оладиган ҳолатга келганимдан бери сенга атаб ёзмоқчи бўлганларим ниҳоясига етиб қолди. Ҳозирча кифоя. Худо хоҳласа, уйга қайтсам, эсимга тушган воқеаларни ёзиб берарман. Хатларимнинг сўнгида устоз Абдулла Қаҳҳорга ўхшаб, сенга, қизим, берадиган иккита маслаҳатим бор. Биринчиси:

— Бу дунёда опангчалик сенга меҳрибон, яқин, азиз, сендан жонини ҳам аямайдиган одам йўқ. Бирга бул. Ёлғизлатиб қўйма. Асра.

Иккинчи маслаҳатим:

— Давр ўзгариб кетди, қадриятлар ўзгарди. Лекин ҳамма даврда ҳалол меҳнат, поклик, одамийлик қадрланган. Шу ёдингда бўлсин.

Ёлғизим, суюқлигим, хайр, омон бўл, бахтли бўл.

Кибриё Қаҳҳорова

## «Ташвиш» асари тўғрисида

Устод Абдулла Қаҳҳор фақат шоғирларига нисбатан эмас, балки аввало узларига нисбатан ута талабчан ёзувчи эдилар. У кишининг ута меҳнаткашлиги ҳам ана шу талабчанлиги тўғрисида эди. Устоднинг «Мен қилган меҳнатни маймун қилса, ёзувчи булар эди» деган машҳур гапи бежиз айтилмаган.

Устод узлари ҳаётлик вақтларида унча-мунча асарларини кўп жилдлиқ тўпламларига киритишни лозим кўрмаганлар. У киши айтар эдики, «Ёзувчи тириклигида ўзи нашр этишни эп кўрмаган нарсасини у ўлгандан кейин нашр қилиб, обрўйини тўкиш керак эмас».

Устод Абдулла Қаҳҳорнинг «Ташвиш» пьесаси узлари ҳаётлик чоғларида — 1939 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналининг 3-сонида (фақат асарнинг 2-пардаси) босилган эди. 1970 йилга келиб бу сахнани таниқли таржимон ва ношир Ваҳоб Рузиматов нашрга тайёрлаб, «Гулистон» журналининг 5-сонида қайта нашр қилдириди. Асар тўлиқ нашр этилмагани учун булса керак, айрим олим ва ёзувчилар, «Ташвиш» тўғалланмаган асар» деб фикр айтишган.

Аmmo «Ташвиш» тўғалланган пьеса. Тўлиқ босилмаганига сабаб шуки, устод «Ташвиш»ни фақат машқ деб билганлар, холос. Устоднинг бу машқ асари туртта драматик асар ёзилишига асос булди. Ҳатто бу пьесадаги айрим мавзу лавҳалари, баъзи ижтимоий муаммолар, айрим қаҳрамонларнинг исми ҳам бошқа драматик асарларига кўчди. Масалан, Сухсуров образи «Оғриқ тишлар»га кўчди. «Тобугдан товуш» драмасида «Ташвиш»даги баъзи уринлардан фойдаланилди.

«Ташвиш»да савдо-таъминот ходимлари ҳаёти акс этган бўлиб, уларнинг кирдикорлари, кўзбуямачиликлари фош этилди. Сухсуров, Маҳрамов, Қурбонов, Раҳматиллаларнинг дуконда қилган қинғир ишлари бир-бирларининг сирларини очишга ёрдам беради.

Бу пьесани устод кўп жилдлиқ асарлари тўпламига киритмаганлар. Шундан билса буладики, бу тўлақонли мукамал асар эмас. Аммо икки-уч сабабга кўра «Ташвиш»ни ўқувчилар эътиборига ҳавола этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, бу машқ асар булса ҳам, унда бутунги ўқувчи учун янгилик буладиган айрим лавҳалар, жадилад каби образлар бор. Иккинчидан, пьеса Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий тажрибасидан бир намуна бўлиб, адабиётшунослар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам қизиқарли маълумотлар берини мумкин. Учинчидан, «Ташвиш» тўғалланмаган эмас, балки қай даражада булса ҳам тўғалланган асар эканлигини кишилар ўз кўзлари билан кўрадилар.

Еш, изланаётган олима Насиба Зиедуллаева бу асарни не машаққатлар билан араб алифбосидан кирилл ёзувигача кўчирди, Тошкент Давлат университетини битираётган «Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига оид янги материаллар» деган мавзуда диплом иши ёқлади. У ана шу асосда илмий ишнинг давом эттиришда.

Насибалек бир еш олима изланишда булар экан, нега унинг меҳнатидан жамоатчиликни хабардор қилмас эканмиз, нега биз уни дуо қилиб, ишларига оқ йўл тиламас эканмиз?!

Мен Насиба Зиедуллаеванинг илмий-ижодий ишларига ривож тилаб, кўлажақда яна муҳимроқ илмий ишлар қилишига умидланаман.

# ҚҮЛЁЗМА ТАРИХИ

Шу вақтгача адабий жамоатчилик атоқли узбек адиби Абдулла Қаҳҳорни унинг 1950 йилда яратилган «Янги ер» («Шоҳи сузана») пьесасидан бошлаб драматург сифатида таниган. Яқинда Абдулла Қаҳҳор уй-музейи ходимлари устоз адибнинг янги «Ташвиш» номи пьесасининг дастхатини топдилар. Ҳамид Сулаймонов номи Қулёзмалар институтининг Абдулла Қаҳҳор архивида сақланаётган мазкур асар дастхати бир чизиқли дафтарга араб хатида ёзилган бўлиб, 72 варақдан иборат. Уч парда, олти кўринишдан иборат асарнинг биринчи варағида унинг номи ва ёзилган санаси лотин хатида белгиланган. Баъзи варақларнинг орқа томонига ҳам ёзилган бўлиб, бу текстлар муаллиф томонидан учирилган. Булар асосий матннинг вариантлари сифатида аҳамият касб этади.

Мазкур қулёзма бизни адиб драматургияси ва у ҳақдаги илмий-тадқиқот ишларни чуқурроқ урганишга ундади. Натижада, 1957 йилда нашр этилган уч жилдлик «Танланган асарлар»нинг биринчи жилди суз бошисида (П. Қодиров қаламига мансуб) қуйидаги муҳим маълумотни олдик: «1939 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида «Ташвиш» деган комедиясидан бир кўриниш... босилиб чиққан эди. Пьеса битмай қолиб кетган». Худди шундай маълумотни И. В. Боролинанинг рус тилида нашр этилган «Абдулла Қаҳҳор» (Т., 1957) номи монографиясида ҳам учратдик. Унда ҳам пьеса тугалланмаган дейилган.

Демак, қўлимиздаги дастхат муҳтарам олимларимиз тугалланмай қолган, деб уқтираётган «Ташвиш» комедиясининг тўлиқ ва дастлабки нусхаси экан. Қулёзмани тадқиқ этиш давомида «Абдулла Қаҳҳор асарни ўз даврида нега тўлиқ эълон қилмади? Асар нега сахна юзини кўрмади?» сингари саволлар тўғилди. Жавоб топиш учун устознинг бир қатор мақолаларини қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Бу борда Абдулла Қаҳҳорнинг «Биринчи домлам» мақоласи бизга қимматли маълумотлар беради. Мақола устоз ижодига Н. В. Гоголнинг самарали таъсири ҳақида бўлиб, унда Абдулла Қаҳҳор 1935 йилда «Ревизор»ни биринчи марта узбек сахнасида кўрган ва бу спектакль унга ёқмагани таъкидланади. Шу ҳол сабабми эки Гоголь ижодига бўлган кучли қизиқишми, ҳуллас, 1937 йилда устоз «Уйланиш»ни, кейинчалик эса «Ревизор»ни таржима қилишга қаришади.

Устоз шундай дейди: «Гоголнинг сахна асарларига тақлид қилиб бир нарса ёзишга уринган вақтларим ҳам бўлган, лекин

бу уринишлар машқдан нари утган эмас». Демак, «Ташвиш» ҳеч шубҳасиз, ана уша уринишлар самарасидир. Абдулла Қаҳҳор драматургия соҳасида Н. В. Гоголдан олган сабоқ «Янги ер», «Оғриқ тишлар», «Аяжонларим», «Тобутдан товуш» каби пьесаларнинг яратилишига пойдевор бўлиб хизмат қилган. Бу пойдеворнинг адабий жамоатчилик назаридан четда қолган дастлабки ва муҳим қисми эса «Ташвиш» комедияси бўлган, деб таъкидлашимизга ҳамма асос бор!

Пьесада кучли юмор воситасида жамиятда, аниқроғи, яқин ўтмиш бўлиб қолган социалистик жамиятда мавжуд узим буларлик, порахўрлик, чайқовчилик каби қатор камчилик ва нуқсонлар руй-рост очиб ташланади.

Бу комедияда ҳам Абдулла Қаҳҳор уз услубига содиқ қолиб қаҳрамонлар нутқида тугилмаган, ҳали ҳеч ким ишлатмаган ўхшатиш ва ибораларни усталик билан қўллаш олган. Масалан, «баъзан палагда тухумга арзимайдиган ақллар чиқади-да, сендан» эки «Қурбонов хом гушт, уни қуртлатиш осон» эки «элик-кача санолмас эди, олтмишни уч йигирма дер эди» эки «туянинг тиззасига ухшаган бошинг кўрсин» эки «куза ҳовуз бўйдан ҳамма вақт ҳам бутун келавермайди» кабилар.

Ўз даври учун яхши асар, деб тан олинса арзигудек, устознинг сеҳрли қалами яна озгина сайқал берса, ҳеч шубҳасиз, қаҳҳорона уткир тилли, ҳаётда бор иллатларни фотиҳ этувчи, сержило асарга айланиши мумкин бўлган пьеса бир муҳим сабаб туфайли тулалигича ҳаёт юзини кўрмаган, деб уйлаймиз. Бу — Абдулла Қаҳҳорнинг ижодга ута талабчанлигидир. «Ташвиш» комедиясини адибнинг қоғозга тушириши учун икки йил вақт сарфланган. У жами беш йил давом этган изланишлар натижасида яратилган. Бундай қаттиққўллик ҳам — уша талабчанлик оқибати бўлса керак!

Саида ЗОҲИДОВА,  
филология фанлари номзоди.  
Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,  
уй-музей ходими.

# АДИБ БИСОТИДА ҚОЛГАН

## АСАР

«Абдулла Қаҳҳор иззат-нафси кучли санъаткор булгани учун уртача асарнинг, «Ташвиш» комедиясининг автори булишни истамали» деган фикр юради-ку, ёзувчининг табиатидаги яна бир муҳим хусусиятни унутамиз: Абдулла Қаҳҳор мард, ижодига нисбатан аёвсиз, шиддатли инсон эди. У узига ёқмаган қанчадан-қанча асарни йиртиб, йуқ қилиб ташлаган. Хуш, Абдулла Қаҳҳор нега «Ташвиш»ни бисотида асради?! Нега «Ташвиш» асари бебаҳо қўлёзмалар сақланадиган илмий масканга келиб қолди?! Менга, бу ерда тасодиқ эмас, қонуният, уйлаб қилинган ҳаракат бордай туюлди...

«Ташвиш» комедиясини ўқиган китобхон матндаги этиш-мовчиликларни, парча, кўринишлар аро аниқ булиниш, чегаралар сезилмаслигини ҳис этади. Абдулла Қаҳҳор асарларидаги ҳар бир сўз чертса, жаранглаб туришини ҳис қилган китобхон «Ташвиш»нинг тилидан, ундаги баъзи парокандаликлардан қониқмайди. Лекин «Ташвиш» асарида жонли одамлар ва драматургиянинг асоси ҳисобланган ҳаракат бор! Кези келди, бир ҳақиқатни айтиб ўтай. Биз 60 йил социалистик реализм ҳақида гапирдик. Социалистик реализм методи тўғрисида ёзилган талқиқот-китоблар оламжаҳон. Лекин соцреализм узи нима эканлигини билмай ўтдик. Драма асарларидаги ҳаракатни ҳам қўпчилик билмаслиги англашилиб қолди. Иккита туппа-тузук адабиётшунос билан гаплашдим-да, драма асаридаги ҳаракат нима эканлигини сурадим. Ҳар иккала суҳбатдошим «Ҳа, энди,.. ҳа, энди...» дея чайнала бошлашди. Нега драма тури бадиий ижоднинг гултожи ҳисобланган?! Нега ҳануз антик адабиётда яратилган трагедиялар бизни узига жалб этади?! Нега бадиий ижоднинг ҳақиқий мухлиси Шекспир асарларидан монологларни тўлиб-тошиб ўқийди-ю, кечагина яратилган совет драмаларини билмайди?! Нега совет адабиётидаги туссиэлик, сохалик драма асарларида аниқ кўринди?! Нега Абдулла Қаҳҳор 1965 йилда ёзган мақоласида «Бир спектаклда ёнимда ўтирган бир томонбин: «Шу одамлар ҳаётда булса, биронтаси билан гаплашмас эдим», деди. Оддий томошабиннинг бу сўзида чуқур маъно бор. Бу адабиётимизнинг узак масаласига доир гап» (Асарлар. 5-том, 1989, 145-бет) деган эди?! Хуллас, драма асаридаги тақдирлар аро ҳаққоний, рост муносабатлар ҳаракатни вужудга келтиради. Эдип ҳам, Сафокл ҳам тақдир одамнинг узига боғлиқ нарса эмаслигини, ҳар бир инсон пешонасида ёзилган йўлни босиб

ўтиши шартлигини англаган. Буюк Шекспир узининг художой салафлари тажрибасини унутмаган ҳолда, ижтимоий муносабатлар инсон тақдиридаги бош масалага айланишини ишонарли тасвирлаган. Драма асарлари тўқимасида «Уйнатувчи — уйинчи» принципи асос ҳисобланади. Ҳақиқий драма асарларида қаҳрамонлар бир-бири билан табиий, тақдирий боғлиқликда булади. Отеллони Яго уйнатади. Дездемона Касио манфаатини уйлаб, Отеллони уйнатади. Отелло — муҳит қули. Айни вақтда у қалбидаги илоҳий муҳаббат билан — шох; оддий одамлардан ҳар томонлама устун. Ҳамлет-чи? У ҳақиқат учун кураш шоввози. У ҳаммани уйнатади: ҳаракатни бошқариб боради. Айни вақтда, унинг узи ҳам уйинчи — муҳитнинг самараси, аянчли тақдир эгаси!

Социалистик реализм методи ҳақиқий драматик ҳаракат учун замин ярата олмас эди. Чунки у эстетик моҳият эмас, сиёсатбозлар томонидан тавсияга айлантирилиб қўйилган мослама эди.

Социалистик реализмнинг сохта моҳиятини ҳақиқий ижодкорлар, теран мушоҳада юритувчи олимлар билар эдилар. Драмадаги ҳаракатнинг нақадар муҳимлигини ҳам чин ижодкорлар, олимлар англаб эдилар. Абдулла Қаҳҳор «Ташвиш» асарини бисотга айлантирди, чунки унда ҳаракат ва тирик одамлар бор эди! Абдулла Қаҳҳор «Ташвиш»ни тулиқ чоп эттирмади, чунки у авж олиб келаётган соцреализм қолишига мос келмас эди...

Абдуғафур РАСУЛОВ,  
филология фақлари номзоди.

Унутмас  
мени боғим

Абдулла ҚАХҲОР

# Ташвиш



Уч парда, олти кўринишли комедия

1937—1939 йиллар

Қатнашувчилар:

СУХСУРОВ — масъул ишчи  
МАҲРАМОВ — омборчи  
ҲОЖИ — унинг қайнотаси  
РАҲМАТИЛЛА — эски жадид  
ҚУРБОНОВ — мудир  
ЖАҲОН — пастдан юқорига кутарилган ишчи  
СЕКРЕТАРЬ  
МИШИНИСТКА  
ТИЛЛА БОБО — ишдан қолган чол  
Икки магазин мудирлари

Воқеа районнинг марказида бўлиб ўтади

БИРИНЧИ ПАРДА, БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Сухсуровнинг меҳмонхонаси. Эшик олдидан машиналар жунаб кетади. Сухсуров билан Маҳрамов киради.

СУХСУРОВ. Меҳмоннинг келиши ҳам курсин, кетиши ҳам... Кошки булар меҳмондай бўлса! Мастава нима бўлди? Бош ёрилиб кетай деяпти.

МАҲРАМОВ. Ҳозир... қозонни олдим. Жиндай совусин, қатиклайман. Асли ўзидан бир рюмка ютганингизда... Захарни захар кесади.

СУХСУРОВ (*нафратланиб, хунук кекириб*). Пуф, курсатманг, афти курсин! (Ойнада бурнини кўради). Дунёда хўп бетамиз хотинлар бор-да, бурунни тишлагани нима қилгани!.. (*Жавондан дори билан пахта олиб, бурнига суркайди*).

МАҲРАМОВ (*коньякдан қуйиб ичади*). Бурнингизни ҳалиги семизи, калта бурунлиги тишлаган экан. Мен билдим, мошинага чиқаётганда бурнингизга қараб кулди.

СУХСУРОВ. Қайси? Магконовнинг машинасига чиққанми?

МАҲРАМОВ. Йўқ, Эргашевнинг машинасига чиққан... Айтгандай, Магконовнинг машинасига чиққан хотин эрталаб бет-қўл юваётиб, жуда ёмон йиглади. Эргашевни чўққа деди.



СУХСУРОВ. А?! Чучка деди?

МАҲРАМОВ. Чучка деди.

СУХСУРОВ. Ҳа, Эргашев нима деди?

МАҲРАМОВ. Индамадилар, сукканингиз сук оши, деб кулдилар.

СУХСУРОВ. Бекор гап. Чучка деса, Эргашев... Эргашев булади-ю, индамайдими!.. Кузичоқ дегандир. Хотинларнинг расми-ку, кап-катта одамни ҳам кузичоғим, буталоғим, деб суяди.

МАҲРАМОВ. Йў-уқ, руй-рост чучка деди. Сен чучка билан Тошканда гаплашаман, деди.

СУХСУРОВ (*чучиб*). А?.. Тошканда гаплашаман, деди? (Уйлаб). Унинг олдида биронтамизнинг оғзимиздан... ундоқ гап чиққани йўқми?

МАҲРАМОВ (*кулиб*). Чумчуқ пир этса, юрагингиз шир этади-я.

СУХСУРОВ (*жиддий*). Бемаза булманг! Нега булмаса Тошканда гаплашаман, дейди.

МАҲРАМОВ. Шундай деса, дарров бир сирни билган булади-ми? Ҳаром йўлга юрмаган хотин экан — ори кепти. Тошканда гаплашаман, дегани устингдан сендан каттароқ одамларга арз қиламан, дегани булади.

СУХСУРОВ (*заҳарханда*). Баъзан палағда тухумга арзимайдиган ақллар чиқади-да, сиздан. У хотин ори келган иши тўғрисида арз-дод қилиб, узини-узи шарманда қилармиди? Арз қиламан, деган бўлса билгинки, бир сирни пайқаган. Мана шу пайқаган нарсаси тўғрисида арз қилиб, уч олади! (*Пауза*) Хотинларнинг олдида Умархоновнинг суди тўғрисида гап бўлгани йўқми? (*Эслашга тиришиб*). Гап бўлган эди шекилли?

МАҲРАМОВ. Гап булди-ю, ундоқ гап булгани йўқ. Эргашев мана бу газетани ўқиб, Магконовга таржима қилиб берди.

СУХСУРОВ (*тажанг*). Бўлганда ҳам қаёқдан биласиз — сиз ҳам маст бўлгансиз-да.

МАҲРАМОВ. Ҳеч-да!

СУХСУРОВ. Ҳм? Пиширган шўрвангиздан товукнинг ичаги чикди — шу хушёр одамнинг ишими? (*Пауза*) Ҳар қалай, бунинг тагига етиш керак. Вокзалга етганикин?

МАҲРАМОВ. Ҳу, ана, телефон қилинг. У хотин бир нарсани пайқаган бўлса... Эргашевга маълум булади, маълум бўлмаса, йўл-йўлакай билиб олади.

СУХСУРОВ. Хуш! Қани, маставани олиб кириг! (*Маҳрамов чиқади*). Шундоқ бегона хотинларни районма-район олиб юриб нима қилар экан! Куза ҳовуз буйидан ҳамма вақт ҳам бутун келавермайди.

(*Маҳрамов ош олиб киради, ошдан ҳўплаб*). Бай-бай-бай, ютиб бўлмайди-я! Томоғим шилиниб кетибди. Мен кетдим. (*Чикиб, қайтиб киради*). Домла келсалар, туратурсинлар.

(*Чиқади*)

МАҲРАМОВ (*зерикиб, хушёқмаслик билан газета ўқийди*). «Район савдо таъминот ишларида зиёнчилик қилганлари маълум бўлиб, қамоққа олинган Умархонов ва унинг шериклари устидан юргизилган тергов ишлари тамом бўлди». Хўш?! «Терговда маълум бўлишича, бу ишга халқни ҳукуматдан зурма-зўраки норози қилиш мақсадида, ҳукуматнинг меҳнаткаш халқ фойдасига қаратган ҳар бир тadbирини меҳнаткаш халқ зиёнига ишлатиш шиори остида иш олиб борган...»

(*Эшик тақиллайди*).

Келинг, домла.

РАҲМАТИЛЛА. Ассалому алайкум... Сухсуров.

МАҲРАМОВ. Ҳозир келади. Утиринг. Аҳвол!

РАҲМАТИЛЛА. Меҳмонлар кетишдимми?

МАҲРАМОВ. Кетишди.

РАҲМАТИЛЛА. Қалай...

(*Эшик тақиллайди. Раҳматилла уй эгасига ҳеч яқинлиги йўқ, фақат арз учунгина келганини билдириш учун, пойгакроқдаги курсига утиради. Иззатилла ҳожи киради*).

МАҲРАМОВ. Келинг, дада. Ҳа, нима бўлди?

ҲОЖИ. Ассалому алайкум. Эй, афандим, сиз ҳам шу ердами-сиз?.. Бугун станцияга 8 маротаба қатнадим. Жаҳон опангиз яна борсан дейдилар. Қолган бўлса яна уч арава мол қолди, шуни эртага азонда олиб келсам деган эдим.

МАҲРАМОВ. Утиринг.

ҲОЖИ. Йўқ, мен борай. Икки энлик хат қилиб беринг, кўп тиқилинч қилмасин.

МАҲРАМОВ. Нима қиласиз ўша билан нари-бери қилиб? Бор деса бораверинг-да. Мен бир нарса десам қайнотасига ён бо-саётибди деб гап чиқаради. Ўзингиз биласиз-ку.

ҲОЖИ (*утиради*). Тўғриси айтсам шу хотиннинг менга ҳў-жайинлик қилишига сира чидаёлмайман. Ҳамма нарсага чи-дайман, лекин шунга чидолмайман. (*Раҳматиллага*) Ҳамма иллат сизда! Сизда ҳамма иллат!! Қаёқдан ҳам ўшани қўйиб юбордин-гиз. Ҳамманинг бошига бало қилиб! Хотин қилиб, миясида данак чақиб юрабермайсизми! «Уни қил, буни қил», деса шу кекирда-гимни сугуриб олгандай булади-да. Тўғри гап ҳам, тирноғимнинг тагигача зирқирайди. Кечагина «чўл юриб» юрар эдинг, хайр эн-ди. Омадинг келипти — амалга минибсан. Мунча катталики! «Ара-вани қўшинг, станцияга боринг!» Яхшими шу?

МАҲРАМОВ. Ўзингиз ҳам тескарисиз-да, дада, нима десин бўлмаса?

ҲОЖИ. Ахир, хўп, қўш деса қўшайин, бор деса борайин. Мен йўқ дермидим? (*Упкаси тулиб*). Шу гапни силлиқроқ айтса ҳам булади.

МАҲРАМОВ. Қандоқ қилиб айтсин?

ҲОЖИ (*упкасини тугулмайди, гапиролмайди*). Эвида, газаб қилса...

РАМАТИЛЛА. «Ҳожи бобо, аравани қўшинг, станцияга бори-  
нг» деса ҳам ҳеч бокиси йўқ.

ҲОЖИ. Ундоқ ҳам демасин...

МАҲРАМОВ (*кесатиб*). «Мумкинми, аравани қўшсалар, мум-  
кинми станцияга борсалар» десинми?

ҲОЖИ. Бундоқ ҳам демасин! (*Бироз узини тутиб*). «Арава  
қўшилса қандоқ булар экан, станцияга борилса қандоқ булар  
экан?!» десин. Минг лаънат, хафа бўлсам!..

МАҲРАМОВ. Ол-а!..

РАҲМАТИЛЛА. Йў-ук, Шоабди Фаттоҳ, кулманг. Таъбингга  
утирмаган одам «Умринг узоқ бўлсин» деса ҳам қўлоғимга «сало-  
ти жаноза» бўлиб киради. Хўп денг. Анову тирранча бор-у, отини  
ҳам айтгим келмайди — тепки аравада Тошканга бориб келган  
бола. Шу ҳамиша менга «жадидсан» деб, хархаша қилиб юрарди.  
Утган йили Октябрь байрамида томошага чиқмаган эдим, «Жадид  
бўлганинг учун чиқмадинг, бизнинг байрамни кўролмайсан» деб  
самоварда усал қилди. Мана бу йил Май байрамига чиқдим.  
Олдидан жўрттага икки-уч нари-бери ўтдим. Ўзим билиб туриб-  
манки, мени кўрди, аммо, назаримда, кўрмагандай бўлаверди.  
Охири ўзимни билмасликка солиб, оёғини қаттиқ босиб олдим.  
Юраги гумириб кетди, йиғлаб юборди, мени итариб ташлади,  
сўқди... Қандоқ қилай, сўкса сукар... Мана шундоқ бўлади. (*Пау-  
задан кейин, қулиб*) Қайта шу хотинни ола қолинг, тинчийсиз.

ҲОЖИ (*аччиғи келиб ўрнидан туриб кетади*). Ўзингизга на-  
сиб қилсин! Сиз олинг — закунчисиз, бас келасиз!

СУҲСУРОВ (*киради*). Нима гап?

(*Жимлик*)

МАҲРАМОВ. Бу киши тагин Жаҳондан нолиб келиптилар.

СУҲСУРОВ. Тагин.

ҲОЖИ. Йўқ, мен... қачон нолидим?

СУҲСУРОВ. Мен сизга нима деган эдим? А?

ҲОЖИ (*ожизона*). Ахир, қандоқ қилай? Ўзимдан кичик бўлса  
ҳам «Жаҳон опа» деб гапирсам, «эркак кишиман, мартабам улуг»  
демасдан қўл қовуштириб турсам... Ҳадеб жеркийди, ҳадеб...  
(*Упқаси тулади*). Одамнинг хўрлиғи келади. «Ундоқ дилозор бўл-  
манг, мени ҳам Худо яратган», десам «Худо ит-пашшани ҳам  
яратган-да», дейди.

СУҲСУРОВ. Майли, ит-пашша деса, ит-пашша бўлиб қол-  
майсиз! Ичингизда «ўзинг ит-пашша» деб қўя қолинг.

(*Ҳожи чиқади*)

Гаплашдим, сизнинг айтганингиз тўғри чиқди. Эргашев  
«Тошканга боргунча қитигини ўлдириб оламан» дейди... Махра-  
мов, Ҳожи тажанг бўлиб чиқиб кетди. Жаҳон билан олишиб  
утирмасин тагин?

МАҲРАМОВ. Борайми?

СУҲСУРОВ. Боринг.

(*Махрамов чиқади*).

Хўш, домла?

РАҲМАТИЛЛА. Меҳмонларни кузатдингиз? Биродаримиз  
Мағнонов яхшимилар? Эргашев қалайлар?

СУҲСУРОВ. Иккови ҳам сизни кўпдан-кўп сўраб қўйди. (*Ку-  
лимсираб*.) Мағнонов сиздан хафа...

РАҲМАТИЛЛА. Нечук?

СУҲСУРОВ. Шундай яхши хотинни кўлдан чиқарадими, дей-  
ди.

РАҲМАТИЛЛА (*қулиб*). Ҳожининг тоза жонига тегипти-да. Не-  
га қўйдинг, деб мендан койияпти. Дийдори курсин. Узоқдан  
куриб қолсам, кўнглим озади-я! Қандоқ қилиб шу билан ўн йил  
умр қилган эканман — ҳайронман.

СУҲСУРОВ. Ҳозир уни Қурбоновга муовин қилиш фикри бор.

РАҲМАТИЛЛА. Қурбоновга муовин? Ҳм, ўша фаҳм, ўша фаро-  
сат билан муовин! Унча-мунча ҳам эмас, муовин-а!

СУҲСУРОВ. Фаҳм-фаросати йўқ дейсизми?

РАҲМАТИЛЛА. Элликча санолмас эди. Олтмишни, уч йи-  
гирма дер эди!.. Муовин!..

(*Пауза*)

СУҲСУРОВ. Бундай, домла. Мана бу сўз халққа бутун ҳақи-  
қатни очиб беради. Мағнонов жуда-жуда бетоқат бўлаётибди.  
Халқнинг кўзига қум сепиб, шу ҳақиқатни кўргани қўймастик  
керак. Бунинг учун халқни тайёрлаш керак, яъни савдо-таъминот  
ишларини...

РАҲМАТИЛЛА. Алал хусус, суд кунларида...

СУҲСУРОВ. Ҳа, баракалла, айниқса суд кунларида издан чи-  
қариб ташлаш зарур. Мана шундай қилиб козерга козер босма-  
сак... Ҳозирги қилиб юрган ишларимизнинг ҳаммаси бир пул!

РАҲМАТИЛЛА. Офарин!

СУҲСУРОВ. Қурбонов хом гушт, уни қўртлатиш осон, лекин  
мана бу пайт нозик бўлгани учун битта Махрамовнинг ўзи ёлғиз-  
лик қилиб қолади. Иккинчидан, ҳали сиз Жаҳонни менсимай-  
сиз-у, рафторига зеҳн солсангиз, бора-бора менга ўхшаганларни  
бенўхта минадиган бўлиб кетади, дейсиз. У Қурбоновни қўртлат-  
гани халал беради. Бу аниқ! Ҳали муовинликка кўтарилгани йўқ.  
Кўтарилгандан кейин кўрасиз! Энди гапнинг қисқаси шуки, за-  
кунчиликни ташлаб вақтинча бўлса ҳам шу ишга кирасиз. Бирин-  
чидан, Махрамовга ёрдам берасиз, иккинчидан, Жаҳоннинг бо-  
шини айлантириб диққатини ишдан четга тортасиз. «Бошим ёс-  
тиққа тегса қарайдиган кишим йўқ», деб бировга ҳасрат қилипти.  
Агар ярашишнинг иложини қилсангиз, ярашинг. У вақтда жуда  
ажойиб бўлади.

РАҲМАТИЛЛА. Тадбирини кўрарман.

СУҲСУРОВ. Фақат шу масалани қўйиб, унинг диққатини четга  
тортиш мумкин, холос, бошқа унинг сиз билан гаплашадиган  
гапи йўқ.

(*Пауза*)

РАҲМАТИЛЛА. Магар шундоқ буладиган бўлса... хуп.

СУХСУРОВ. Энди сиз, албатта, туғридан-туғри бу ишга утолмайсиз, нимагаки одамлар «Нима бўлиб бу зақунчи бу ишларга аралашиб қолди?» дейиши мумкин. Одамлар гумонсирамайдиган бир йўл топиш керак. Мен мулжаллаб қўйган бир-икки йўл бор, лекин ўзингиз ҳам уйланг. Қайси бегумон, қайси қулай бўлса шуни қиласиз.

РАҲМАТИЛЛА (бармоғини пешонасига қўйиб узоқ ўйлаб). Бир фикр келган эди, қочди. Аттанг, ҳозир... ҳозир...

## ИККИНЧИ ҚҮРИНИШ

Қурбоннинг қабулхона ва кабинети. Секретарь. Жаҳон магазин мудирини койиб киради.

ЖАҲОН. Ўзингиз биласиз, сарийғ камчил. Чайқовчиларнинг қўлига тушса бозорда килосини фалон пулдан сотади.

МУДИР. Ахир, ўртоқ Жаҳон опа, мен...

ЖАҲОН. Ўртоқ Қурбон келдими?

СЕКРЕТАРЬ. Йўқ.

МУДИР. Мен, ахир...

ЖАҲОН. Нима, мен? Неча кило сарийғ бердингиз?

МУДИР. 70 кило.

ЖАҲОН. Дунко очганда неча киши очероқ турган эди?

МУДИР. Санаганим йўқ.

ЖАҲОН. Яқин 40 киши! Мана, рўйхат! Бу кун сарийғ берилишини одамлар қаёқдан била қолди?

МУДИР. Билмасам...

ЖАҲОН. Мана, кўрдингизми, 30 киши олиб, 31-кишига келганда тамом бўлган эмиш.

МУДИР. Нега? 68 та туланган. Чекни ўз қўлим билан олдим.

ЖАҲОН. Бундан чикдики, 40-42 та чек очероқсиз ёзилиб берилибди-да.

МУДИР. Қайдам...

ЖАҲОН. Қаёқдан биласиз, шу 40 та чекни 40 киши очероқсиз ёздириб олганми, ё ҳаммасини бир одам олиб кетганми? Чекни ким ёзган?

*(Қурбон киради. Тажанг.)*

Ўртоқ Қурбон, бу кишига берилган 70 кило сарийғнинг тенг ярми ана унақа бўлганга ўхшайди. *(Мудирга.)* Эртага шуни бозорда чайқовчилар қўлида кўрасиз! Шу ҳам иш бўлдими? Чекни ким ёзган?

ҚҮРБОНОВ. Сарийғ? Нима экан дебман-а. Чайқовчи билан милиция курашади. *(Мудирга.)* Бораверинг. Иккинчи ундоқ қилманглр. Жаҳон опа, бу ёққа юринг.

МУДИР. Мен текшираман...

ЖАҲОН. Ўртоқ Қурбон...

ҚҮРБОНОВ. Юринг, юринг!

*(Жаҳон ҳайрон бўлиб унинг кетидан кабинетга киради. Мудир пешонасига битта уриб чиқади.)*

Ўтиринг! Шу маҳалда юрагингизга шунақа майда-чуйдалар сиққанига ҳайронман.

ЖАҲОН. Нима қипти?

ҚҮРБОНОВ *(қўйин дафтарини олиб варақлайди)*. Раҳматилла зақунчини танийсизми?

ЖАҲОН. Ҳа. Танийман. Эрим эди. Ажрашиб кетганмиз.

ҚҮРБОНОВ. Қанақа эр?

ЖАҲОН. Эр қанақа булади? Эр-да...

ҚҮРБОНОВ *(дафтарга қараб-қараб)*. Маҳаллий буржуазия манфаати вужудга келтирган жадидми, йўқми?

ЖАҲОН. Унақа болохонадор қўшимчасини билмайману ишқилиб мафкураси бузуқ, миллатчи бўлганини энди билдим. Ундан чиқиб кўзим очилгандан кейин билдим.

ҚҮРБОНОВ *(зўр қайғу билан)*. Шу одам бизга ишга кирмоқчи. Билмасангиз билиб олинг, уша эрингиз...

ЖАҲОН. Ҳозир эрим эмас.

ҚҮРБОНОВ. Уша ҳозир эрингиз бўлмаган одам *(дафтарга қараб-қараб)* маҳаллий буржуазия манфаати вужудга келтирган бир оқим бўлиб... Жадид! Шу одам бизга ишга кирмоқчи!

ЖАҲОН. Олманг-қўйинг.

ҚҮРБОНОВ. Ажаб бетамиз одамнинг гапини гапирасиз-а!.. Унинг қулоғи кар бўлиб қолган бўлса, зақунчиликка ярамаса, ўртоқ Сухсуров «Эски зиёлиларни кўчага ташлаб қўйиш сиёсатга туғри келмайди, иш беринг» деса — мен йўқ дейинми? «Сиёсатга туғри келмайди» деган гапни тушунасизми? Шунинг учун сиёсий тарихчиларни кўпроқ ўқинг, деб дод дейман-да! Сиз нуқул хисоб ўқийсиз! Беш карра беш — 25 бўлишини билмасангиз ҳам биров сизни жавобгарликка тортмайди: кулади-қўяди. Кулги кимни ўлдириптики, сизни ўлдирари? Аммо мана бундай масалаларда сиёсатга туғри келмайдиган иш қилиб қўйсангиз, мажлисга тушиб, кўпчилик олдида жавоб берасиз!

ЖАҲОН. Ундоқ бўлса ишга олинг.

ҚҮРБОНОВ. Ана энди!

ЖАҲОН. Ҳа, нима дейсиз, ахир?

ҚҮРБОНОВ. Азбаройи худо, шу... хотин киши минг қилса...

ЖАҲОН. Ҳа-ҳа, айтинг! Гапнинг оёғи оғзингизда қолмасин. Нима қипти хотин кишига? Аҳмоқ булар эканми?

ҚҮРБОНОВ *(шошиб)*. Мен аҳмоқ деяпманми? *(Жаҳон аразлаб тескари угирилади.)* Йўқ, айтинг, мен аҳмоқ деяпманми? Тавба...

*(Қабулхонага бир неча киши киради. Секретарь билан сўзлашиб диванга ўтиради.)* Ташвишим бошимдан ошиб ётибди. Жинни бўлибманми аҳмоқ деб... Аччиғи тез булади, демоқчи эдим.

ЖАҲОН (*жаҳл билан*). Ҳа!

ҚҮРБОНОВ. Албатта-да. Бошқа нима демоқчи буламан? (*Ул-калаб.*) Шу-да, сизларга бир маслаҳат ҳам солиб бўлмайди — дарров жеркиб ташлайсизлар. «Ўз ақлинг билан иш қилолмасанг, мудир бўлиб нима қиласан?» демоқчи буласизлар. Майли, биз шунақа, мудирликни эплолмаймиз, ақлимиз ҳам кам, иш ҳам билмаймиз, хур боламиз, аҳмоқмиз...

ЖАҲОН (*ҳайрон, унинг юзига бирпас тикилиб*). Мунча ширин бўлибсиз?..

(*Маҳрамов бир даста қоғоз олиб киради.*)

МАҲРАМОВ. Қўл қўйиб ташланг, ўртоқ Қурбонов.

ҚҮРБОНОВ. Кейин оласиз.

МАҲРАМОВ. Бугунги почтадан қолади.

ҚҮРБОНОВ (*бир нечасига ўқимасдан қўл қўйиб*). Арзимаган нарса вақтингни олади. (*Қунғироқни босади*).

СЕКРЕТАРЬ (*киради*). Лаббай.

ҚҮРБОНОВ (*бир парча қоғозга қўл қўйиб узатади*). Мана шунга қараб резинка подпись буюртиринг. Эртага тайёр бўлсин.

(*Секретарь чиқади*)

Подпись бўлса печатга ўхшатиб шатта-шатта босади-қўяди киши. Қачонгача қоғоз қирмалаб утираман.

ЖАҲОН (*қўл қўйган қоғозларни куздан кечириб*). Ўқимасдан қўл қўяётибсиз-ку, нимаси вақтингизни олади?

ҚҮРБОНОВ (*қўл қўйишдан бир тўхтаб*). Сиёсий хатоси йўқми?

МАҲРАМОВ. Йўқ.

ҚҮРБОНОВ. Мен ўқимасдан ҳам билавераман. Мен билганнинг мингдан бирини билган одам осмонга устун булади. Тажриба катта!

ЖАҲОН (*битта қоғозни курсатиб*). Ўртоқ Қурбонов, шунча картушка унни нима қиласиз? Қайси магазинга борсангиз, 1 қоп-2 қоп топилади. Зўрлаб бермаса, ҳозир магазин мудирлари олмайди.

МАҲРАМОВ (*ерга қараб, аччиғи келганини билдирмай*). Олади.

ЖАҲОН. Нима қилади?

МАҲРАМОВ. Қизиқсиз-а, Жаҳон опа!

ҚҮРБОНОВ. Шошманглар, ниманинг жанжали? Картушка-ун керак эмасми? — Бўпти. (*Қоғозни олиб, галадонга солиб қўяди*). Ажаб майда гап одамсизлар-а!

(*Пауза*)

Ўртоқ Маҳрамов, бизни яраштириб қўйинг. Аразлашиб қолдик.

МАҲРАМОВ. Нега?

ҚҮРБОНОВ. Ана у пес, Раҳматилла туфайлидан.

МАҲРАМОВ. Ушани ишга оладиган булсангиз, мен ҳам хафалашиб қоламан.

ҚҮРБОНОВ. Ахир, қандоқ қилай (*тутоқиб*) қандоқ қилай?! Ўртоқ Сухсуров...

ЖАҲОН. Ишга олишдан қўрқсангиз, ўртоқ Сухсуровга айтинг.

ҚҮРБОНОВ. Қўрқмайман. Мен Раҳматилла закунчининг нимасидан қўрқаман? Лекин... менинг нима деб жоним ҳалак? Мана, сиз, Маҳрамов ҳам бошқалар... ҳаммамиз тинч, беташвиш ишлаб келаётирмиз-а? Ўзимиз ишлай берайлик, галванинг кераги йўқ, дейман. Мен Раҳматилла закунчини ишга олишдан қўрқмайман. У келгани билан дарров бир нарса қилиб қўяқолмайди. Идора-миз пурх омбори эмаски, портлатса, завод эмаски, парракни тескари айлантурса. Лекин ҳалигидай бир балоси чиқиб қолса, ҳаммамиз ташвишга қоламиз, дейман.

МАҲРАМОВ. Рост.

ЖАҲОН. Ҳушёр буламиз.

ҚҮРБОНОВ. Тузук, ҳушёр буламиз, ахир, шу ҳушёр бўлиш ҳам бир ташвишми, йўқми? Ёмон кўрганим ташвиш. Ўғлимнинг ранги сира чиқмайди. Онаси духтирга курсатса «кўпроқ кўчада юрсин» деган эмиш. Ана гап! Мен уни кўчага чиқариб қўйиб, «вой извош босдим, вой автомобиль босдим» деб ташвиш тортиб ўтирар эмишман. Ранги чиқмаса чиқмас, катта бўлганда ўзи чиқариб олар.

ЖАҲОН. Нима қилгин, дейсиз бўлмаса? Олинг десак, йўқ десангиз, олманг десак, йўқ десангиз.

ҚҮРБОНОВ. Билсам сизга маслаҳат солиб утирармидим.

МАҲРАМОВ. Жаҳон опа икков ҳамма хизматчилар номидан иттифоқнома ёзса, ўртоқ Сухсуровдан шу одамни бошқа ёққа юборишни илтимос қилсак, қандай булади?

ҚҮРБОНОВ (*суюниб*). Шу қалай фикр? Фикрнинг ўғил бола-си шу эмасми?

ЖАҲОН. Нима кераги бор? Шу одамни ишга олмасликми? Ўртоқ Сухсуров билан ўзим гаплашаман!

ҚҮРБОНОВ (*қатъиятсизлик билан*). Мени орага қўшмасдан-а?

ЖАҲОН (*ўзини кулгидан зўрга тийиб*). Ҳа, хўп, қўшмайман. Сиз холис.

ҚҮРБОНОВ. Мени орага қўшманг, деганимга тагин... расми шунақа булади! Сизнинг бошингизга бирон иш тушса, мен сизни орага қўшмасдан боплайман...

ЖАҲОН. Бўпти. Ўзим тўғрилайман. Ташвиш тортмай қўяқолинг.

СЕКРЕТАРЬ (*эшиқдан*). Ўртоқ Қурбонов, сизга одам маҳтал бўлиб утирибди.

ҚҮРБОНОВ. Уйнаб утирибманми?

СЕКРЕТАРЬ. Нима дейя?

ҚҮРБОНОВ. Шуни ҳам мендан сураб утирасизми?

ЖАҲОН. Бир нарса денг-да! (Ирғиб туради ва чиқаётиб.) Ҳавасга кутиб утирадими? (*Чиқади.*)

Сизми?

БИРИНЧИ КИШИ. Салом, ўртоқ Жаҳон опа. Мен уч кундан буёққа ўртоқ Қурбоновга учрашолмайман. Мен қанд сўрасам, килоси 32 сўмлик конфет беришаётибди. Узингиз биласиз... *(Уни бир четга тортиб, гап маъқуллайди. Жаҳон диққат билан тинглайди. Кейин буларга секретарь ҳам кўшилади.)*

ҚУРБОНОВ. Бўлдими? Кўтаринг... Хотин кишига сиёсий ма-салаларни ўқтириш хўп қийин-да, ўртоқ Маҳрамов. Лекин ҳар қалай тушунди. Тушунтиргандан кейин тушунар экан-да.

МАҲРАМОВ *(қоғозларни йиғиштирар экан, уйланиб)*. Тушунтиришга-ку, тушунтирдингиз-а, лекин бир томони бор-да, ўртоқ Қурбонов. Жаҳон опа гаплашганда ҳам барибир ўртоқ Сухсуров сиздан кўрармикан, деб кўрқаман. «Жаҳон опани ўша ишга солган» деб ўйламасмикан?

ҚУРБОНОВ *(бушашиб)*. Шундай деб ўйлармикан?

МАҲРАМОВ. Қайдам. Сухсуров ҳам гўл одам эмасдир. Яна ўзингиз биласиз, оғзингизда илмингиз бор...

ҚУРБОНОВ *(уйланиб)*. Бу хом иш. Хом! Рост айтасиз, биро-дар. Шу ақлга келмапти. Ҳийла қиламиз деймиз-у, бу ёғидан хабар олмаймиз-да! *(Кўнгироқни босади. Секретарь киради.)* Ча-қиринг, Жаҳон опани!

СЕКРЕТАРЬ. Жаҳон опа, кирармишсиз.

ЖАҲОН. Ҳозир... *(1-кишига)* Юринг, гаплашамиз.

*(Иккови киради. 1-киши эшик ёнидаги диванга утиради)*

МАҲРАМОВ. Яна ўзингиз биласиз, бизга барибир-а, Жаҳон опа?

ҚУРБОНОВ. Жаҳон опа, кўйинг, ҳар қалай сиёсатга тўғри келади... *(1-кишини кўриб қолади)*. Хўш! Ким ижозат берди?

ЖАҲОН. Мен олиб кирдим, ўртоқ Қурбонов.

МАҲРАМОВ *(унга кўзи тушиб, шошиб қолади)*. Сиз... конфет тўғрисидами?

1-КИШИ. Қанд танқисроқми, ўзи?

ҚУРБОНОВ. Нима учун танқис бўлади?

1-КИШИ. Нима учун қанд деб келсам, килоси 32 сўмлик конфет берасизлар? Менинг дўконимдан кўпроқ колхозчи харид қилади.

МАҲРАМОВ *(дўқ уриб)*. Ким айтди сизга колхозчи конфет емайди деб?

ҚУРБОНОВ *(ундан ҳам ошириб)*. Хўш! Ким айтди сизга?

1-КИШИ. Сизларга ким айтди, колхозчи нуқул килоси 32 сўмлик конфет ёйди деб?

ЖАҲОН. Ўртоқ Қурбонов, қанд деса қанд бериш керак-да.

ҚУРБОНОВ. Мен йўқ деяпманми? *(Маҳрамовга.)* Нега бунақа қиласиз?

МАҲРАМОВ. Мен ўзим қилибманми? Қани наряд? *(Нарядни 1-кишидан олиб, Қурбоновнинг олдига ташлайди.)* Мана, ўзингиз қўл кўйгансиз.

ҚУРБОНОВ *(Нима дейишини билмай)*. Ўзи нима гап! Сизга қанд керакми? Бўпти-да! Беринг! *(Резолюция кўяди.)* Бўлдими? *(1-киши қоғозни олиб чиқади)*.

Қаёқдаги майда-чўйда гаплар билан овора бўласизлар! Жаҳон опа, кўйинг, ҳарқалай сиёсатга тўғри келадиган ишни қилайлик. Майли, ўша песни ишга олсак олақолайлик! *(Жаҳон Маҳрамовга қарайди. Маҳрамов елкасини қисади.)* Бу ерда мана Маҳрамов бор, сиз бор...

*(Сухсуров киради)*

СУХСУРОВ. Салом.

ҚУРБОНОВ *(гангиб)*. Салом, ўртоқ Сухсуров... Келинг, келинг... Чой, Жаҳон опа... Маҳрамов...

СУХСУРОВ. Хўш... Қалайсиз, Жаҳон опа?

ЖАҲОН. Юрибмиз...

*(Маҳрамов чиқади)*

СУХСУРОВ. Бу болалар боғчасини ҳақиқатдан жуда сиқиб кўйибсизлар. Нариги омборнинг эшиги буёқдан очилса тузук булар, деб ўйлаган эдим. Фойдаси йўқ экан. Ҳозир кўриб чиқдим. Энди ҳайронман.

ҚУРБОНОВ. Шундай, ўртоқ Сухсуров. Мен шу тўғрида яна олдингизга бормоқчи эдим. Шу масалани ҳал қилиб бермасангиз...

СУХСУРОВ. Хўш, Жаҳон опа, ўқиётибсизми?

ЖАҲОН. Ҳа...

*(Маҳрамов чой олиб киради.)*

ҚУРБОНОВ. Ўртоқ Маҳрамов, асалдан олиб чиқинг.

*(Маҳрамов чиқади.)*

Ўртоқ Сухсуров, жудаям ажойиб асал келганди. Кўринг, ёқса 3-4 кило олинг.

СУХСУРОВ. Ҳа-я...

*(Пауза)*

ЖАҲОН. Ўртоқ Сухсуров...

*(Маҳрамов асални олиб киради.)*

ҚУРБОНОВ. Қаранг.

СУХСУРОВ. Қани...

ҚУРБОНОВ *(Илжайиб)*. Қани, асалнинг яхшисини билармикинсиз...

ЖАҲОН. Ўртоқ Сухсуров, Раҳматилла закунчини...

*(Қурбонов кўрқиб кетади. Жаҳонни туртади. У тушунмайди.)*

Шу Раҳматилла закунчини бизга ишга юборган эмишсиз...

*(Қурбонов айтма деб ёлборади.)*

Шу одамни... *(Қурбонов қаттиқ туртади)*. Ҳа, нима дейсиз?

ҚУРБОНОВ. Қулим тегиб кетди, кечирасиз.

ЖАҲОН. Шу одамни биз... *(Қурбонов яна туртади.)* Шу одамнинг бизга ҳеч кераклиги йўқ.

*(Қурбонов мурда бўлиб қолади.)*

СУХСУРОВ. Ким? *(Бошини кутариб.)* Раҳматилла? *(Узоқ ўйлаб.)* Раҳматилла... Э... ҳа... қулоғи кар бўлиб қолган закунчими?

ЖАҲОН. Ҳа, ўша.

СУХСУРОВ. Бечора кар бўлиб қолган экан, ўзи ишга ярамайди. Мен сизга юборган эдим, келдимми?

ҚУРБОНОВ. Ҳали келганлари йўқ. Келсалар иш тайёр. *(Холини ишқалаб.)* Менимча, мана шу яхши!

ЖАҲОН. Ўзи эски жадид... Ҳали нима деяётган эдингиз, ўртоқ Қурбонов?

ҚУРБОНОВ. Асал дегани мана шундоқ бўлса...

СУХСУРОВ. Хўш, хўш?

ҚУРБОНОВ *(Жаҳонни туртиб)*. Бу пашшанинг қанотими? Йўқ, асаларининг қаноти — ҳа, йўқ, қанот ҳам эмас.

СУХСУРОВ *(кулиб)*. Тузук, тузук, мана шундай хушёр булиш керак. Илгаритдан шундай хушёр булганимизда фашист болалари Умархоновлар яна ҳам илгарироқ қўлга тушар эди. Ким айтди сизга жадид, деб.

ҚУРБОНОВ *(гангиб)*. Мен айтганим йўқ... Илгари бу кишининг эри булган эканлар.

СУХСУРОВ. Шунақами? Э...

ЖАҲОН. Ҳа, беш йил бўлди, ажрашганмиз.

СУХСУРОВ. Жадид бўлса булгандир, эски зиёли.

ҚУРБОНОВ. Кучага ташлаб қўйиш сиёсатга тўғри келмайди.

СУХСУРОВ. Қани, 1-2 кило беринглар бўлмаса.

*(Маҳрамов асал олиб чиқади.)*

Хўп, эртага менинг олдимга боринг.

ҚУРБОНОВ *(ёлборган вазиятда)*. Ўртоқ Сухсуров, ахир, мен...

СУХСУРОВ. Нима масаласини ҳал қиламиз.

ҚУРБОНОВ *(енгил тортиб)*. Ҳа-ҳа... хўп бўлади.

*(Ҳамма кузатиб чиқади, бирпасдан кейин Қурбонов киради.)*

*Ўзича*) Жадид бўлса булгандир, эски зиёли-да! Бу нима дегани?

ЖАҲОН *(киради)*. Ўртоқ Қурбонов, мени мунча туртдингиз?

ҚУРБОНОВ. Энди булар иш бўлди! Булар иш бўлди! Энди ишга оламиз. Столини сизнинг столингизга ёнма-ён қўйдириб бераман. Хушёр бўласиз.

*(Раҳматилла келади. Секретарнинг ҳай-ҳайлашига қулоқ солмай кабинетга киради.)*

РАҲМАТИЛЛА. Ассалому алайкум!

ҚУРБОНОВ *(ўзини йўқотиб)*. Келинг... домла.

РАҲМАТИЛЛА. Мен келдим.

ҚУРБОНОВ. Ариза ёзиб келдингизми?

РАҲМАТИЛЛА *(эшитмай)*. А?

ҚУРБОНОВ *(ишора билан)*. Ариза, ариза!

РАҲМАТИЛЛА. Нима дейдилар? *(Жаҳонни гўё таниб қолади.)*

Э, оппогим, сиз ҳам шу ерда ишлайсизми? *(Иккови сурашади.)*

ПАРДА

Иккинчи парда

БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Кантура. Танаффус чоғи. Жаҳон, Раҳматилла ҳар қайси ўз столида чой ичиб ўтирибди.

РАҲМАТИЛЛА *(газетани қўйиб, урнидан туради)*. Пахтамининг чопиқ плани 58 фоиз бўлипти, ударниклардан ўргилай... мана шу ўрикни енг, оппоққинам, ширинга ширин ёқади?

*Лабларинг лаълу жавоҳир, кузларинг ферузадай,*

*Икки бетинг қип-қизил — хумдонда пишган кузадай...*

ЖАҲОН. Ўрик бўлмай ўлсин, сўрганга ўхшайсиз-ку!

РАҲМАТИЛЛА. А?.. Ана шунақасиз-да, мен яхшилиқ қилсам, шунақа қиласиз! У кунни феълнингиз айниб турган экан, таъбингиз очилсин, деб ҳазил қилсам, дарров Маҳрамовга шикоят қилибсиз. Кеча омборга кирсам «Сиз нима учун Жаҳон опанинг қўйми-чига чертдингиз?» дейди... «Нима ишингиз бор, кўнглим тортипти, чертибман» дедим. Ажаб айтибманми? Рост-да, нима иши бор. Бир вақтлар бир ёстиққа бош қўйганмиз, ҳали бир-биримизга бегона булганимиз йўқ... Бегона бўлмаймиз ҳам. *(Пауза)* Мен кўр бўлмасам, мен расвойи олам бўлмасам, сиздай хотинни қўлдан чиқараманми?! Ақл десам ақлингиз бор, хўсн десам хўснингиз бор... Қаранг, ҳар бир кўзингизнинг таърифи бир китоб бўлади... бўлди-бўлди-да, турт оёқли от қоқинади-ю... Энди бўйин эгмоқ биздан, адолат сиздан. Ярашмаганингизга қўймайман.

ЖАҲОН. Ярашиб бупман!

РАҲМАТИЛЛА. Ундай деманг.

ЖАҲОН. Боринг-боринг! Хира бўлманг! Ёмон кўрганим хира одам. *(Бурилиб.)* Туянинг тиззасига ўхшаган бошинг курсин.

РАҲМАТИЛЛА. Агар ярашмасангиз...

ЖАҲОН. Ярашмайман! Ярашмайман!

РАҲМАТИЛЛА. Уволимга қоласиз.

ЖАҲОН. Нега ярашаман энди, хўш?

РАҲМАТИЛЛА. Яхши эр буламан, чизган чизгингиздан чиқмайман.

ЖАҲОН. Куз тутиб юринг. Мабодо жинни-пинни бўлиб қолсам, ярашарман.

РАҲМАТИЛЛА. Ўзимни ўлдираман.

ЖАҲОН. Қани энди шундоқ бўлса! *(Четга)*. Қурбонов ташвишдан қутулар эди.

*(Пауза)*

РАҲМАТИЛЛА *(ожизона)*. Ҳеч бўлмаса шундай шўхлик қилиб юрайлик.

ЖАҲОН (*кулимсираб*). Ҳим, дийдорингиз курсин.

РАҲМАТИЛЛА. А, оппогим, шундай шўхлик қилиб юраберамиз.

ЖАҲОН. Булди!

РАҲМАТИЛЛА. Лекин беғараз! Боғларга чиқамиз, томошаларга борамиз. (*Сочини силаб.*) Сочингизни нима билан ювасиз? Қатиқ биланми? Қатиқ билан ювманг, мақассар ёғи билан ювинг. Шундай ўстирадиги, буклаб-буклаб қўлтиқлаб юрасиз (*Сочини гижимлаб упади*) Бай-бай-бай!..

ЖАҲОН. Суюлманг!

РАҲМАТИЛЛА. Сочингизнинг ҳидини соғинибман, оппогим. (*Яна ўпади*).

ЖАҲОН. Булди дейман!

РАҲМАТИЛЛА. Йўқ, мен шундай... менинг бир ўртоғим бор эди — узи ун учта хотин олиб кўйган — шу қачон бировниқига борса, пайт пойлаб ёстикни ҳидлар эди. Ҳа, десам, «Бировнинг хотини бош кўйган ёстикни ўзимнинг хотинимдан ҳам яхши кўраман», дер эди.

(*Жаҳон қаттиқ кулади. Қўшилишиб кулиш баҳонаси билан унинг буйнига қўл ташлаб, ушлашга интилади. Жаҳон туриб кетади.*)

ЖАҲОН. Бу нима аҳмоқчилик! Ҳай, улинг!

РАҲМАТИЛЛА. Азбаройи худо, ёстик ҳидлаганини ўз кўзим билан кўрганман... Тағин битта «ўлинг» денг. «Ул» деган гапни ҳам шундай ширин қилиб айтасизки, одамнинг баҳри очилади.

ЖАҲОН. Боринг, жойингизга утиринг!

РАҲМАТИЛЛА. Ҳазил, оппогим, ҳазил... Шундай ҳазил-мутойибалар қилиб вақтимизни чоғ қиламиз-а. Майлими? А, оппогим?

ЖАҲОН. Бориб жойингизга ўтирасизми, ё одам чақириб шарманда қилайми?! (*Раҳматилла чуқур уҳ тортиб, жойига бориб утиради.*)

ҚУРБОНОВ (*киради*). Уф... хўш, Жаҳон опа, ҳеч сир ололдингизми?

ЖАҲОН. Қандоқ сир олар эдим!

ҚУРБОНОВ. Ҳеч нарса дейдимми?

ЖАҲОН. Нима дер эди, безгак пашшага ўхшаб қулогимнинг тагида гингир-гингир қилиб утиради.

ҚУРБОНОВ (*қуйин дафтари олади, ёзишга тайёр*). Нималар дейди? Нима деган бўлса шуни айтаберинг, ўзим мағзини чақиб оламан. Сиз тушунмайсиз.

ЖАҲОН (*гаши келиб*). Ҳеч нарса дегани йўқ.

МАҲРАМОВ (*шошиб киради*). Ўртоқ Қурбонов, чиқасизми?

ҚУРБОНОВ. Нима эди?

МАҲРАМОВ (*бир даста қоғоз курсатиб*). Қўл кўйиш керак.

ҚУРБОНОВ. Безор бўлдим-да! (*Қўлини чиқариб беради.*)

Манг, ўзингиз босиб ола қолинг! (*Маҳрамов Раҳматилланинг столида қоғозларга қўлини боса бошлайди*).

ЖАҲОН (*четга*). Мудирлик ўлсин шунақа бўлса!

ҚУРБОНОВ (*бир четда утириб, ўзича*). Зап қийин-да: бу қанақа одам, деб бировдан материал сурасанг, Сухсуров эшитиб қолса, хафа бўлади. Узи шунча вақтдан бери ёрилиб бир нарса демайди. Туриб-туриб, олимлардан ҳам хафа бўласан киши! Ой куйгудай бўлса дурбинни кўтариб югургани-югурган, бу ерда менинг ичимга ўт тушиб кетаётпти — биронтаси бунинг чораси бундай бўлади, демайди!

ЖАҲОН. Ўртоқ Қурбонов, идоранинг ишини буткул ташлаб қўйдингиз-ку. Нима бор, нима йўқ, нима келмаётпти, нима берилаётпти — ҳеч ишингиз йўқ, қарамайсиз.

ҚУРБОНОВ. Одам диққат бўлиб турганида гингший берманг! Нега билмас эканман?

ЖАҲОН. Вой, мен гингшиганим йўқ.

ҚУРБОНОВ. Билмайсан, билмайсан! Мен билганинг мингдан бирини билган одам осмонга устун бўлади! Одамнинг дилидагини билмайман, холос, бошқа барини биламан.

ЖАҲОН. Билмайсиз деганим йўқ, қарамайсиз дедим.

ҚУРБОНОВ. Мен қарамасам ҳам билавераман.

ЖАҲОН (*юзини тесқари ўгириб*). Биласиз-ҳа, биласиз! Шунча қоғозга ҳозир жуда билиб қўл қўяётирсиз!

(*Раҳматилла Маҳрамовни туртади.*)

МАҲРАМОВ. Жаҳон опа, мумкинми оғзингизга қараб гапирсангиз?

Нима, мен ўртоқ Қурбоновни алдайманми?

(*Қоғозларни Жаҳоннинг олдига ташлайди.*) Мана, ўқинг!

ЖАҲОН. Зардангизни хотинингизга қилинг! Сизга биров бир нарса деяётгани йўқ!

МАҲРАМОВ. Бировни муттаҳам қилманг-да, бўлмаса!

ҚУРБОНОВ. Шу гапларнинг нима ҳожати бор? Мен кимман?

ЖАҲОН. Қурбонов.

ҚУРБОНОВ. Амалим нима?

ЖАҲОН. Мудир.

ҚУРБОНОВ. Демак, ҳар ишга мен жавобгарми?

ЖАҲОН. Мен жавобгарлик тўғрисида гапираётганим йўқ. Бунақа экан, қулингизни ип боғлаб ана у ерга осиб кўйинг, керак одам шатта-шатта босиб олаберсин.

МАҲРАМОВ. Яқин бир ойдан бери Жаҳон опам ўзлари менга тесқари бўлиб юриптилар. Ўзим билиб юрибман. Бугун ёрилдингиз.

ҚУРБОНОВ. Булди, гапни чўзманг. Булдингизми? Йиғиштиринг. Боринг. Сиз ҳам улардай тез бўлибсиз.

(*Маҳрамов чиқади.*)

Сиз ҳам жуда... тезсиз, Жаҳон опа! Арзимаган нарсани катта гап қиласиз... Ана шунақа майда-чўйда нарсалар билан овора бўлиб, бундан беҳабар қолаётибсиз.

ЖАҲОН. Нимасидан беҳабар қолаётибман, нима қилай?

ҚУРБОНОВ. Э, ҳали ҳам тушунмайсиз-а! Гапга солинг, дейман. Нима деса маълумотни менга беринг!

ЖАҲОН. Нима қиласиз?

ҚУРБОНОВ. Сиз менинг айтганимни қилаберинг, кейин биласиз. Бундай қилинг: бир хонлар замонасини мақтаб кўринг-чи, нима дер экан. Хўпми? Шундай қилинг *(чиқади)*.

МАШИНИСТКА *(йиғлаб киради)*. Жаҳон опа, ўртоқ Қурбонов мени ишдан бўшатиб қўйиптилар.

ЖАҲОН. Нега?

МАШИНИСТКА. Билмасам, секретарга «Бунақа машинистка керакмас» дептилар.

ЖАҲОН. Нега, ахир?

МАШИНИСТКА. Сиёсий хатога йўл қўйган эмишман.

ЖАҲОН. Нима қилдинг?

МАШИНИСТКА. Машинкамда «и» ҳарфи йўқ, синган. Юринг, ўзингиз кўринг.

ЖАҲОН. Нима бўпти?

МАШИНИСТКА. Юринг, юринг, Жаҳон опа, ўз кўзингиз билан кўринг.

*(Иккови чиқади)*

МАҲРАМОВ *(киради, у ёқ-бу ёққа кўз ташлаб, Раҳматилланинг олдига келади)*. Кўрдингизми, манжалақини!

РАҲМАТИЛЛА. Юзи курсин! Ярашининг ҳеч ҳисоби йўқ. «Туянинг тиззасига ухшаган бошинг курсин» дейди. Бошқасига ҳам кўнмайди.

МАҲРАМОВ. Суд шу ойнинг охирида бошланадиган бўлиб қолибди. Сухсуров Тошкентга кетди. «Вақт зик, домла арқонни узоқ ташлаб, Жаҳон билан овора бўлиб утирмасинлар, иш бошланглар» дейди. Қурбонов билан Жаҳоннинг орасини қаттиқ буздинглар, иккови бир-бири билан овора бўлиб қолади, дейди. Ундан кейин... *(қулоғига пичирлайди. Секретарь киради. Уларни кўриб ҳайрон бўлади ва тисарилиб, пойламоқчи эди, домла пайқаб қолади)*.

РАҲМАТИЛЛА. Ахир, йилингиз илонми? Илон бўлса бас; мор, асп, гўспанд, хўш... ҳамдуна, мурғ, сак! Мана, бир кам 40 га кирибсиз-да!

МАҲРАМОВ. Демак партизан бўлиб юрган вақтларимда йигирма яшар йигит эканман-да.

РАҲМАТИЛЛА. А?

МАҲРАМОВ. Тўғри! Тўғри!

СЕКРЕТАРЬ. Сизни ўртоқ Қурбонов йўқлаётибди.

*(Маҳрамов чиқади. У ҳам чиқмоқчи эди, Жаҳоннинг товушини эшитди. «Месткомга ариза бер!» Тўхтади. Жаҳон киради.)*  
Нима гап?

ЖАҲОН. Ўртоқ Қурбонов машинисткани ишдан бўшатипти.

СЕКРЕТАРЬ *(қулиб)*. «Мудир» деган сўзни «мудр» ёзган экан.

ЖАҲОН. Нима бўпти?

СЕКРЕТАРЬ. Ҳайронман. *(Секин)*. Жаҳон опа, бу домлангиз кар-пар эмас-ку.

ЖАҲОН. Нега?

СЕКРЕТАРЬ. Кирсам, Маҳрамов билан пичирлашиб гаплашиб турипти.

ЖАҲОН. Бе!..

СЕКРЕТАРЬ. Одам эмасман!

ЖАҲОН *(уйлаб)*. Маҳрамов билан?

СЕКРЕТАРЬ. Мени кўриб, гапни чалгитди.

ЖАҲОН. Ким гапирётган экан?

СЕКРЕТАРЬ. Маҳрамов!

ЖАҲОН. Назарингизга шундай кўрингандир.

СЕКРЕТАРЬ. Қизиқсиз-а! Ҳозир кўлга тушириб берайми?

ЖАҲОН. Хайр...

СЕКРЕТАРЬ *(домланинг олдига боради. Секин)*. Домла! Ҳа, домла! Домла!!!

РАҲМАТИЛЛА *(қулоғини тутиб)*. Кўнғиз учдими? *(Секретарга кузи тушади.)* Э, бутам, келинг. Хизмат?

СЕКРЕТАРЬ *(секин)*. Уйингизга ўт тушипти-ку. Ҳамма ёқ ёниб кетибди.

РАҲМАТИЛЛА *(ҳаяжонини яшириб)*. А? Нима дедингиз? *(Жаҳонга.)* Нима дедилар?

ЖАҲОН *(секин)*. Уйингизга ўт тушибди. Дарров боринг.

РАҲМАТИЛЛА. А? Англамадим.

СЕКРЕТАРЬ *(Жаҳонга)*. Ё индамай кўя қолайликми? Бўлар иш бўлгандан кейин бориб нима қилади?

ЖАҲОН. Борганлари яхши-да, қолган-қутган нарсаларини биров олиб кетмайдими?

РАҲМАТИЛЛА. Нима дедингиз, бутам, зарур гапга ўхшаб қолди.

СЕКРЕТАРЬ. Бунақа ўт кетишда нарса қоладими? Қўйинг. Айтмайлик. Биратўла билар. *(Домлага қаттиқ товуш билан.)* Шафтолу ейсизми?

РАҲМАТИЛЛА. Йўқ, бутам, бир луқма овқат еган эдим, қорним оғриб турипти. Жиндай қанд чой ичай, зора босилса. Буфет очикмикин? *(Эшикка томон йуналади. Секретарь Жаҳонга кўз қисади)*.

СЕКРЕТАРЬ. Домла, шимингиз тушиб кетди.

*(Домла ихтиёрсиз шимига қул югуртиради. Секретарь, Жаҳон бир-бирига қарайди.)*

РАҲМАТИЛЛА *(гангиб)*. Бу сабил қаёқда қолди... Бутам, пулингиз борми? Уттиз тийин беринг.

СЕКРЕТАРЬ. Ўтиринг, чойни ўзим келтириб бераман.

РАҲМАТИЛЛА. Йўқ.

*(Секретарь пул беради. Чиқиб кетади)*

СЕКРЕТАРЬ. Кўрдингизми?

ЖАҲОН. Чиқиб орқасидан қаранг-чи?



СЕКРЕТАРЬ (*қараб киради*). Югурганича уйига қараб кетди.

ЖАҲОН. Вой улсин!

СЕКРЕТАРЬ. Бунинг маъниси нима? Нега ўзини карликка солади?

ЖАҲОН. Сухсуровга бориб, «карман, закунчиликка ярамайман» деган-да.

СЕКРЕТАРЬ. Кар эмаслигини Маҳрамов билар эканда.

ЖАҲОН. Шуни айтинг. Мен Сухсуровнинг олдига бораман.

СЕКРЕТАРЬ. Сухсуров Тошкентга кетди.

ЖАҲОН. Бунинг ишга олинишига Маҳрамов тиш-тирноги билан қарши турган эди-ку. Сухсуров булмаса, бунинг маълумотини кимга берамиз?

*(Иккови ўйланиб қолади. Қурбонов киради. Секретарга имо қилади. У чиқади.)*

ҚУРБОНОВ. Хуш, Жаҳон опа, қалай?

ЖАҲОН (*уйлаб*). Ҳеч...

ҚУРБОНОВ. Ҳеч нарса демадимиз? Хонлар замонасини мақтадингизми?

ЖАҲОН (*кулиб*). Мақтадим.

ҚУРБОНОВ (*дафтарни олади, ёзишга тайёр*). Хуш, хуш, нима деди?

ЖАҲОН. Жуда кўп нарса деди. (*Кулгисини яшириб.*) Хонлар замонидан!.. ҳалиги... товуклар қўш-қўш туғар эди, ҳозир...

ҚУРБОНОВ. Ана! Ана! Айтмадимми? Ҳозир туғмайди — шундайми? (*Ёзади.*) «Хонлар замонасида товуклар ҳар туққанида қўш-қўш туғар эди». Кўрдингизми, ёлгонга тўн кийгизади, хонлар замонасини мақтайди. Булмаса ҳеч замонда товук ҳам эгизак туғадими!

ЖАҲОН (*кулгисини яшириб*). Ёзиб нима қиласиз?

ҚУРБОНОВ. Тагин нима деди?

ЖАҲОН. Шу, холос. Ёзиб нима қиласиз?

ҚУРБОНОВ. Қизиқмисиз? Ахир, материал!

ЖАҲОН. Сухсуровдан кўрқмайсизми?

ҚУРБОНОВ. Нега?

ЖАҲОН. Мен юборган одамнинг устидан материал тўплапти демайдими?

ҚУРБОНОВ. Материал бўлгандан кейин мен ҳеч кимдан кўрқмайман! (*Уйлаб бушашади.*) Шундай деб уйлармикин?

ЖАҲОН. Кўрқар экансиз-ку?

ҚУРБОНОВ. Кўрқмайман! Ҳалиги гапни гапирган бўлса... Кўрқиш керакмасдир?

ЖАҲОН. Жўрттага айтдим. Ҳеч нарса дегани йўқ.

ҚУРБОНОВ (*жонланиб*). Йўқ, туғрисини айтинг!

ЖАҲОН. Айтгани йўқ. Машинисткани нега ишдан бушатдингиз?

ҚУРБОНОВ. Ҳа, айтгандай... Ўзини ўзи мақтаган одамни аҳмоқ дейишса деяр, майли, битта мақтаб қуяй. Бу мақтаниш ҳам

эмас, бўлган иш. 21-числода шу машинисткангизга бир дона алоқа ёздирдим. Қарасам, «мудир» деган сўзни «мудр» ёзипти. Хайр, хато қилгандир дедим, аммо дафтарга ёзиб қўйдим. 29-числода яна бир дона алоқа ёздирдим, қарасам яна «мудр»! Хайрон бўлдим, яна дафтардан утказиб қўйдим: кейин ўзига бориб айтдим. «Билмабман, хато қилибман» деди, аммо қип-қизариб кетди. Шошма, дедим ичимда, бу қизаришда бир гап бор. Жўрттага анчагача ҳеч нарса ёздирмай юриб, шу ойнанинг 5-числосида яна бир дона алоқа ёздирдим. Қарасам, яна «мудр»! Хўш, ўзи нима гап! Нима учун систематик равишда «мудр» ёзади! Секин суриштирдим, «мудр»нинг сирини ундан-бундан сурадим. (*Жуда аҳамият бериб.*) Маълум бўлдики, «мудр» дегани аллақайси тилда экан! Кеча жўрттага яна бир дона алоқа ёздирдим, яна «мудр»! Хўш, десам, машинкамда «и» ҳарфи синиб қолди, деб эгилди, «мудр» деб ёзганларини тан олмайди! Бунақа макр-ни эрингга ишлат, дедим. Ҳайдадим! Боплабманми?

ЖАҲОН. Йўқ.

ҚУРБОНОВ. Нега?

ЖАҲОН. Машинкада «и» ҳарфи йўқ, ўз кузим билан кўрдим.

ҚУРБОНОВ. Фош булишини билганидан кейин ўзи синдирган-да, ўзи синдирган! Нега булмаса бошқа ҳарфлар синмайди.

*(Раҳматилла киради.)*

РАҲМАТИЛЛА. Ассалому алайкум... э, уртоқ Қурбонов... Таълим берса тунғиз ҳам одам бўлади, деганлар. Дарҳақиқат, уша таълимингиздан кейин уйимда машқ қилиб, энди ҳисоб-китоб ишига анча тузук бўлиб қолдим. Раҳмат, биродар, ишқилиб сизнинг раҳбарлигингиз остида, қулоғим қар бўлса ҳам, ҳукуматимизнинг бир ишига яраб турибман. Эндиликда этагингизни ушлаганим-ушлаган. Қайси йулга бошласангиз юраман.

ҚУРБОНОВ (*керилиб*). Яхши. Сиёсий дарсларга келиб турибсизми?

РАҲМАТИЛЛА. Албатта. Наинки қолсам. Тўрагимизнинг раҳбари тузук, ёмон демайман, аммо сиздай бақувват киши утирганида ўзини йўқотиб қўяр экан. Масалан, мана кеча...

ЖАҲОН. Кеча бу киши йўқ эди.

РАҲМАТИЛЛА. Қайси кун савол берганингизда кўп саросима бўлди.

ҚУРБОНОВ (*ғурурланиб, Жаҳонга*). Нима деб савол берган эканман?

РАҲМАТИЛЛА. Шу саволингиздан ҳамма хурсанд бўлди, чунки ҳаммага керак, аммо ҳеч кимнинг хотирига келмаган саволни бердингиз. Яъни, дедингизки, «Синфий хушёрлик асосан неча моддага бўлинади ва қайсилар?» (*Жаҳонга, таъкидлаб.*) Асосан! Гапнинг маъзини кўринг — асосан!

ЖАҲОН (*четга*). Улсин, шунинг маъзи бўлса!

РАҲМАТИЛЛА. Раҳбар кўп танг бўлди, хижолат тортигандан кулиб юборди.

ҚУРБОНОВ (*оғзи қулоғида*). Сиз нега савол бермадингиз? Савол бериш керак. Жаҳон опа, бу фалокат унча ёмон одамга ухшамайди-ку: сиёсий масалаларга туппа-тузук тушунади.

ҲОЖИ (*киради*). Уртоқ Қурбонov, араванинг ўқи синиб қолди.

ЖАҲОН. Нега синди?

ҲОЖИ (*қул қовуштириб, заҳаромуз*). Нега синдинг деб сўраганим йўқ. Синди, хуб деб келабердим.

ҚУРБОНОВ. А, Жаҳон опа, бу пес туппа-тузук-ку.

ЖАҲОН. Араванинг ўқи синибди. Эртадан кейин мол келади.

ҚУРБОНОВ (*Ҳожига*). Утира туринг. А, Жаҳон опа?

## ИККИНЧИ КҮРИНИШ

ТИЛЛА БОБО (*киради*). Ассалому алайкум, яхшилар.

ЖАҲОН. Келинг, Тилла бобо, бу ёққа... невара қуллуқ бўлсин.

ТИЛЛА БОБО. Қуллуқ, қизим, қуллуқ. Келиним шундай бир қиз туғиб бердики, нимасини айтасан!.. Ҳа... туғруқхонада дарров тортиб ҳам қуришипти — ун бир ярим қадоқ келса-я!

ЖАҲОН. Вой...

ТИЛЛА БОБО. Шунинг учун бола бечора қийин туғилиб дегин... духдурлар ҳам улмасин — улик туғилган болани тирилтирипти. Менинг кампиримнинг йиғлаганини кўрсанг: хўнг-хўнг йиғлайди. Ҳой имонсиз, нега йиғлайсан, десам, хўнг-хўнг йиғлайди, ҳеч узини тутолмайди. «Менинг ёшлигим совет замонида утканда — битта бола билан қолармидим» дейди. Нафсамбирига ун учта бола туғиб, битта бола билан қолган-да.

ЖАҲОН. Ростдан ҳам, бир ўйласангиз ўша замонда болабечоралар бекордан-бекорга нобуд буларди.

ТИЛЛА БОБО. Асти қуй. Рабочий олинган йили туғилган ўғлим икки яшарликда — тили чиқиб айни ширин бўлган вақтда ўлди. Шу боланинг қандоқ касал бўлганини Тўхтасиннинг қизига айтиб берсам — у ҳозир дўхтур бўлган — болангиз госпадин лўкки бўлган экан, тузаладиган касал эди, дейди.

ЖАҲОН. Эсизгина...

ТИЛЛА БОБО. Қара, алам қилмайдими?

ҚУРБОНОВ (*турни тортиб*). Бу нима, ота?

ТИЛЛА БОБО. Мен шуни сизлардан сўрагани кирдим. Бу нима ўзи, балиқ тутадиган тўрми?

ҚУРБОНОВ. Тўр...

ТИЛЛА БОБО (*Жаҳонга*). Шу неварамга битта беланчак олай деб, шу бугун кирмаган магазиним қолмади. Битта магазинда шуни беришди. «Икки буклаб, икки ёғига арқон боғласангиз беланчак бўлади» дейди, яна кулади.

ҚУРБОНОВ. Бўлади, бўлади. (*Қулочлаб улчаб.*) Албатта, бўлади!

ТИЛЛА БОБО. Бўлишга булар-ку, ахир, нега беланчакнинг узини сотмайди. Мудирларингнинг эсига қуйдирги чиққанми? Ким мудирларинг?

ЖАҲОН (*ичдан суюниб*). Ўзлари!

ТИЛЛА БОБО. Э, шундайми? Ҳа, майли... Ахир, районимизда на балиқчи бор, на балиқ овлайдиган жой бор. Магазинларда нимага тўр сотади?

ҚУРБОНОВ (*дўқ аралаш*). Ким заявка берган?

ЖАҲОН. Билмадим.

ҚУРБОНОВ. Маҳрамовни топиб келинг!

(*Жаҳон чиқади.*)

ҲОЖИ. Аравага янги ўқ солдирайми?

ҚУРБОНОВ. Шошманг, ҳозир...

ТИЛЛА БОБО (*кўзойнагини тақиб, Ҳожига қарайди*). Э, ҳой, сен Иззатилла ҳожи эмасмисан? Қани, сўрашиб қўяйлик. Бу ерда нима қилиб юрибсан?

ҲОЖИ (*ерга қараб*). Арава миниб...

ТИЛЛА БОБО. Арава миниб?

(*Жаҳон билан Маҳрамов киради.*)

МАҲРАМОВ. Уртоқ Қурбонov, заявкага узингиз қул қўйгансиз. Мана...

ҚУРБОНОВ. Мен? (*Қоғозни қуриб.*) Тавба... Пайқаманган эканман-да. (*Яна қоғозга тикилиб*). Тўр. 210. Тездан беланчакка заявка берилсин. Турни қайтиб беринг, ота, бошқа харидор чиқиб қолар. Беланчак келганда оласиз.

ЖАҲОН (*таънали*). Барини биласиз! Осмонга устун буласиз. (*Қурбонov Жаҳонга хўмрайди. Лекин ҳеч нарса деёлмайди.*)

ТИЛЛА БОБО. Битта қоғоз ёзиб беринглар, бўлмаса, қайтиб олмайди.

(*Қурбонov қоғоз ёзиш билан машғул. Икки-уч марта бузилди. Қайтадан ёзади.*) Аравакашлик қилаётиман, дегин.

(*Маҳрамов чиқади.*)

Буни биласанми, қизим? Аравакашлик қилгани нечун буйнинг ёр берди? Бу хуб давр сурган-да, ука. Мана шу Пастқуруқдан Янги Чеккагача ҳамма ер шуники эди. Ун олтига от-араваси бор эди. Эҳ-ҳе, давлат демаганингиз... Энди аравакашман, дегин.

(*Жаҳон узида йўқ хўрсанд.*)

Ҳой, бу бизнинг ҳукуратимизни, дейман, хўп ҳам ёмон кўрасан? А?

ҲОЖИ. Ҳеч-да...

ТИЛЛА БОБО. Ҳа, яхши кўрасанми, бўлмаса? А?

ҲОЖИ (*узоқ унғайсизлангандан кейин*). Ҳа...

ТИЛЛА БОБО (*қулиб*). Нимасини яхши кўрасан? А? Ростини айт-чи, нимасини яхши кўрасан?

ҲОЖИ (*Қурбонovга*). Аравага ўқ солдирайми?

ТИЛЛА БОБО. Шошма, аввал жавоб бер, нимасини яхши кўрасан? А?

ЖАҲОН. Айта қолинг энди!  
ТИЛЛА БОБО. Ҳе, яхши кўрганингдан Ҳайдаралига «Калинин  
ўзбекча билмайди» деган экансан-да!

ҲОЖИ. Қачон? Ё қудратингдан... қачон айтибман?

ТИЛЛА БОБО. Айтгансан! Ҳайдарали эшигининг орқасига  
ёзиб қўйган, қайси числода, қайси соатда айтганинг ҳаммаси  
бор!

ҚУРБОНОВ (*аввал Жаҳонга қараб, қатъиятсизлик билан*). Тўғ-  
ридир, ота, Калинин ўзбекча билмайди.

ТИЛЛА БОБО. Биламан, лекин шу гапни айтишда ҳам айтиш  
бор-да. Мана менадан биров сўраса, тўғри «билмайди» деб қуя  
қоламан. Бу тўғри айтган эмас-да, мана бундоқ афтини буришти-  
риб айтган, тескари ташвиқотга буриб айтган.

ҲОЖИ. Ё қудратингдан!

(*Қурбонов кўйин дафтариини очиб ёзади.*)

ТИЛЛА БОБО. Унсурнинг оғзидан тўғри гап ҳам эгри бўлиб  
чиқади. Ўзбекча билмас эмиш! Ўзбекнинг тилини билмаса ҳам,  
ўзбекнинг дилини билади. Мана, дил эътибор!

ҚУРБОНОВ (*жуда аҳамият бериб*). Албатта!

(*Жаҳон унга қараб мийигида кулади.*)

ТИЛЛА БОБО. Дилни билгандан кейин тилни билмаса ҳам  
майлига! Мана, сен-ку, уша, давр суриб юрганинга менинг тил-  
лимни билар эдинг, нега «Уламан, худо хайр берсин, иккита нон  
олиб бер» деганимда, «Ун пиёла совуқ сув ичсанг, кейин олиб  
бераман» деган эдинг! Мен сенга сувсадим деганмидим? Мана.  
кўрдингми, дилимни билмаганинг учун тилимга ҳам тушунмай,  
нон сўрасам, сув берган эдинг. Қишда менга ўн пиёла совуқ сув  
ичирмоқчи бўлгани сира-сира эсимдан чиқмайди, ука.

(*Қурбонов ёзади.*)

Уша қиш жуда-жуда абгор бўлиб қолдим. Эр-хотин ўзимиз-  
ку, қаноат қилар эдик, ҳозирги ўғлим ёш эди, йиғлаб юрак-  
бағримни эзиб юборди. Самоварга чиқсам, шу ўтирипти. Мен  
уйладим, шунча бадавлат одам, наинки иккита нон сўрасам, йўқ  
деса. Секин ёнига бориб, ҳалигидай, шунақа десам, «Ун пиёла  
совуқ сув ичсанг, кейин олиб бераман» дейди-да! Ҳа, дедим,  
ичаман, шунча давлатинг бўлса, айш-ишрат қилсанг-у, яна икки-  
та нон тилаган бир чолни ҳам масхара қилиб кулгинг келадими?  
Хўп, дедим, ичаман! Пиёлани олиб шундай хумга ботирган эдим,  
шу ерда утирган бир йигит иргиб урнидан турди-ю, қўлимдаги  
пиёлани олиб кўчанинг ўртасига улоқтириб юборди. Кейин, ус-  
тидаги тўнани ечиб, «Халойиқ, — деди, — мана шу тўн ун уч  
танга билан баҳо бўлган, кийганимга ҳали ҳафта бўлгани йўқ,  
ким шу чолга ўн танга берса, тўн шуники», деди. Бу киши ён-  
бошлаб кулиб ётиптилар!

ҲОЖИ. Ҳеч-да...

ТИЛЛА БОБО. Дард-э!.. Яна бир йигит туриб, ҳалиги йигитга  
«Кий тўнингни, мана пул» деб қўлимга икки сўлкавой берди.

Ҳаш-паш дегунча униси биттанга, буниси ярим сўм ташлаб, бир  
вақт ҳалиги йигит санаб қараса, уттиз етти танга пул тупланипти.  
Шу ерда ҳеч ўзимни туюлмадим. Баралла, ёш боладай хунграб  
йиғлаб юбордим.

ҲОЖИ. Мен ҳам берганман.

ТИЛЛА БОБО (*чинчалоғи билан кўзига келган ёшни сурта-  
ди*). Ҳа, кейин бу ҳам икки танга ташлаган эди, ҳалиги йигит  
қайтариб берди, менга «олманг», деди. Сен шундақа одам  
эдинг! Мана шу ҳозирги исполком бор-ку, шунинг отаси Тўхта-  
син ўшанда йиғлаган эди.

(*Қурбонов ёзади.*)

Хўш, энди нима дейман? Ҳозир ётқизиб оғзингга йигирма  
пақир сув қуяйми?

ҲОЖИ. Мен сизга бир нарса деяпманми?

ТИЛЛА БОБО. Эй-эй!.. дегин бўлмаса! Деб кўр-чи! Ҳаддинг  
борми? Мусофирнинг думи қисик бўлади. Бизнинг давримизда  
сен мусофирсан! (*Керилиб.*) Энди менга сен ҳеч нарса деёл-  
майсан! Сен унсурсан!

ЖАҲОН. Уша самовардагилар тагин ҳам бир муштан қилиб  
юбормаган экан-да.

ТИЛЛА БОБО. Булмас эди-да, қизим...

ҚУРБОНОВ. Булмас эди.

ТИЛЛА БОБО. Битта бойнинг бурни қонаса, Николай юзта  
камбағални Сибир қилар эди. Мана, ҳозир менинг ўғлим колхоз-  
да стахановчи-а, шуни мана бу бир шапати ўрсин-чи. Ҳукумат  
нима қилади. Шунга ўхшаган-да... Қани, ука. Қогоз ёздингми?

(*Қогозни олади.*)

Бундай қилманлар, халойиққа керак-керак молларни олди-  
ринлар. (*Ҳожига.*) Юр, битта ош қилиб берай!

ҚУРБОНОВ. Беланчакни тездан олдирамиз. (*Тилла бобони  
Жаҳон кузатиб чиқади.*)

ТИЛЛА БОБО (*эшиқдан бошини тиқиб*). Бу унсурдан яхши-  
лик чиқмайди. Ҳали араванинг ўқи синди, деди. Узи журттага  
синдирган.

ҲОЖИ. Э-э!..

ТИЛЛА БОБО. Ҳукуматга зиён бўлсин, дейсан! Қазисан-қар-  
тасан, охир наслингга тортасан!

(*Кетади.*)

ҚУРБОНОВ. Ҳайдаралига уша гапни қанақа қилиб айтган  
эдингиз?

ҲОЖИ. Э, ишонаберасизми? Ҳайдаралиси саксонга кириб,  
мияси айниб қолган чол... Тавба!.. Узи-чи, узи! «Калинин» дей-  
ди. «Ўртоқ Калинин» демасдан... Аравани нима қилай?

ҚУРБОНОВ. Аравангиз ҳам қурсин, гапингиз ҳам қурсин!  
(*Узича.*) Ташвиш устига ташвиш-а! (*Баралла.*) Боринг, кейин гап-  
лашамиз!

(*Жаҳон киради, Ҳожи чиқади.*)

ЖАҲОН. Барини биласиз! Осмонга устун буласиз!

ҚУРБОНОВ. Нима қипти!

ЖАҲОН. Ёмоннинг кучи япалоққа етипти — Хожи яхши, машинистка ёмон!

ҚУРБОНОВ (*юмшоқ*). Ахир, хачир деб ёзгандан кейин...

ЖАҲОН. Устимиздаги юк нима, беланчакми, турми — билмаганимиздан кейин қайси хачирдан каммиз?

ҚУРБОНОВ (*яна ҳам юмшоқ*). Ёрдам бермаганингиздан кейин...

ЖАҲОН. Қанақа ёрдам? Нима қилай? Барини узингиз биласиз-ку!

ҚУРБОНОВ. Мана, масалан, шуни гапга солиб, маълумотни менга беринг деса, яқин бир ойдан бери кунт қилмайсиз?

ЖАҲОН. Маълумотни берганимда нима қилар эдингиз?

ҚУРБОНОВ. Э! Бушатиб юбораман.

ЖАҲОН. Бушатасиз-а, бушатасиз!

ҚУРБОНОВ. Албатта.

ЖАҲОН. Сухсуров деса юрагингиз ёрилади-ю!

ҚУРБОНОВ. Менинг-а?

ЖАҲОН. Йўқ, менинг! Дафтар қўлтиқлаб юргунча идоранинг ишига қаранг.

ҚУРБОНОВ. Мен бу ишни сизга топшириб қўйганманки, сиз ҳам шунақа ишларга урганинг, ҳушёрлигингиз ортсин, дедим. Булмаса ўзим киришсам, ҳеч кимдан қўрқмасдан икки соатда ҳайдайман.

ЖАҲОН. Ҳушёрлигим ошиб нима қилади? Битта ҳушёр сизми? Икки соатда ҳайдар эмишлар!

ҚУРБОНОВ. Ҳайдолмайманми?

ЖАҲОН. Йўқ.

ҚУРБОНОВ. Бўпти, кўрасиз. Аввал буни ҳайдайман, кейин Ҳожини ҳайдайман.

ЖАҲОН. Йўқ-э!..

ҚУРБОНОВ. Кўрасиз. Менга икки ярим соат муҳлат беринг. Мана, мен ҳайдай, сиз томоша қилинг. (*Чиқади, қайтиб киради.*) Сиз чиқиб туринг, ярим соатда кавушини туғрилаб қўяман.

ЖАҲОН. Хайр.

(*Жаҳон чиқади. Қурбонов уйланиб, домланинг олдига бир неча маротаба бориб келади. Ахийри бориб, елкасига қоқади. Жаҳон кириб пойлаб туради.*)

ҚУРБОНОВ. Домла!

РАҲМАТИЛЛА. Лаббай.

ҚУРБОНОВ. Хуп десангиз, сизга бир маслаҳат бор.

РАҲМАТИЛЛА. Жоним билан.

ҚУРБОНОВ. Маслаҳат шуки, домла, ўзим кўнгилчан одамман. Айниқса, сиздай одамга раҳмим келади. Биламан, жадидсиз, лекин шундай бўлса ҳам раҳм қиламан.

ЖАҲОН (*узича*). Бало-ку.

ҚУРБОНОВ. Шу ерга келганингиздан бери Маҳрамов билан Жаҳон опа сизнинг пайингизга тушган. Иккови ҳам сизни гапдан илтириб, юзингизга қаро суртиб, шу ердан ҳайдамоқчи.

ЖАҲОН (*узича*). Ана холос!

ҚУРБОНОВ. Биламан, ишонаманки, ёмон гап гапирмайсиз, лекин минг қилса ҳам одам боласи хом сут эмган эмасми — бир нарса бўлиб қолса, сизга жабр бўлади. Одам одамга қасдлашгандан кейин кекиришидан ҳам айб топа беради. Шунинг учун мен ошна-оғайниларга айтиб, бошқа жойдан иш топиб берай, сиз «ишламайман» деб ариза беринг. Шу ердан эсон-омон кетинг.

РАҲМАТИЛЛА. Қўллуқ, саломат бўлинг, биродар, бундоқ бўлса, албатта, яхши эмас. Лекин бир нарсадан кўнглим тўқки, Маҳрамов танг қилса ҳам, барибир — ҳақ бирида қарор топади! Хуш...

ҚУРБОНОВ. Ойлигингиз ҳам оз-ку, ахир.

РАҲМАТИЛЛА. Ойлик хусусига келганда, мен якка одамман — бола-чақам йўқ. Хуш, бундан ташқари, киши ойлик учун хизмат қилмайди-ку, ахир. Ҳукумат хизмати — халқ манфаати...

ҚУРБОНОВ. Туғри-ку, лекин шу ердан кетинг, домла, гап бор.

РАҲМАТИЛЛА. Нима гап экан? Мен ҳам билай. Агар «кетгин» деб жуда қистасангиз, биродаримиз Сухсуровга бир айтиб кураман.

ҚУРБОНОВ (*чўчиб*). Йў-уқ, мен қистамайман.

РАҲМАТИЛЛА. Қистамасангиз, жойим тинч. Мени беҳузур қилманг.

ҚУРБОНОВ (*узича*). Оббо пес-ей! (*Баралла.*) Домла, сўзимни ўлдирманг, хуп денг.

РАҲМАТИЛЛА. Асло, йўқ!

ҚУРБОНОВ. Жон, домла, ургилай, домла. Мени ўғлингиз қаторида кўриб, бир меҳрибончилик қилинг.

ЖАҲОН (*узича*). Ул бу кунингдан!

РАҲМАТИЛЛА. Хуп, майли, мен илтимосингизни биродаримиз Сухсуровга бир айтиб курай-чи.

ҚУРБОНОВ. Э, мен сизни қуваётиманми? Нима ҳожати бор? Уз фойдангизни гапирдим. Хуп десангиз хуп, йўқ десангиз йўқ-да.

РАҲМАТИЛЛА. Йўқ, ҳар нечук бир айтиб курай.

ҚУРБОНОВ. Одамни хит қилманг. Шу ойлик туғрисида гапирдим, ойлигингиз кам, дедим. Булмаса, ойлигимни оширмасанг, кетаман, деб ариза беринг, оширай, ишлай беринг.

РАҲМАТИЛЛА. Буни ҳам биродаримиз Сухсуровга айтаман.

ҚУРБОНОВ. Ғалатимисиз! Қўйинг, ишлай беринг, бўлмаса.

РАҲМАТИЛЛА. Йўқ, кўнглимга гўлгула тушди. Тушди! Айтмасам бўлмайди.

ҚУРБОНОВ (*ялиниб*). Домла!

РАҲМАТИЛЛА. Куйинг.  
ҚУРБОНОВ. Домла, дейман!.. Домла, Жаҳон опа билан яраштириб қўяйми?

*(Секретарь эшикни очади. Жаҳон ўзини эшикка олиб, унга «кирма» деб ишора қилади. Қурбонов пайқаб қолгандан кейин, секретарь ноилож киради. Жаҳон ҳам киради).*

СЕКРЕТАРЬ. Уртоқ Қурбонов, сизни телефонга...

ҚУРБОНОВ. Ҳозир...

ЖАҲОН. Ҳа...

ҚУРБОНОВ. Бўлди, масала ҳал. Эрта-индин.

ЖАҲОН. Ҳа-ҳа!.. Жуда дадил экансиз-ку.

ҚУРБОНОВ *(керилиб)*. Энди билдингизми?

*(Чиқади.)*

СЕКРЕТАРЬ. Ҳа?

ЖАҲОН. Бу ёққа юринг.

## ПАРДА

### Учинчи парда

#### БИРИНЧИ КУРИНИШ

Қурбоновнинг қабулхона ва кабинети. Секретарь Қурбонов кабинетига машинисткага материал ёздирёттипти. Машинистка улардай чарчаган.

ҚУРБОНОВ *(қуйин дафтарига қараб)*. «Булар ҳаммаси бежиз эмас». Ёздингизми?

МАШИНИСТКА *(ёзади)*. «...бежиз эмас». Уртоқ Қурбонов, бармоқларимнинг учи шилиниб кетди, бирпас дам олай.

ҚУРБОНОВ. Шундайми? Майли, бирпас айланиб келинг. Лекин яна айтаман: нима ёзаётганингизни ҳеч кимга айтманг. Айтсангиз жавобгар бўласиз.

МАШИНИСТКА. Хўп. Уртоқ Қурбонов, энди мен ўн беш кун бекор юрганимга куйиб қола бераманми?

ҚУРБОНОВ. Мен битта гапирман — қуясиз, дедим — қуясиз! Қайтиб ишга оламан, дедим, мана, олдим.

МАШИНИСТКА. Месткумнинг зўри билан олдингиз-да.

*(Қурбонов хумрайди. Чиқади.)*

ЖАҲОН *(шошиб киради)*. Уртоқ Қурбонов, бугун магазинларда унга очаред. Шаҳарда ун йўқ бўлар эмиш, деган гап тарқалипти.

ҚУРБОНОВ. Менга таржимаи ҳолингизни беринг.

ЖАҲОН *(ҳайрон)*. Хўп. Бир нима қилиш керак. Бу ёт унсулар тарқатган миш-миш эканини халққа билдириш керак.

ҚУРБОНОВ. Шуни билиб қуйингки, мен мудирликдан бекор бўлганим билан сизни мудир қилишмайди. Қўлингиздан келмайди!

ЖАҲОН. Мен сиз билан мудирлик талашаётиманми?

ҚУРБОНОВ. Бўлмаса нима талашасиз?

ЖАҲОН. Айбингизни айтса, мудирлик талашган бўладими? Мажлисда мендан бошқа яна 9 киши сўзга чиқди, ҳаммаси мудирлик талашипти-да, бўлмаса? Бу гапларни қуйинг.

ҚУРБОНОВ. Мажлисдаги гапларни қуйинг. Мен унинг учун айтаётганим йўқ. Мажлисда нима, танқид қилишди, сиз ҳам танқид қилдингиз. Мен бунга хафа бўлмайман. Жон-дилим танқид қилса ҳам хафа бўлмайман. Жон-дилим танқид!

ЖАҲОН. Бўлмаса нима дейсиз?

ҚУРБОНОВ. Бошқа ишлар қилиб юрибсиз. Барини биламан! Райкомга ким борди?

ЖАҲОН. Мен бордим.

ҚУРБОНОВ *(дафтарга қараб)*. 61, 26, 10-ҳамда 41-магазинларга ким борди?

ЖАҲОН. Мен бордим.

ҚУРБОНОВ. Хўш?

ЖАҲОН. Хўш?

ҚУРБОНОВ. Комиссия олиб келишга ким ҳаракат қилиб юрипти?

ЖАҲОН. Ҳамма.

ҚУРБОНОВ. Газета идорасига ким борди?

ЖАҲОН. Ҳали борганим йўқ. Энди бормоқчиман.

ҚУРБОНОВ *(фигони чиқиб)*. Ҳеч бўлмаса, кўнгул учун йўқ деб тонсангиз-чи?

ЖАҲОН. Нима қиламан тониб?

ҚУРБОНОВ. Шу ишларнинг ҳаммасини мудирлик талашиб қилаётганингизга тонманг бўлмаса.

ЖАҲОН. Шу ишларнинг ҳаммасини мудирлик талашиб қилаётганим йўқ.

ҚУРБОНОВ. Бўлмаса дод-модингиз мени бекор қолдириш экан-да. Мен сизга нима гуноҳ қилдим?

ЖАҲОН. Бекор бўлдингиз келмайдими? Мудирлик, мана кўриб турибсиз, кўп ташвишли иш экан. Ташвишга ҳушингиз йўқ-ку. Битта-яримта беташвиш иш топиб оларсиз. Қуйинг энди бу гапларни, ҳалиги ун масаласини...

ҚУРБОНОВ. Албатта, беташвиш иш топиб оламан.

ЖАҲОН *(аччиғи келиб)*. Мен топиб берайми? Мешкобчилик қилинг! *(Чиқаётиб)*. Бежавотир, беташвиш сувни олиб келиб, шов-шов қўя берасиз! *(Чиқади. Секретардан қоғоз олиб, нималардир ёзади.)*

ҚУРБОНОВ. Ҳим! *(Бошқа курсига утиради.)* Мешкобчилик қил эмиш! *(Яна бошқа курсига утиради.)* Алам қилсин деб гапирган гаплари! Менга алам қилса экан! Ҳеч алам қилмайди. Мана, мана *(уйнайди. Ашула айтади. Аммо пружинаси узилган чанғидай аста тўхтади ва утириб, қуйин дафтарига нималарнидир диққат билан ёзади)*.

ЖАҲОН. Бунинг қулогига булак гап кирмайди, мудирлик бо-  
шингдан ордона қолгур.

СЕКРЕТАРЬ. Нима дейди?

ЖАҲОН. Ҳеч қулоқ солмайди. Газета идорасига борсамми,  
деб турибман.

СЕКРЕТАРЬ. Фойдаси йуқ. Ҳозир ҳаммадан зарури шаҳарда  
тарқанган миш-мишлар игво эканини халққа уқтириш. Сиз борга-  
нингиз билан ун тугрисида нима маълумот бера оласиз? Бил-  
майсиз! Ундан кўра телефон қилинг, мухбир юборсин. Мухбир  
келса, бу дарров маълумот беради. Мухбир ўзи ёзиб чиқади.

ЖАҲОН. Шундай қилса ҳам бўладими?

СЕКРЕТАРЬ. Албатта.

ЖАҲОН. Жон укам, шундай қилайлик бўлмаса, юринг.

*(Иккови чиқади.)*

РАҲМАТИЛЛА *(қурқиб-писиб киради)*. Мумкинми?

ҚУРБОНОВ. Утиринг!

РАҲМАТИЛЛА. Энди бу ишларнинг иқболи нима бўлади? Жа-  
ҳон сизни майиб қилади. Шу хилда бепарволик қилсангиз, ма-  
йиб қилади! Ҳалиям фурсат бор. Ундан илгари сиз уни майиб  
қилинг!

ҚУРБОНОВ. Уругини уйнатиб юбораман. Мана, материал! Бу  
ҳали учдан бири.

РАҲМАТИЛЛА. Мен бир сирни биламан, орага мени қўшма-  
сангиз, ўзим шахсан биламан, десангиз айтар эдим.

ҚУРБОНОВ. Қандай сир? Мени биласиз-ку... Айтаберинг.  
Ўзим шахсан биламан, дейман.

РАҲМАТИЛЛА. Халқ душмани Умархонов Жаҳонни ҳамиша  
мақтаб юрган.

ҚУРБОНОВ *(ҳовлиқиб)*. А? Умархонов мақтаб юрган? *(Ёзишга  
тайёр.)* Нима деб мақтаган?

РАҲМАТИЛЛА. Мақтаган-да. Нима деб мақтаган булса ҳам ҳар  
нечук мақтаган. Мана, мени ё сизни мақтамапти-ку!

ҚУРБОНОВ *(ёзади)*. Ҳа-да, мени ё сизни мақтамапти-ку. Та-  
гин қандай махфий жиноятларини биласиз?

РАҲМАТИЛЛА. Қишлоққа одам юбортиринг, ё ўзингиз бо-  
ринг. Ундан кейин узини у ёқ-бу ёққа чақиртиринг. Чақиртирсан-  
гиз, гаранг бўлади, тилидан тутилади. Майли, бир-иккита ёлгон-  
яшиқ қўшилса ҳам зарари йуқ. *(Материални кўрсатиб.)* Шунча  
ростнинг ичида бир оғиз, икки оғиз... беш оғиз, ўн оғиз ёлгон  
булса ҳам билинмай кетади. Буни уруш дейдилар. Уруш чоғида  
қўлингизга нима тугри келса, шу билан урасиз-да, қандай қила-  
сиз. Узи ҳам шундай қилаётипти-ку! *(Чиқаётиб.)* У ёқ-бу ёққа  
чақиртиринг. жавобгар қилинг. Қонун керак булса, мана, мен  
бор... Жиноят қонунлари мажмуасини ёд биламан. *(Чиқади.)*

ҚУРБОНОВ *(трубкани олади)*. Нима дейсиз?

ТЕЛЕФОНДА. Уртоқ Қурбонов керак эди.

ҚУРБОНОВ. Нима эди? Ўзимман.

ТЕЛЕФОНДА. Редакциядан..

ҚУРБОНОВ *(гангиб)*. А... Салом, уртоқ... қалай...

ТЕЛЕФОНДА. Уртоқ Қурбонов, ўзингизга маълум, шаҳарда  
тарқанган миш-мишлар натижасида ҳамма магазинларда деярлик  
унга катта-катта очарлар пайдо бўлди. Бунга, албатта, оддий  
бир нарса деб қараш мумкин эмас. Шундай эмасми?

ҚУРБОНОВ. Албатта, оддий нарса деб қараш сира-сира мум-  
кин эмас.

ТЕЛЕФОНДА. Бу, Умархоновлар шайкаси устидан бўладиган  
суд яқинлашган кунларда шуларнинг қолдиқлари томонидан тар-  
қатилган игво. Бу билан нима қилмоқчи эканликлари маълум.  
Бунинг игво эканини, бу игво кимлар томонидан нима мақсад  
билан тарқатилганини биз халққа айтиб беришимиз керак.  
Нима дедингиз?

ҚУРБОНОВ. Халққа айтиб беришимиз керак.

ТЕЛЕФОНДА. Шунинг учун сиз бизга мана шу ҳақда бир  
мақола ёзиб берсангиз.

ҚУРБОНОВ. Мен... менми? Мен... унча келиштира ол-  
майман-да.

ТЕЛЕФОНДА. Сиз шу миш-мишларнинг игво эканини, ун туг-  
рисида ташвиш тортишга ҳеч қандай асос йуқ эканини ёзиб  
беринг, бу ёгини ўзимиз келиштирамиз.

ҚУРБОНОВ. Бошқа одам ёзса ҳам бўладими?

ТЕЛЕФОНДА. Ким, масалан?

ҚУРБОНОВ. Уртоқ Маҳрамов.

ТЕЛЕФОНДА *(тажанг)*. Аҳolini ун билан таъмин қилишда  
ўприлиш бўлиши мумкин эмаслигини айтиб бера оласизми,  
йуқми?

ҚУРБОНОВ *(қурқиб)*. Мен... менми?

ТЕЛЕФОНДА. Бундай, бўлмаса: мухбиримизни юбора-  
миз, сиз билан суҳбат қилади, гапириб берасиз, ўзи ёзади.  
Хупми?

ҚУРБОНОВ *(гаранг)*. Қачон?

ТЕЛЕФОНДА. Қачон, қаерга борсин?

ҚУРБОНОВ. Маҳрамов бориб учрашса булар эди. У ҳаммаси-  
ни билади.

ТЕЛЕФОНДА. Сиз нимани биласиз?

ҚУРБОНОВ. Мен ҳам биламан. Лекин бу ишларни уша қила-  
ди-да.

ТЕЛЕФОНДА. Сиз нима қиласиз?

ҚУРБОНОВ. Менми? Мен умумий сиёсий раҳбарлик қила-  
ман.

ТЕЛЕФОНДА. Сиз тентакмисиз, ё ўзингизни тентакликка со-  
лаётибсизми?

ҚУРБОНОВ. Йуқ. Агар... майли... қил десангиз, қиламан.  
Мухбирингизга учрашаман. Қачон борай?

ТЕЛЕФОНДА. Узи боради. Қачон, қаерга борсин? Бугун!

ҚҮРБОНОВ. Кечроқ бушайман-да. Кечаси соат... Сахарда бушарман. Соат туртларда.

ТЕЛЕФОНДА. Азонда соат 4 да уйингизга боради! Хайр!

ҚҮРБОНОВ (*зурга*). Майли... хайр.

(*Трубкани қўяди, ўзидан кетади.*)

МУДИР (*эшиқдан бошини тўқиб*). Мумкинми, уртоқ Қурбоннов? Ун масаласида келган эдим.

ҚҮРБОНОВ (*ўзига келиб*). Навбат билан кирасиз!

МУДИР. Мендан бошқа ҳеч ким йўқ.

ҚҮРБОНОВ. Барибир! (*Кнопкани босади. Жавоб кутмай ўзи чиқади.*) Махрамов... қаяққа кетди... (*Чиқади.*)

МУДИР (*хайрон*). Мастми бу ўзи?! (*Дарғазаб бўлиб, орқасидан чиқади.*)

РАҲМАТИЛЛА (*Қурбонновнинг столига қоғоз қўйиб чиқаятган эди. Жаҳонга дуч келади.*) Э, оппоққинам... мана, ўша мақассар ёғи... нобуд бўлмасин. Сиз истифода қилинг...

ЖАҲОН (*ёғни олмай*). Қурбоннов борми?

РАҲМАТИЛЛА. Йўқ... Куй-а, афти курсин! Ёмон кўрдим мен шу одамни! Аммо мажлисда бениҳоят бопладингиз-да. Биронта гапингиз ҳам зое кетгани йўқ, ҳаммаси нишонга тегди. О, мугдар завқ қилдим. Чапак чала-чала қўлларим оғриб кетди...

ЖАҲОН (*киноя билан*). Ҳа-ҳа!

РАҲМАТИЛЛА. Аммо, оппоққинам, мени аралаштирганингиз чакки бўлди. Мен ғарибга озор бериб нима қилар эдингиз? Карлигим рост, ишонмасангиз...

ЖАҲОН. Ростми?

РАҲМАТИЛЛА. Ит бўлай, чучқа бўлай! Яна қандоқ мурдор ҳайвон бор... Қурбоннов менга тажовуз қилди, ишдан ноҳақ бушатмоқчи бўлди. Мен айтдимки, агар шундоқ ноҳақ иш қилсанг, Сухсуровга арз қиламан... Мен ҳам унинг бир сирини билар эдим-у, сиз мен туғримда гапирганингиздан кейин хижолат бўлиб, тилим айланмай қолди.

ЖАҲОН (*аҳамият бериб*). Қанақа сирни биласиз?

РАҲМАТИЛЛА. Мени орага қўшмасангиз, узим шахсан биламан, десангиз айтаман.

ЖАҲОН. Айта қолинг.

РАҲМАТИЛЛА (*жуда аҳамият бериб*). Халқ душмани Умархоннов уни ҳамиша мақтаб юрар эди.

ЖАҲОН. Нима деб мақтар эди?

РАҲМАТИЛЛА. Мақтаган-да. Нима деб мақтаган бўлса ҳам ҳар нечук мақтаган. Мана, мени ё сизни мақтамапти-ку.

ЖАҲОН (*кулиб*). Ҳа-ҳа! Уз қулоғингиз билан эшитганми-сиз?

РАҲМАТИЛЛА (*гангиб*). Йўқ! Умархонновни мен танимамайман. (*Жаҳон қотиб кулади*). Оппоғим, сиз уни у ёқ-бу ёққа чақиртиринг. Чақиртирсангиз гаранг бўлиб, тилидан тугилади. Майли, битта-иккита ёлғон-яшиқ қўшилса ҳам зарари йўқ. Расми шу-

нақа бўлади. Шунча ҳақиқатни гапирдингиз. Шуларга бир-икки оғиз ёлғон қўшсангиз нима қилади — билинмай кетади.

ЖАҲОН. Ҳа-ҳа?

РАҲМАТИЛЛА. У ҳам шунақа қилаётибди-ку. Бунни уруш дейдилар. Уруш чоғида, қўлингизга нима туғри келса шу билан урасиз-да, қандоқ қиласиз. Чақиртиринг, жавобгар қилинг. Қонун керак бўлса, мана мен бор... Жиноят қонунлари мажмуасини ёд биламан.

(*Қурбоннов кабинетга утиб кетади. Раҳматилла Жаҳондан яширинча унга таъзим қилади.*)

ЖАҲОН. Шунақа денг?

РАҲМАТИЛЛА. Ҳа, бу мақассар ёғи.

ЖАҲОН. Шу-я?

РАҲМАТИЛЛА. Азбаройи худо... йўқ, ит бўлай агар!

ЖАҲОН. Бу ёққа юринг, бўлмаса!

(*Уни етаклаб, кабинетга олиб киради. Раҳматилла ҳайрон, хавотирда.*)

Утиринг! Уртоқ Қурбоннов, қулоқ солинг!

РАҲМАТИЛЛА (*титраб*). Оппоғим...

ЖАҲОН. Хўш, халқ душмани Умархоннов Қурбонновни нима деб мақтаган?

РАҲМАТИЛЛА (*Ўзидан кетарлик даражада*). Оппоғим, оппоғим...

ЖАҲОН. Айт, деяпман ҳозир. Умархоннов Қурбонновни нима деб мақтаган?

РАҲМАТИЛЛА (*Қурбонновга ёрдам кутганча назар ташлаб*). Мен... мен...

ҚҮРБОНОВ. Сиз менга кесатманг! Халқ душмани Умархоннов сизни мақтаганлигини мен бу кишидан эшитганман. Йўқ, узим шахсан биламан.

ЖАҲОН. А?

РАҲМАТИЛЛА. Оппоғим... уволимга қоласиз... оппоғим...

ҚҮРБОНОВ. Тегишли жойда гаплашамиз.

ЖАҲОН. Нимани?

(*Раҳматилланинг жазаваси тутиб йиқилади.*)

ҚҮРБОНОВ. Чиқинг, чиқинг!

ЖАҲОН. Сиз аввал гап сўранг!

ҚҮРБОНОВ. Чик дейман, мегажин! (*Ургани гудайиб келади*).

ЖАҲОН (*чолиб чиқаятиб*). Ҳе, ул!

ҚҮРБОНОВ. (*Раҳматиллани кўтаради*). Домла, домлажон! Манг, сув ичинг!

РАҲМАТИЛЛА (*сув ичиб, бироз ўзига келади*). Ана шунақа... Оғзингиз бўш-да...

ҚҮРБОНОВ. Мен айтганим йўқ.

РАҲМАТИЛЛА. Энди у мени қўймайди.

ҚҮРБОНОВ. Ҳеч писанд қилманг. Бу ерда мен бор, сизни ҳеч нарса қилолмайди. Боринг, уйингизга боринг, дам олинг.

РАҲМАТИЛЛА. Оҳ... эвоҳ!..

(*Чиқади.*)

МАШИНИСТКА (*киради*). Мумкинми?

ҚУРБОНОВ. Қаерларда юрибсиз?

МАШИНИСТКА. Узингиз ишдан кейин демаркетингизми?

ҚУРБОНОВ. Утиринг! Ёзинг: «бежиз эмас» ёзгансиз-а? Хуп. Ёзинг. «Жаҳоннинг отаси суфи бўлиб, Жаҳон олти яшарлигида номаълум сабаблар билан ўлган». Хитоб! «Текшириш давомида маълум бўлдики», йўқ, «Текширилганда фактлар билан исбот қилиндики, Жаҳон шу кунгача ҳам отасининг қайси мачитларда руҳоний, яъни суфийлик қилганини қасддан яшириб келган ва яширмоқда». Иккита хитоб аломати!!

(*Машинастка бошини чайқаб кулади*). «Махфий маълумотлар», йўқ, «Махфий тутиш керак бўлган маълумотлар шундан иборатки, биринчи: халқ душмани Умархонов Жаҳонни мактаб, кўқларга кутарган». Иккита хитоб!! «Иккинчи...»

МАШИНИСТКА. Нима деб мактаган экан?

ҚУРБОНОВ. Сизга тегишлиги йўқ.

МАШИНИСТКА. Нега тегишлиги бўлмайди? Нима деб мактаганини билиб қуяй-да.

ҚУРБОНОВ. Сизга тегишлиги йўқ.

МАШИНИСТКА (*жаҳли чиқиб*). Тегишлиги бўлмаса, боринг, ёзмайман! (*Чиқаётди.*) Қаёқдаги гаплар! Ҳаммаси ёлғон! Ҳаммасини Жаҳон опага айтаман.

ҚУРБОНОВ. Ҳой, ҳой! Шошма дейман!..

## ИККИНЧИ ҚУРИНИШ

Сухсуровнинг меҳмонхонаси. Сухсуров ҳозир йулдан келган. Аллақандай қоғозларни куйдириб ўтирипти, хавотир. Эшик тақиллайди. Сухсуров ўтни ўчириб, қолган қоғозларни яширади. Маҳрамовнинг товуши: «Ўртоқ Сухсуров!» Сухсуров эшикни очади.

СУХСУРОВ. Келинг!.. Тақиллатмасдан тўғри чақира қолсангиз уласизми?! Қулфланг!

МАҲРАМОВ (*киради, эшикни қулфлайди. Хайрон*). Эсон-омон келдингизми?.. Ҳа, тинчликми?

СУХСУРОВ. Магконов билан Эргашев партиядан чиқарилиб, ишдан олинди...

МАҲРАМОВ (*чучиб тушади*). Энди нима бўлади?

СУХСУРОВ. Эртага эрталаб иккови ҳам Москвага кетади.

МАҲРАМОВ. Энди... Магконов нима дейди?

СУХСУРОВ. Кўнгли тўқку-я, лекин... билиб бўлмайди-да. Хавотирлик иш бўладими?

МАҲРАМОВ. Магконовнинг кўнгли тўқ бўлса булипти-да.

СУХСУРОВ. Эҳтиёт шарт. Ишларингиз қалай?

МАҲРАМОВ. Ишлар... энди... тўғриси айтсам, домлангизнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ экан. Ҳар қадамда қоқинади-я, хумпар!

СУХСУРОВ. Нима бало бўлди? Бу ерда ҳам даҳанани очиб куйилармикин?

МАҲРАМОВ. Йўқ... мажлислар бўлиб ўтди, Жаҳон... жуда ёмон! Кейин айтиб бераман. Чора куришингиз керак булган ишлар ҳам йўқ эмас. Қилган ишларимиз, фақат ун масаласини эпақага келтирдик, холос. Ҳамма магазинларда ун яқин кунларда тамома бўлиши керак. Унга ҳали заявка берилгани йўқ, заявка берилса 10—15 кундан кейин келади. Омборда 3—4 тонна ун қолади, буни суд бошланган куни фақат битта магазинга чиқармоқчиман. Суд бошланган куни бозор бошидаги 26-магазинга чиқараман. Қурбоновга йул қиламан.

СУХСУРОВ. Эҳтиёт бўлинг. Бу ишлар Қурбоновнинг ўз қўли билан бўлсин.

(*Эшик тақиллайди. Ҳар иккиси ҳам гангиб қолади.*)

МАҲРАМОВ. Биров келадиганмиди?

СУХСУРОВ. Соат иккида ким келади... очинг.

МАҲРАМОВ. Узингиз очинг.

СУХСУРОВ (*узича*). Паймона тўлганмикин энди... (*Тугилган кўрпани тегиб ташлайди ва ноилож бориб эшикни очади.*) Э, сизмисиз? Нима қилиб юрибсиз бемаҳалда?

ҚУРБОНОВ (*киради*). Ассалому алайкум, ўртоқ Сухсуров. Хуп эсон-омон келдингизми? Мен ҳозир эшитдим. Бемаҳал бўлса ҳам бир кўриб кетай, дедим.

СУХСУРОВ (*совуқроқ*). Яхши қилибсиз.

ҚУРБОНОВ. Ташвиш устига ташвиш, денг, ўртоқ Сухсуров... Э, ўртоқ Маҳрамов, азбаройи худо! Сизни соат учдан бери қидиртираман-а! Ҳовлингизга уч марта одам ўбордим, янгигина ўзим бориб келдим.

МАҲРАМОВ. Бир иш билан аэродромга чиққан эдим, ўртоқ Сухсуров келиб қолдилар...

СУХСУРОВ. Утиринг. Хўш?

ҚУРБОНОВ. Ташвиш устига ташвиш! Энди бу идорада булган гапларни кейинчалик, бафуржа айтиб бераман. Мажлис қилиб бизни роса дўппослашди.

СУХСУРОВ. Нега?

ҚУРБОНОВ. Нега бўлар эди, маълум... гуруҳбозлик-да.

СУХСУРОВ. Ҳар бир гуруҳбозлик остида сиёсий чатоқлик бўлади.

ҚУРБОНОВ. Шунақа бўлар экан, ўртоқ Сухсуров. Шундай текшириб қарасам, аммо... Бу Жаҳон деганингиз хотин киши бўлса ҳам... билмай юрган эканмиз-да! Эртага мен уни тегишли жойга чақиртираман! Ҳа, айтгандай, бугун Раҳматилла домланнинг кўнгли кетиб қолди. Гап кўп. Кейин айтиб бераман. Бугун идорада ишнинг кўплигидан каллам шишиб ўтирсам, редакциядан



шахсан ўзимга телефон қилишди. Ҳозир ун масаласида сал чатоқроқ бўлган-да, шу тўғрисида мақола ёзиб берасан, дейди. *(Кулиб.)* Энди мен умримда мақола ёзмаган бўлсам, нима дейман? У десам, у дейди, бу десам, бу дейди... Қани энди... Кулим тегмайди, кечаси жуда кеч бушайман десам, уйинга мухбир боради, дейди. Хўп деб қўйибман. Ҳали соат 4 да уйга мухбир келадиган! Энди нима дейман! Маҳрамовни қидиртириб, тополмадим. Сизнинг келганингизни эшитиб, шу киши мақола ёзиб юрган, бир йўл-йўриқ курсатар, деб келган эдим. Ўртоқ Маҳрамов, шу ун масаласи нега шунақа бўлиб қолди?

МАҲРАМОВ. Ўзингиз вақтида заявка бермадингиз.

ҚУРБОНОВ. Э! Энди нима бўлади?

МАҲРАМОВ. Энди нима булар эди, заявка берилса, бирон 20 кундан кейин келади-да!

ҚУРБОНОВ. Омборда ҳеч ун йўқми?

МАҲРАМОВ. 3-4 тонна бор. Бер, десангиз эртага магазинга чиқараман. Мен уни суд кунларига асраб қўйганман.

СУХСУРОВ. Ҳа, суд кунлари бериш керак. Яхши эмас.

ҚУРБОНОВ. Булмаса мен мухбирга нима деб маълумот берман? А, ўртоқ Сухсуров?

СУХСУРОВ. Билмадим энди.

ҚУРБОНОВ. Мухбир яна бир соатдан кейин келади. *(Эшик олдида автобус келиб тўхтади. Сухсуров хавотир бўлиб, Маҳрамовга қарайди. Маҳрамов қўрқиб кетади. Эшик тақиллайди. Иккови ҳам мурдадай қотиб қолади).* А, ўртоқ Сухсуров, мухбирга нима дейман? *(Бориб эшикни очади).* Ким у?

ТОВУШ. Телеграмма!

ҚУРБОНОВ. Ўртоқ Сухсуров, сизга телеграмма!

СУХСУРОВ *(ўзига келади).* Олинг, олинг *(Ўзи туриб боради ва телеграммани олиб, ўқийди. Ўзича).* «Аммамни тўлғоқ тутди, касалхонага олиб кетишди. Зухраҳон ҳам боргандир десам ўзи Новга кетиб, қочди. Ҳаммаларига салом». *(Телеграмма қулидан тушиб кетади. Кузи тиниб, утириб қолади).*

ҚУРБОНОВ. Нима экан? *(Телеграммани ўқиб).* Хушхабар-ку! Нега хафа бўласиз? Касалхонага кетган бўлса, яхши бўлипти.

МАҲРАМОВ *(Тушунолмамай ҳайрон).* Ака!..

СУХСУРОВ *(қулогига).* Магконов қамалибди. Эргашев ўзини-ўзи отипти. *(Маҳрамов ўзидан кетар даражада қўрқиб, утириб қолади).*

ҚУРБОНОВ. Ўртоқ Сухсуров, энди бу мухбирга нима дейман?

СУХСУРОВ *(ирғиб урнидан туради).* Сиз кета беринг, эртага ўзим ёзиб бераман.

ҚУРБОНОВ. Ҳа-ҳа, қай вақтда келай? Соат тўққизда келсам бўладими?

СУХСУРОВ. Йўқ, кечқурун келинг.

ҚУРБОНОВ. Шундоқми? Майли... бир ваз қиларман. Қани, бўлмаса, ўртоқ Маҳрамов, кетамизми?

СУХСУРОВ. Йўқ, бу кишидан баъзи маълумотлар сурайман. Бу киши қолсин. Кечқурун соат саккизларда келинг.

ҚУРБОНОВ. Ҳа-ҳа, хўп. *(Ўзича).* Бу мухбир келиб утиргандир, энди бугун қаерда ётаман? *(Чиқади).*

СУХСУРОВ. Маҳрамов!

МАҲРАМОВ *(нажот истаган аҳволда).* Лаббай, ака!

СУХСУРОВ. Нима қиласиз? *(Нарсаларни йиғиштиради).*

МАҲРАМОВ. Нима қилай?

СУХСУРОВ. Мен қочаман.

МАҲРАМОВ. Энди ойимиз тўлгани рост бўлдимми?

СУХСУРОВ. Тамом!

МАҲРАМОВ. Мен ҳам сиз билан кетаман.

СУХСУРОВ. Юринг, бўлмаса! *(Сухсуров эшикни очиб, ташқарига бир қадам ташлаб, кимнидир кўради ва қайтиб, чамадони қулидан тушиб кетади).* Айтмадимми!..

*(Қочиб чиқиб кетгани жой излаб, тополмайди).*

ПАРДА

Носир Ғозилов

## ДОМЛА ТҲХТАСИН ЖАЛОЛОВ ҲАҚИДА МУХТАСАР СЎЗ

1955—56-йиллар... Сталин зулмининг заңжирлари ҳалқа-ҳалқасидан узиллиб одамлар чуқур тин олган, тутқундаги зиёлиларимизнинг қайтиб кела бошлаган пайтлар эди. Мен «Гулхан» журналида ишлардим. Таҳририятимиз ҳозирги Усмои Юсупов кўчасидаги 79-бинода, «Уздавнашр»нинг чап қанотига жойлашган бўлиб, бу масканда нима гапу нима ҳодиса рўй берса дарров билиб олардик. Уша даврнинг қанчалар-қанча азобу уқубатларидан сунг Туроб Тула, Ғулом Шоди, Йўқил домлалар шу нашриётга ништа келишди. Бироз ўтмай одамлар орасида шивир-шивир гап чиқиб қолди: «Тухтасин Жалолов ҳам нашриётга ништа келибди!» Бу одамни биз тенгилар яхши билишмасди. Кейинчалик маълум бўлишича, у киши машҳур педагог, тадқиқотчи олим, зукко мунаққид эканлар.

Уша йиллари Тухтасин домланинг «Ўзбекистон адабиети ва санъати» газетасида замон шеърятини таҳлил қилувчи каттагина мақоласи чоп этилди. Кетма-кет Озод Шарафидиновнинг шу мавзудаги мунозарали мақоласи ҳам ёруғ кўрдиким, бу мақолалар шубҳасиз уша даврдаги мунаққидларнинг шеърятга нисбатан мудроқ қарашларига тузуккина мусалффо шабада олиб кирди, десак хато бўлмайди.

Шу сабабданми, менда домла билан яқиндан танишиш истаги пайдо бўлиб қолди. Бир-икки бор нашриётнинг иккинчи қаватига кўтарилиб домла ишлаб утирган хонага киришга юрагим дов бермай қайтиб тушдим. Рост-да! У одам билан таниш бўлмасам.

Бир куни у кишининг олдиларига киришинг ва шу баҳона танишиб олишинг мавриди келди. Уша пайтда мен «Иншо» деган бир ҳикоя ёзиб уни кимга курсатиб, кимдан маслаҳат олишни билмай юрардим.

Ҳикояни олиб кирганимда разм солдим: домла тик қоматли, бундоёранг, юзларида қизамиқдан қолган бўлса керак, билинар-билинимас чўтир излари бор, тийрак кузли, уқтам сузли киши экан. Назаримда, кўринишларидан ҳеч ҳам узоқ ва совуқ жойларга сургун қилинган одамга ўхшамас эди. Мен домла бошдан кечирган тарихдан бошқалар орқали унча-мунча хабардор эдим, аммо уларини муғлақо танимас эдим. Узини таништириб, нима учун олдиларига кирганимни айтиб, ҳикоямни ташлаб чиқиб кетдим.

Биз бировга асаримизни уқитиб фикр олиш учун узоқ кутишни узимизга расмига айлантириб олганмиз. Йўқ, домла узоқ куттирмади. Эртасигаёқ узлари «Гулхан» таҳририятига ҳикоямни кўтариб кириб келдилар. Бу кўраётган одамим кечягина кўришиб танишган одамимга сира ҳам ўхшамас, юзда нур уйнар, гапларидан бол томар эди. Ҳикоям ҳақида яхши гапларни тўқиб ташлади. Мен уни «кўнглимни кўтаришти» деб қабул қилдим. Йўқ, Домлажонимизнинг гаплари самимий экан. Кейинчалик маъкур

ҳикоя жумҳурият болалар адабиети кўригида ютиб чиқиб, устоз Абдулла Қаҳҳор (у киши курик раиси эди)нинг қўлидан камна мукофот олдим, ҳикоя куз йиллар буйи урта мактаб дарсликларидан тушмай келади. Шунинг узи домланинг берган баҳоси бежиз эмаслигини исботлаб турибди.

Мана шу бахтли учрашувдан сунг биз Тухтасин домла билан ота-бола бўлик-кетдик.

Бобур Мирзо Ҳиндистондек бир гузал днёрда подшо бўлиб юриб килдик қони туқилган Андижонини қандай соғинса, Тухтасин домла ҳам Тошкентдек маъмур шаҳарда юриб Андижонини шундай соғинар эди. Шундай бўлса ажаб эмаски, мен у кишини ҳанузгача, Андижонда таваллуд топган, деган уйда юрардим. Йўқ, бу фикрим галат экан. У киши 1909 йили Марғилон шаҳри яқинидаги Қоратепа қишлоғида туғилибди. Андижонни қўсаб кўп гапиршининг сабаби — болалик ва усмирлик даври, муҳаббат ёшию ништа биринчи қалам кўйган жойи Андижон бўлгани учун бу маскан у кишининг қалбидан чуқур урин олган кўринади. Шунинг учун бўлса керак у Андижонни, андижонлик биродарларини кўп соғинарди, тез-тез эсларди.

Кўнлардан бир куни: «У киши шугина жойда туриб, Андижонини кўп эслайди. Узоқ ва совуқ Магаданда, тутқунда юриб қандай тоқат қилди экан?» деган савол туғилиб, бу муаммони билишга жазм қилдим. Домлани уйга тақинф қилиб, иккаламиз бир хонага кирди уртага яримта коньякни кўйиб, майдалаб утириб у кишининг ҳасрат дафтари кўлашга муалффақ бўлдим. Домла кўз ёши билан барча хангомаларни, яъни у кишини қандай кўлга олишганларини нима учун ҳибс қилишганларини, қасрга олиб боришганларини кўп йилнинг олти ойи киши, дузахмисол жойда қандай кун кечирганларига — барча-барчасини тўқди-солди.

Шахсга сизининг даври оқибатларига балий адабиётда ҳужум бошланган кезлар эди. Камна ҳам кўп қатори уша мавзуда, яъни Тухтасин домланинг оғзидан эшитганларимни бир қисса қилиб, 1964 йили «Кўш қаноти билан» деган номда чоп эттирганимдан ўқувчилар бохабарлар, албатта.

Тухтасин домла ҳаётда ўта кўвноқ ва унинг акси улароқ ўта тажанг, сержаҳл, ўз айтганидан қайтмайдиган уяр табиат одам эди. Бу уярлик яхши маънодаги ўярлик, яъни бир ишни кўлга олди — уни ниҳоясига етказмай тинчимайдиган уярлик эди. Бизга маълумки, баъзан одам шунча кўргунликларни кўриб келганидан сунг унинг эҳтирослари суниб, бирон бир ништа кўли бормай рағбати улиб қолади. Домла ундайлардан эмасди. У қайтиб келган кўнларидан бошлабоқ енг шимариб ништа киришиб кетди. Кетма-кет «Хамса талқинлари», «Бону», «Паҳлавон Маҳмуд», «Яшасин муҳаббат» деган китоблари чоп этилди. Домла балийга ҳам кўл уриб узининг дастлабки муҳаббати ҳақида «Олтин қафас» деган қисса ёзди. Бу асар каминанинг таҳририда чоп этилди.

Ёзувчига ҳар доим ҳам илҳом келарвермайди. Шундай, оригиналдан кўли бўшаган пайтларда таржима ишлари билан шугулланди. Шунчаки тегиб-қочиб эмас, астойдил шугулланди таржима билан. Рабиндранат Тагорнинг бир нечта ҳикояларини, «Ҳалокат» деган романини, Садриддин Айнинг домланинг «Эсаликлар»ини, Сотим Улугзодиннинг «Восеъ», «Ёшлигимиз тонги» романлари билан «Гавҳари шамчирро» драматини, Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийларини, машҳур «Тутиннома» эртани ва ниҳоят, Смирнова-Рақитинанинг Иби Сино ҳаётига бағишлаб ёзилган каттагина романи таржима қилди.

Ва ниҳоят, бу таржималардан сунг «Ўзбек шоирлари» китобининг икки жилдини ўқувчиларга тақдим эди. Шунини мамнуният ила тақдидлаб

утиш жоизки, «Узбек шоирлари» тазкирасига қадар ва ундан сўнг ҳам шоирларимиз ҳақида бунақа хрестоматик характерга эга асарни ҳеч ким ёзган эмас. Бу асарларни домлажонимиз кутубхоналарнинг кенг ва ёруғ залларида еки ижодхонада утириб ёзган эмаслар. Балки водий кезиб, эл кезиб, кўҳна китобларни титкилаб, билалиганлардан сураб-суриштириб, қогозлари сарғайиб кетган қўлемаларни ҳижжалаб яратганлар. Айниқса «Бону» билан «Паҳлавон Маҳмуд» китобларни шундай пайдо булган. Домла Фаргона водийсида Бонунинг изидан олти ойлаб пиёда кездилар. Шоир Паҳлавон Маҳмудни эса биринчи булиб кашф қилди, десак янглишмаймиз.

Бошқа ишларини бундоқ қуйганимизда ҳам уша узбек шоирларни ҳақидаги, Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги асарлари билан домламитиз адабиетимиз тарихида қолгусидир. Ҳали миннатдор авлодлар шу иши учунгина домлани куп алқайдилар. Домлани биз ҳам, то тутқунга олинганига қадар яратган «Узбек адабиети тарихи» дарслигининг биринчи жилдини мутолаа қилиб куп алқаганмиз. Бу хрестоматик китобнинг халига қадар муқобили йўқ, десак муболага бўлмайди.

Тўхтасин домла кейинги пайтларда мунаввар орзуларга тулиб-тошиб юрарди. У Нодирабегим ҳақида, Умархон даври ҳақида йирик асар ёзишни режалаштирганди. Бу асарнинг номи ҳам маълум эди: «Олой маликаси»!

Шу оралиқда у кишининг «Асл айнимас» деган иккинчи қиссаси ёзилди. Бу қисса уша пайтда «Еш ленинчи» газетасида қисқартирилиб чоп этилди. Аммо асар тула китоб ҳолида босилмади. Ундан сўнг Умархон ва Нодирабегим даврини акс эттирувчи кичик бир қисса бердилар. Бу асар ҳам ёруғлик юзини кўрмади. Чунки уша пайтда подшоҳлар ҳаётини акс эттирувчи асарларга қарши қарор чиққан эди. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи ҳам худди шу сабабга кўра олти-етти йил мобайнида чоп этилмай, ҳам муаллифни, ҳам «Шарқ юлдузи» тахририятини қийнаган даврлар ҳали эсимиздан чиққаннича йўқ!

Мана энди мустақиллигимиз шарофати ила бу асарлар ҳеч қандай тусиқсиз чоп этиляпти. Тўхтасин домланинг «Отаўғил ва Зурафо» деган қиссаси тақдири ҳам юқорида айтганимиз машъум тақдирини бошидан кечирган асарлар сирасига кирди.

Бизнингча, бу асар уша пайтларда домламитиз ваъда қилган «Олой маликаси» романининг бобларидан бири булса ажаб эмас. Балки шунинг учундир қиссанинг баъзи жойлари тасвирдан кўра тавсифга мойилроқ, баъзи уринларда урис оғайнларимиз куп айтадиган: «суровий реализм» яъни насрга тан изчиллик, деталлаштириш, мантиқий боғлиқликлар етишмаётгандай, назаримизда. Шундай булса ҳам, бу асарда мозиёдан гузал лавҳалар, қаҳрамонлар орқали утган нозик узбекона дутфлар, мумтоз урфлар борки, булар шубҳасиз ҳозирги ўқувчиларимизга куп нарсани ургатади.

Мазкур қиссани ўқиш асносида менда бир тилак туғилди: қани энди, телестудиямиздан бир мард, билагон режиссёр асарни қўлга олсаю домла етказолмаган жиҳатларини етказиб, баъзи уринларда ўзи гузал диалоглар яратиб, бу маъсум ва зариф муҳаббат қиссасини экран саҳнига олиб чиқса, нур устига аёло нур бўлур эди.

Хуллас, қисса Сизларнинг ҳукмингизга ҳавола, азиз ўқувчилар! Бордию ундаги воқеалар, тасвирлар кўнглингизнинг бир чеккасини ёритса, утмиш воқеаларидан жиндек сабоқ ололсангиз домлажонимизнинг руҳлари шод бўлгусидир, иншооллоҳ.

Унутмас  
мени боғим

Тўхтасин ЖАЛОЛОВ

## Отаўғил ва Зурафо



1814 йилнинг хушбуй, хушруй ва хушнуд баҳори.

Пойтахт Куқон аҳли жума намозига ошиқиб турибди. Бунинг боиси шуки, мамлакат ҳукмдори Амир Умархон фармони билан қурилган масжиди жоменинг очилиши шу кунга тайинланган. Демак, хон ҳам, вазирлар ҳам, қозию қозикалонлар ҳам жума намозига ҳозир бўлишди.

Жума намозини жамоат ила ўқиш — ҳаж савобининг ярмига тенг эмиш. Шундай экан, бир ибодат қилиб, шунча савобга дохил бўлиш, хон ва аъёнларини куриш, «Юз устун» деб ном чиқарган бу муаззам, мухташам ибодатхонани томоша қилиш кимларни рағбатлантирмайди?

Соат 12 га яқинлашганда, тоза-покиза кийинган одамлар шаҳарнинг тўрт тарафидан масжиди жоме томон оқиб кела бошлади. Мутасаддилар одамларни ҳозирча масжидга киритмай, Чорсу майдонидан саф тортиб туришга амр қилишди. Ҳалемай тезрак атроф одамлар билан лиқ тулиб, йғна тапчанса ерга тушмайдиган ҳолга келди. Ҳамма Урда томон қўз тикиб, хон ва аъёнларининг келишига мунтазир эдилар.

Шу пайт Урда олдида шоҳона безатилган соябонли аравадар пайдо бўлди. Демак, жума намозига Моҳларойим билан унинг яқинлари ҳам қатнашди. Умархон жоме тархини тузган меъморларга: «Бу ер фақат жомегина бўлмай, мадраса ҳам бўлади. Бинобарин, мударрислар учун дарсхона, талабалар учун ҳужралар, жануб тарафида эса, алоҳида хотинлар масжиди қурилиши даркор, токи муслималар<sup>2</sup> ибодатга келганларида, эркаклардан андиша қилиб, маломат чекмасинлар,<sup>3</sup>» деб иноят қилган эди.

Бинонинг тархи тайёр бўлиб, меъморлар уни ҳукмдор назаридан утказгани оқиб келганларида, Умархон ва Моҳларойим болажар жоменинг қоғозга туширилган тархини куриб, ҳайрада қолдилар, гоёт мамнун бўдилар. зеро бу қалар ҳашаматли кошона ҳанузгача пойтахтда йўқ эди. Аммо юз устунли «масжиди жоме», кук гумбали дарсхона, серҳашам, жимжималор хотинлар масжиди, хусусан, саҳида кукка буй чузиб турган осмоннайванд минора ҳашаматидан ҳужралар, катталар олдида уялиб-қимтиниб турган болалар сингари жуда кичик куринарди.

Моҳларойим сўради:

— Ҳужралар неча кишига мулжалланган?

<sup>1</sup> Мударрислар — дарс берувчилар, муаллимлар.

<sup>2</sup> Муслималар — мусулмон аёллари.

<sup>3</sup> Маломат чекмасинлар — малол келмасин, қисиниб, қимтиниб юрмасин.

— Икки кишига, маликам, — деди биринчи меъмор.

— Тўрт кишилик қилиш мумкин эмасми? — яна сўради Моҳларойим.

— Агар ҳазрати олиялари амр этсалар, тўрт кишилик қилиш унча мушкул эмас, маликам, — жавоб берди иккинчи меъмор.

Моҳларойим андак фикрга толиб, уз андишаларини шарҳлай кетди:

— Менинг мулоҳазаларимни инжиқлик деб уйламасликларингизни истардим, жаноблар. Ҳазрат олийлари ҳам, камина ҳам кўпроқ ешларни илм-маърифат даргоҳига тортиш фикридамиз. Агар ҳужралар тўрт кишилик бўлса, бир йўла икки юз киши бу маърифатхонага дохил бўлар эди.

Малика ва меъморлар ҳукмдорга қарашди. Унинг ҳукми маликанинг фикрини қувватлашдан иборат эди:

— Маликамнинг таклифларида жон бор. Ҳужралар тархи қайта курилиб, тўрт кишилик қилинса, маъқулроқ бўларкан.

Шунда меъморлар:

— Ҳужралар маликам айтган таридай, Амирул Муслимин маъқуллаган таридай бўлади, — деб ваъда қилишган эди.

Ҳозир малика уз яқинлари билан жоме сари бораркан, шу воқеа хотирига келиб, таклифлари нечоғлик инобатга олингани, умуман, жоме, унинг ҳужралари, айниқса, пойтахтда биринчи мартаба қурилган хотинлар масжидининг таровати, салобати қандай эканини тезроқ куришга ошиқар эди.

Жоменинг осмоннайванд минорасидан азон овози эшитилиши билан Урда томонда суворийлар намоён бўлишди. Булар: Амир Умархон, Шайхул Исломо, қозикалон, Куқон уламолари, сарой шоирлари, шаҳар боёнлари эдилар.

Умархон булган тўрт йил бурун ушбу масжиди жоме пойдеворида биринчи гишт қўйиш учун аҳолини тўшлаб:

— Уламоий кироми, азиз фуқаро! Кимки ун йил мобайнида таҳоратсиз кучага чиқмаган бўлса, кимки ун йил давомида беш вақт намозни қанда қилмаган бўлса, ана шу одамгина масжиди жоме пойдеворида биринчи гишт қўйиши мумкин. Қани, ораларингизда шундай покиза, фариштасийрат одам борми? Агар бўлса, олдинга чиқиб, бу савоб ишни бошлаб берсин, — деди.

Бироқ одамлар хондан ийманибми, ҳайиқибми, ҳарнечук ҳеч бири олдинга чиқмади. Ҳалқ уламоларга қўз тикиб қолди, лекин улар ҳам лом-мим демай бош эгиб турардилар. Умархон уз таклифини такрорлади. Бу гал ҳам халойиқдан садо чиқмагач, бўлмаса, ушандай покиза одам — менман, — деб жоме пойдеворида биринчи гишт-ни узи қўйган эди.

Шу воқеадан сўнг эл хонни ардоқлади. «Умархони жаннатмақон» дейлиган бўлиб қолганди. Нафсиламбрини айтганда, бу гап аслида руҳоний табақадан чиқиб, ҳукмдор пинжига кириш, саройни руҳонийлар билан гулдириш, ҳокимият жиловини уз қўлларига олишнинг ҳали ишга солинмаган энг нозик йўли эди. Бу етмагандай, уламолар яна бир ривоят топишди, бу ривоятга қўра, агар мусулмон подшоҳи бир йўла иигирма минг одамга дастурхон ёзиб зиёфат берса, — «Амирул Муслимин», яъни мусулмонлар амири, мусулмонлар

султони унвонига сазовор булармиш. Умархон руҳонийларнинг бу хоҳишини ҳам дарҳол бажо келтириб, Амир Умархон булиб олди. Ёш ҳукмдорнинг бир неча йил мобайнида ҳам «жаннатмакон», ҳам «Амирул Муслимин» булиши раиятни сеҳрлаб қўйди, гуё Фаргона тахтида одам эмас, осмондан тушган фарингта утиргандай туюла бошлади. Сарой шoirларнинг маддоҳона қасидалари, масжиду мадрасалардаги ҳамлу санолар, ҳожихона ва қаландархоналардаги зикру санолар, куча-қўйларда, тўй-маъракаларда Амирул Муслимин хусусида, унинг «фарингтасийратлиги» борасида айтилган маҳобатли мақтовлар қора халқ қалбига кириш учун Умархонга энг яқин йул очиб берди.

Мана, Амирул Муслимин уз аъёнларию шаҳар боёнлари билан Чорсу майдонига яқинлашиб қолди. Саф олдида турган бир қанча мансабдорлар хон ва аъёнлар истиқболига югуриб, уларни қўлтиқларидан олиб, отларидан туширишди. Хон, Шайхул Ислому ва қозикалон олдида, сарой аъёнларию шаҳар боёнлари уз даражаларига қараб ҳукмдор орқасида саф тортиб, жамоат томон кела бошладилар. Хон бир жойда тўхтаб, умумий таъзим билан раиятга салом берганда, икки мингдан зиёд халойиқ:

— Ваалайкум ассалом, подшоҳи жувонбахт! — деб гуркираган овоз билан саломга алик олишди.

Ҳамма узича мамнун эди: руҳонийлар мамлакат маънавий ҳаётини қўлга олганлари учун, мансабдорлар улуг мартабага эришганлари учун, сармоядорлар Оллоҳ таоло бу қадар молу дунё иноят этгани учун, косиблар, деҳқонлар ва бошқа бева-бечоралар эса, қипдан бола-чақалари билан сиҳат-саломат чиқиб, бундай савоби азимга, яъни жума намозига келганлари учун мамнун эдилар.

Аммо оғизлари таноби қочган мағрур аъёнлар аро ҳукмдоргина гамгин, маъюс куринарди. Ажабо, бунинг боиси нимада эди?

## 2

Биз ҳикоя қилаётган даврда Фаргона хонларининг боргоҳию подшоҳ муҳофизлари қароргоҳи Даҳмаи шоҳон<sup>1</sup> атрофида булиб, бу маҳалла Жаҳоноро — Оламнинг безаги деб аталарди.<sup>2</sup>

Ҳукмдор шикордан қайтгач, иккинчи кун муҳофизлар қумондон Амир оталиг билан Отауғилни уз ҳузурига чақиртирди.

Бир неча дақиқадан сунг худайчи Умархон боргоҳига кириб:

— Шаҳаншоҳим, Карим оталиг ва яна бир ўғлон ҳузур шарифларига кирмоқ учун руҳсат сурайдилар. — деб арз қилди.

— Яхши, киришсин. — деб ижозат берди хон.

Қўл қовуштириб, таъзим ва тавозеъ билан Карим оталиг ва Отауғил боргоҳга кириб келишди. Карим оталиг эллик беш ёшлардаги урга буйли, кенг елкали, хушбичим, хушчехра одам эди. У Норбутабий ва Олимхон салтанатини курган, жангларидаги жасорати билан бу сулоланинг катта-кичиги олдида обрӯ қозонган саркардалардан эди.

<sup>1</sup> Даҳмаи шоҳон — шоҳлар қабристон.

<sup>2</sup> Ҳозир Жаҳоноро маҳалласидан ном-нишон қолмаган, уни баъзи қарияларгина эслашади. У жойларни Эски Урда деб ҳам атайдилар.

— Жаноби Оталиг, — суз бошлади ҳукмдор, — сиз машхур саркардамиз Раҳим Безоволни унутганингиз йўқми?

Бундан етти йил муқаддам, Олимхон даврида, «бедому дарак йўқолиб кетган» Раҳим Безовол ҳақида гап очилиши Карим оталигини бир оз тараддулга солган, таажжублантирган эса-да, у саркардаларга хос мардлик, тағлилик билан:

— Бир давлат манфаатини ҳимоя қилиб, бир сафда туриб жон-бозлик қилган саркардалар бир-бирларини ҳеч қачон унутмайдилар, шаханшоҳим, — деб ифтихор билан жавоб берди.

— Жавобингиз таҳсинга лойиқ, жаноб саркарда, — ардоқлади хон, — ундай булса, танишинг: енингизда турган йигит Раҳим Безоволнинг ягона ўғли. Бу ўғлон шу кундан эътиборан бизнинг хизматимизда, сизнинг тарбиянгизда бўлади. Маъқулми?

Карим оталиг Отауғилга мулоим назар солиб, сунг таъзим ваэиятида жавоб берди:

— Амирул Муслимин каромат қилибдилар, бу аини муддао!

Шу билан қабул маросими тугади. Карим оталиг Отауғилни бошлаб муҳофизлар қароргоҳи томон бораркан, йул-йулакай ёш йигитнинг келишган қадди-қоматига, нур томиб турган чехрасига, кучга тулган гавдасига қараб, қандайдир надомат билан ёшлигини эслади-да, сунг:

— Дарвоқе, далангиз сиҳат-саломатмилар? — деб суради.

— Шукр, сиҳат-саломатлар, — деди Отауғил қўлини куксига қўйиб.

— Менга ухпаб қариб қолганлари йўқми?

— Йўқ, жаноби саркарда, у киши ҳали узларилек тетик-бардамлар, — жавоб берди Отауғил.

Йигитнинг жавоби Оталиққа жуда маъқул келиб, юзларида майин табассум куринди, бир оз яшаргандай енгил тортиди; шунинг далласида булса керак, сурашда давом этди:

— Айтгандай, исмингиз нима?

— Исмин Отауғил.

— «Отауғил», — такрорлади Оталиг, — яхши исм, топиб ном қўйишган. Ҳозир отангиз қардалар?

Бу савол Отауғилга синчковликдек туюлди, бинобарин, у хушёр тортиб, мулоим, лекин таглик жавоб берди:

— Жаноби саркарда, бу ҳақда гапиришга ваколатим йўқ. Шундай булса ҳам, у кишининг қардалиги Амирул Муслиминга аён, деб айта оламан.

Оталиг қандайдир ҳайрат ва мамнуният билан Отауғилга қараб:

— Офарин! — деб юборди, сунг таажжуб ва ҳайрат сабабини шарҳлагандай, давом этди: — Далангизнинг қардшлигини биламан, уғлим. Раҳим Безовол сизга ота булса, бу фақирга қадрдон дуст, сафдош. Агар у кишининг пойтахтда ҳамфикрлари булмаганда, Дориломон аллақачон вайрон буларди.

Сир пардасига уралган «Дориломон» иборасининг Қўқон саркардаларига маълум экани Отауғилни бир оз ташвишга солиб, у савол назари билан саркардага қаради.

Саркарда буни пайқаб, Отауғилга тасалли бергандай гап бошлади.

— Гап бундай, Отаугил, Дориломоннинг мустаҳкам пойдевори худди Қуқонда, бу ҳақда ташвиш қилманг.

— Ундай бўлса, мен беалаблик, густоҳлик учун узр сурайман, жаноби саркарда.

— Йўқ, ўғлим, сизнинг жавобингиз густоҳлик эмас, зийраклик нишонаси, — деб олқинглади саркарда, — сиз букундан эътиборан подшоҳнинг шахсий муҳофизларидан бирисиз. Бу хизматда зийраклик, мардлиқ, чаққон-чаптастлик, филоийлик асосий фазилат саналади. Масалага шу жиҳатдан қараганда, сиз бир имтиҳондан утдингиз, Отаугил.

3

Отаугилнинг хотира дафтаридан:

«Фаргона хонлигида мажбурий ҳарбий хизмат жорий этилмагани сабабли қўшин асосан талабгорлар — кунгилилардан ташкил топарди. Тайёр таом, текин либос таъмайда йиғилган бу можарожуи тоифа турт минг кишидан нари бормасди. Яхши ҳарбий таълим кўрмаган, эски-туски қуроолларни судраб юрган, тартиб-интизомсиз бу қўшин салтанатнинг ишончли таянчи булолмасди.

Шу важдан ҳукмдор уз шахсий муҳофизларига алоҳида эътибор билан қарар, улар сафини хонликнинг турли шаҳарларидан танлаб олинган хушбичим, довжорак йигитлар билан тулдириб борар, таълим-тарбияларга бевосита ўзи қатнашар, тоза низомий (ҳарбий) либослар кийинтириб, завқ билан томоша қилар, дашти Қипчоқ ва Олой тоғларидан саралаб олинган учқур тушпорлар аввало шуларга бериларди. Чунки Умархон назарида салтанат тиргаклари шулар эди. Мен муҳофизлар қароргоҳида олти ой истиқомат қилиб, бу хизматга танлаб олинган бепи юз йигитнинг ҳаммаси билан танишдим, ипоқлашдим. Шулар билан ҳарбий машқларга қатнашдим.

Қумондонимиз Карим оталиг уз йигитларига ажиб бир матонат, садоқат билан жанг санъатини ургатар, муътабар ёшларига қарамай, хориш-чарчашни писанд қилмас эдилар.

Биз кун буйи отлиқ ва пиёда жанг усулларини урганар, қилич-бозлик, найзабозлик қилар, айрим кунлари эса милтиқ, туп каби уточар қуроллар билан муомала қилишни урганардик. Гапнинг нафсиламбрини айтганда, бу хил ҳарбий машқлар мен учун янгилик эмасди, чунки мен отам қўл остилаги сарбозлар билан уч йил машқ қилиб, ҳарбу зарб санъатидан ҳийла омилкор бўлгандим. Аммо бу хусусда суз очишга саркардаимиз Карим оталигдан ийманур эдим. Охири у киши буни сезиб, каминани сарбозликдан саркардалиқ даражасига кўтариб, узларига муовин қилиб олдилар. Шундай қилиб, муҳофизларни машқ қилдириш менинг зиммамга юклатилди.

Мен сарбозлик давримдаёқ Фаргонанинг бу сара йигитларига меҳр куйиб, уларнинг ҳусн-таважжухларини қозондим. Қуқонга келиб топган давлатим шу, лекин бу озмунча давлат эмас!

Бир кунги мени хон ўрласига таклиф этилди. Юз хаёлу ақлида билан Амир Умархон боргоҳига кириб бордим. Бу онда Амир зарнигор тахтларида, малика Моҳларойим ёшларида, кумуш курсида утирур

эканлар. Амирул Муслимин каминани янги лавозим, яъни муҳофизлар қумондонни мартабаси ила муборакбод этиб, қўп навозишлар қилдилар. Малика Моҳларойим эса, бир қоғоз узатиб:

— Бу сизнинг номингизга ёзилган бир ҳовли васиқаси, ҳарбий машқлардан ҳориб-толиб қайтган вақтларингизда муносиб оромгоҳ, — дея шохона илтифот қилдилар.

Мен гоят масрур, бахтиёр бўлиб, боргоҳдан чиқдим-да, муҳофизлар қароргоҳи томон йўл олдим. Менга гуҳфа этилган ҳовли Жаҳоноро маҳалласининг жануби-шарқида бўлиб, бу ерлар сарой аъёнларию Қуқон боёнлари макони саналарди. Устозимиз Карим оталигнинг айтишларича, Умархон бу бинони синглиси Шарофат оймага атаб қурган экан, лекин иморат битгунча бўлмай, қақшайдир бир заруратдан кўёвини Шаҳрихон ҳокими этиб тайинлайли. Қуқонда усган бу мансабдор чор-ночор хотин, болаларини олиб Шаҳрихонга жунайди. Орадан бир йил утиб, бу бино битганда уни каминага туҳфа этилишини Карим оталиг: «Ҳукмдор ила маликанинг талбиркорлиги», деб атадилар. Эҳтимол шундайлир.

Янги ҳовлига кучиб келгандан сунг, маҳалла аҳолиси билан танишини ниятида, уй тўйи қилиб, ҳаммани зиёфатга чақирдик. Маросимда хизмат қилганлар, мубоширу мутасаллалар менинг муҳофиз дўстларим эди, албатта. Карим оталиг эпик олдида туриб, меҳмонларни менга, мени меҳмонларга таништирди. Шу тариқа Қуқоннинг казо-казолари билан ошна бўлиб қолдим.

Янги уйда Рафиқ, Даврон ва Маҳмуд номли уч муҳофиз дўстларим билан бирга яшардик, яъни улфати чор элик. Кундузи ҳарбий машқларда бўлиб, оқшомлари пириин суҳбат қураб ёки китобхонлик ила машғул булардик. «Абумуслим» Давроннинг сеvimли китоби эди. Унинг муҳофиза қуввати, яъни хотираси шун қадар зур эдики. «Абумуслим»дек улкан дostonни бошдан охир ёд биларди. Шахсан мен «Зафарнома»га, Маҳмуд Фузулий девонига роғиб эдим. Рафиқ эса, ҳам пазанда, ҳам созанда, ҳам навозанда эди.<sup>1</sup> Эл оғзинга элак туғиб бўлмайди. Жаҳонорода бизни «Чордарвеш» дегувчилар ҳам бор эди.

Жаҳонорога кучиб келганимизга анча вақт бўлди. Бу орала оламга заррин япроқларини тушаб, заркокил куз ўтди, йулларимизга оқ ҳарир поёндоз солиб, муйсафид қиш ўтди. Ва ниҳоят... мовий либос кийиб, гўл тақиб хушнуду хандон баҳор кириб келди.

Жума кунлари барча мусулмонлар сингари сарбозлар ҳам дам олар, қурол-яроғларини қароргоҳда қолдириб, жума намозига борардилар. Аммо бу қоида подшоҳнинг шахсий муҳофизларига талбиқ этилмасди, улар машқларидан озои булсалар ҳам, ҳар эҳтимолга қарши, уз қароргоҳларида ҳозирю нозир бўлиб турардилар. Ана шундай кунларнинг бирида эрталаб қароргоҳга бориб, йигитларнинг ҳол-аҳволларини суриб-суриштирдим, ҳамма нарса жой-жойида, отлар эгарланган, қурол-аслаҳалар қўл остила шай бўлиб турибди, хуллас, ташвишга урин йўқ.

Мен ҳамроҳларим: Рафиқ, Даврон ва Маҳмудга, агар бирор зарурат бўлса, мени дарҳол чақиринглар, деб узим елғиз ҳовлига қайт-

<sup>1</sup> Навозанда — ҳофиз, ашулачи.

дим. Нима учун қайтганимни аниқ айтолмайман, аммо нимадир мени оҳанрабодек тортарди.

Мана, дарвозани очиб, ташқари ҳовлига кирдим, баҳорнинг навқирон пайти, гиёҳлар ерни ҳам, тошни ҳам ёриб чиқиб, кукларга буй чузмоқда, яшиллик салтанати мавжу авжида: гунчаларнинг ним табассуми, гулларнинг сассиз қаққаҳаси маънавий сархушлик бағишлайди. Ичкари ҳовлига кирсам нозанин баҳор ҳисобсиз сепларини ёйиб, саҳини жаннатга айлантирибди, қараб куз туймайди.

Боғдан булбулларнинг сирли навоси эшитиларди. Мен беихтиёр боққа чиқдим. Биз эккан ниҳоллар ҳали узимиздек ёш, мевасиз, уларнинг булбул қунгудек новдалари ҳам йуқ. Аммо қушни боғда бир жуфт булбул басма-басига олиб, чунон сайрадики, уларнинг хонишидан еру кук самовий садоларга тулиб, киши руҳига эзгу ҳаяжон, галаён соларди.

Мен тулиб-тошиб куйлаётган булбулларни курай деб қушни боққа қарайдим, қарайдиму... кузларим қамашди, юрагимга олов туташди, чунки мендан атиги ун қадам нарила порлоқ чехрасилан нур таратиб бир санам турарди. Мен нима қилишимни билмай, турган жойимда тонг қотиб қолдим. Қиз менинг ночор ҳолимга ачингандай истехзо аралаш:

— Нима булди, қушни? Нега шарпадан хурккан жайрондек қотиб қолдингиз? — деса бўладими!

Хижолатдан ер ёрилса, киргудек булдим, бу соҳибжамол қизга нима деб жавоб беришни билмасдим, лекин у ҳамон шаддодлиқ қиларди:

— Агар муҳофизлар сарлори қиз боладан қурқалиган бўлса, хон билан маликанинг аҳволига маймунлар йиғлайди, — деди қиз ва сузида давом этди: — Жаноби саркарда, сизнинг қушинингизда қизлар ҳам борми?

Мен бу кутилмаган саволга, йуқ, деб қуя қолдим.

Қушни қиз «афсус!» деб хаёлга чумди, у оёғи учидagi сафсар гулга тикилиб, ниманидир уйларди. Мен умримда биринчи бор қиз болага тикилиб қарайдим, шекилли. Епирай, ана қадду ана қомат... Қизнинг чехраси оқ пушти атир гулдай тоза, қонлари қалдирғоч қанотидай қийғоч, бири жаҳл қилгандай сал кутарилиб турибди, пафис лаблар сезилар-сезилмас титрарди. Чап юзидаги нуҳотдай қора холи ҳусн бозорини қизигиб юборган. Қизнинг сарв қоматига қараб туриб, Отойининг машҳур байти хотирамга келди, бахташ таваккал, деб шу байтни овоз чиқариб уқидим:

*Ҳай-ҳай на ажаб сарву сумаибар етилибсан,  
Қон қилгучи бир шўхи ситамгар етилибсен...*

Қиз бошини кутариб, майин жылва билан менга қаради. Унинг сирли нигоҳида, бормисиз, сиз ҳам йигит экансиз-ку деган маънони илғадим, мен яна оғзимни жуфтлашга улгурмай, у:

— Отаугил, беалаблик учун узр, — деди-да, ичкари ҳовли томон йўналди.

Тавба, мени карахт қилиб қуйиб, энди узимга келганда, ичкарига шошилиши нимаси? Йуқ, қандай қилиб бўлса ҳам уни тухтатиб, гапга солиш даркор. Шу мақсадда:

— Ҳой қиз, менинг номимни қаердан билақолдингиз? — деб сурадим мен.

Қушни қиз кулимсираб тухтади. Унинг нигоҳида ажиб бир улғуворлик чақнаб кетди:

— Нима, қушнижон, ҳаммани ҳам узингиздек лоқайд, безътибор деб уйлайсизми? — деди қиз, сунгра ҳар бир сузини чертиб-чертиб давом этди: — Қизлар зийрак, зукко булишати. Атрофларида руй берган воқеаларга, одамларга, ҳатто ёш саркардаларга ҳам бепарво қарашмайди.

— Ундай бўлса, менинг қаршимда турган зукко қизнинг номи нима? — деб сурадим.

Қиз бир қис боқиб:

— Демак, қушни қизнинг номини билай, деб аҳд қилибдиларда, шунисиға ҳам шуқр. Агар бирор жойдан совчилар келиб, Раҳимбойнинг қизи борми, деб сурашса, сиз тап тортмай, булганда қанлоқ... Зурафо номли нозаниндай қизи бор, деб айтинг, хупми? — дея писанда қилди-ю, чоққиллаб ичкари ҳовлига кириб кетди.

Мен курганларим тушми-саробми, нималигини билолмай, лолу ҳайрон булиб қолавердим. Аммо Зурафoning дилрабо чехраси куз унгимдан, кесатиг сузлари қулоғимдан кетмасди.

«Ҳаммани ҳам узингиздек лоқайд деб уйлайсизми?» дели-я. Ахир, бу қиз мени биринчи куриши-ку, бордию шундай нуқсоним булганда ҳам уни Зурафо қаердан била қолди? Лоқайдлик юзлагичандик эмаски, узокдан курина қолса».

Мен уз-узимга жавобсиз саволлар беравериб чарчадим, аммо тинмагир булбул ҳамон фарёд этар, гуё тирик гул қошидан нари кетганим-чун мендан шикоят қиларди».

4

Отаугил хотира дафтарининг бир неча саҳифаси йуқолган, бинобарин ҳикоянинг давомини (китобларда уқиганларим, ривоятлардан билганларим асосида) узим нақл этиб, воқеалар туташган жойда яна шу дафтарга мурожаат қилсам.

Отаугил жанговар саркарда оиласида дунёга келди. Унинг куз очиб кургани қурол-аслаҳаю уқиган-эпиттанлари жангномалар эди. Шунинг учун бўлса керак, у жанг, зафар, қамал каби ибораларни қандайдир виқор билан талаффуз этиб, мардлик, шафқат, марҳамат, ҳимоя каби сузларга ғолибликнинг гавҳари, безаги деб қарарди. Аммо-лекин таслим, асир, хавф-хатар, мағлубият каби иборалардан жирканарди. Отаси Раҳим Безовол унга шундай тарбия берди, эндиликда ота қалдрони Қарим оталиг шу руҳда таълим бермоқда. Тутри, Отаугилнинг бир узбек углони сифатида шаклланишида онаси Салимабегим билан устоз Фахриддин Охундининг ҳам хизматлари оз эмас. Агар она уз фарзандини шафқатли, марҳаматли булишга, ҳалоллик-покизаликка ундаган бўлса, Фахриддин Охунд севимли шоғирдини ростуйликка — маънавий шижоатга даъват этарди.

Отаугил узини ҳар хил ногаҳоний тасодифларга, оғир синовларга тайёр саркарда деб санар, ҳали жанг-жаҳаннамани курмаган эса-да,

шундай ҳол рўй берган тақдирда галаба муқаррар деб ишонарди. чунки ҳам жисман, ҳам руҳан ҳарбу зарбларга мудом шай бўлиб юрарли.

Бироқ тусатдан Зурафога рубару келиши, девдек душман олдида эмас, соҳибжамол қиз қаршисида довдираб, эсанқираши, қизнинг таъналарига жавоб тополмай, мулзам бўлиши — йигитнинг узига булган ишончини шубҳа остида қолдирди. Бора-бора Отаугил узини биринчи жангдаёқ тор-мор этилган бахтсиз саркардадек аянч аҳволда ҳис эта бошлади. Чунки у Искандардан тортиб, Темур ва Бобур жангларининг усул ва қоидаларини яхши билса ҳам, Шарқнинг муҳаббат пешволари: Махжун, Фарҳод, Тоҳир ва Юсуфнинг севги саҳросидаги азобу изғиробларидан воқиф эмасди. Жангжўй ҳарбийлар наздида бир қизга ошиқ бўлмоқ, унинг ҳажрида оҳ-воҳ тортмоқ — иродасиз, бачкана, норасо одамлар қисмати саналарди.

Мана энди фил ургимчак турига тушди. Бундай қаралса, тур нозик ишдан тўқилгандай, лекин бу ҳарир турни йиртиб ташлагудай қуч қани? Маҳбус бўйнидаги занжирни, қул-оғтигаги кишанни парчалаб қутулиши мумкин, аммо севгининг нозик турига тушган кимса ҳеч қачон бу турни йиртиб чиқолмаган, бундан сунг ҳам шундай барлавоом бўлиб қолаверади.

5

Қизлар ун икки ёшга тулар-тулмас, эрлар олами улар учун маҳрам.<sup>1</sup> номаҳрам.<sup>2</sup> танмаҳрам<sup>3</sup> каби қисмларга ажралиб, номаҳрам назаридан қочиб учун паранжи-чачвон ёпиниб юришга мажбур этиларди. Шундай қилиб, ун икки яшар Салим узи билан бирга уйнаб-ўсган Салимани қайта қуришдан маҳрум бўлади. Унга давр таомилига кура қизлар — қизил паранжи, катталар — парпаша паранжи, бойлар, зодагонлар — баҳмал паранжи ёпиниб юрардилар. Шунинг учун кучадаги одамлар олдиларидан утган аёлларнинг паранжиларига қараб қайсилари қизлар, қайсилари хотинлар ва қайси бирлари бой — аслзодалар оиласидан эканини дарҳол фарқиға борсалар ҳам, уларнинг қадду-қоматлари, ҳусну жамоллари ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасдилар.

Лекин аёлларнинг бу борада бир устунлиги бор эди: улар қора чачвоннинг нозик турлари орқали ҳамма нарсани куриб, билиб борардилар. Бинобарин, Отаугилнинг: «Бу қиз мени биринчи қуриши-ку» деб таажжубланиши тамом уринсиз, тугриси Отаугил Зурафони биринчи қуриши эди. Зурафо эса, бир йил давомида, баъзан чачвон туридан, баъзан эшик тирқишидан, гоҳо девордан муралаб бу йигитни кўп маротаба курган, унга кунгил қўйиб, сабру қарорини йўқотган маъшуқа эди.

Бугун Зурафо ниятига етди: олти ойдан бери елгиз узи ёниб

<sup>1</sup> Маҳрам — яқин кишилар, қариндон-уруғлар.

<sup>2</sup> Номаҳрам — бегона кишилар, ёт одамлар.

<sup>3</sup> Танмаҳрам — эру хотин; эр-хотинга, хотин-эрга нисбатан танмаҳрам ҳисобланади.

келган ишқ отанидан бир учқун сачраб, Отаугилнинг лий доманига тушди. Отаугил нима қиларини билмай қолди, у қиз яна бир қиё боқар умидида боғ эшикка узоқ термулиб турса ҳам, Зурафо қайта муралаб қўймади, қорасини курсатмади. Ахийри, йигит ноумид бўлиб, ичкари ҳовлига кирди. Шу онда майин ел эсди. Райҳону чечаклар масрур тобраниб, оламга ағриёт уфурарди. Отаугил табиатнинг бу тантанасидан, хандон гулларнинг шуқуҳидан сармасту хушнуд эди. У зиналардан охишта юриб айвонга чиқди, кейин уйга кириб, хоналарни кўздан кечирди. Моҳларойим инъом этган уй анжомлари ерга тушпалмай, тоқчага терилмай, туп-туп, тартибсиз қаланиб ётарди. Салт-сувайл йигитларнинг аҳволи шу-да. Хотинсиз уйда фаришга на қилсин!

Йигитнинг таъби хира бўлиб ташқарига чиқди. Айвон пирамонида бир жуфт оқ каптар ҳу-хулаб, осудалик таронасин қуйларди. Тусинга ин кураётган қалдирғочлар тинимсиз лой ташиб, «қурилиш» суръатини тезлаштириш пайида эдилар. Қушларнинг жаҳлу жадалини куриб фикрга толди. «Таажжуб, — уйларди у, — зигирдек бу қушча дунёнинг нариги ёгидан учиб келали-да, ин қуриш, бола очипша ошиқади. Мен-чи, менинг ёшим йигирма учга кирибди-ю, хануз бу ҳақда уйлаб ҳам курмабман».

Отаугил меҳмонхонага чиқиб кетди. Меҳмонхона гиламлар солинган, шоҳи курпачалар тушалиб, дулаболинлар қуйилган тоза, саранжом саришга эди. Йигит курпачада ёнбошлаб, фикрларини тартибга солмоқчи бўлди, лекин уйлаган сари фикрлари чуваланиб борарди. Аввал куз унгида Дорилмоман манзараси, ота-оналари сиймоси намоен бўлди, кейин хаёл кузлари билан устози Фахриддин Охундини қуриб қолди. Лекин бир зумда йигитнинг фикр тарзи узғариб, уз ёгида узи қоврила бошлади: «Зурафо нега менга бунчалар таъна қилди? Муҳофизлар сардори қиз боладан қурқалиган бўлса, хон билан маликанинг аҳволига вой... эмиш. Булмагур гап! Мен бало-қазодан қурқалиганлар жумласидан эмасман. Шу ерда саломат бўлсам, хон билан маликанинг ҳаётига ҳеч ким таҳдид қилолмайди. Аммо қиз бола масаласи...»

Отаугил уйлаб-уйлаб, эртага яна боққа чиқишга, Зурафони қуриб, унинг ниятини билишга аҳд этди. «Тун ҳомиладор, курайликчи, эртага нима тутади?»

6

Ёш саркарда муҳофизлар қароргоҳига қайтиб борганда, сарбозлар тушлик овқатдан сунг, туп-туп бўлиб, чақчақланиб утирган эдилар. Абувоҳид юзбоши саркарда истиқболига чиқиб, уни тушликка таклиф қилди. Отаугил ариқ бўйидаги соя-салқин сурига бориб утирди. Сарбозлардан бири дарров дастурхон ёзиб, қулга сув берди. Баковул аввал нон-чой, кетидан бир лаган хушбўй палов келтириб қўйди. Таом асноси саркарда гурутлашиб утирган йигитларга разм солди. Бир даврадаги йигитлар бир-бирларига гал бермай, қаттиқ-қаттиқ гапириб, қулоқни қоматга келтирса, бошқа тосдагилар бир маромда сузлашиб, кулипардилар. Рафик, Даврон ва Маҳмуд утирган даврада



унбоши Фозилбек жиддий вазиятда туриб, қандайдир бир воқеани нақл этар, йигитлар мотамсаро қиёфада тинглардилар. Бошқа бир гуруҳ йигитлар шахмат уйини билан машғул эдилар. Отағил таомдан сунг шу даврага бориб қушилди. Йигитлар унинг келишини куриб уринларидан кузгалганда, саркарда:

— Такаллуфнинг ҳожати йуқ, утиринглар, — деб енларига чука қолди.

Отағил келганда сарбозлардан бири шахмат доналарини териб, шерикларига Дилором мотиви намойиш қилмоқда эди. Йигитлар бу ажойиб уйинни куриб, Дилоромнинг шахмат сабағидаги маҳоратига таҳсин уқиб турганда, Мирзараҳмат исмли бир сарбоз шахмат тахта-сини ҳалиги йигит қулидан юлқиб олди-да, доналарни териб:

— Қани бизга бас келадиган наҳлавон борми? Мен сизларга Мир-зараҳмат мотиви курсатиб қўяман, — деб чираниб кетди.

Мирзараҳмат шахматта муккасидан кетганлардан, қуйиб берса эр-тадан кечгача, кечаси тонг отгунча уйинга тайёр. Шунинг учун жура-ларни унга «Мирзашаҳмат» деб лақаб ҳам қуйишган.

Хулласи калом, Мирзараҳматнинг бу совуқ қилиғи, яъни суҳбат-ни бузиб, бировнинг қулидан шахматни юлқиб олиши, узгаларга нописандлик қилиб, узини юқори қуйиши, чираниши ҳамманинг таъбини хира қилди; натижада суҳбатдошлардан ҳеч ким у билан шахмат уйнашга рағбат курсатмади. Орала унгайсизлик руй берди, буни ҳамма сезди-ю, Мирзараҳмат сезмалди. У ҳамон, булар менга тенг келмайди, мен билан уйнашга ҳеч бирининг юраги дов бермай-пти, деб уйларди.

Йигитлар бир-бирига қараб қолишди. Отағил мийиғида кулиб, бошқа давралдан Маҳмудни чақирди. Маҳмуд — қорачадан келган, хушбичим, чаққон-чапдаст йигит. Шахмат тахтасида лашкаркашлик қилиб, куп шохлар устидан галаба қозонган эса-да, бу боралаги маҳоратидан Отағил, Рафиқ ва Давронгина огоҳ эдилар, холос; узи бу хусусда оғиз очмасди, шунинг учун сарбозлар унинг бу хислатидан воқиф эмасдилар. Аммо Маҳмуднинг муқаллид экани, яъни биров-ларнинг овози, гапириш тарзи, юриш-туриши, феълу атвориға тақ-лид қилишга тенгу тимсоли йуқ экани ҳаммага аён эди. Бундан ташқари, унинг ҳеч қутилмаган, бировнинг ҳаёлиға келмаган гаплар-ни гапирини барча сарбозларға ёқар, ҳаммалари унинг суҳбатини қумсардилар. Чунончи, Маҳмуд тамоғи бошқа бир овоз билан: «Утган ёзда мен, Хитой ҳоқони ва Хилфаи Рум учовлон Миср эҳромларини томоша қилиб юрганда...» ёки: «Камиша, қозикалон ва ҳазрат Шай-хулислом Амирул Муслиминнинг боргоҳи олийларига муқаллиф эр-дук», каби ҳазил-мугоибалари ҳаммаша, ҳаммага манзур булиб, қув-нок, бегубор қулгиға сабаб буларди. Шу вайдан сарбозлар уни ардоқ-лаб «Маҳмудий дилкаш» деб атардилар.

Мен сизга Маҳмуднинг баъзи хислатларини нақл этгунча, у сар-карда ҳузурига келди-да, қул қовуштириб:

— Хизмат? — деб суради.

— Бир шахмат уйнаб курмайсизми? — таклиф қилди саркарда.

— Ким билан?

— Мирзараҳмат билан.

— Майли, — рози булди Маҳмуд.

Сарбозлар жой бушатиб беришди. Икки ҳариф рубару утириб, доналари териб қуйишган шахмат тахтасини уртаға торгдилар. Бирдан Мирзараҳмат рақибидан:

— Сиз бу уйинни яхши биласизми? — деб суради.

— Сизни қолдиришга қурбим етади, — жавоб берди Маҳмуд.

Мирзараҳмат нима қилишини билмай бир оқ, бир қора пиёдани олди-да, орқасида уларни бир қулидан иккинчи қулгиға утказиб, муштлари орасиға яширди, сунг иккала муштини олдинға чузиб:

— Танланг, — деди Маҳмудга.

— Менга қорасини бераверинг, — деди Маҳмуд хотиржамлик билан, — мен қора доналарда ҳам яхши уйнаман.

Шахматчилар оқ доналарда уйнашнинг афзалиятини яхши били-шади, чунки уйинни оқлар бошлаб беради ва охиригача ташаббускор булиб қолади. Маҳмуднинг бу тафовутга лоқайдлиги, «сизни қолди-ришга қурбим етади», «мен қораларда ҳам яхши уйнаман», дейиши шурлик Мирзараҳматнинг ҳовурини туширди, кунглиға гулгула сол-ди.

Уйин бошланиши олдидан Маҳмуд Мирзараҳматдан суради:

— Хуш, нимадан уйнаймиз?

— Шахмат қимор эмаски, уртаға бир нарса қуйиб уйналса, — эътироз этди Мирзараҳмат.

— Шахмат қимор булмаса, Жамшид билан Афросиёб уртаға Эрон билан Туронни, бу етмагандай Дилоромни қуйиб уйнармиди? — деди Маҳмуд рақибидан ҳам баланд келиб.

Сарбозлар бир-бирларига қараб қулишди. Шунда Маҳмуд чунта-гидан бир тилло чиқариб уртаға қуйди-да:

— Гап шу, бир тиллодан қуйиб уйнаймиз, ким ютса, шу тилло унга она сутидек ҳалол, — деди қатъият билан.

Бояқиш Мирзараҳмат, пул кетса кетсин, обру кетмасин мақолиға амал қилиб, бир тилло чиқариб қуйди-ю, оқ доналар билан уйинни бошлаб юборди. Ҳамма сарбозлар шахмат тахтасиға тикилиб қолиш-ди. Уйин шиддат билан давом этарди. Ҳаш-наш дегунча Маҳмуд бир пиёда ва бир филни уриб олди. Шахмат уйинида бу озмунча талофат эмас. Оқлар ташаббусни қулдан бериб, мудофааға утди, Мирзараҳмат узоқ уйлаб қолди. Уйин суръати сушлашди. Маҳмуд ҳарифининг бу рухий бухронидан истифода этиб, гап билан «эзиш»ға утди:

«Сиз узи бу уйинни яхши биласизми?» — Мирзараҳматнинг бояғи саволини узига қайтарди Маҳмуд.

Мирзараҳмат шахмат тахтасиға термулиб, қанча уйламасин бари-бир, бошиға равшан, ёрқин фикр келмасди. Гуе зеҳни утмаслашган, ақл чироғи хиралашгандай булиб, ичида уксиниб қуйди. Тугриси, у руҳан аллақачон енгилган, мот булган эди; эндиги пала-партиш юришлари шу рухий мағлубиятнинг моддий далили, намойиши эди, холос. Маҳмуд фил суриб, от уйнатиб, тажовуз этар, пайдар-пай зарбалар бериб, оқларни эсанкиратиб саросимаға соларди.

Тусатдан Маҳмуднинг оти «шаҳ-гарди!»ға тушиб қолди. Бундай вазиятда фарзинни қурбон қилиб, шохнинг қошидан узга қораси қолмайди, фарзинни бой бермоқ — юздан туқсон туққиз ҳолатда мағлубият демак. Бечора Мирзараҳмат бир хурсиниб, оқ шохни шах-мат тахтасида етқизиб қуйди — бу таслим булиш рамзи эди.

Нобакор Маҳмуд нописандга нописандлик билан қараб, Шайх Саъдий ҳикматини эслати:

*Ҳар беша гумон мабар, ки холист  
Шояд, ки паланг хуфта бошад.*

Орага унғайсизликдан сукунат чуқди, сарбозлар лом-мим демай жим утирардилар. Бундай ҳолат Маҳмуднинг табиатига тамом хилоф эди. У гапирмай туролмас, кулмай-кулдирмай ҳаловат топмасди. Шунинг учун сукунатни узи портлатди:

— Иним Мирзараҳмат, — деди Маҳмуд гуё рақибига тасалли бергандай, — шахматдан қолганингиз учун ранжиб юрманг, чунки мен чивин қанотига миниб, Чину Мочинга бориб, Хитой хоқонининг куёвини ҳам мот қилиб келганман. Узингиз уйлаб куринг, жаҳонда уч Маҳмуд бор: бири Маҳмуди Ғазнавий, бири Маҳмуди Қошғарий, бири Маҳмуди Андижоний, яъни бу фақир буладилар.

Сарбозлар қаҳқаҳа уриб кулар, Маҳмуд тобора авж оларди...

7

Эртани кута-кута Отаугилнинг эси кетди; «мунгли кеча минг лард ила утди». Тонг насимилан гуллар очилиб, замин у замон аргувоний тусга кирди, гуё олам минг йилга ёшарди.

Отаугил шерикларини уйғотиб қароргоҳга юборди. Узи эса тобим йўқроқ, табиғга учраб кейин бораман, баҳонаси билан ҳовлида қолди. Шу пайт қўшни Раҳимбойнинг: «Зурафо, мен бомлодга кетдим, куча эшигини беркит» деган фармони янгради. Раҳимбой қизини чақирдим, қизи номи билан хотинини чақирдим бу жиҳати номаълум эса-да, «Зурафо» сузини эшитиб. Отаугилнинг юраги аллақандай булди, нимагадир энтиккани. зориқиб тургани ошкор сезилиб қолди. Йигитнинг куз унгида қизнинг порлоқ чехраси, шахло кузлари, қийгоч қошлари, енгил титраган нафис лаблари... ҳаммаси. ҳаммаси равшан намосён булиб, кинояли сузлари қулоғи остида жаранглаб кетди. Отаугил туйгуларининг майин мавжидан сармасту сархуш эди.

Қўшни боғдаги булбуллар шавқ билан сайраб, оламга нурли қуй, шоду хуррамлик таратур эди; йигит ҳушёр тортиб боғ томон йўналди, чунки кечадан бери унга булбул гулга эмас. Зурафого қараб сайрагандай туюла бошлади. Ҳамма ошиқларнинг насибаси шу; улар коинотнинг бутун латофатини уз маҳбублари жамолида қуришади. Бора-бора ёру диёр тушунчаси бир-бирига қоришиб, бир маънони ифодалайди, бу маънода ишқ ижтимоий-фалсафий мазмун касб этиб, ошиқларга ҳиммат, шижоат, маънавий баркамоллик бағишлайди; улар узлари яшаган муҳитнинг иркит бидъатларидан юқори кутарилиб, қисматлари қандай булишидан қатъий назар, замон қаҳрамони-

<sup>1</sup> Ҳар урмонни буш деб уйлама,  
Балки унда йўлбарс ётгандир.

га айланади; кейинча шоир дostonию адиб романининг сеvimли мавзуси булиб қолади.

Отаугил боққа чиққан ҳамон қўшни боғ томонга қаради. Қийғос очилган гулзорда қарғашоҳи қуйлак кийиб, майин табассум этиб, шу чаманнинг курки Зурафо турарди. Йигит бу илоҳий гузалликка бир зум тикилиб турди-да, илҳом билан суз қотди:

— Мен ҳанузгача булбул гулга қараб сайрайди, деб уйлардим, энди билсам бу фикр галат эмиш.

Йигит муддаосини айтишга улгурмай, Зурафо гапни илиб кетди:

— Нега жаноби саркарда бундай фикрга келиб қолдилар?

— Чунки булбул фақат сизга қараб сайраркан, бунга узим шохидман, — деди Отаугил эътиқод билан.

— Бундай илдио фақат Зебунисобегимга ярашади, — деди Зурафо ички бир мамнуният ва ифтихор билан.

— Нима, Зебунисобегим бу хусусда бирон нима деганларми? — қизиқсинди йигит.

— Булмаса-чи, — тушунтира кетди Зурафо, — ахир:

«Булбул аз гул бутзарат гар дар чаман бинат маро»<sup>1</sup> — фахрияси шу шоира қаламига мансуб-да.

— Ана холос, — қувониб кетди Отаугил, — бу мисра сизнинг тилингиздан ёзилган, бундай дейишга фақат сиз ҳақлисиз...

Отаугил узи булбулга айланиб, қаршисидаги тирик гулни мадҳ этиб турганда, тусатдан Зурафонинг авзойи узгарди, чуқур сулиш олиб, оғир хаёлга чумди, гуё порлаб турган қўшни булут қолади. Бу оний узгартишдан саросимага тушган йигит, нима қиларини билмай:

— Зурафо, Зурафо, сизга нима булди? Сизга нима булди? — дея энтикар, изтироб чекарди.

Зурафо йигитга маънос боқиб, маҳзун оҳангда:

— Ҳеч нарса, ҳеч нарса... Эртага менинг... улигимни шу ердан тонасиз, — деди-да, юрак-бағридан чиқариб йиғлаб юборди.

Йигит хангу манг булиб қолди, кеча у янги дунёга қадам қуйгандек эди, наҳотки бу гузал дунё икки кишига торлик қилса, наҳотки биров бу оламга келиши билан бошқа бирови чиқиб кетиши шарт булса? Бу қандай машғум, мантисиз зарурат?! Отаугил «Е раббий, е раббий! Бу қандай синаот?» деганича қолди.

Зурафо унинг назарида ҳаётнинг рамзи эди, ҳаётни қуриштиб булмайди, бордию ҳаёт таҳлика остида қолса, уни ҳимоя қилиш даркор. Йигит шу эътиқодга келгач, қиздан ёлбориб сурди:

— Зурафо, сиз менга тушунтириб айтинг-чи, узи нима гап? Ким сизнинг ҳаётингизга таҳдид қиляпти?

— Афсуски, ҳозир сизга тушунтириб беролмайман, — деди қиз титраган овоз билан, — тун буйи ҳасратларимни қозогга тукиб чиқдим, унда фалокатнинг ҳамма тафсилоти бор.

Отаугил энтикиб сурди:

— Қани уша ҳасратнома?

Қиз бир неча қадам олдинга юрди-да, китоб қатидан тахланган

<sup>1</sup> Булбул мени қурганда, гул баҳридан утарди.

қоғоз чиқариб, Отаугилга узатди. Ҳозир унинг кузларида шундай бир мунг бор эдики, буни куриб йигитнинг юраги орқага тортиб кетди. Ҳа, Зурафо ҳаёт билан вилолашгаётгандай гамгину мотамсаро эди.

Қиз, отам бомдод намозидан қайтади, эшикни очипшим керак, деб ичкарига йўналди. Йигит, кунгли тула тапвишу қулида сирли мактуб билан боғда танҳо қолди. Отаугил қизнинг кетидан, намози асрда шу ерда буламан, дейишга улгурди, холос. Зурафо кетиши билан Отаугил мактуб мутолаасига киришди.

«Жаноби саркарда, агар улимдан узга чора топилса, сизни гаму ҳасратларимга шерик қилиб турмасдим. Ҳозир мен учун икки халоскор бор: бири сизу, бири оғу. Менинг ешимда оғудан мадал сураш нечоғлик даҳшат эканин бир уйлаб куриинг-а. Олам тула қувончу менинг қисматим гаму андуҳ булса-я! Ажабо, қайси ёзуқларим учун Тангри мен шурликни бу ҳалокат гирдобига дучор этди экан?»

Отаугил мактубни ҳаяжон билан ўқир, қиз қалбида қузғалган бу тугён, бу шиддатли исённинг асосий омилларини чуқурроқ ҳис этишга ошиқарди.

«Отам Олимхон даврининг мансабдорларидан эди, Умархон даврида назардан қолиб, саройдан четлаштирилди. Шундан қаттиқ таъсирланиб, тоат-ибодатга берилиб кетдилар. Агар одамлар кунига беш вақт намоз ўқишса, менинг отам кун буйи жойнамоздан турмайдиган бўлиб қолдилар. Кейин қандайдир бир бетавфик эшонга қул бериб, зикру-самога ружуъ этдилар. У кишининг пирлари соҳиб каромат эмиш. Ул ҳазратга қилинган ҳар қандай назру ниёз муридлари учун жаннат эшикларини ланг очиб қуярмиш. Мана шу тамаъ билан отам мени эшонга назр қилиб, узлари Каъба зиёратига борармишлар. Мен уйлаб-уйлаб уйимга етолмайман, наҳотки отанинг жаннатга кириши учун қизи дузахга кириши шарт булса? Борди-ю, шариаат ҳам, жамъият ҳам шу фосиқона ақидани турри топса, мен уни рад этаман, унга қарши исён кутараман, чунки бундай никоҳдан улимни афзал санайман!»

Жаноби саркарда, мен оқбилак ойимлардан эмасман, ҳар қандай ишга қул урсам урдасидан чиқаман. Мен учун ҳеч қачон эл олдида мулзам бўлиб қолмайсиз, бу аниқ! Бинобарин, сиздан елбориб сурайман: мени сарбозлар сафига қабул қилинг. Назаримда, ҳозир мен учун икки бошпана бор: бири лашкар қароргоҳиу бири лаҳад... Булардан қайси бирини менга раво қурасиз, бу ёғи сизнинг ҳамиятингиз, жувонмардлингизга боғлиқ.

Бахтиқаро Зурафо».

Отаугил мактубни ўқиркан, изтиробдан нафаси қисилиб, ҳаво етмагандай безовталанди, гуё сатрлардан учқун сачраб, тану жонига ут тутади. Унг қули билан кузларини беркитиб, чуқур ҳаялга чумди. Назарида, ақл эмас, анқовлик тантана қилаётгандай туюлди. Риёкор эшонларни, жаҳру санода жазаваси тутиб, маст туюдек оғизларидан куйик сочиб етган ирkit, жирканч муридларни куз олдига келтириб, Отаугилнинг юраги сиқилди, нафрати тугёнга келди.

— Қиз ҳамият талаб, — деб муҳокама қиларди йигит, — гарчи талаби гайри табиийдек туюлса ҳам, имдод сураган кимсага лоқайд

қараш бориб турган номардлик, жувонмардлик дастурининг барча моддаларига хилоф! Ҳазрат Паҳлавон Маҳмуд: «Номарддан ит афзал» дебдилар. Дарҳақиқат, йигитлик шаънига иснод келтириб, бешараф яшап разолат ботқоғига ботиш демакдир.

Кейин Отаугилнинг қулоқлари остида мактубнинг кескин жумлалари жаранглади: «Ҳозир мен учун икки халоскор бор: бири сизу, бири оғу... Ҳозир мен учун икки бошпана бор: бири лашкар қароргоҳиу бири лаҳад... Булардан қайси бирини менга раво қурасиз, бу ёғи сизнинг ҳамиятингизга боғлиқ...»

Қиз бу хавфли уйинда уз ҳаёти билан йигит шарафини қушиб дов тикди, энди Отаугил учун дов кетишдан узга чора йўқ эди. Бундан узгаси бешарафлик, қурқоқлик, номардлик! Йигит шунга жазм этгач, дарҳол кучага чиқиб, турри устози Карим оталиг ҳузурига кетди. Отаугил Карим оталигнинг дарвозасига яқинлашганда, у киши бомдод намозидан чиқиб келаётган эди, икковлари дарвоза рубарусида дуч келишди. Йигит авзойидаги узгариш, бемаҳал ташриф ва яшириб булмас ҳаяжонни куриб, Оталиг хавотирланди.

— Нима гап, уғлим? Тинчликми?

— Ҳеч қутилмаганда нотинчлик руй берди.

— Қандай нотинчлик? — билишга ошиқди устоз.

— Қандайлигини тушунтириш қийин, жаноби саркарда, аммо мана бу мактубда ҳаммаси битилган. — йигит қиз мактубини устозига узатди.

Оталиг хатни эътибор билан ўқиб, бир оз уйга толди, кейин аста-секин юзлари ёришиб кетди.

— Бу қиз сизга танишми? Отаси ким экан? — сўради устоз.

— Бизга девордармиён қушни, отасининг оти Раҳимбой эмиш, — деб жавоб берди Отаугил.

— Бу қиз билан қачондан бери танишсиз?

— Кеча боққа чиқиб, биринчи бор куришим.

— Қўжликми?

— ...

Оталиг гапнинг тагига етиш учун сурашда давом этди:

— Иттифоқо, бу қизни севиб қолганингиз йўқми?

— Ҳозир гап бунинг устида эмас, устоз. У мендан ҳимоят сўраяпти, бу ҳимоят қайси йўсинда эса-да, бутун бўлиши шарт, эртага кеч...

— Тушуниб турибман, саркарда, — Отаугилга далда берди устози, — ҳар бир она ҳам бунақа қиз тугавермайди, бу довжорак қизни албатта қутқарамиз.

— Қандай қилиб?

— Бу ёғини уйлаб қурамыз, — деди Оталиг ва уйига кирмай, Отаугил билан муҳофизлар қароргоҳи томон юрди.

Оталиг билан Отаугилнинг саҳарлаб қароргоҳда пайдо бўлишлари сарбозлар орасида турли талқинга сабаб булди. Уларнинг бири, ҳаҳ яна урушми, деб тапвиш тортса, бошқаси демак, шикорга чиқамиз, деб қувонар, узини биебонда кийик кетидан қувиб кетаётгандай

масрур ҳис этарди. Бу орада икки саркарда, юзбоши ва унбошиларни туплаб, Зурафо мактубини бақамти уқишди, ҳар тарафлама муҳокама қилишди. Охир-оқибат Карим оталиг бу ҳайратангиз киссадан ҳисса чиқариб бундай деди:

— Қиз Отаугилга мурожаат қилиб, аслида ҳаммамиздан нажот сурабди. Энди биз, бу фарёдни эшитмадик, деемаймиз, чунки қизнинг ҳалокати боболаримиз ардоқлаган жувонмардликнинг юзтубан кетишидир. Бордию шундай ҳол юз берса, бизлар умр буйи виждон азобидан қутулмаймиз, бу — тириклай дузахга кириш демак. Бундан ташқари, ҳар бир эркак ҳам аскар сафига уз ихтиери билан келавермайди. Ҳарбий хизмат деса, лабига учуқ тошадиган қуёнорақлар оз эмас. Зурафо, қиз ҳолида, шу огир, хавфли хизматга уз хоҳиши билан келмакда. Шундай қилиб, йигитлар, бугун бу даргоҳга менинг қизим, сизларнинг сингилларингиз кириб келади. Биз бу шерюрак қизни муносиб қарши олиб, унинг бизга ишонч-этиқодини оқлашимиз лозим. Жувонмардлик шуну тақозо этади.

\*\*\*

Кечки пайт, қуёшнинг заррин нурлари арғувоний тус олган, шундан булутнинг этагию одамларнинг чеҳраси қизариб куринарди. Гуё осмонда қуёш эмас, қандайдир муаззам гулхан ёниб, унинг лоларанг шуъласи оламини тутган. Зурафо отасини аср намозига жунатиб, боққа чиққанида, Отаугил уни интизорлик билан кутиб турганди. Қизнинг назарида, Отаугил бомлоддан асргача узини бироз олдириб қуйгандек туюлди, юраги ачишди.

— Сизни ташвишга солиб қуйганим учун жудаям укинаман, — деб меҳрибонлик қилди Зурафо, — мендан қайтмаса Худойимдан қайтсин.

— Бу ташвиш эмас, менга ишонч аломати, — деди Отаугил ва сузида давом этиб, воқеани тушунтирди: — Сиз лашкар қароргоҳидан бошпана сурабсиз, қўпин сизни уз паноҳига олишга аҳд этди. Қани, юринг.

Орадан йигирма дақиқа утар-утмас Отаугил дарвозасидан турт суворий чиқиб, муҳофизлар қароргоҳи томон йул олдилар. Шуларнинг бири сарбозчасига кийиниб олган Зурафо эди.

Шундай қилиб, Умархон муҳофизларининг сони 501 кишидан иборат бўлиб қолди. Зурафо муҳофизлар мураббийси Карим оталиг билан кекса юзбошиларни ота мақомда қуриб, иззат-икромларини бажо келтирса, саркарда ва сарбозларга сингилдек мушфиқу меҳрибон эди.

Оила ҳаётидан йироқланиб, анча дағаллашган йигитлар беихтиер уз она-сингилларини эслаб, фикран уларни Зурафо билан таққослаб куришар, тақдир уचाкишган бу қизнинг иродаси тақдирдан зуригини куриб, ҳаваслари келарди. Эрларнинг улуғ издиҳомида тусатдан пайдо бўлган бу нозанин шу жамиятга файз киритди. Йигитлар зоҳирий куришишларга, уст-бошларига эътибор билан қарайдиган, оғизларига қараб ганирадиган бўлиб қолишди. Зурафо гуё куп болали хонадоннинг биттаку эрка қизи бўлиб қолди.

Раҳимбой аср намозига чиқиб кетганича, шом ва хуфтонни ҳам уқиб, ҳовлисига жуда кеч қайтди. Осмон тула юлдуз, тулин ой самовий салтанат тахтига чиқиб оламга нур сочмоқда. Бирдан кукнинг шарқи-жанубий уфқидан бир юлдуз учиб, йулида оқиш из қолдирганча юзтубан кетди. Раҳимбой осмонга термулиб, яна биров жон бердиёв, деб уйлади. Чунки у давр этиқодича ҳар бир одамнинг осмонда уз юлдузи бор, бирор юлдузнинг учиши уша шахснинг улими демак эди.

Самовий жисмларнинг ҳаракати ҳақидаги бу тушунча илмий ҳайъатга, яъни астрономияга хилоф булса ҳам, уша давр этиқодича кура тугри муҳокама эди. Ахир, ешлигида осмонга қараб «Бу менинг юлдузим, бу менинг юлдузим...» демаган бола борми? Раҳимбой ҳам ешлигида осмонга тикилиб энг порлоқ юлдузини танлаб, «Бу менинг юлдузим» деб қувонганлардан бири-да. Шунинг учун юлдуз учиши унга салбий таъбир этди. Азали уйга келиб қолган меҳмондек кўнгли хира тортди, синиқ руҳи чил-парчин булди. Ихтиерсиз йулда тухтаб, юлдузлар чаманидан уз юлдузини қидира кетди, лекин қайси бири уз юлдузи эканини идрок этолмади, назарида унинг юлдузи аллақачон сунган, учиб кетгандай туюлиб, ваҳимага тушди. Шундан сунг, тезроқ юриб, уз ҳовлисига етиб келди-да, дарвозани қоқди. Ичкаридан товуш чиқмади. Бу гал қаттикроқ қоқди, аммо ичкаридан сасало эшитилмади. Эшикни такрор ва такрор тақиллатиб, «Зурафо! Зурафо!» деб қақирди. Шунда ҳам жавоб бўлмагач, баттар дилгир бўлиб, чап томондаги қўшниси Исломуҳжанинг эшигини тақиллатди. Ичкаридан «Ҳозир», деб Исломуҳжа чиқди.

— Ассалому алайкум, тақсир.

Раҳимбой саломга алик олиб деди:

— Хуфтондан келувдим. Ҳовлини қақирсам овоз булмади. Агар малол келмаса, мени боғ эшигингиздан утказиб юборсангиз.

— Хуп, тақсир, — деб Исломуҳжа Раҳимбойни бошлаб боғ эшигидан уз ҳовлисига утказиб юборди.

Раҳимбой ичкари ҳовлига кириб келганда, уйлар қоп-қоронгу эди. Демак, Зурафо чиरोқ ҳам ёкмаган, айвонга яқин келиб: «Зурафо! Зурафо!» деб қақириб курди, овоз чиқмади. Айвон устунлидаги шамдонни ёқиб, уйларга кириб чиқди — ҳеч ким йуқ. Шурлик отанинг қўллари қалтираб, нафаси қисилиб меҳмонхонага чиқди, у ерда ҳам бирор жон асари йуқ, меҳмонхона хувиллаб ётибди, у жонини қуярга жой тополмай гарангсиз қолди.

«Гаажжуб, — деб қақшала Раҳимбой, — боя осмондан учиб ер қаърига шунғиб кетган юлдуз меникимиди ёки Зурафоникимиди? Зурафо бу бемаҳалда қаерга бориши мумкин? Дарвоза ичкаридан берк, демак, қаерга кетган булса ҳам, боғ эшигидан чиқиб кетган. Агар чап томондан чиқиб кетса — Исломуҳжанинг болалари кўрарди, унг тарафда эса, ана у шумтака сарбозлар туришини. Улардан: «Қизим қаерда?» деб сураш уят. Хуш, нима қилай? Миршабга бораёми, қозикалонга арз этайми? Йуқ, ҳар иккиси ҳам шармандалик...»

Раҳимбой уйлаб-уйлаб уйига етмади, бир қарорга келолмай, мақсадсиз кўчага чиқиб, дарвоза олдидаги супага утириб хаёлга чумди.

Эртага, фалончининг кизи қочиб кетибди, деган овоза тарқалса, элу юрт олдида шармандаю шармисор булишини уйлаб юраги уюшган-дек булди. Фикрлари чувалашиб, нима қилишини билмасди.

Одамлар подадан қайтмаган қуй-қузиларини, ҳовлида қуринмаган мушук ва кучукларини, товук ва каптарларини қидиришади-ку! Раҳимбой булса, балогаг ешидаги нозанин қизини йўқотибди-ю, у еқ-бу екдан суриштириш урнига уз егига қовурилиб утирса-я! Шу фикр бошида ялт этиши билан уридан салғиб турди-да, парипонликдан дарвозани ҳам беркитмай, Чорсу томон юриб-кетди. Тунда бировнинг эшигини тақиллатиб; «Менинг қизим шу ерга келмадими?» деб сураш нечоғли огир экани ҳаммага аён, лекин шурлик отанинг бу тахир, бадхур дорини ютишдан узга чораси йук эди. У барча узоқ-яқин қариндошларнинг, таниш-билишларнинг дарвозаларини тақиллатиб, сураб курди. Бемаҳалда куп одамларни безовта қилди. Аммо қизидан ҳеч қандай дарак топмади. «Ҳозир Зурафонинг улиги топилса ҳам қувонардим, ахир тирик топилса ҳам улдиришим муқаррар-ку!..»

Даҳшатли фикрлар билан сархуш Раҳимбой тунда гандираклар юриб, ахийри миршабхонага кириб келганини узи ҳам сезмай қолди. Миршаблар, собиқ улпончининг бемаҳал ташрифидан норози булиб, уни жуда совук қабул қилишди.

— Нега ярим кечада дайдиб юрибсиз, тақсир? — суради пайваста қопли норгул Фозил тунқотар.

— Бошимга ташвиш тушди, тақсир.

— Қандай ташвиш?

— Хуфтон намозидан қайтсам, уйда қизим йук, бормаган жойим қолмади, қаёққа гойиб булганини билолмай гарангман.

— Онаси, ака-укалари борми?

— Онаси бир йил муқаддам вафот этган, ака-укалари йук, елгиз киз.

— Қизингиз неча ёшда?

— Ун туққиз ёшда.

— Ораларингизда аччиқ-тирсиқ гап утмаганмиди?

— Йук, тақсир.

— Қизингизни бирор одамга унашганингиз йукмиди?

— Ҳазрат эшонга назр қилиш ниятида эдик.

— Қайси эшонга?

— Оллаёр эшонга.

— Оллаёр шилшиққами?

— Ундай демасинлар, тақсир, гуноҳи азим булади, — эътироз этди Раҳимбой, — ҳазрат эшон соҳиб кароматлар.

— Олгмиш ешга кириб, набираси ешидаги қизга уйланишга рози булган эшон авлиё эмас, диенатсиз, бетавфиқ аблаҳ булади, — деди Фозил тунқотар ва нафрат билан Раҳимбойга тикилиб давом этди: — Борди-ю, сиз шу одамни соҳиб каромат авлиё деб билсангиз, у ҳолда миршабхонага эмас, туғри пирингиз хузурига боришингиз керак эди, у киши «каромат қилиб», «башорат этиб» қизингиз кимнинг уйида-ю, кимнинг туйида эканини дарҳол айтиб берадилар.

Фозил тунқотарнинг Раҳимбойни таққирлаши замирида Умархон усули идорасидан норизолик оҳанги сезиларди, чунки Амирул

Муслимин «авлоди пайгамбар» деб саидлар, хужалар, шайх ва эшонлар ҳаракатига шу қадар ривож бердики, ҳар бир танбал, ҳар бир фосиқ узини е «соҳибкаромат эшон» еки «авлоди пайгамбар» деб эълон қилди. Охир-оқибат шундай булдики, руҳоний ҳокимият эшонлар, туралар қулига, дунёвий ҳокимият қози ва қозикалон қулига утиб, жангу жадалларда жонбозлик қилган ҳарбийлар кераксиз безакка айланиб қолишди. Буни ҳар бир саркарда чуқур ҳис этар, бу алам ҳар бирининг юрагини тирнарди, лекин Ражаб қушбеги фожиасидан сунг ҳаммалари хушёр тортиб, норизолик билдиришга ботинмас эдилар. Шу маънода тунқотарнинг Раҳимбойга қарши хуружи биринчи портлаш эди.

Раҳимбойнинг юраги маломат ханжаридан жароҳатланиб, миршабхонадан малулу маҳзук, мулзаму мустар булиб чиқиб кетди. Бировнинг оила шарафи ва шахсий эътиқодига қарши бунчалар таққирга анча-мунча одам ботинмагандек, бунчалар огир иснодга ҳар ким ҳам бардош беролмасди, албатта. Бинобарин, Раҳимбой ҳам руҳан, ҳам жисман шундай ҳоридики, қадам ташлашга мажולי қолмади, гуё уз аҳволидан истехзо қилгандай:

*На уликмен, на тирик,  
на согу, на бемормен, —*

деб юборди. Чиндан ҳам у ҳозир шундай ҳолатда эди.

10

Отаугил Зурафони қушин қароргоҳига дадил боплаб келди-ю, унинг қаерда тунашини уйлаганда турфа андишалар гирдобига кириб қолди. Табиий, бу қароргоҳда жой йуклигидан эмас, бу даргоҳга яна минг қиз кириб келса барисига жой топиларди, у ҳолда бу хил ташвишга ҳам урин қолмасди. Аммо бир қизни жойлаш, қандайдир, муаммодай туюларди.

Нафсиламбрини айтганда, ҳозир Зурафо учун Отаугилнинг ички ҳовлисидан муносиб жой йук. Борди-ю, еш саркарда бир имомни чақириб, дуслари гувоҳлигида, қизни никоҳ қилиб олса ҳеч ким унинг йулини тусолмасди. Аммо Отаугил қизинг бу ишга майли бор-йуклигини билмасди, шу важдан бунга азму жазм этолмасди. Назарида, бундай қадам жувонмардлик, олижаноблик учун музд талаб этиш каби расволик, пасткашлик булиб куринарди.

Еш саркарда уйлаб уйига етгунча, купни курган Карим оталиг бу муаммони оқилона ҳал этиб, Отаугил бошлиқ барча юзбоши ва унбошларни қувонтирди.

— Гап бундай, йигитлар, — деди вазминлик билан муҳофизлар мураббийси, — бугундан эътиборан қизимиз Зурафо бизникида этиб турали. Биз, чолу кампир, елгиз қизимиз иккита булди, деб Тангри таолога шукр қиламиз. Бирор машғулот масаласига келсак, бу хусусда бафуржа уйлаб курамиз. Энди мен бориб, уйлагиларни бу хуш хабар билан қувонтирай, улардан севинчи олай...

Карим оталиг отга миниб уйига кетди. Отаугил билан юзбоши ва

унбошилар узларининг зийрак, меҳрибон, тажрибакор устозлари кетидан таҳсин ўқиб қолишти.

Бир соатдан сунг низомий — ҳарбий либос кийган турт суворийни Карим оталиг дарвозаси олдиди ўзи кутиб олди. Улардан бири отдан тушиб, уни етаклаганча, туғри ҳовлига кириб кетди, қолган уч нафари ортиқча гап-сузга киришмай, дарҳол орқага қайтишти.

Шу тариқа замон билдәтларига қарши исен кутарган Зурафо замон забардастларидан бири Карим оталиг хонадонидан бошпана топди. Энди бу мустаҳкам қалъада унга ҳеч қандай хавф-хатар йўқ эди.

Кани, курайлик-чи, масхарабоз фалакнинг яна қандай найрангла-ри бор экан?

Пайшанба — Амир Умархон билан малика Моҳларойим, яъни шоира Нодиранинг қабул кунлари эди. Одатда, арз-дод билан келган эркаклар Умархон боргоҳига, шу мақсадда келган аёллар малика ҳузурига киридилар. Бугун ҳеч қутилмаганда бу даргоҳ бусогасида хонли-нинг энг нуфузли саркардаларидан Карим оталиг пайдо бўлди. Боргоҳни муҳофаза этиб турган навкарлар уз мураббийларини қабулхона дарвозаси ёнида иззат-икром билан кутиб, дарҳол ҳудайчини чақирдилар. Худайчи шовилганча чиқди-ю, бундай юксак мартабали дод-хоҳни куриб ҳангу манг булиб қолди, сунг илик табассум билан навозишқорона суради:

— Жаноб Оталиг қандай хизмат буюрадилар?

— Маликамга айтгулик муҳим хабар бор.

Худайчи «ҳозир» деганча, шитоб билан малика ҳузурига кириб, таъзим ҳолатида турди-да, тантанавор арз этди:

— Фарғона хонлигининг машҳур саркардаларидан жаноби Карим оталиг ҳузур шарифларига кириб, шарафёб булишга рухсат сурайдилар.

Нодира биров таажжубланди: «Бу қандай муҳим иш будики, аввал Амирул Муслиминга эмас, бу фақирга арз этмоқ лозим булибди», — деб кўнглидан кечирди у. Сунг очиқ чехра билан илтифот этди:

— Жуда соз, айтинг, марҳамат этсинлар.

Карим оталиг боргоҳ оstonасида куриниши билан Моҳларойим урнидан туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди, чунки бу шахс фақат олий мансабдор эмас, балки Амир ва Маликанинг ҳаёти, қолаверса, давлат хавфсизлиги учун жавобгар қўшинининг сардори, саркардаси. Бундан ташқари, Раҳмонқулибийнинг яқин дустри, яъни Нодиранинг ота қадрони эди. Шунингдек, Оталиг Нодиранинг сайру саёҳатларида, сафарларида, Амир билан шикорга чиққанларида доимий ҳамроҳ булиб, соядек изма-из юргани учун унинг кўнглида, салтанатнинг бу содиқ посбонига нисбатан фарзандона меҳр уйғониб, муомалаларида, сарой такаллуфотида сира ухшамаган мунислик ҳукм сурадди.

Гарчи Карим оталиг мамлакат маликаси наздида уз нуфуз-эътиборини куриб, ич-ичидан қувонган эса-да, бовужуд сарой таомилига риоя қилиб, ҳашамат билан суз бошлади:

— Мен бугун мамлакат маликасини адолат тахтида осуда утирган-

ларини куришга орзуманд эдим, аммо ҳазрати олияларининг банд-парварликларидан бу орзум ушалмади.

Нодира қўлларини куксига қўйиб, гул табассуми билан гапни шу рўҳда давом эттирди:

— Агар узларидек меҳрибон, узларидек содиқ кимсалари кириб келганда, бу ноқисул ақл қизларигина эмас, ҳатто Бибихоним ҳам сакраб туриб, пешвоз чиқардилар.

— Офарин, маликам, офарин! — деб таҳсин ўқиди Оталиг, — шоиралар муболагага мойил, сузамол тоифа. Бас шундай экан, суз жангтоҳининг Нодираи Давронига ким бас кела олади?

Шу хил зарофатлардан сунг Нодира муддаога кучиб суради:

— Жаноби Оталигнинг ташрифлари замирида бирор муҳим воқеа булса керак?

Оталиг боши билан шу фикрни тасдиқлаб, Зурафонинг нажот сураб Отаугилга ёзган мактубини узатди. Нодира мактуб қатларини очиб, зўр эътибор билан ўқишга киришти. Ичкарининг фарёду фиғонидан, мавжуд тузумга қарши нафрату исендан иборат бу аламангиз мактуб мутоаласидан шоира ларзага келди, унинг лаблари титраб, кўзлари чақнаб кетди. Зодагонлар, киборлар даврасида нашъу-намо сурган маликага Зурафонинг мактуби дузах тубидан чиққан уввосдек даҳшатли таъсир этиб, ҳаяжонга келтирди. Бир дақиқада ижтимоий табақалар орасидаги тафовут пардаси йиртилиб, боёнлар, заминдорлар, мансабдорларнинг ҳашаматли ҳаётларию жафокаш йўқсулларнинг юпун, ярим яланғоч, қашшоқона ҳаёт тарзлари куз унгидан ясов тортиб утдилар.

«Мусулмон аёллари бу жамиятнинг пойдевори эса-да, уларнинг бутун инону ихтиёрлари ота билан эр қўлида, — деб қақшаб уйларди Нодира, — нозанин қизларимиз уз уйларида ҳам, қайинота уйида ҳам фақат чури, итоткор асира, холос! Ё раббий, бу жаннат қўшларининг қанотларини қайришдан мурод нима?»

Нодира ҳаёт денгизида гарқ булаёзганидан чучиб, ҳушёр тортиди-да, бесарамжон ҳолатда суради:

— Қиз қароргоҳга олиб келиндими?

— Шундай, маликам, Зурафо қўшин паноҳидаю камина хонадо-нида. Бу жиҳатдан ташвиш торгмаслар.

Шоира андак тинчиб, енгил сулиш олди. Назарида, муқаррар қабоҳат чекингандай бўлди, шунга қарамай, воқеа тафсилотини би-лишга ички эҳтиёж сезарди.

— Бу воқеа қачон рўй берди?

— Утган жума кўни, маликам.

— Қизни қароргоҳга ким ва не тариқа олиб келди?

— Отаугил, албатта.

Нодира тамом енгил тортиб, юз-кўзларида табассум нурлари пор-лади ва майин зарофат оҳангила:

— Жаноби Оталигнинг маслаҳатлари билан, албатта? Шун-дайми?— суради.

— Маликам каромат қилдилар, — деб тасдиқлади Оталиг, — аммо вазият ҳам шуни тақозо этарди.

Шундан сунг кекса саркарда Отаугил Зурафони не йўсинда қу-

пин қароргоҳига олиб келганини нақл этдиким, бу жиҳати муҳтарам уқувчиларга аён.

11

Зурафонинг Карим оталиг хонадониди пайдо булиши бу оилага жонлилик, хушнудлик, файзу барака киритгандай булди. Хушфетъл, хушмуомала, сузамол, саранжом-сарипта бу қиз бир ой мобайнида Карим оталигининг хотини Мастура бону, қизи Фотимахон билан чунонам иноқлашиб кетдики, курган одам уларни она-бола, эгачи-сингил деб гумон қиларди.

Оталиқнинг қизи Фотимахон ун саккиз ешпа киргач бир жойга фотиҳа қилиб қуйилган булса ҳам қозон-товоқ билан ҳамон Мастура бону узи шуғулланиб, сермеҳмон бу рузгорда қизининг иши — кир ювиш, ҳовли супуришдан нари бормас экан. Бундай ҳол одатда е қизларнинг эркалигидан, тантқиқидан ёки оналарининг уз фарзандлари қобилиятига ишонқирамаслигидан келиб чиқади. Ҳолбуки Фотимахон эркаю тантқиқ ҳам эмас, беақлу бефаросат ҳам эмас, аксинча у чаптаст, зийраку нозикфаҳм қиз эди. Буни зимдан кузатиб юрган Зурафо Мастура бонуга елборган оҳангда бундай деди:

— Ойижон, бу уйда биз, икки қиз турганда, сизнинг учоқ бошида овора булишингиз менга эришроқ туюлаяпти. Ростини айтсам, бу — биз учун уят. Агар сиз ишониб, бу хизматни Фотимахон билан менга топширсангиз, биз жуда қувонар элик.

Мастура бону меҳр тула кузлари билан Зурафога боқиб хаёлга чумди: «Нафсиламбрини айтганда, шу ишларни аллақачон Фотимага топширсам буларди-ку. Нега шундай қилмадим? Бу Фотимани аяганимми, йуқ, ҳамма ишни унга топширсам, узим нима қиламан? Нима билан узимни овутаман, деб уйлаганимдан, албатта».

Шу фикрлар кунгидан кечди-ю, чехраси ёришиб жавоб берди:

— Зурафо, жуда зийраксан, қизим. Ақлинг шуъласи оиламизнинг шу қоронғи бурчагини ҳам ёритибди. Бироқ сен меҳмонсан, меҳмон — атои худо, дейишади. Шунни билиб туриб, сенга не тил билан иш буюраман, болам?

— Гапингиз туғри, — тасдиқлади Зурафо майин табассум билан, — чиндан ҳам озиб-езиб, ойда-йилда бир келган меҳмонни ишга буюриш назокатдан эмас, лекин мен сизнинг хонадонингизга меҳмон сифатида эмас, қиз булиб келдим-ку, модомики, тақдирнинг тақозоси шу экан, бас, болаларига иш буюрмоқ, мабодо улар хато қилсалар танбех бермоқ муҳтарама оналарнинг бурчи эмасми, она-жон?

Зурафонинг оқилона сузлари Мастура бонуга напша қилиб, хиёл уйга толди: «Бу жонсарак, сергайрат қиз қул қовуштириб, бекор утиролмайдди, уни бирон машгулот билан банд қилиш даркор, — уйларди Мастура бону, — ростдан ҳам бу уйда икки қиз туриб, менинг учоқ бошида ивирсиб юришим уринсиз». Кампир шу қарорга келгач, бирдан фикр суворийсининг йуналиши узгарди: «Улим бергур подшоҳлар мудом уришгани-уришган. Буларнинг касофатидан не-не йигитлар ҳалок булиб, неча минглаб оналар қаро кийишади.

Агар менинг уғлим Масъуд ҳозир ҳаёт булганда, йигирма икки ешга кирар, мен эса жон-жон деб Зурафони келин қилиб олар, қариган чоғимда энг бахтли она булиб фарогатда яшардим...»

Бундай гамгину аламангиз хаёллардан Мастура бонунинг кунгли бузилиб, лаблари титради, кузларига ихтиёрсиз еш қалқили; унинг юрагини тирнаган бедаво дарддан беҳабар Зурафо бу ҳолни куриб, ҳанг-манг булиб қолди, назарида уз саволи ута бемаврид, ноҳуя. бориб турган дилозорликдек туюлиб, хижолатдан узини қуярга жой тополмай қолди. Шу важдан жуда шикаста овоз билан гуноҳқорона узр сурлади:

— Ойижон, беадаблик, густоҳлик учун мен бахти қарони авф этинг, аммо сизга озор берганим учун мен умр буйи узимни кечиролмайман...

Зурафонинг надомат билан тула, ноладек ҳазин илтижосилан сергакланган Мастура бону хаёлот оламидан узига келди-да, Зурафого қараб:

— Хуш, нега бирдан мотамсаро булиб қолдинг? Қанақа дилозорлик? Сен узинг тилга кириб, бу хизматни мен қилай, дейсану, бу дилозорлик буладими? Йуқ, қизим, бу дилозорлик эмас, дилбарлик, зийраклик нишонаси. Сени илтимосингни жон деб қабул қилдим: бор, Фотимани чақириб кел, — деб буюрди она.

Зурафо ҳайрон қолиб, Фотимани чақиргани чиқиб кетди-ю, зудлик билан икковлон кириб келишди.

— Фотима, бугундан эътиборан қозон-товоқ, учоқ боши ишларини Зурафо билан сенга топшираман, сизлар турганда, менинг учоқ бошида куймаланиб юришим яхши эмас, — деди Мастура бону.

Қизлар ишонч-эътибор учун онага раҳмат айтиб, қувона-қувона чиқиб кетишди.

Кечки пайт Оталиг ҳовлисига қайтиб келганда, Зурафо тандирдан нон узар, қизи Фотимахон уларни авайлаб сават атрофига терарди. Қизлар уз ишларига шундай берилган эдиларки, орқаларилан, йигирма қадамча нарида оталари кузатиб турганини сезмай қолишди.

Икки қизнинг кунт билан қилган ишлари зое кетмади, нонлари жуда яхши, чиройли чиқди. Курган одамнинг ҳаваси келар, иштаҳаси очиларди. Фотима шундай свиниб, қувончни ичига сиғиролмай: «Ойи-чи, ойи...» деганча онасининг ҳузурига чоңқиллаб кетди. Нияти Зурафо ёлган нонларни таъриф-тафсир этиб, Мастура бонунинг қувонтириш эди. Бироқ, ҳеч қутилмаганда уйда отасини куриб, ҳайрон-ҳайрон булиб қолди, уялинқиради, хижолат чекиб, жим булиб қолди.

Бу ҳолни куриб Мастура бону:

— Нима булди, қизим? Нега жим булиб қолдинг? — деб сурлади.

Фотима хижолат аралаш аввал дадасига салом бериб, онасига жавоб қайтарди:

— Дадамларнинг кириб келганларини сезмай қолибмиз, мен, Зурафо онамларнинг нонларини курунг десмоқчи эдим, бирам чиройли, бирам чиройлики...

Шу пайт ҳаво ва тандир ҳароратидан лаблари устида тер резаларию юзлари лоларанг ҳолда, бир сават нон кутариб, хонага Зурафо кириб келди. У, уй турида Карим оталигини курган ҳамон, узун

киприкларини шаҳло кузлари устига тушириб, таъзим вазиятида салом берди, сунгра, ибо билан ғилам устидан оҳиста юриб бориб, саватни Оталиғ билан рафиқаси ҳузурларига қўйди. Мастура бону бир нонни қўлига олиб, унинг орқа-уңгига разм солди, сунгра уз мамнуниятини бу зайлда ифода этди:

— Ноннинг юзи — Худонинг юзи, биз нонга қараб Худонинг дийдорини кўрамиз, дейишарди. Шу маънода баҳо бергилгудек булса, сен ёнган нонларда ҳам Худонинг, ҳам пайгамбарнинг дийдорини куриш мумкин. Балли, қизим, қўлларинг дард кўрмасин...

— Агар Зурафо билан Фотиманинг бу маҳоратларидан воқиф булганимда, — деди Оталиғ рафиқаси бошлаган зарофатни давом эттириб, — мен бугун подшоҳ билан маликани меҳмонга таклиф этган булур элим.

Қизлар беҳад мамнун булиб, шавқ билан кечки таом тарадуудини бошлаб юборишди.

Зурафо билан Фотиманинг маъсумаликда, хушнуд, хуррам кечаётган кунлари узокқа бормади. Карим оталиғнинг булажак қудаси Раҳим саркор тусатдан, тўйни бошлаймиз, деб одам юборди. Оталиғ уйлаб-уйлаб: «Бир оз сабр қилайлик, тез кунда пишиқчилик булади, тўйлар фасли бошланади», деб ҳар қанча тавалло қилса ҳам қўла томонга қор қилмади. Бунақа вақтларда, яъни бир томон қаттиқ туриб олганда, иккинчи томоннинг сал ён бергани маъқулроқ, акс ҳолда куп кунгилсиз гап-сузларга сабаб булалди, келин шўрлик ҳали қайнота остонасини босмай, қайнонанинг мантқиқсиз маломатларига нишон булиши ҳеч гап эмас. Шу андиша билан Карим оталиғ тўйни бошлашга розилик берди.

Тўй ҳазилакам булмади. Мўл-қулчилик билан утди. Қўқонда тўйга таклиф этилмаган одам ҳам қолмади: «Хўкмдор, малика Моҳларойим, сарой хонимлари, вазиру вазирлар, уламо ва фузалолар, салтанат таянчлари муҳофизлар, ёш қари саркардалар, хулласи калом, шоҳу гадо барчаси тўйга ташриф этиб, ёшларни: «Қўша қаришсин» деб дуо қилишди.

Карим оталиғ тўйнинг бекаму куст утиши учун хуб тарадууд қилди, куп бош қотиридо, хонадониди, у давр мантқиқига кўра, энг ашаддий жиноятчи, яъни шўрлик Зурафо яшириниб ётганини, тўй кунлари уни бошқалар назаридан четда сақлаш кераклиги хотирига келмади. Бунинг икки хил сабаби булиши мумкин. Биринчи: хушфелъ, хушназоқат Зурафо қисқа фурсатда бу оиланинг ҳақиқий аъзосидай булиб қолди. Фотиманинг ундан бошқа дилбар, дилкаш дугонаси йўқ. Бас шундай экан, унинг тўйида қувона-қувона, елиб-юғуриб Зурафо хизмат қилиши керак-да. Шундай булгач, ким унга: «Тўй кунлари сен бошқа жойга бориб тур», деб айта олади. Қайси юз, қайси тил билан айтади? Ахир, унинг ҳаёти хавфу хатар остиди-ку! Қўрқоқлик билан номардликдан қўшиб йўғрилган бу хил таклиф бояқини Зурафо учун энг қабиҳ ҳақоратгина эмас, улим хўкми-ку! Эҳтимол, Оталиғ билан хотини шу андишага боргандирлар.

Иккинчи: Оталиғ — салтанатга, демак амиру Умархон хонадонига энг яқин сиймо, у шаҳзодаларнинг мураббийси, отахони саналади. Оталиғнинг саройдаги мавқеи ҳам вазирлардан баландроқ. Эҳтимол,

у шу жиҳатларга ортиқча баҳо бериб, уз ховлисини дахлсиз, мустаҳкам қатъа, деб уйлагандир.

Нима булганда ҳам ишнинг пачаваси чиқди. Тўй Оталиғ хонадонига қанча хушнудлик, шоду хуррамлик келтирган булса, ундан зиёдароқ хафалик, дилсиёҳлик қараб турган эди. Тўйга келган хотинлар орасида Зурафонинг ота уйини тарк этиб кетганидан хабардорлари оз эмасди. Аммо нима учун кетгани, қасрга кетганини ҳеч ким билмасди. Тўйхонада Зурафонинг шоду хандон хизмат қилиб юрганини кўрган хотинлар, гуё таажжубдан лабларини тишлаб, бошларини қимирлатиб, бир-бирларига қараб қўйишди. Бу қарашнинг маъноси: «Бу ёғи қандай булди? Бу оқпадар қиз тўйхонада нима қилиб юрибди?» деган гийбат, маломатнинг муқаддимаси эди.

Хотинлар тўйлан қайтган ҳамон, шошиб-пишиб, қўшниларига чиқиб кетишди, улар тўйда кўрган-эшитганлари ёнига мингтасини қўшиб-чатиб чунонам маҳобат қилишди, чунонам гап тарқатишдики, хуфтонгача Қўқонда бу гийбатни эшитмаган аёл қолмади. Эма хотинларидан бу гийбатни эшитган лақма эркаклар эртасига бу хабарни куча-қўйларга ёйишди. Шундай қилиб, пойтахтда дув-дув гап бошланиб, охир-оқибат Зурафонинг отаси Раҳимбойнинг қўлоғига етиб борди. Раҳимбой эса, уч ойлан бери қизидан дарак топмай, унинг қонига ташна булиб юрарди.

12

Қозикалоннинг маҳкамаси шаҳар марказида, узи қурдирган дангиллама иморатнинг ташқи қисмида — меҳмонхонасида жойлашган. Айвони ойнабанд, саккиз хонали бу гиштин иморатнинг ости зиндон вазифасини бажарарди. Шариату тариқатнинг бутун куч-қудратини уз қабзасида тутиб турган бу зот узини мамлакат хўкмдоридан юқори-роқ кўяр, раиятнинг ҳаёт-мамоти менинг қўлимда, деб кибру-хаво осмонида парвоз қиларди. У давр таомилига кўра, саройга тааллуқдор барча аъёнлар, вазирлар, юқори мансабдорлар бомлод намозидан чиқиб, тутри Амирул Муслимин хўзурига саломга борар эдилар. Аммо қозикалон саройларнинг неча минг йиллик бу анъанасини писанд этмас, саломга бормасди, унинг бу зайлдаги такаббурлиги хўкмдорнинг иззат-нафсига тегса ҳам, ҳанузгача унга лом-мим демас, чунки бу зот сайиллардан, яъни «авлоди пайгамбар»-да.

Бизда тезкор қассобларни «девкор қассоб» ҳам дейишади. Қозикалон булар-булмагса, унар-унмагса фуқароларни осииш, суйиш, тоибурон қилишга хўкм қила бергани сабабли халқ орасида «девкор қассоб» лақаби билан машҳур эди. Баъзан киноя ва нафрат оҳангида қисқагина қилиб «девкор» дейилса ҳам, халойиқ қозикалонни кўз олдига келтирарди.

Тақсиримнинг иш соатлари ҳам нотайин эди. У киши ҳар куп оқшомда мулозимларига эртага фалончи-фалончилар гувоҳлари билан мурофаага чақирилсин деб, фармон берар, мулозимлари уларни каллаи саҳарлаб олиб келар, улар соатлаб, баъзан пешингача мунтазир булиб кутар, аммо ҳазрат қозикалон лоақал сояларини курсатмас эдилар. Зотан, қозикалон саллоҳлар қўшхонага суйиш учун келтирилган



қўйларга қандай қарашса, мурофаага қақирилган одамларга шундай назар билан қарардилар.

Мана бугун ҳам қозикалон пешиндан кейин маҳкамада пайдо булдилар. Урта буйли, соч-соқолига оқ оралаган, қошлари бир-бирига туташган, қарашлари тунд, узига ҳаддан ташқари бино қўйган, худбин, мутакаббур бу зот Фаргона холигининг қозикалони Саидасрор тура буладилар. Турам мурофаага йиғилганлар олдида нописандлик билан утиб, туғри мурофаахонага (суд залига) кириб кетдилар.

Қозикалоннинг уч бераҳм, бешафқат мулозим (мувосили) бор эди. Саидасрор тура мазлумларнинг бошида шуларнинг гурзидай қўллари билан ёнгоқ чақарди. Уларнинг куч-қувватига, чаққон-чап-дастлигига ва жуссаларига қараб ҳар бири бир соҳибчангал (йиртқич) куш номи билан аталарди, чунончи: Ҳайлар Бургут, Қодир Лочин, Қосим Калхат каби...

Саидасрор тура ҳали қўшларини чақириб иш буюргунча булмай қозихонага зору нолон Раҳимбой кириб келди. Унинг бу аҳволини куриб, Бургут хол суралди:

— Нима гап, тақсир?

— Шармандалик, шармандалик, — йиғлаб туриб жавоб берди Раҳимбой.

— Қандай шармандалик? — Бургут тунжиковлик қилди.

— Буни фақат Саидасрор турамгагина арз этмоқчи эдим.

Бургут гизиллаб мурофаахонага кириб кетди. Қозикалон шу кунни куриладиغان ишларга назар солиб турган эди. Бургутнинг шарпасини эшитиб, унга савол назари билан қаради.

— Раҳимбой зор-зор йиғлаб кириб келди. Сабабини сурасам «шармандалик», «шармандалик» дейди-ю, бу шармандаликнинг нимадан иборат эканини фақат турамнинг узларига айтаман, деб туриб олди. Нима қилай, ҳузурларига киритиб юборайми?

Қозикалон бироз ўйлаб туриб, гапирди:

— Мурофаага тушланганларни ўйларига қайтариб юбор, эртага жума, шанба кунни келишсин. Раҳимбойга айт, бу ёққа кирсин.

Бургут Саидасрор айтгандай қилди. Раҳимбой хунграб йиғлаганча қозикалон ҳузурига кирди.

— Нима гап, нима булди, Раҳимбой? Бу қадар қақшашнинг боиси не? — суралди «девор».

— Бу дунёо охиратим куйди, тақсир. Эл орасида шармандаю шармисор булдим, тақсир.

— Қандай қилиб, бир йула икки дунёингизга ут тушди? Очиқроқ гапиринг.

— Садагангиз кетай, тақсир, ота була туриб, қайси тил, қайси юз билан шу шармандалик, бу беҳаёликни нақд этай... — ҳамон қақшарди Раҳимбой.

— Шариатда шарм йуқ. Хотин кишидай куз еши қилмай, булган воқеани айнан, очиқ-ойдин қилиб гапиринг! — қатъий фармон берди қозикалон.

Шундан сунг Раҳимбой, муҳтарам уқувчиларга маълум Зурафо воқеасини батафсил гапириб берди.

Қозикалон жоҳил киши булганидан, дарҳол бу ҳолисадан гоят даргазаб бўлиб, даҳнат билан суралди:

— Ҳозир бу гесубурида қаерда дедингиз?

— Карим оталигнинг уйида, тақсир.

— «Карим оталигнинг уйида» дедингизми? — таажжуб билан суралди қозикалон.

— Худди шундай, шариатпаноҳ, — тасдиқлади Раҳимбой.

Саидасрор тура уйга толиб кетди: «Карим оталиг бамисоли топбодом, уни чақиб булармикин? Оталигни чақаман деб узим чақилиб кетсам-чи? Унда нима булади? Сарой аёнлари бари оталиг томонида булади. Аммо бу мустаҳкам қалъанинг заиф томони ҳам йуқ эмас. Бу — ҳукмдорнинг кур-қурона шариатпарастлигида, дин аҳлининг барчасига, баъзан чексиз хайрихоҳлигида. У ҳанузгача бу фақир чиқарган ҳукмларнинг бирортасига эътироз билдиргани йуқ. Шундан истифода қилиб, сарой аҳлига аҳкоми шариатнинг куч-қудратини яна бир бор намойиш этиш пайти келмадимми? Келди!»

«Девкор» шу ақидага келгач, қозихона даричасилан саҳнга қараб чақирди:

— Бургут!

Шу ондаёқ қулини курагига қўйганича:

— Лаббай, тақсир, — деб Бургут кириб келди.

— Сен ҳозир Лочин билан Калхатни олиб, Карим оталиг ҳовлисига борасан, деворларига чиқиб қаранглар, ҳовлида Оталигнинг кампирию яна бир зебо қиз булиши мумкин. Шоир айтгандай: «Бу кафтарнинг ҳикояси бир дафтар». Вазифа шу зебо қизни, яъни шу кафтарни тутиб, овозини чиқармай, бу ерга олиб келишдан иборат. Туншундингми?

— Туншундим, тақсир.

Қозикалоннинг соҳибчангал қўшлари кафтарни човут қилиб, чангалларида олиб келгунча, у Раҳимбойни гапга солиб, лақиллатиб утирди. Раҳимбой жаҳд устида нима қилиб қўйганини узи фаҳхлама-са ҳам, қозикалон бу бефаросат ота уз фарзандини Азроил қулига тоштириб қўйганини яхши биларди. «Бу бефаҳм ота уз қизига хиёнат қилдию оқибати нима булишини ҳаёлига келтирмайди. Ахир бу — бориб турган хойнлик, сотқинлик-ку! Шунча йил қози, қозикалонлик лавозимида ишлаб бу зайл анқовлик, бунчалар хойнликни курган ҳам, эшитган ҳам эмасман. Бундай хилофи-шариат иш қилган кимса, ким булишдан қатъи назар, унинг жазоси топбурун... Буни ҳар бир аҳмоқ билади, бироқ Раҳимбой аҳмоқларнинг қайси тоифасига кираркин?»

Қозикалоннинг сас-садосиз бу муҳокамаси — бояқиш Зурафо устидан чиқарилган улим ҳукми эди.

\*\*\*

Маҳкама саҳнида Бургут, Лочин ва Калхатнинг шовқинию Зурафонинг инграган овози эшитилди, қозикалон санчиб урнидан турди-да:

— Бургут! Бу гесубуридани дарҳол зиндонга сол! — деб фармон берди.

Раҳимбой қанча бефаҳм, бефаросат булмасин қозикалоннинг Зурафо ҳақидаги сузларини эшитиб, вужуди ларзага келди, гарангсиз

қолиб, ихтиёрсиз чунтагидан бир халта олтин-кумуш тангаларни чиқариб қозикалонга узатди.

Сайласрор тура бу порани ҳайрат ичида қабул қилди-ю, Раҳимбойнинг нияти нима эканини тушунмади; гапнинг очигини айтганда, бу порадан мурод «қизимни тезроқ улдириг» демоқчими ёки «қизимга шафқат қилиг» демоқчими, буни Раҳимбойнинг узи ҳам яхши тушунмасди.

13

Хонлик усули идораси ҳукмрон даврида ҳам барча олий маҳкамаларда қуролли посбонлар булар, уларни Отаугилнинг фармони билан унинг унбошилари тайинлар эди. Биз воқеаларни ҳикоя қилган кунни қозикалоннинг ҳовлисидаги зиндоннинг посбони, Отаугилнинг дустри, ҳамхужраси Давронбек эди. Бургут қандайдир бир аёлни келтириб зиндонга солганда, посбон ҳангу булиб қолди, чунки у эркакларни зиндонга солишларини курган эса-да, хотин киши зиндонга тушганини умрида эшитмаган, курмаган эди. Бургут Зурафони зиндонга тиқиб, дарҳол қозикалон ҳузурига кириб кетди.

«Бу шурлик аёл ким булди экан?» — деб хаёга чумди Давронбек. «Мусулмонобод бир даврда муштипар бир хотинни зиндонга солиш бориб турган адолатсизлик, инсофсизлик», — деб қақшар, даргазаб булар эди йигит.

Аср намозиға яқин муҳофизлардан бири тунги посбонликка келди. Шу пайт Бургут озги қулогида қозикалон ҳузуридан чиқди. Давронбек асоратдаги аёлнинг кимлигини билиш учун ундан усмоқчилаб суралди:

— Бургут, яна кимнинг қузисини човут қилиб келдинг?

— Биз ажали етганини човут қиламиз-да, Давронбек, — деб жавоб берди Бургут.

— Яна кимнинг ажали етган экан?

— Бир қизнинг.

— «Бир қизнинг» дейсанми?!

— Ҳа, бир нозанин қизнинг, — таъкидлади Бургут.

— Нима сабабдан?

— Отаси эшонга назр қиламан деса, уйдан қочиб кетибди.

— Қаерда яширишиб юрган экан?

— Қаерда буларди, мустаҳкам бир қалъада, яъни Карим оталигининг уйида.

— Оталигининг уйидан олиб келдингми? Қурқмадингми?

— Қурқишга қурқдим-ку, иложим қанча, Давронбек.

Гап қайси қиз устида кетаётгани Давронга равишан булиб қолди. У уйлаб кетди: «Узи нима буляпти? Қозикалон муҳофизлар қароргоҳига ҳужум бошлабди-ку! Зурафони таҳқирлаш, унга таҳдид қилиш — Карим оталиг ва Отаугил бошлиқ барча муҳофизларни таҳқирлаш, ҳаммамизга таҳдид қилиш-у, бу худбин қозикалон ишнинг оқибати қандай фожиали булишини уйлаб курмабди шекилли».

Масалага аниқлик киритиш ниятида Давронбек Бургутдан яна сураб-суриштира кетди:

— Бургут, бу гайритабиий ишнинг оқибати нима булади, нима билан тугайди?

— Нима буларди, ҳукм чиқарилди: эртага Чорсудаги масжили жомега ибодатга келган муминлар жума намозини ўқиб, жаннатбон булиб чиқишадилар, сунгра шу бечора қизни тошбурон қилиб, гуноҳга ботиб, яна дузахбон булиб уйларига қайтишадилар.

— Тушундим, Бургут, тушундим. Мен гофилни гафлат уйқусидан уйғотганинг учун раҳмат.

Шундан сунг Бургут уз шериқлари томон бурилди. Давронбек эса, кечки посбонга алланималарни ўқдириб, опшигич равишда муҳофизлар қароргоҳи томон жунади.

Даврон муҳофизлар қароргоҳига кириб келганда, Оталиг билан Отаугил нима хусусдадир гаплашиб турардилар. У яқинроқ келиб, саркардаларга салом берганда, улар алик олишди-ю, йигитнинг авзойига қараб, таажжуб билан:

— Нима гап, Давронбек, тинчликми? — деб суралди Оталиг.

— Фалокат юз берди, жаноби саркарда.

— Қандай фалокат? — ташвишланиб суралди Оталиг.

— Бугун ҳовлингизда юз берган фожиадан хабарингиз йўқми? — суралди Даврон.

Оталиг сергакланиб, ҳаяжон ичида суралди:

— Қандай фожа юз берибди?

— Айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим, жаноби саркарда, лекин иложим қанча, айтишга мажбурман: Зурафонинг сизнинг хонадонингизда эканини қозикалонга етказибдилар, қозикалон мулозимларини юбориб, қизни олдириб келибди, ҳозир у зиндонда. Эртага намози жумадан сунг янги қурилган масжили жоме майлонида тошбурон қилишга ҳукм чиқарибди. — Гапириб туриб, Давроннинг кунгли бузилди, овози титради, қандайдир ноҳақ таҳқирдан хурлангандай, — ахир бу қандай бедолик? — деганча кузларига еш қалқиб чиқди.

Кутилмаган бу нидодан Оталиг билан Отаугилнинг юраклариде асов бир туфон кутарилди. Бу хунук хабардан уларнинг иззат-нафслари, нафсониятлари чуқур жароҳатланди, шундайки, бу жароҳатнинг ягона дориси, малҳами интиқом булиб курибди.

Давронбек узи келтирган мулҳиш хабар саркардаларни қарахт қилиб қуйганини кургач, жувонмардона таклиф қилди:

— Жаноб Оталиг, агар сиз рухсат берсангиз, биз сарбозлар билан бир зумда қозикалоннинг уйига бостириб борар, узини бартараф этиб, уйига ўт қуяр. Зурафони зиндондан озод қилиб, олиб келарлик.

Давронбекнинг таклифи унинг марлиғи, садоқати, шижоатидан дарак берса ҳам, Зурафони зиндондан чиқаришнинг энг тез, энг яқин ва осон йули шу булса ҳам, кекса саркарда одоб ва назокат билан бу таклифни рад этди:

— Изҳори садоқат учун раҳмат, Давронбек. Шуни ҳам эсда тутиш керакки, урушда ҳаминша қилич эмас, баъзан талбир ҳам бақор келади. Сиз ҳозир менинг ҳузуримга аскар қозиси<sup>1</sup> билан фақиҳни<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Аскар қозиси — ҳарбий трибунал.

<sup>2</sup> Фақиҳ — шариат қонуншуноси.

олиб келинг. Утирган булса — турсин, турган булса — югурсин. Отаугил, сиз юзбошиларни бу ёққа таклиф қилинг. — фармон берди Оталиг.

Таклиф этилганлар шитоб билан етиб келишди. Ҳамма саркардалар бир хонага кириб, ҳарбий кенгаш бошладилар.

Муҳофизлар масжиди жомени қуршаб олишди. Бу ғайри табиий жасоратдан одамлар ҳайрон, шариат пешволари ҳарасон эдилар. Отаугил қулида яланғоч қиличи билан Шайхул Ислом ва қозикалон ҳузурда тухтади-да, қаҳру газабдан кузлари чақнаган ҳолда сураб-суриштира кетди:

Отаугил: — Тақсир, бу кимнинг ҳукми?

Шайхул Ислом: — Қозикалоннинг ҳукми, жаноби саркарда.

Отаугил: — Шундайми, қиблаи олам?

Қозикалон: — Йўқ, бу аҳкомий шариат, яъни шариат ҳукми.

Отаугил: — Шариат аскар қозиси ила ривоят қозиси орасинда тафовут борлигин эътироф этади, аммо жаноб қозикалон бу борадаги фарқнинг фарқига бормайдилар чоғи?

Қозикалон: — Сиз кимсиз ва не ҳад ила шариат пешволарини таҳқирлайсиз?

Отаугил: — Ҳали кимлигимни билмайсизми, тақсир? Булмаса эшитинг:

Мен Амирул Муслимин муҳофизларининг саркардаси, Раҳим Бевозовнинг углиман. Аммо Сиз учун аждаҳоман, одам қиёфасида келган Азроилман!..

Қозикалон: — Бу — бедаблик, бу — таҳдид-ку!

Отаугил: — Ҳукмингиз таҳдидталаб эса-да, бу таҳдид эмас, огоҳлангириш: Сиз тошбурунга ҳукм қилган қиз менинг шаръий рафиқам, қуролдош дустим. Агар унинг бошига битта тош теккудак булса, сизнинг бошингизга юз қилич тушади! Оламни сиздек палиллардан тозалаш учун бутун авлодингизни қилич дамидан утказаман!

Қозикалон: — Мендан нима талабингиз бор, жаноби саркарда, мен нима қилишим мумкин?

Отаугил: — Сизга беш дақиқа муҳлат бераман, шу фурсатла ривоят топиб, ҳукми бекор қиласиз, акс ҳолда жонингизни Молики дузахга, нопок жасадингизни улимтуқларга топшираман!

Қозикалон: — Ал-амон, жаноби саркарда, ал-амон...

Қозикалон яна нимадир айтмоқчи эди, лекин тили калимага келмай гуддираб қолди.

Оломон орасида говур бошланди, одамлар ён саркарданинг жасоратига қойил қолиб, унинг кимлигини сураб кетдилар. Билганлар билмаганларга тушунтириб, бир зумда Отаугилнинг насли-насаби ҳаммага аён бўлди. Бу издиҳомда қозикалон зулмидан хонавайрон булганлар оз эмасди, ҳозир улар ҳам тилга кириб, юракларидagi аламини тукиб солишга тайёр эдилар.

Шу пайт Отаугил халойиққа қараб:

— Азиз отахонлар, мени қозикалонга айтадиган бошқа гапим йўқ, аммо сизларга арзим бор, сизларнинг оқилона маслаҳатларингизга зор, шафқат, марҳаматларингиздан умидворман, — деди қиличини ғилофига солиб. — Сизлар бугун бир саноби азимга дохил булурмиз умидида жума намозига келгансизлар, муминлар тоат-ибо-

дат қилиб, руҳан Тангри таолога яқинлашганда, уларнинг қулига тош бериб, қотилликка ундаш шариатда пораво эмасми? Агар ҳар ибодатдан сунг бир бегуноҳга қул кутарсак, биз билан жаллод орасида нима фарқ қолади?

Отаугил одамлар қалбига тугён солиб, мулдаога кучди:

— Қулига қурол олиб, ватан муҳофизлари қаторига кирган жасур бир қизни тошбурунга ҳукм қилиш хилофи шариат эмасми?! Бу хил бедодлик Ислом тарихида ҳаргиз қурилган эмас-ку! Борди-ю, биз бу шармандаликка йўл қўйсак — аввало Норбутабий сулоласига, қолаверса, Фарғона халқига иснод келмайдами?

Отаугилнинг мардона хитобу итоблари масжиди жоменинг музайян пештоқларига урилиб, акс-садо қайтарарди: «Норбутабий сулоласига, қолаверса, Фарғона халқига иснод келмайдами?!».

Издиҳомда гулгула кутарилди, гуё халқнинг кузи ялт этиб очилгандай бўлди. Ҳозир уларга қолса, қозиларни тилка-пора қилгудек эдилар.

Отаугил сарбозларга қараб, чодирга ишорат қилди. Ун нафар сарбоз дарҳол чодир атрофини ураб олишди. Рафиқ билан Даврон чодирга кириб ҳангу манг булиб қолдилар. Бояқиш қиз белигача кумилган эди.

Йигитлар тезкорлик билан қиз кумилган чуқурнинг икки ёнидан тупроқни олиб ташлаб, қизни ер қаъридан тортиб олишди. Шу онда низомий либослар кутариб Маҳмуд чодирга кириб кетди, бошқа бир сарбоз ярқираб турган қора тулпорни етаклаб чодир сари йўл олди, кейин ҳамма сарбозлар чодирдан чиқиб турдилар. Бир-икки дақиқадан сунг қиз «мен тайёр» деб айтди. Йигитлар машғум чодирни йиғиштириб, девор томон улоқтириб юбордилар. Бирдан чодир урнида ой деса оғзи, кун деса кузи бор бир сарбоз намоён бўлди. Бутун издиҳом шу тарафга тикилиб қолди, ҳамма ҳайрат ва таажжубда қолиб, ундан кўз узолмасди. Бу — ҳикоямиз қаҳрамони муҳтарам Зурафо эди.

Қиз атрофга назар солиб, халойиққа умумий таъзим этди, сунг отдан тушиб милтигини елкасидан, қиличини ғилофидан чиқарди, қуролларини икки кафтида кундаланг ушлаб, меҳмонига тоза сочиқ тугган мезбондек тугри Амирул Муслимин томон юриб кетди. Халқ қизнинг шу ондаги муддаосини тушунолмаб ҳайратда булса, Амирул Муслимин хижолатда эди.

Гап шундаки, Амир Умархон бу мулҳиш ҳукми кеча намози асрда Қўқон хонлигининг Шайхул Исломи Маъсумхон тура орқали эшитган эса-да, «сукут ризолик аломати» мақомида иш тугиб, ломим демади. Бу етмагандай, Маъсумхон тура улуг ёшини, ундан ҳам улугроқ мартабасини ва қариндошлик ҳурматини шафе келтириб, бу «бедаб» қизни афв этишни илтимос қилганда, ҳукмдор уйлаб-нетмай, «Мен шариат ишларига аралашмайман», деб ҳукми уз кучида қолдирган эди.

Мана энди, ҳамма иш чапчасига кетиб, бу талбирлар шариат пешволарининг шармандалиги билан тугади. Шундан Амирул Муслимин дилгир, уйчан, хафақон куринарди.

Ҳукмдор уз қалбидан чиққан муҳталиф фикрларни уйлаб, гоҳ чекраси ёришар, гоҳ димоғидан дуд чиқиб тундлашар, бир қарорга келол-

май хуноб буларди. Шу аснода қиз ажиб бир виқору тамкин билан келиб, Амирул Муслиминга таъзим этди. Ҳамманинг диққат-эътибори шу зебо қизга қаратилди, одамларгина эмас, осмондаги фаришталар ҳам ер куррасининг шу нуқтасига тикилгандай туюларди.

Ана шу ҳолатда қиз ипакдай майин овоз билан ҳукмдорга арз этди:

— Ҳазрати олийлари, мабодо мамлакат ҳукмдори ҳам қозикалон сингари канизларини бешарм-беҳаё бир аёл деб фараз қилгудай бўлсалар, мен ундай ҳаётдан жирканурмен, ор эгурмен, шу важдан уз қатлим учун узим шамшир келтирдим, шоҳона илтифот билан қабул этсалар.

Ҳукмдор навниҳол бу қизнинг мислсиз жасоратидан, далил ид-даосидан довдираб бир саволга аранг яради:

— Бордию қозикалоннинг гумони галат бўлса, у ҳолда сиз кимсиз? — суради Умархон.

— Амирул Муслимин ҳаётини муҳофаза қилишга қасамёд этган сарбозман, иффат пардасидаги қизман, бир суз билан айтганда бахтман! — бошини тик қутариб, гурур билан жавоб берди Зурафо.

Бундай тағлик, бундай нозик жавобдан ҳукмдорнинг кунгли ёришиб, газаби мурувватга, марҳаматга айланди, у бир қадам олдинга чиқиб:

— Бахтни қатл қилиб булмайди, яхши қиз. Мен Фаргонанинг бахтсиз булиб қолишини истамайман, — деди шоҳона илтифот билан ва сузида давом этди: — Саркарда сизни «шаръий рафиқам» деса, сиз «иффат пардасидаги қизман» дедингиз, буни қандай тушуниш керак?

— Мен ёш саркардангиздан ҳимоят сураган эдим, у киши уз бурчларини шараф билан адо этдилар. Энди саркарданинг мени «шаръий рафиқам» дейишларига келсак, бу ҳамият ва жувонмардликнинг йигит қалбидаги тугени, тантанаси деб қаралиши лозим, ҳазрати олийлари.

Қиз узининг метин иродаси, мантиқ кучи билан бутун ҳалойиқни, шу жумладан, ҳукмдорни ҳайратда қолдирди. Умархон бу шаллот қизга нима дейишини билмай сарак-сарак булиб қолди, ахйри имдол сурагандай маликага қаради. Моҳларойим ҳукмдор мулзам булиб қолганини пайқаб, ёрдамга ошиқди. У келасолиб Зурафонинг юз-қузларидан ўтиди, бошини силади, қулида кундаланг тутиб турган қиличини олиб, ғилофига солди, милтигини елкасига осиб қуйди.

— Сиз Фаргонанинг фахрисиз, она қизим, бошингиз омон булсин! — деб навозишкорлик қилди малика.

Қизнинг кузларида қувонч ёшлари курунди...

Малика Моҳларойим Зурафони «Фаргонанинг фахрисиз», деб кукка кутарди. Амир Умархон ва шариат пешволарининг обрӯ-эътиборлари бу улкан издиҳомда тудек тукилди. Қозикалоннинг кибру ҳавоси, худнамолигини уйлаганда, ҳукмдорнинг димоғидан дуд чиқарди, агар бошқа вақт, узгача вазият булганда, уни тилка-пора қилиб ташларди. Аммо ҳозир бошқача йул тутиш даркор. Қозикалонни жисман эмас, маънан мажақлаш вақти келди. Шу мақсадда Амирул Муслимин фармон берди:

— Саид Асрортура уз зиммасига юклатилган олий лавозимни суиистеъмол этган сабабли қозикалонлик мансабидан азил<sup>1</sup> этилсин!

Бу фармонни жума намозига келган барча муминлар шодлик билан, чапак чалиб қарши олишди. Яна Амирул Муслимин шаънига ҳамлу санолар уқишди.

Моҳларойим фурсатдан фойдаланиб, ясовулни ҳузурига чақирди-да, унга қандайдир иш буюрди. Ясовул шитоб билан масжида жомега кириб, бир коса сув олиб чиқди. Яна бир киши гилам олиб чиқиб, Моҳларойим билан Зурафо турган жойга тушади. Моҳларойим қулида коса билан Шайхул Ислом Маъсумхон турага қараб юрди. Шайхул Ислом маликанинг ниятини пайқаб, дарҳол ҳузурига келди.

— Маликам қандай хизмат буюрадилар? — суради Маъсумхон тура.

— Биз букун жума намозига — ибодатга келган эдик. Афсуски, қозикалон бу ибодатни жанозага айлантирмоқчи эканлар, — деди малика майин, самимий табассум билан ва сузида давом этди. — Тангри таолонинг инояти, Амирул Муслиминнинг шафқат-марҳаматлари шарофатидан бу азани туйга айлангириш ниятида, тақсир, сиздан рижо — таманном шу икки ёшни, шу далир муҳофизларни никоҳ қилиб қуйсангиз.

— Жуда яхши булади, гоят хайрли ишга қул урянсиз, маликам.

Малика Отағилни уз ҳузурига чақириб олиб, навозиш билан лутфикорона маслаҳат солди:

— Муҳтарама волидангиз Салима бегимга берган ваъда хотирам-да, шунингдек, Норбутабий салтанати даврида малика Мингойимнинг Раҳим Безовол хусусидаги меҳрибонликлари, илтифотлари ҳаргиз хотирамиз дафтаридан учмайди. Энди навбат каминага келганга ухшайди. Биз марҳума Мингойимнинг минглаб яхшиликларидан бирига тақдир қилиб, у порсо, покломан онанинг руҳ-арвоҳларини шод этмоқчимиз. Менинг бу раъйимга Отағил қандай қарайди?

— Маликамнинг раъйилари нима булса, биз уни Оллоҳнинг иродаси ҳам шу, деб шукр қиламиз, — деди ёш саркарда.

— Қизимиз Зурафо-чи?

— Менинг измим, инон-ихтиёрим маликамнинг қулларида, — зарифона жавоб берди Зурафо.

Маликанинг ишораси билан Маъсумхон тура косадаги сувни уртага қуйиб, никоҳ уқиди. Икки мингдан зиёд муминлар дуога қул очиб, ёшларга бахт тилашди. Сарой хонимлари зудлик билан келиб Зурафони ураб олдилар. Зурафо қуролларини Отағилга топшириб, аёллар сафига қушилди. Шу пайт жарчи малика Моҳларойим номидан барча муминларни келгуси жума кунига Карим оталиг хонадонига, шу ёшларнинг туй-тантанасига тақлиф қилди.

Одамларнинг чехралари очилиб, гулдурос қарсақлар билан маликани олқишлашди. Ҳамма мамнун булиб, уй-уйларига қайтаркан, Отағил билан Зурафонинг жасорат, шижоати таҳсин уқишар эди.

1978—1980 йиллар.

<sup>1</sup> Азил этмоқ — ишдан бушатмоқ, мансабидан бекор қилмоқ.

## Расолик мероси

Алихонтура Соғуний домланинг сиймоси бизнинг кўз унгимизда улкан жамоат арбоби, серқирра олим, катта уламои кром сифатида гавдаланган. Ҳазратнинг гузал таржимаси — «Темур тузуқлари», «Тарихи Муҳаммадия» асари ва бошқа кўплаб илмий-бадий ишлари фикримизни дадил тасдиқлайди. У кишининг қайси соҳада бўлмасин, ҳар бир билдирган фикрларида, ёзган сўзларида ҳаёт ҳақидаги, инсоннинг Яратганни танишига бўлган интилиши борасидаги нозик фалсафий қарашлари муҷассам топади. Кишини ўйлашга, ички туйғуларини жиловлаб янги бир ўзанга солишга мажбур этади. Дунёни англашдаги маълум тарқоқ хулосалари жамланиб, комиллик сари бўй чўзган илмлар ҳосиласи муқимлашади. Демак, тўраамларнинг Оллоҳ берган ақл-заковати кишилар онгида ўз салоҳияти ва қуввати ила йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди.

«Шифо ул-илал» асари халқ табобатининг дурдоналаридан бири, аждодларимиздан қолган улуг мерос, бизга улар орқали етказилган Оллоҳнинг неъматидир. «Иллатлар шифоси» ҳозирги мустақиллик даврида, ўз табобатимизга бўлган ташналик сезилаётган даврда эълон этилиши қувонарли ҳодисалардан бири, деб саналмоғи керак. Негаки, айна пайтда жаҳоннинг тараққий топган мамлакатлари (Олмония, Англия, Франция) медицинасида кимёвий дори-дармонлардан фойдаланиш кундан-кун қисқариб борапти. Буларнинг инсон вужудига кўрсатаётган салбий таъсири илмий жиҳатдан асосланяпти. Илгор медицина мутахассисларининг фикрларича, ҳар бир халқ, ҳар бир элат ўз иқлимидан, табиий шароитидан, маишатидан, ҳаттоки, ичадиган сувийо оладиган ҳавосидан келиб чиқиб, ўз муолажа усулига эга бўлмоқлиги керак экан. Медицина институтида таҳсил кўрган врач бир хил дардга чалинган африкалик занжи билан канадалик оқ танлини даволаш учун, аввало уларнинг иқлим шароитини, миҷозини, халқ табобатини билмоғи зарур. Билъакс, ҳар иккаласига бир хил даволаш методи билан ёндошса, мутлақо нотўғри бўлади.

Шу борада бизнинг аждодларимиз ўрганишга арзигулик жуда кўп ишлар қилишганки, буни ҳар соҳада амалда фойдаланишга шартлимиз. Қайси вилоят, қайси қишлоққа борманг, у ернинг ўз табиби, ўз синиқчиси, ўз илғири, ўз азаимхони бор эди. Бу дегани, Овруро олимлари энди етиб келган илмий хуло-

саларни ота-боболаримиз неча асрлар бўйи амалда исботлаб келганлар. Алихонтура Соғуний домланинг «Шифо ул-илал» асари ҳам ана шулар сирасига киради.

Соғуний домла Шарқий Туркистон региони учун алоҳида «Иллатлар шифоси»ни ёзганларида, табобат илми вақтлар келиб ўзлигини танишлигини, медицина фани халқ табобатига ҳамшиша таянишга маҳкум эканлигини билганлар. Бўлмаса, у киши ҳам замонавий медицина нима деса, тўғри деб қўл қовуштириб туришлари мумкин эмасмиди?! Ёхуд докторларнинг муолажа усуллари ҳақидагина тўхталиб қўймасмидилар?!

Ҳазрат — Шарқ одами, «Шифо ул-илал» эса — Шарқ табобатининг ўлмас-йитмас қўлланмаларидан бири, олтин меросимиз. Биз бунинг қадрига етиб, оқилона фойдалансак, у кишининг руҳи-покларига Қуръон тиловат қилиб бағишласак, зиммамиздаги вазифалардан бирини бажарган бўламиз. Оллоҳу акбар, биссавоб!

Комилжон ҲОШИМОВ,  
шифокор.

# Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

## Сўз боши


Ушбу қўлингиздаги «Шифо ул-илал» (Дардлар давоси) деган рисола 1937 йил июн ойларида отамиз Алихонтўра Соғуний Шарқий Туркистоннинг Гулжа шаҳрида зolimлардан қочиб, Кунас тоғларида Тойошув, Қуйошув деган ерларда қирғиз биродарлари орасида ёзганлар.

Отамиз 1885 йил 21 март, шанба куни Тўқмоқ шаҳрида маърифатчилар оиласида туғилганлар. Асли юртлари Андижон, Хўтанариқ маҳалласи тўраларидандурлар.

## Муножот

*Тангриси яхши нидо бўлса ризо  
Яхшиликлар барчасин қилди Муҳаммад Мустафо  
Эй ото, сизга муборак, қўшилур юз минг шараф  
Эл учун қодирдингиз таърих Муҳаммад Мустафо  
Муяссар қилди ёзмоққа таърих Аҳмадни  
Шукрим ул тангрига бўлсин, яратандур олий*  
Муҳаммадни  
Шараф бўлсин Муҳаммадга олиб келган бу қутлуг йул  
муборакни  
Дилинг кўрсин жаҳолатдан қутқарган нури покни  
Курурсан унда шижоат ҳам субот бирлан матонатни  
Курурди Қуръон ҳақиқат йул кафолатни  
Ҳимоят қил бўлсанг уммат уқиб урган Муҳаммадни  
Дуо қилсанг таърих ёзган Соғунийга  
Бизни эсла зурриёти Боқиргонни.

Асилхон АЛИХОНТЎРА угли.



## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Эй фарзанди азиз, билгинким, илм икки турли бўлур. Бириси дин илмидур, иккинчиси тан илмидур. Агар киши дин илмини билмаса, иймон, охиратга зиён бўлур, тан илмини билмаса, турмуш-тирикчилик роҳати бузилур. Дин илми деб, мусулмончиликка лозим бўлган шариат илмини айтилуру. Тан илми деб, тан-соғлиқни сақлайдургон тиб илми дейилур. Дин илмини билмак, уқимоқ ҳар бир мусулмонга қандай фарз бўлса, тиб илмини билмак ҳам шундоқ фарздир. Агар бир шаҳарда, иймон, ислом-мусулмончиликни ўқитиб билдирадургон уламо бўлмаса ва иссиқ, совуқни айириб, оғриқ, касални ажратиб турадургон ҳукамо бўлмаса, шариатимиз бўйруғи бўйича ундоқ шаҳарда ҳеч бир мусулмон одамнинг туриши дуруст бўлмайдуру. Бу очиқ масаладуру. Шунинг учун мусулмонларга ёдгор бўлурлуқ бу тўғрида бир неча асар китобчалар ёзмоқ ва ҳам шу илмдан ўқитиб, бир неча ислом болаларини тарбият қиломоқ, фалокатда қолгон миллатим учун муҳим хизматларда бўломоқ кўнглимдаги биринчи орзу-тилақларимдан бўлса ҳам бу кўнги чоғлиқ муяссар бўлмади. Бундан кейин буларму деган умидим бор. Энди ҳаммасини қилолмасам ҳам ҳаммасидан қуруқ қолмай деб, ўз фарзандларим учун ушбу диёрда, яъни Ила ва Гулжа Туркистон, Фарғона мусулмонлари ичинда кўпроқ бўладургон иллат-касалларни баён қилиб, шуни шифо-даволарини ёздим, лекин бу варақ юзига ёзган сўзларим ўзим 25—30 йиллар шу илм ичинда хизмат қилиб, кўзим бирла кўриб, қўлим бирла ишлаб тажриба қилганларимдуру. Агар фарзандларимиздин қайсилари ақл-фаросатли бўлиб зийраклик бирла ушбу сўзларни ўз ўрнида ишлатса, бошқа жоҳил табибларга хожатлари тушмас, деб ўйлайман. Ҳар бир касбларда агар киши хато қилса, зарари молга етар, агар тиб илмида хато қилса, жонга етар.

### ФАСЛ

Билмак керакким, кишининг мижози тўрт турлик: қуруқ-иссиқ, ҳўл-иссиқ, қуруқ-совуқ, ҳўл-совуқ. Яна инсонда тўрт турлик суюқ мода бўлур, биринчи сафро, иккинчиси савдо, учинчиси балғам, тўртинчиси қон. Киши томоқни еганда, оғиз бўғиздан ўтиб, меъдага тушар. Меъда таомни сиқиб, эзиб ҳазм қилганда тилипи ичакка ўтиб, унда ҳам кераклик нарсалари олиниб, кераксиз нарсалари ташқарига чиқарилуру. Меъдада қолгон соф қувватлик суви меъда бирла жигар орасидаги масориқа деган меъда томирлари орқали меъдадан жигарга қуйилур. Бунда қайнаб, қонга айланур. Устига чиққан кўниги сафро бўлур. Чет ёқага чиққан қасмоқлари балғам бўлур, остига тушган қўйқумлари савдо бўлур. Мусаффо — тозаси қон бўлур. Бу қон жигардин юракка ўтиб, ундан ўпкага ўтиб, ўпкага кирган ҳаво бирла тозаланиб, яна юракка ўтиб, юрак томирлари орқали бутун баданга тарқаб, мундин бадан тарбият олиб турадуру.

Инсоннинг умри бўйича қон узиламай, шу тартибла юриб турадуру. Мана буни қон айланиш, деб айтилуру.

### ФАСЛ

Сафро туркида ўт жойи, жигарга осилган ўт халтасида бўлур. Савдонинг жойи қоратолда бўлур. Балғамнинг жойи ўпкада бўлур. Қон бўлса ҳамма бадандадуру. Агар бир тола тукнинг тагига қон етмай қолса, унга заҳмат етар, мана энди бу тўрт суюқ модалар ўз лойиқ жойинда турса, тан соғ бўлур. Агар ўз чекида турмай, ортиқ ё кам бўлса, иллат-дардлар шундин пайдо бўлур. Бу модаларнинг ортиқ-кам бўлиши, гизодин<sup>1</sup> бўлур. Демак, ҳар бир иллат-касалларнинг боши биринчи сабаби емак, ичмак тартибсизлигидан бўлур. Буни яхши билмак керакки, гизо тартибини яхши сақлаган киши умр бўйича касал-бетоб бўлмаслиги мумкиндуру.

### ФАСЛ

Сафро қуруқ-иссиқ, савдо — қуруқ-совуқ, қон — ҳўл-иссиқ, балғам — ҳўл-совуқ. Энди ҳар бир иллат кўпроқ ушбу модаларнинг инсон баданида ўз мўлжал-меъёридин ортуқ бўлиб кетганлигидан пайдо бўлур. Қон мижоз бўлган кишининг аломати: тани — этлик, юзлари қизил, тўлиқ бетлик, хушфеъл, хушқилиқ, кўнгли қувончоқ бўлур. Юраги кенг, ўзи баҳодирсифат, тани қувватли бўлур. Сафро мижоз одамнинг белгиси кўпинча бугдой рангли, юзи этсиз, ўзи қотмоқ, юраги тор, зардаси тез, ўлтириб-туриши енгил, жонсаракроқ бўлур. Савдо мижознинг аломати — рангирўйи қорамтир, баъзиси темирқаро, гоҳ бириси тол рангида. Юзи гўштсиз, ўзи қотмоқ, ориқ, бадхўй, бадфеъл, қўрқоқ бўлур. Балғам мижозли одамнинг белгиси — кўпинча оқ тусли, юзлари лўппи, этли, танлари юмшоқ, уйқуси кўп, ўлтириб-туриши оғир, ғамемас, ўзи қўрқмас бўлур, қорни катта, семиз одамлар ҳаммаси балғам мижозли бўлурлар.

Фасл. Қуруқ-иссиқ икки турли бўлур. Сафроли қуруқ-иссиқ, сафросиз қуруқ-иссиқ. Агар бир одам сафроли қуруқ-иссиқдан оғриган бўлса, аломати шулки, томири илдам ҳам ингичка солур. Юз, кўз оқлари саргимтир, оғзининг таъми эрмандек тахир бўлур. Чанқоғи кўп, иситмаси ўткир, баданлари, оғиз-бурун, тил-томоқлари қуруқшаб туруру. Буниинг устига сийдиги сариқ бўлиб, кўнгли айниб, оз-кўп сафро ёндириб (қустуриб) турса, бу оғриқнинг албатта сафродан бўлгонлигига ҳеч бир шак-гумон қилмаслик керак. Агар сафросиз қуруқ-иссиқ бўлса, оғзининг тахирлиги, юз-кўзининг сариқлиги, кўнгли айниб, сафро ёндиришлиги бўлмайдуру. Бошқа аломатлари бўлур.

Фасл. Ҳўл-совуқ ҳам икки турли бўлур. Балғамли ҳўл-совуқ, балғамсиз ҳўл-совуқ. Агар бир киши балғамли ҳўл-совуқдан оғривса, аломати шулки, томирлари йўғонроқ бўлиб, ақрин (секин-секин) юмшоқроқ, бўшроқ солур. Ташналик, оғзи бемаза бўлмас, оғзи-буруни сувланиб туруру. Кўз-қовоқлари шишмоқ бўлур. Уйқуси кўп, иситмаси бўш, пешоби оқ, баданлари оғир бўлур. Агар балғамсиз ҳўл-совуқ бўлса, оғиз-буруни кўп сувланмас, юз-кўзи қовоқлари кўпчиб, шишмоқ бўлмас. Бошқа аломати ўрнида бўлур. Агар бир киши қон қўпланигидан оғриган бўлса, аломати шулки, томири йўғон бўлиб, тўлиқ бўлиб, ҳам илдам, ҳам юқорига сачраб, қағтиқ тез

<sup>1</sup> Гизо — овқат

солур. Юз-кўзлари, оғиз-дудоқлари қизил бўлур. Айниқса, тил уч четлари ортиқроқ қизил бўлур. Оғзи қон тамланиб, жигар маза бериб турар. Бош, кўзлари, қовоқлари, бутун баданлари оғирлашиб, музгак босиб турар. қўл томирлари, чекка томирлари кўкариб, ирғиб чиқиб турар. Иситмаси қаттиқ бўлиб, ўзи терлаб турар. Пешоби қизил бўлур. Агар киши қуруқ-совуқдин оғриса, аломати шулки, томири ингичка бўлиб, кўп юқори кўтарилмай остироқ солур. Лекин уриб турган томирга қўл босиб турса, қаттиқроқ уринур. Оғиз-бурни, юз-кўзлари, бошқа баданлари қуруқшаб турар. Уйқуси оз бўлиб, фикр-хаёлида ҳар турли қарам-қарши уй кўп бўлур. Орқа пешоби қорамтир келур. Иситмаси бўш бўлур.

Фасл. Оғриқ юқорида айтилган 4 модда, яъни, саффо, савдо, бағам, қон — шуларнинг бирида бирови кўпайиб кетганликдан бўлса, бу вақтда танқия қилмоқ лозим бўлур. Танқия деб ошуқча моддани дори билан бадандин чиқазмакни айтулур. Агар моддасиз бўлса таъдил кифоя қилур. Таъдил деб, мижозни ўз ҳолига ёндириб, тузатмакни айтулур. Масалан, совуқ бўлса, иссиқлик қилур. Иссиқлик бўлса, совуқлик қилур. Қуруқ бўлса, ичидин-тошидин хўл нарсалар бирла даво қилур. Мана шуни таъдил дейлур.

Фасл. Танқия уч нарса бирла бўлур. Биринчиси сургу қилмоқ, иккинчиси қустурмоқ, учинчиси қон олмақ. Қиш кунлари сургу қилмоқ яхшироқдур. Сабабки, иллат пастроқдаги ичакларга яқинроқ бўлур. Буни сургу билан чиқазмоқ осонроқдур. Ёзги иссиқ кунларда иллат моддаси юқори тарафларга, меъда устига ўрлар. Буни ёндириб (қусуб) ташламоқ энгилроқ бўлур. Буни яхши билмак керакки, дунёдаги борлиқ нарсанинг бир сабаби бордир. Сабабсиз ҳеч нарса бор бўлмас. Оллоҳ таоло бу жаҳондаги ҳар нарсани бир неча сабабларга боғлагандур. Баъдаларни ҳар ишнинг сабабини излашга бюрадур. Ҳар ишни сабабларини билиб, текшириб ишлашга, сабабли қилгондин кейин шифосини Худодин сўрашга амр қиладур. Сабабсиз бир ишни вужудга чиқармоқлик қудрати одат бўлмабдур. Шунинг учун бемор киши дарднинг сабабини қилмай, Худодин шифо сўраб турса, шариат одаида гуноҳкор бўлур. Худо ҳузурида сўроққа қолур. Дунё майдонида яшагучи киши, хоҳи анбиё, хоҳи авлиё ҳамма сабабга ҳожатдур. Бир ишни сабабларини қилиб, қолганига таваккал қилсун, бўлмаса Худо таолонинг бу дунёга қўйгон низом-қонунига қаршилиқ қилгон бўладур. Васият: «Бу дунёда ҳеч нарса тан-соғлиққа етмас», «Тан-соғлиқдан улуг давлат йўқдир». Агар кишининг тани сог бўлмаса, тўққиз қават кўрпа-тўшақда, олтин тахт устида ётса, ундан не фойда бўлур. Бу дунёнинг роҳати, охиратнинг давлати барчаси тан-соғлиққа боғлиқдур. Буни ҳар қандоқ киши ҳам билса керак. Шундай бўлса ҳам билиб туриб, бу улуг неъматнинг қадрига етмаслик, тан-соғлиқнинг йўлини тутмаслик, ўз жонига хиёнат қилмоқликдур. Оллоҳ таоло одам фарзандларидин икки тоифани жаҳон халқи учун улуг неъмат қилиб яратди. Бирлари пайгамбар анбиёлар, иккинчиси ҳукамолар. Биринчилари одамларнинг ботин дардларига даво келтиради. Иккинчилари зоҳир дардларига шифо келтиради. Бу икки тоифанинг вужудлари, бу дунёга келишлари одам болаалари учун Худо тарафидин берилган улуг неъматдир. Бунинг қадрини билиб, биринчи, пайгамбарларнинг айтганларини қилиб, ботин иллоти куфр, нифоқ дардидин қутулиб, дини имонни тузатмак керак. Иккинчи, ҳукамоларнинг деганларини маҳкам тутиб, тан соғлигини топмоқ керак. Шунинг учун ҳукамолар, ҳар киши бир таом еб, шу таом яхши сингиб, ҳазм бўлмасдин туриб, очкўзлик қилиб

устига яна бир таом еса, ўз қўли бирла заҳар-оғу ичиб, ўзини ҳалок қилгандек бўладур, дейдурлар. Шунинг учун шариатимизда айтулур: бир киши тўқ қурсоқ устига таом егандин яна ейишга одам топмаса, итга бергани яхшидур. Демакки, бундоқ таом емаклик тан-соғлиқни бузадир. Тарбияти бадан қилиб, тан соғлиқни сақламоқ ҳар бир кишига шариат буйинча фарздир. Шулу тўғрида тўйиб туриб, устига шиғаб емаклик, шариатда ҳаром бўлди. Мана анбиёларнинг айтган сўзлари. Шулу сўзларга қараб, ҳар бир киши амал қилиши фарздир. Бўлмаса, икки дунёда зиён кўрадур. Кўз кўриб турадурки, дард-касаллар кўпинча томоқдин бузилиб бўладур. Энди ҳар киши нафсини тийиб, емак-ичмакнинг тартибини бузмаса, ундоқ одамнинг тани сог бўлишига ҳукамолар кафиладурлар. Ақли бор одамга шу қадар сўз етса керак. Инсон дунёда оғриқ кўрмай, таним соғлиқ билан ўтсин деса, 3 нарсани яхши тутсун. Биринчи, емак-ичмакни эҳтиёт қилсин, иккинчи, соф ҳаво, учинчи, тоза сув. Ҳавонинг тан-соғлиққа кўп дахли бор. Чунки гизога ҳар кунда уч қайта ҳожат тутса, ҳавога ҳар нафасда ҳожат тушадур. Кўп иллатлар ҳаво бузилгандан пайдо бўладур. Ҳар ким ўзи ултурган уйни, кўра жойларини кўп покиза қилиб, тоза тутмоқ керак. Тозаликнинг тан-соғлиққа кўп дахли бордур. Мусулмончилик ҳам тозалик билан бўладур. Кўринг, агар танга ёки кийим-бошга бир қатра палид нарса тегиб қолса, намоз дуруст бўлмайдур. Эгни-бошларни, танларни пок, тоза тутмоқ, чиркин, сассиқ нарсалардан сақланмоқ, ўзини ҳар вақтда ҳуш исли тутмоқ керак. Инсоннинг руҳи исли нарсалардан тарбият топадур. Шунинг учун ҳукамолар ёз кунларда ҳар ўн кунда бир ҳаммом — мўрчага тушсин, қиш кунларда 10—15 кунда бир тушсин дейдур. Шариатимизда ҳар жума кунда гусла-таҳорат қилмоқ суннат буди. Энди бу вилоятларда кўпроқ пайдо бўладургон иллат-оғриқларни баён қиламиз.

Фасл. Ҳиммонинг баёни. Ҳиммо деб, арабчада иситма, безгакни айтур. Қалтираиб, титратиб тутса безгак дейлур. Бўлмаса, қизитма, (иситма) тап дейилур. Мана бу юртларда — Гулжада бу иллат кўпдур. Қўплагини сабабларини айтиб ўтсак, сўз ўзгариб кетадур. Анинг бошқа сабаблари сувнинг бузуқлиги, шаҳарнинг чуқурлиги, ҳавонинг пастлигидир. Бу иситма, безгак кўп турли бўлур. Ҳукамолар 70 неча турлигини баён қилиб, шунинг даволарини айтибдурлар. Биз бу ўринда кўпроқ бўладургон бир нечаларини айтиб ўтамиз. Безгак катта, қўрқинчли иллатлардан бўлсаму, кўп бўлишидан одамлар ўрганиб қолиб, қўрқмайдулар бўлиб қолибдурлар. Шунинг учун бепарволик қилиб, кўп одамларнинг ажалларига сабаб бўладур. Чунки безгак бир неча ой чўзилса, мундин қўрқинчли иллат пайдо бўладур. Дарднинг устига дард бўлиб, ҳалок қиладур. Ҳеч иллат, дардни кичик санагани бўлмайди. Дардни кичик кўриш ўтни кичик кўриб, хонимонини куйдирганга ўхшашдур. Безгакнинг энг биринчи аломати кезакалик (ўқтин) туттиш, тутиб ўтгандан кейин қўйиб беришдур. Гоҳиси ҳар кунда тутадур. Гоҳиси кун ошиб, гоҳиси уч кунда, мана бу уч турлиги кўпроқ бўладур. Бундан бошқа тўрт кунда, беш кунда, олти кунда, етти кунда, саккиз кунда, тўққиз кунда, ўн кунда бир йўли тутадургон бўлсаму, булар озроқдур.

Фасл. Безгак иситмаларнинг иссиқ-совуғини ажратишнинг баёни. Билмак керакким, ҳар безгак ахир кун ошириб тутса, албатта сафродин, қуруқ иссиқдин бўладур. Бунинг аломатлари бош оғриқ, ташналик, қўл-оёқнинг оғриши, оғиз-бурун, тил, томоқ қуриш, исит-



ма қаттиқ бўлиш, юз-кўз, тиллари сарғайиш ва қисқа тутиши сафрога қараб бўладур. Агар холис бошқа нарса аралашмаган сафро бўлса, қисқароқ тутиб ўтадур. Агар озроқ балғам аралашган бўлса, узунроқ ушлайдур. Бунинг иложи уссуликка (чанқоққа) тамрихинди, қора ўрик, ўрик шулардин чилаб қўйиб бераверсун. Лекин оз чиламасин. Қувватли қилиб, кўп-кўп солиб музлатиб илурсун. Иситмани қайтариш учуноқ безгак хинин доридан чўнг киши бўлса 3 вақт қогоз порошок ичурсин. Лекин бир порошогини дард тутмасдин илгари пайқаб туриб, ярим соат болдирроқ (олдирроқ) ичкизмоқ зарур. Ҳар қандоқ безгакка, айниқса иситмадин бўлган безгаклар учун бундин ортиқ ҳеч бир даво бўлмас. Ёлғизоқ безгак дори иситмага ва бошқа касаллардаги иситмаларга ҳам бериш керак. Бутун ер юзидаги илгари, кейин ўтган ҳукамо-дўхтирлар шунинг фойдасини кўз билан кўришиб, кўп тажриба қилишиб, ҳамаларни тўхтама қилганлар. Лекин 1—2—3 порошок бирла фойдаси кўринмаса, 9—10 порошокчалик бермоқ керак. Бунингму фойдаси бўлмаса, бу чоғда дўхтирга қаратиб, бу замонда ривож топган укол дориларни солдирмоқ лозим. Лекин билиб қилса, сургу дори ҳар қандоқ безгак қисмига фойдаси бордур. Ҳар кунда тутадурган бўлса, тутиб ўтгандан кейин, кундузи тутса кечаси, кечаси тутса кундузи ичилмак керак. Безгак иситма-нинг ҳар қандоғи бўлсин, ёғ-гўшт, қатиқ зиён қилур. Қовун албатта, зиён қиладур. Балки ёғ безгакни чақирадур. Аммо тарвуз иссиқдин бўлган безгак-иситмаларга фойдаси бўлур. Шундоқ бўлса ҳам сувини сиқиб ичириш керак. Тарвуз сувига тамрихинди чилаб қўшиб ичулса, биринчи даво бўлур. Агар тарвуз сувини — кўпроқ қизиб кетса, берулсун. Баданда сафро моддаси кўп экандур. Дарҳол сургунинг чорасини қилсун. Мана мен фақир бу тўғрида ўзим қилиб, қайта-қайта фойдасини кўрган баёнларини ёзганман. Ҳар киши сургуну ичишга қойим бўлиб, дори ичмаги қийин бўлса, мана бу муборак сургуну шарбат ўрнида ичиб, бизни ҳаққимизга дуо қилсун. Муборак сургу будир. Уч мисқол яхши, тоза, янги санои макка олсун. Дорини аптекадан олсун. Чўп-чорларини тозаласун. Бир тола бўлса ҳам чўпи қолмасун. Икки қадоқ ўрик, ун мисқол тамрихинди (қорамтирдан қизғимтир тамрихинди яхши бўладур). Йигирма мисқол таранжабин, ярим мисқол қизил гул ёки озроқ гулқанд. Агар йигирма-ўттиз дона чилон қўшса, яхши бўлур. Қўшмаса ҳам майли. Мана муборак сургунинг аъзолари. Энди муни билаш тартиби шулки, дастлаб санои ҳўб тозалаб, қизил гул билан қўшиб, бир чойнакка солиб, қайноқ сув қўйиб, ўтга қўйсун. Жимир-жимир бир оз қайнасун. Кейин ўт таггида турсун. Оз бўлганда 5—6 соат турсун. Таранжабинни бир косага солсун, устига косани тўлғизмай қайноқ сув аралаштириб қўйиб, бир оз тингандан кейин докада сузиб олсун. Сувини тиндириб қўйсин. Тамрихиндини уругидан ажратиб, ипчаларини айириб ўрик бирла қўшиб ивитиб қўйсун. Мана бу нарсаларнинг татиғи яхши чиққанда санои сузиб, бу шарбатларга қўшиб, сув ўрнида ҳар қанча ичса ичаверсин. Ҳам чанқоғини босар, ҳам сургу ўрнида ўтар. Мана ҳар қандоқ иссиқдин бўлгон иллат, майли, қизитма безгак, майли бошқа касалларнинг ҳам ҳаммасига фойда қилур. Тамрихинди ва таранжабин мабодо тошилмай қолса, ўрнига қора ўрик, шафтоли қоқи солса ҳам бўлур. Ёлғиз санои ўрик бирламу бўлур. Агар совуқ мижоз одам ёки совуқ безгак иситмаларга бу муборак сургуну қилмоқ бўлса ярим қадоқ кўк кишмиш, беш мисқол яхши санои, уч мисқол қизил мия иддизи, бир ярим мисқол арпабодийн, ярим мисқол қизил гул,

кишмиш билан қизил мия иддизини тозаланиб бир қачага (идиш) чиласун. Санои, арпабодийн, қизил гулни чойнакка солиб, қайноқ сув қўйиб, қайнатсун. Бошқа дориларни татиғини чиқариб, сузиб, шарбатларини бир-бирига қўшиб, имлонроқ ичса, совутиб ичса, ҳам майли. Лекин холис сувни ичмакчи бўлса, илимон ичмак керак. Билмак лозимки, сургу ичадурган киши уч кун болдирроқ ич қотирадурган нарсалардан сақланиб, мудойим гизолар еб турса, сургу бемалол амал қилиб, қурсоқ оғритмай яхши тозалайдур. Гурунчдин бўлгон гизоларнинг ҳаммаси қабзийт қилур. Мулойим гизоларнинг ичинда ҳаммадин яхшироғи товуқ шўрвасидур. Лекин семиз бўлмоғи, ёш жумжа бўлиши шартадур.

Фасл. Агар безгак ҳар кун тутса, бўшроқ, узун эзилиб ётса, бош оғриқ йўқ бўлса, аммо ташналик гоҳи бирида бўлмас. Кўз қовоқлари шишмол бўлиб, юзлари утуққандек кўринса, совуқдир. Биринчи аломати узоқроқ эзилиб тутиб, бушроқ тутушдур. Бу турлик безгаккаму хинин фойда қилур. Лекин гоҳида фойдаси билинмайму қолади. Агар безгак дориси фойда бермаса, беш мисқол тоза хитой реванчин, уч мисқол арпабодийнни қайноқ сувга солиб, қайнатиб, яхши татиғи чиқсин. Арпа бодийнни болдирроқ солмоқ керак. Чунки мазаси кечроқ чиқар. Мана шундан ҳар кун 4 вақт, ҳар ичганда ош қошиқда иккида-учдан ичсун. Чўнг киши бўлса, агар бола бўлса, бирдин ичсун. Бу дорини ўзим тажриба қилиб кўриб, фойдасини кўрдим. Буткул буйи, қўла-оёғи, қорни шишган, арабчада истисқо деган (дўхтирлар водянка деган) шишлик иллатга ҳам мундин ортуқ даво йўқдур. Реванчини хитойчада диҳон дейдур. Лекин қорайган, эскирмаган, кучи кетмаган янги, яхшироғини топиб олмоқ керак. Сабабки, ҳар бир дори эскириб қолса, кучи кетиб, фойда қилмайдур. Бу кунги дорифурушлардаги дорилар кўпинча халта теги бўлиб, сурилиб қолган дорилардир. Шунинг учун қорин оғритмоқдин бошқа фойдаси йўқ. Яна бир иложи ҳиндибадбўйдин ҳар кунги жўхори донасидек ютсун. Буму совуқдин бўлгон безгак-иситмаларга фойдаси кўпдир. Елқурсоқ кишиларга ҳам фойдаси кўпдур. Агар совуқдин бўлса, бу ҳиндибадбўй деган дори шу ила тоғларидин чиқар. Ҳар қайси дўқонда бордир. Саригидан кўра қизғимтирроғи яхшидур. Яна бир иложи мен кўп ишлатган тегаракбош сариқгулнинг арақи, агар арақиси бўлмаса, ўзини қайнатиб, ҳар кунда 3—4 қатим, шунинг сувидан ҳар ичганда 2—3 қошиқ ичса, ҳар турли совуқ безгакларга, гоҳида иссиқ-безгакларга ҳам фойда қилур. Бош оғриққа, қурсоқ оғриққа, меъда ичаклардаги қуртларга кўп фойда қилур. Тажрибадан ўтган. Бу ерларда ҳам топиладур. Кучсизроқ бўлса ҳам оқи фойда қилур. Гап унинг ўрнини билиб ишлатмақда. Лекин пишган вақтини билиб олмоқ керак. Агар 3 кунда бир тутадурган безгак бўлса, безгак қуруқ-совуқдин бўлур. Яъни, куйган сафродин пайдо бўлур. Сафро ўз вақтида чиқарилмасдин баданда туриб қолса, куйиб қорайиб кетар. Сариглиги йўқ бўлиб, қорайиб қолур. Буни савдо деб айтиладур. Арабча қора демак бўлур. Мижоз сафро борлиғида қуруқ-иссиқ бўлса, савдога ўрилгандин кейин қуруқ-совуққа айланадур. Бу турлук безгакнинг кўпинча аломати сул ёқ биқинда санчиқ бўладур. Ҳар икки кун ўтуб, учинчи кунда тутар. Бунга ҳам неча хил дориларни бериб кўрдим. Лекин тоза риванч бўлса, бундан ортиқ дорини кўрмадим. Юқорида ёзилган миқдорда ҳар ҳафта — 10 кун, балки 15—20 кунгачалик тўхтамаса, узмай ичмак керак. Буни ҳам тажриба қилиб, кўп фойдасини кўрдим.

Фасл. Зинҳор-зинҳор иситма-безгак бўлганларнинг сиртидин

ёғ ва ёғли нарсаларни суртмаслик керак, кўп зарари бордур. Аммо совуқ безгак иситмалар учун жузбувага ўхшаш нарсалар эзиб суртса, фойдаси бўлур, зиён қилмас. Лекин пошўя қилиш, яъни сувга лойиқ нарсалардин солиб қайнатиб, шунинг бирла қўл-оёқларини ёки тамом бадалларини ювишлик фойда қилур. Хукамолар буни пошўя деб айтурлар. Духтирлар ванна дейдур. Бу ўринда ўзим тажриба қилган, фойдасини курган бир неча пошўяни баён қиламан. Агар (иситма) тап безгак қуруқ-иссиқдин бўлса, мунга лойиқ пошўя шулки, агар ёз кунлари бўлса, (тол) сугатнинг майда ёпирмоқлик бутоқларидин 2—3 тутам олиб, муни тош устида ёки ёрочга қўйиб, сўжиб, бир оз эзиб, бир челақ сувга солсун. Устига кова(ошқовоқ)дан 2—3 парчани қириб солсун. Агар бирорга чангал гул, бинафша қўшса, яна яхшироқ бўлур. Арпа кепаги ёки арпани чала янчиб, бир ҳовуч муңдин солса, мана шуларни қуввати чиққунчалик қайнатиб сузиб олиб, ёз сувидек қилиб, беморни шуни суви бирла ҳар кун ювилса, кўп фойда қилур. Лекин касал кишига малол келтирмай ювсин. Бу пошўяни иссиқдин ҳар турли тап қизитмаларнинг ҳаммасига фойдали курдум. Озроқ эрмонқўрай қўшиб қўйса, яхши бўлур. Агар иситмаси совуқдин бўлса, бугдой кепаги, уч чангал эрманқўрай, агар бор бўлса арпабодийён, мана бу учовини яхши қайнатиб, таҳорат сувидек қилиб, ювсун. Буму фойдалиқдур. Пошўя қилмоқ учун чўни-кичикка бўлибму ёш болаларга кўп нафлидур.

#### ФАСЛ. ХУҚНА ҚИЛМОҚНИНГ БАЁНИ.

Хуқна деб арабчада амалчани, яъни клизма қўймоқни айтилуру. Бу иш илгаридан бери ислом хукамоларидин ишланиб келинган нарсадир. Кўп яхши илождур. Бу замонамизда мошина клизма пайдо бўлиб, ҳаммага расм-одат бўлиб қолди. Клизма қўйишнинг бир неча турларини бу ўринда кўрсатиб ўтаман. Мошина қўйиш иллатга қараб бўладур. Буни ҳам иссиқ-совуғи бор, агар иссиқ иллат бўлса, совуқ дорилардин, агар совуқ бўлса, иссиқ дорилардин қайнатиб, шунинг сувида қилмоқ керак. Шунда фойда тезроқ кўринур. Мошина қўйганда, бир қатим қўйибла тўхтатмай кетикетидан 2—3 йул қўйиш керак. Дастлабки қўйганда, мошина қачани тўлғазмасдин илимон сувга шўрлиги билингандек қилиб, туз солиб, шунинг бирла бир қатим амал қилсун. Сувида чиқазгандин кейинроқ оргриқни ҳолига қараб, бир қатим ё икки қатим амал қилсун. Лекин ҳар вақтда амалнинг суви илимон бўлмоқ керак. Албатта, совуқ бўлмасин. Ортиқча иссиқ ҳам бўлмасин, зиёни бор. Амалга қўйиладургон совуқлик дорилар гулбинафша, нилуфар, арпанинг суви, сугат(тол)нинг қайнатқон суви. Мана бу дориларнинг ҳаммасидан оз-кўп аралаштириб, қайнатиб, амалча сувини шундан қилмоқ керак. Ҳаммаси бўлмаса, бир-иккиси бўлсаму, кифоя қилдур. Агар оргриқ бўлмай, ич бўшагиш учун амалча қилмоқ керак бўлса, атир совунни эзиб, қилса ҳам бўлур. Амалча қилганда киши 5—10 минут ичақда сақлаб туриб чиқарса, яна бу яхшироқ фойда қилур. Бўлар-бўлмасга амалча қилавериб, озорланиб қолган ҳам яхши эмас. Зарурат бўлганда қилгани яхши. Соғлиқни сақлаш қонуни бўйинча, ҳар кеча-кундузда бир қатим ич келмак, томоқ еб турган кишига агар муңдин ўтиб кетишини билсинки, мижози бузилгон бўлур. Ичининг вақтида юриб туриши, тан-соғлиқнинг аломатидур.

Фасл. Қайси иллатдан иситма қаттиқ бўлса, айниқса, тиб касалларида қизитмаларга беҳабар қолмай, компресс қилиб тур-

моқ кўп зарурдир. Бўлибму ёз кунларида мижози иссиқ одамларда мунинг кўп фойдаси бордир. Агар компресс қилгондан сирка-уксус қилиб қилса, ҳарорати анча қайтади. Айниқса, бош устига узмай қилиб туриш керак. Кўп ўтказмай, янгилаб тез-тез алиштириб туриш керак. Агар (ошқўки) юмғоқ сутни янчиб, ковани қириб аралаштириб, сирка сувини қизитиб бошга чапласа, дарҳол фойдаси кўринур. Лекин шуни ҳам устидан чупракни (лағтани) ҳўллаб, салқин-муздак қилиб, йўткаб-йўткаб босиб туриш керак. Агар қизитиши қаттиқ, ўткир қизитса, бу ҳолда катта чойшабини сувга солиб, шунга ўрамоқ керак. Ёки тол ёпирмоғини сувга солиб, шунга ўраб ётқизилмоқ керак. Кўп фойдаси бордир. Бўлибму тиб иллатларида муңдин беҳабар қолмаслик керак.

#### ФАСЛ. САРСОМ ИЛЛАТИНИНГ БАЁНИ

Сарсом деб арабчада кезик (юқимли) терламани айтур. Духтирлар тиб дейдур. Қора кезик, телба кезик, тўғри кезик бўлиб, уч қисмга бўлинуру. Аспи чиққан, яъни баданга қизил майда нарсалар тошиб кетган кезикни духтирлар синой сын дейдурлар. Бу иллат кўп қўрқинчли ҳам юқумли иллатдур. Энг қаттиги уч кундан ўтказмас. Енгил, яхшиси еттинчи кун терлаб, енгил тортув қолур. Бу иллатта кўп эҳтиёт бўлиш даркор. Фақир бу иллатга кўп қараб, анча тажриба пайдо қилганман. Сарсом, яъни терлама кезик иллатининг узига хос махсус бир неча аломати бордур. Шу иллатлар, яъни яхши текшириб, аниқ кезиклигини билгандан кейин давосига биз кўрсатган йул бирла киришмак керак. Бу иллатларнинг аломатлари шуки, дастлабки биринчи кунийёк иситма бирла бошлар. Бу қизитма кундин-кунга зиёда бўлур. Еттинчи кунгачалик агар енгилроғ бўлса, еттинчи кунда бир яхши тер келиб, шунинг бирла кундин-кунга енгилликка юз қўяр. Бу иллатда яхши тадбир қилинмаса ёки вақти етмасдин туриб, таом еб қўйса узилиб қолиб, 40-50 кунга чўзилиб кетадур. Тарбия қилмоқ керакким, ҳар иллатнинг узилиб қолғони, бошлаб ётқонидин оғирроқ бўлур. Кўп одамларнинг ажалига сабаб бўлур. Муңдин кўп эҳтиёт қилмоқ керак. Кўпинча узилиш, дард чиқмасдин туриб, томоқ еб қўйгонликдин ёки оғирроқ томоқ еб қўйгонликдин ёки ҳаракат қилиб, ўён-бўён юрганликдин бўлур. Гоҳида қаттиқ хафа бўлгондин бўлур. Кўп эҳтиёт бўлмоқ керак. Ниҳоят нозик иллатдир.

Фасл. Иссиқ кезик, совуқ кезик бордур. Ҳар икковида ҳам жовлиб ётар. Гоҳи кишида дастлабки кундаёқ пайдо бўлур. Гоҳида 2-3, гоҳиси кўп жовлир, гоҳиси озроқ. Дардининг кўп-озлигига қараб бўлур. Агар сарсом бўлган киши беҳуш ақли билан ётса, ўён-бўён кўп узини урингирмай, ортиқча кўп жовламай усулиқни (суюқлик) сўраб кўп-кўп ичиб турса, кўнгли очиқ, ўзи сергак бўлса, яхшилик аломатидир. Ҳаммадин оғирроғи беҳушлик билан ётса, сувга рағбати йўқ бўлса ёки бир қошиқ-ярим қошиқ ичиб, ортиқча ичмаса, ётиши тинишсиз бўлса, бошинг устига тили оғирроқ бўлса, оёқ-қўлларини кўп йиғиб-узатса мана булар оғирлик, қўрқинчлик аломатидир. Кезик сарсом иллоти кўпинча иссиқдин, қон, сафродин бўлур. Гоҳида совуқлик балғамдин бўлур. Иссиқ сафродан бўлса, аломати иситмаси қаттиқ жовлаши бор, ўзи бадахуақ, чанқоғи кўп, юз-бети тезда ориқлаб кетар. Агар иссиқ қон зиёдалиқдан бўлса, юз-кўз, тиллари қизил, томир ирғиб чиққан, иситмаси қаттиқ бўлса, сафродин булгандек эмас. Лекин ҳар икковида ҳам лаблари ёрилиб, тиллари кез бойлаб, гоҳиси қорайиб, гоҳиси саргайиб, қуруқшаб турар. Совуқдин, балғамдин булгонни-

нг белгиси иситма бўлмас, бўлса ҳам оз бўлур. Ҳзи беҳуд, карахт-ҳайронликда ётар, ташналик бўлмас, агар ҳуши, тили бўлмаса умид йўқдир. Билмак керакким, кезик иллатнинг қайси турлиги бўлса ҳам сабаби шулки, миянинг пардаси шишиб, остидаги мия юмшоғини босур. Шунинг учун ақл алмашиб жовлиб турадур. Энди бунинг даволарини баён қиламиз. Бу иллатнинг ҳар қанчоги 7 кунгача кўчиб турадур. Агар 7-кунни Худонинг амри билан дард енгилса, 8-кундан бошлаб енгиллик бўлур. Агар шу кунда дард енгса, кундан-кунга пастлаб кетар. Шу учун ҳукамолар бу кунни кураш кунни деб айтурлар. 7-кунни терламаса, ул вақт 9-11-13-15-17-19-21-27 кунгачалик ҳаммаси тоқ кунларда бўлур. Лекин 17-кундан ўткандан кейингиси хатарлидур. Бу иллат нозиклигидан сўзни узатиб ёздим, яна кўнгилда кўп сўз қолди. Вақт торлигидан ёзолмадим. Энди бу иллатнинг тадбирларини айтайлик. Агар иссиқ кезик бўлса, биричи кундан бошлаб юқорида айтилган совуқ дориларни қайнатиб, шунинг сувиди амалча қилсун. Ҳар қилганда 2-3 қайта қилсун. Мумкин бўлса, ҳар кун қилсун. Бўлмаса касалнинг ҳолига қараб, кун оралаб қилиб турсун. Иложи бўлса, ҳар кунда қилғони яхши. Амалча билан ичи келгандан кейин усулликка (суюқликка арпа суви) кашкоб берсун. Арпа кашкоб баёни шулки, 2-3 қадоқ арпани (туйиб) туқлаб, оқлаб тайёр қилиб олсун. Шу арпадин бир ош қошигини ўлаб, совуқ сувда ювиб, сирли (малированний) идишга солиб, устига сув қошиқда 30 қошиқ сув қўйсун. Демак, бир ҳисса арпага 30 ҳисса сув қўймак керақдур. Тоза булоқ суви бўлсун. Шунни мулоим ўт бирла тенг ярми кетгунчалик қайнатсун. Тенг ярмига келганда, шу сувни тиндириб, бошқа идишга олиб қўйсин. Мана шу сувдан ҳар қанча ичса кечакундуз демай бераверсин. Оз ичса ҳам, кўп ичса ҳам шундан ичсин. Агар буни кўп кўтармай қолса, муңдин ҳар кунда 2-3 вақт, оз бўлса 2-3 коса, бўлмаса 3 пиёла ичсун. Бу кашкобда кўп фойда бордур. Ёзиб ўтирса сўз узайиб кетар. Қолган вақтларда тамрихинди, қора ўрик, олча, ўрик, таранжабин — шуларни шарбат қилиб бераверсун. Тамрихинди билан таранжабин суви ҳам кўп фойда қилур ва ҳам ичишлик бўлур. Тамрихинди бир сар бўлганда, таранжабин 2-3 саргача бўлсун. Бу шарбат ични ҳам мулоим қилиб турар. Ичи қабзият бўлиб кўп келмаса, бу шарбатта 3 мисқол тоза санои макка қўшсун. Кўп мулоим сургу бўлур. Аммо бирданига қаттиқ сургу қилса, кўп яхши бўлмас. Бошига латтани ҳўллаб, агар иситмаси қаттиқроқ бўлса, музлик сувга солиб, салқин қилиб бошга ёпиб турмоқ керак. Тамом баданини компресс қилиб, катта чойшабни совуқ сувга солиб ўраса, яна яхши бўлур. Иситманинг оз-кўпига қараб қилгай. Агар тамрихиндига ўхшаш нарсалардан йўтал пайдо бўлса, бу ҳолда тамрихиндига чилон қўтсун. Ёки кашкоб сувига қаноат қилсун. Бу иллатта ҳукамолар гулбинафша кўп фойдали дебдурлар. Мен ўзим тажриба қилиб кўрдум, фойдали экан. Бир мисқолчасини бир чойнакка солиб, чойга ўхшатиб дамлаб ичсун. Гулбинафшани қайнатмай, қайноқ сувга дамлаб қўйиб ичсун. Шу бинафша сувига озроқ 3-4 томчи анисиви сувидан томизиб қўйсун. Иншооллоҳ раббил оламин, биз дегандек қилиб турса, бу иллатта Худо таоло осонлик билан шифо берур. Алҳамдулиллоҳ, шу тартиб бирла кўп мусулмонларнинг шифосига сабаб бўлдим. Менинг қўлимда бу иллатдин кам зое бўлди, балки бўлмади десам ҳам бўлур. Лекин ўхтирлар қўлида бойлардин кўп зое бўлди. Улар ҳар бир илмни шапкаси борлардин кутарлар. Шунга қараб, Худои таоло ўз суйганларини қўлида

ҳалок қилур. Ўз мусулмонларининг қўлида шифо топқандин булар қўлида ҳалок бўлганни ортиқ кўрсалар керак. Буларда диёнат ҳисси бўён турсин, миллат ҳислариму йўқдур. Шунинг учун кундан-кун хароблиқдамиз. Агар бу сўздан дoston бошласак, бошқа бир китоб ёзишимиз керак. Хайр, бу сўз қолсун. Агар тер келиб ёки тер ўрнида бошқа сабаб бўлиб, иллат ёниб касал енгиллаб, иситма совуса, жовлиш тўхтаса, кўнгли очилиб томоқ талаб қилса, уйқу ҳам оз-кўп пайдо бўлса, ич пишиш, юрак торикшиш тўхтаб қолса, дард чиққондин аломатлари очиқ билинса, мана шу вақтда томоққа киргизиш керақдур. Даствабда томоқ беришда жўжа товуқдин шўрва қилиб берсун. Чақирмаган жўжа бўлса яхшироқ. Макиён-хўрозга ўхшаш, лекин семиз бўлиши керак. Шўрва қилиш тартиби шуки, бир жўжани учдан бирини солиб, 6-7 дона қора ўрик солиб қайнатиб, яхши пишурсин. Енғоқчалик хамиртурушни докага тугуб сувда эзиб, тилпини докада қолдириб, сутини шўрвага қўшиб қайнатсун. Бир ичишлик хушхўрғизо бўлур. Ҳам енгил бўлур. Шундоқ қилиб, бир неча кунлар енгилроқ томоқ еб туриб, гизонинг оғир-енгил сингишини пайқаб туриб, бошқа гизоларга киришмак керак. Яна бу иллатга ўзим ишлатган, кўп фойдасини кўрган дорилардан бири исканжабил риванчий деган шарбат доридур. Бу дорини қилиш осон, ҳам ўзи кўп фойдали бўлгонлиги учун бу ўринда ёзиб қўйдим. Ҳар қадоқ безгак-иситмаарга ҳам кўп фойда қилур. Шарбатни ясаш тартиби будир. Бир қошиқ яхши ўткир узум сиркасини бир сар риванчий, агар мусулмон сиркаси топилмаса, ўрис сиркаси ҳам бўлса керак. Аввал риванчинни янчиб, дока халтага солиб, бир-икки коса сувда тамом кучи чиққунчалик қайнатсун. Риванчини эзиб, янчиб, ҳеч таъми қолмагандан кейин, тилпини олиб ташлаб, шунинг сувига сиркани қўйсун. Агар ўрис сиркаси бўлса, тенгшаб қўйсин. Шакарни солиб, мулоим қайнатиб бир шишага олиб қўйсун. Агар кўп ўткир бўлса, узидан ўткир қайноқ сув қўшиб бир қошиқдан ичсун. Кўп фойдали нарсадур. Ҳар қанча сиркаси ўткир бўлса, риванч тоза бўлса, шарбати шунча қувватли бўлур. Бир кунда 3 вақт устидин қиладургон даволардан бириси шулки, беморни суяб ўртурғизиб қўйсун, агар ўсиқроқ бўлса, ётқизиб туриб, ўткир устара билан уста киши билдирмасдан, малол келтирмасдан бош тепасидин олақандек жойининг сочини туширсин. Бош чўрасига қон оқиб кетмагидек қилиб, латта ураб қўйсин. Андан кейин бир жўжа товуқ ёки кабутарни олиб келиб бир киши тутиб берсин. Яна бир киши ўткир пичоқ билан беморнинг бош устига бўғизласин. Иссиқ қонини мия устига оқизсин. Қони тўхтар-тўхтамас, жони чиққишга қарамасдан қорнини ёриб, иссиқ бўйича қорнини ёпсин. Беморни аста ётқизиб қўйсун. Бу нарса бир соатгачалик мия устида турсун. Сўнгра олиб ташлаб, иссиқ-илиқ сув билан покиза ювиб ташласин. Ювмай қўймасын. Мана бу амалда ўзим қилиб кўриб, фойдасини билдим. Ҳуши йўқ ёттанларга сабаб бўлиб ҳуш кирди. Буни ҳам ҳожат ўтса, эскириш керак. Яна бу иллатда пошўя кўп фойдалидур. Пошўя қилишнинг таъсири шулки, юқорида безгак баёнида айтилган совуқлик дорилардин қайнатиб, сувини сузиб олиб, таҳорат сувидек қилиб, беморни каравотдек жойга ўтирғизиб, пошўя сувини чуқурроқ идишга қўйиб, икки оёғини шу сувга ботирсин. Тиззасигачалик бир одам кучли қўл билан тинмай сув ичида беморнинг оёғини тиззасидан тубанга қараб сидириб эзгилаб уқалаб берсин. Сув совутгунчалик, агар беморнинг кўнгли очиқ турса, юраги сола бошласа тўхтатсун. Мана бу

тариқа пошўя қилмоқ ҳар турли иситмаларга, бош огриқларга кўп фойдалидур. Тажриба қилиб фойдасини кўп кўрдим. Қизитма бош огриқларга икки-уч бор қилгандаёқ фойдаси очиқ кўринур. Лекин беморга малол келтирмай қилиш керак.

### ФАСА. ЗОТИЛЖАМНИНГ БАЁНИ

Туркийда қоғун, қирғизлар қобиргадан сесканган қон тукурган санчиқ дейдур. Рус дўхтирлари воспаление дейдулар. Туркистон вилоятларида кўпроқ бўладургон иллатларнинг бирови шуладур. Бу иллат ҳам кўп огир, хатарли, қўрқинчли иллатдур. Алхамдулиллоҳ, бу фақир ожиз бандасига Худои таоло бу даҳшатли иллат тўғрисида кўп яхши тажриба бергандур. Бу дарга мубтало бўлган одамларни вақти ўтмаган бўлиб, бошқа киши аралашмай, ўзим қараган бўлсам, агар ажал етмаган бўлса, иншооллоҳ, бир киши зое бўлмас десам, ёлгончи бўлмасман, Худо ёлгончи қилмас. Энди бу ўринда тажрибаларимни баён қиламан. Бу иллат ҳам кўпроқ иссиқ сафродин ва ҳам қондин пайдо бўладур. Бу иллатнинг беш нишон аломати бор. Биринчиси, йўтал, иккинчиси, қовурга тагида санчиқ, учинчиси, иситма, тўртинчиси, нафас танглиги. Агар нафасни қаттиқроқ тортса, биқини санчиб, нафас олғизмайду. Бешинчиси, томирнинг юқорига урлаб илдам солиши. Сафродин бўлса, юз-кўз, тилларнинг сариқ бўлиши, қондин бўлгонда буларнинг қизилигидур. Энди бу иллатнинг тадбири шулки, дастлабда орқаларига 7-8 жойга ўт билан бонка қўйсун. Нақ санчиқ бор жойга бонка қўйганда шу жойдан чекиб, икки-уч қошиқ қон олсун. Бонкани 2-3 қайтариб, шу ўринга солсун. Бундин кейин узун докани иссиқ сувда чилаб, иссиқ бўйинча ураб, пахта қўйиб боғлаб қўйсун. Бир кеча-кундузда 3-4 қатим янгилаб, йўткаб (алмаштириб) турсин. Лекин сувни қайноқ қилиб, эт куймагундек қилиб ўрасун. Совуб қолмасун. Иккинчи тажриба шулки, дарҳол амалча қилсин. Чорак қадоқ урикни қайна-тиб, шунинг суви билан амалча қилсун. Бу иллат ҳам 7 кунгачалик кучаб турадур. Ҳар кунда амалча қилиб, гоҳида гулбинафша ниу-фар сувидан қилсун. Ичишига бўлса, арпа кашкобга чилон солиб қайнатиб, шунинг сувидан берсун. Яна гулбинафша, ниуфар, қизилмия илдизи — бу учовини дамлаб, сувидан бериб турсин. Зинҳор тамрихиндига ўхшаш аччиқ нарсаларни бермасун. Йўтал кўпайиб кетар. Агар испағулни қайноқ сувда чилаб қўйиб, шунинг қаймоқ ширасини чиқазиб, яна оқ гулхайрини ёки бунинг илдизини қайнатиб, шулардин эзиб, ширасини чиқазиб, дори сувларига қўшиб ичса яхшироқ бўлур. Бу сувлар мадда иллатни пиширади, беморнинг ичишига сут берсин. Сут беришнинг тартибини охирида ёздим. Шунга қара. Йўталганда бўшлик билан қон аралаш (балгам) хапрукларни осон чиқазур. То иллат моддаси бўлган шу нарсалар чиқиб, адо топмагунчалик бемор ором топмайду. 7 кундин ўтгандин бошлаб, кўпинча бу огриқ терлаб, баъзиси терламаёқ иситма санчиқ йўталлари пасанча тортиб, енгиллаб бошайду. Буни ҳам томоққа дастлаб кирганда кезикка ўхшаш енгил томоқлардин бошлаб эҳтиёт билан гизога киргизмак керак. Оғзи кезик иллатида, зотилжам иллатида беморнинг оғзи бус (ҳидланиб) бўлиб кетар. Бунинг иси димоққа уриб янаму жовлишини кўпайтирур. Шунинг учун оғзини тез-тезда чайқаб турмоқ зарур. Ҳаммадин яхши аптекада беморнинг кислота деган оқ арзон дори бор. Шунни қайноқ сувга солиб, шу билан чайқасун. Бу кўп зарур ишдур. Бу иллатнинг гоҳи бириси кўп огир бўлиб, нафас олдирмай, ётолмай, агар ётса нафаси қисиб, энгикиб, санчиғи кучаб кетадур.

Мана бу вақтда кўп қўрқинчли бўладур. Энди қандоқ тадбир қилмоқ керак.

Бунинг тадбири шулки, зиғир, арпа уни, гулбинафша, ошқовоқ уруғи, бор бўлса оқ лайли гул, зиғир билан қовоқ уруғини хўн майда янчиб, озроқ бугдой кепағи қўшиб, ҳаммасини сувда яхши қайнатиб, қуюқ агаладек бўлганда санчиқ бор тарафга етгудек чупрак устига малҳамдек қалинроқ яйратиб солиб, шуни санчиқ устига иссиқ бўйича тортиб, пахта қўйиб боғлаб қўйсин. Бир кеча-кундузда уч қатим йўткаб, иссиқ-иссиқ боғлаб турсун. Биринчи қилгандаёқ фойдаси маълум бўлур. Тажрибадин ўтган ишдур. Агар бу иллат 40 кунгачалик тозаланиб яхши бўлиб кетолмаса, сил касалига айланиб кетар. Кўкрағи гиж-гиж бўлиб, нафаси қисиб, юрак солиб туриши йўтал тўхтамаслик, силга айланганлик аломатидур. Сил касадан тузалмак кўп мушкулдур. Юқоридаги дори сувларини ичилганда, анисвидан томизиб хушбўй қилиб берсун. Фойдаси бордур. Билмак керакки, гоҳида ёлгон зотилжам бўлур. Бунинг аломати иситмасиз йўталишлар бўлмас. Ёлғиз қовурга остида санчиқ бўлур. Бунинг иложи шуки, бугдой кепағини докага тугиб, қайноқ сувга солиб, чала сиқиб ташлаб шуни санчиқ бор жойга иссиқ-иссиқ боғлаб қўйсин. Иншооллоҳ, шифо топгай. Лекин чин зотилжамда ел тўхтаб қолди деб, тузкепак қовуриб босиб, кесакни қизитиб босиб қўйса, дард кучайиб кетар. Кўп зарар қиладур. Шунга эҳтиёт бўлмак керак. Бу кейинги тажрибаларимизда зотилжам иллатига сутни кўп фойда қилгонлигини кўрдим. Қарасам, дўхтирлар ҳам бу иллатга сут беришар экан. Лекин ҳар кунда уч вақт бермак керак. Иложи бўлса, янги соғдириб, пишириб, иситма жуда қаттиқ бўлмаса ярим сут, ярим қайноқ сув қўшиб, иситма қаттиқ бўлса, икки ҳисса қайноқ сув қўшиб бир ҳисса сут берсин.

### ФАСА. ИСТИСҚОНИНГ БАЁНИ

Шишиқ иллатини рус дўхтирлари водиянка деб айтулар. Бу иллатнинг сабаби, юрак, ўпкада қон томирларининг баъзиси тўсилиб, қон яхши юролмай, қонга сариқ сув қўпилиб баданга тарқаб сингмай, шишиқ пайдо бўлур. Бу иллат ҳам уч қисмдир. Биринчиси, арабча лахми дейдур. Бошдин-оёқ гўбтак бўлиб, шишиб кетар, айниқса оёқларни ортиқчароқ шишар. Бу шишиқларга қўл босса хамирга босгандек, чуқур бўлиб қолур. Чуқурлиғи дарровда текисланмас, мана бу қисми осонроқ, енгилроқ қисмидир. Фақир бу огриққа йигирма беш йил ичида кўп тажрибалар ўтказдим. Бир неча одамлар биз дегандек парҳез тутиб, соғайиб кетдилар. Гоҳ биллари биз кўрсатган йўлда туrolмасдин шу дард билан ўлиб кетди. Буму хатарли, қўрқинчли иллатдан деб саналур. Ҳар шифонинг боши парҳез тутмоқдир. Парҳезни яхши тутса, ҳар қандоқ даво қилган ҳақим бўлса ҳам дарддан холис қилур. Парҳез қилмаган бемор, ҳукамонинг сўзини олмаган касал ўз жонига ўзи душмандур. Шунни яхши билмак керакки, энди яхши қўлоқ солиб, зехн қўйиб турунг. Бу иллатнинг илож даволарини, парҳезларини баён қилиб ўтай. Дастлабда сувдин парҳез қилсун. Сувни ичши у ёқда турсин, сувга қараш ҳам зиён қиладур. Сабабки, бу шишда сув бордур. Сув сувни тортадур. Иккинчи, гизосига хамир томоқ емасун. Бугдой жиисидан бўлгон ҳамма гизо зарар қиладур. Яна еган гизосини ўлчаб, соғ вақтида еядургон гизонинг олти ҳиссасидин бирини еб, шунга қаноат қилсун. Ҳар қанча бу иллатда томоқ оз еса, балки рўза тутса шунча яхшидур. Озроқ булкадин қилгон сухари бўлса, шунда ҳам озроқ еса рухсат. Бундай бўл-

май, аралаш еб кетса гизо бўлмасдин дард бўладур. Кундин-кунга шиш зиёда бўлиб, охири ҳалок қиладур. Энди оз еса, ҳам нима есун, қараймиз, агар иситмаси бўлмаса, ҳар кунда кўй гўштидан кабоб қилиб берсун. Тузини озроқ солсун. Гоҳида озроқ гўшт солиб долчин, мурч, арпа бодийн, зира, шу дориларни янчиб татиғи яхши чиққудек қилиб, солиб узун қайнатиб бир сирконча (пиёла) қолғонда шуни берсун. Гўштини иштаҳа қилса, есун. Чой урнида арпабодийн, қалампирмунчоқ — бу икковидан солиб узун дамлаб қўйиб, қувватини чиқазиб, шундин ичиб турсин. Гоҳида яхши тоза чой бўлса, бир пиёла-ярим пиёла ичиб қўйса, зарари йўқдир. Кук кишмиш, урик мағзини нон урнига оз-кўп еб, шунга қаноат қилса, кўп яхши иш қилиб, ун томоқни емай, бошқа томоқлардин ҳам оз еб турса, кўп яхши. Бу дардининг давоси кўп терлатиш, кўп пешоб қилдириш билан бўладур. Иложи бўлса дунгоннинг конига ухшаш кон қилиб, (ёки сандал) шуни қиздириб, ипунда ётиб терласун. Икки дона сув кўрмаган пишиқ гиштни ўтга солиб, тоза қизитиб, куймагудек бўлганда латтага ўраб, шишиқ жойларга совутунча босиб ётсун. Иложи бўлса бир нечани тайёрлаб қўйиб, бири совуса бирини қўйиб, ҳар кечаси тонг отгунчалик шундоқ қилсун. Шунинг фойдаси кўндур. Зерикмай қилсун. Узим қилиб фойдасини кўрган ишлардур. Яна бир иложи тандирни хўб қизитиб, устини сушириб ташлаб, ичига киши утлургудек уриндуқ қўйсун. Ҳар қанчаки киши чидаб бемалол утиргудек бўлганда беморни ўтиргизиб қўйсун. Боши тандирдан чиқиб турсун. Агар ташна бўлса долчиндан ичсун. Лекин икки одам эҳтиётти шартти бемор устида ҳозир турмоқ керак. Мабодо юраги чидамай, кўнгли кетгудек бўлса, дарҳол чиқазсун. Агар чидаб тургудек бўлса, обдан терлагунчалик турсун. Қанча чидаса, шунча турсун. Тоза терлаб бўлгандан кейин, ҳеч шамолга теккизмай ўраб-чирмаб урнига ётқизиб қўйсун. Бу ишни тажриба қилиб кўп фойдасини кўрдим. Яна бир иложи — темирни темирчилар қиздиргандек қилиб, хўб қиздириб, ярим челақ покиза сувга доғлаб, сўндирсин. Шундоқ олти қатим қилсун. Кумушни қиздириб беш қатим шундоқ қилсун. Агар тонса олтин, тўрт қатим шундоқ қилсун. Мана шу сувдин қайнатиб, майли, чой дамлаб ичсун. Майли, дори чой қилиб, нақ узини ичсун, фойдали. Бу иллатта ичидин ичадургон дорилар ҳаммасидин фойдалироқ. Дориси — риванч шарбатидур. Шарбат сифати будир. Ун мисқолча арпабодийнни янчиб, доқа халтага солиб хўп қайнатсун. Тоза татиғи чиққанда сиқиб ташлаб муссаффо сувига бир сар тоза хитой риванчини янчиб, халтага солиб, шу сув билан татиғи чиққунчалик қайнатсун. Сувини шунга ярим қадоқча новвот қўшиб, яна озроқ қайнатиб олсун. Мана риванч шарбати шудур. Сув миқдори уч коса бўлиб, шарбат тулиқ бир косача қолса бўладур. Мана шундин кунда уч вақт ҳар ичганда икки қошиқдин ичсун. Бу ҳам фойдали. Бундин фойдали нарсани кўрмадим. Ёлғиз бод иллатга эмас, ҳар қандоқ совуқдин бўлгон безгакларга, юрак ўйноқларга, қурсоқ оғриқларга, ичбуруғларга кўп фойдали шарбатдур. Бу иллатга ҳўл меваларнинг ҳаммаси зиён қиладур. Аммо анорнинг тотлиғи, гоҳи аччиғи кўп фойда қиладур. Агар бу иллатга мубтало бўлгон киши анор кўп шаҳарда, бошқа ҳеч гизо емай ёки озроқ еб, бир неча кунгачалик ҳар кунда тўйғунича анордин еб турса, соғайишига (шишиқ қолмаса ҳам) шак қилмаса ҳам бўлур. Бу иллат учун анорда шунча хосият бор. Яна бу иллатга сафар қилмоқ (айниқса иссиқ ҳаволи қуруқ мижозли вилоятларга) кўп нафи бордур. Ёз кунларининг саратон иссиқларида

иссиқ кунда ултириб, қалин ёпиниб ётиб терлашму кўп фойда берур.

Фасл. Энди бу шишга устидин сурадургон нарсаларни баён қиламан. Биз кўп нарсаларни қилиб кўрдик. Ушбу нарсаларни фойдали тоқдик. Бириччи, спирт (ароқ)ни ҳар кунда икки вақт тамом шишиқларга суртсун. Аптекада, ароқ сотган дўконларда ҳар вақт топилаур. Тоза спиртнинг аломати шулки, бир нарсга озроқ қўйиб, устига гугурт ёндирса қўлмак бўлиб қуяр, тозаси шул. Бундин шишиқ ёнгунчалик (қайтгунчалик) зерикмай суртсун. Ҳар ҳаром нарсани ҳукамолар даволик учун буюрсалар ҳалол бўладур. Шарият ҳам буюрадур. Бир иложи икки-уч йиллик қорачирик бўлиб кетган қўйнинг қийини икки ҳисса олиб, туздин бир ҳисса қўшиб, иккаласини майда янчиб топилса узум сиркаси, топилмаса, иссиқ сувда югуруб лой қилиб, шишиқларга чапласун. Устидин ўраб боғлаб қўйсун. Бир кеча-кундузда бир янгишлаб чапласун. Беш-ўн қатим чапласун. Кўп фойдалидур. Яна бир иложи, агар иситмаси йўқ бўлса, эски қазининг ёғига тузини кўпроқ қўшиб, майда қилиб, хўб аралаштириб суртса, буму фойда қилур. Агар иситма бўлса ёғ зиён қилур. Ёғ иситмага хоҳ ичиндан, хоҳ ташиндан бўлса зиён қилур. Шунинг учун иситма-безгак одамлар ёғли таом еб қўйса, дарҳол иситмаси зиёда бўлур. Безгаклар ичиди 3 кунда бир тутар бўлса, бунга шўрвага ўхшаш ёғли таомлар кўп зиён қилмас. Юқорида безгак баёнида бу сўзлар ёзилди. Хотирада сақлаш керак. Яна бир иложи, бу иллат учун арошон (маъдан, иссиқ булоқ) сувлари ҳам кўп фойда қилур. Яна бир иложи, туя суғи ичмак кўп фойда қилур. Лекин ичиш тартибини билмак керак. Тартиби шулки, бошлаб ичганда ярим қадоқдин бошласун. Туя бемор олдида соғилсун. Иссиғи кетмасдан туриб ичсун. Йироқ ердин соғиб олиб келиб, сутини совутиб қўйиб ичганин ҳеч фойдаси йўқ. Шундоғ қилиб кунда сутни озроқдин ортириб бориб, кунда икки қадоқ-уч қадоқча ичадургон бўлсун. Лекин сингиб туриши шартдир. Кўтаришига қараб ичмак керак. Агар сингиб борса, бошқа гизо аралаштирмай, ёлғиз узига қаноат қилсун. Агар туя сийдигини сутига қўшиб ичса, яна яхши бўлур. Ақалли, 40 кунгачалик ичсун. Агар кўп яхши сингмай, меъдаси заиф бўлса, кунда икки ёнғоқ миқдори офтоби гулқанд еб турсун. Бу иллат аслида жигарнинг мижозни бузилиб қуввати кам бўлгондин бўлур. Шунинг учун жигарга қувват берадургон дориларни қилмоқ керак. Риванч бу иллатга махсус дорилардандур. Косанин қувраининг ўзи, уруги, илдизи ҳар қандоқ қилиб ичса ҳам бу иллатга кўп фойдалидур. Косанин деб талхани айтур. Қирғизлар чачратқу дейдулар. Иссиқдин бўлган безгакка, сариқ касалига ҳам наф қилур. Қайнатиб ичмак керак. Яна бир иложи, қум арошонга тушса фойдалидур. Ёз чилласида тушган қум арошон мундин бошқа ҳар қисми совуқелдин бўлгон бел оғриқ, тиз оғриқ, қўл-оёқ, бўғимлар оғриғига кўп фойда қилур. Лекин ани оз деганда бир ҳафта тутмак керак. Бу иллатга ўзимнинг тажриба қилган ишларимни бу ўринда тамом ёздим. Биз дегандек қилган киши фойдасини курар, ишшооллоҳ.

#### ФАСЛ. ХАФАҚОН ИЛЛАТИНИНГ БАЁНИ

Хафақон деб юрак ўйноғни айтур. Бу иллат юракнинг мижозни бузилогондин бўлур. Юрак бўлса қоннинг машинаси. Бутун таниннинг подбосидур. Юрак иллатига кўп эҳтиёт бўлмоқ керак. Шу хусусдин уриш кўпинча бу иллатдин пайдо бўлур. Бу иллатнинг аломати шулки, юрағи ўйнаб-солиб турур. Юрағи солган сайин, мадори

озайиб, қуввати кам бўлур. Агар бу иллатга тезроқ дори қилмасдин узоқиб кетса, иложи мушкул бўлур. Бу иллат қучаб кетса, кўнгли кетиб, ҳушини билмай ётиб қоладургон бўлади. Бу иллат неча турли сабаблардин пайдо бўлур. Ҳаммасини бу уринга сиғдиргани бўлмас. Шундоқ булса ҳам бир нечаларига наф қиладургон дориларни ёзмаиз. Буни билмак керак.

Юрак қандай солса томир шундай солур. Бу иллат ҳам иссиқдин, совуқдин, хафалиқдин қўрқиб учун қонсизлиқдин, мундин бошқа бир неча сабаблардин пайдо бўлур. Иссиқ булса аломати шулки, оғзи, тил, томоқлари қуруқшаб турар. Ҳаво иссиғида иссиқ жойларда ултирса зиёда бўлур. Иссиқлик, кучли ширилиак таом еса, юрак солиши кўнайиб қолур. Бунинг иложиси шулки, иссиқкучли таомлардин парҳез қилиб, совуқлик гизолардин емак керак. Мевалардин олма, анор, лимон, пўрсақол кўп фойдалиқдур. Бошқага ҳожат бўлмас. Яна бир иложи, аптекада валерианный капли деган сув дори бор. Мазкур шундин бир қошиқ қайноқ сувга 15 қатра томизиб, ҳар кунда 3 қошиқдин ичсун. Ошқошиқ бирла. Бу дори тутқоқлик толама иллатларига, кўнгли кетиб ётиб қолиш касалларига, бош айланиш иллатига, иссиқдин бўлган бош оғриқларга ҳам кўп фойдали. Ҳар вақт аптекада топилаур. Арзон баҳо бирла сотилур. Инсоф ўзинда, чўнг кишиларга 20-30 қатрагачалик берса бўлур. Агар касалга бермоқ бўлса, қошиқда ўлчаб бутилкага қайноқ сув қўйиб, неча қошиқ бўлса шунга қараб, доридин томизиб, тайёрлаб бергай. Яна бир иложи чўписандал ўн мисқол, қизилгул ўн мисқол, агар ёз кунлари бўлса, олма, беҳи мевалари топиласа, олмадин икки қадоқ, беҳидин бир қадоқ, гоҳи озроқ топилишича. Дастлабда чўписандални майда-майда ёриб, хавончада янчиб, дока халтага солсин. Қизилгулни ҳам бир халтага солсун. Покиза идишга тўрт коса сув қўйиб, мулойим ўт билан бир коса қолгунчалик қайнатсун. Халталардаги дориларни эзиб сиқиб, сувини сузиб олсин. Олма, беҳиларни ҳам тўграб, тўрт коса сувга солиб икки коса қолгунчалик қайнатсун. Қолган икки коса сувни сиқиб сузиб олсун. Икки қайнатган сувни бир-бирига қўшиб, бўлса чорак қадоқ офтоби гулқандни дока халтага солиб, ушбу дори сувларга солиб, бир озроқ қайнатсун. Кейин халтани мижиб эзиб, гулқанднинг мазасини қолдирмай чиқазсун. Агар гулқанд йўқ бўлса, шакар ҳам бўлур. Хитой шакари яхшироқ бўлур. Хитой шакарини хитойчада битонг дейдур. Қорашакарни хитонг дейдур. Хитой дорихоналарида ҳар вақт топилаур. Мана шу дори суварни бир озроқ қайнатиб олиб, шарбат сандал деб айтадур. Ана шу шарбатдин бир қисм юрак ўйноқ учун ҳар ичганда икки ош қошиқдин кунда 3 вақт ичгай. Гизосига агар иссиқ мижоз бўлса, жўжа товук шўрвасига мош солиб, (юмгоқ сут) ош кўкидан кўпроқ қўшиб ичсун. Шўрва гурунчга ош кўки (юмгоқ сут) қўшиб ичса ҳам бўлур. Ишқилиб ҳар қандоқ гизосига юмгоқ сут ичмак керак. Юмгоқ сутнинг ўзининг уруги яхшироқдир. Уругини янчиб, гизога қўшиб қайнатсун. Яна бир иложи, риванчдин олиб янчиб, элакдин ўтказиб озрогини сув бирла малхамдек қилиб, икки шанақдек латта устига яйратиб, икки долининг орасига ёпиштириб қўйсун. Ҳар қачон агар латта қуриб қолса, риванчни қайнатиб олган сувдин намлаб турсин. Дорининг таъсири орқа тарафдин юракка ўтиб, кўп яхши фойда бергай. Яна бир иложи, тоза риванчни бир сар оқ сандални янчиб, халтага солиб, агар хапақон юрак ўйноқ совуқдин бўлса, бунинг иложи шулки, риванчни хом ипак, бўзбўга, сымбул, қалампир, занжабил, пилпидороз — ҳар қайсиси тўрт мисқолдин, агар топилса, қаҳра-

бо марварид озкўп қўйсун. Агар юқоридаги дориларнинг ҳаммаси топилмаса, топилаганича ҳам бўлур. Маъжун қилса, мазкур дориларни янчиб, элаб, тоза асалга аралаштириб олсун. Эрта-кеч ҳар еганда бир мисқолдин ейдур. Агар марварид қаҳрабо қўшилмаган бўлса, эрта-кеч бир мисқолдин чой ўрнида қайнатиб ичулсун. Совуқдин бўлган хапақонга ҳам, бошқа камқувват, камиштаҳа, меъда оғриқ, гизосингмас, кўнгли айнашига ўхшаш иллатларга ҳам фойда қилур. Хуллас калом, бу иллат иссиқ бўлса, фойдалик дорилар будир. Ош кўк уруги, говзабон гули ҳам янроғи, чўписандал, қизилгул, олма гули, беҳи гули, копур; мевалардин олма, беҳи, анор, қора ўрик, олча, нашват, нок, дилафруз. Агар совуқдин бўлса риванч, қалампир, занжабил, долчин, лочиндона, пилпидороз, бўзбўга (бўзбўгани Олтишаҳарда айлош ҳам дейдур), жузбува. Мана бу нарсаларни хоҳи ҳаммаси, хоҳи топилаганини асалга аралаштириб ёки қайнатиб истеъмол қилсин. Билмак керакки, маъжун деб ҳукамоларнинг сузларида бир неча дориларни янчиб, элаб, асал бирла қўшиб қилгонини айтур. Асал қўшилгон дорулар 3-4 йилгача ҳам бузилмай ўз қуввати бирла турадур. Асал дориларнинг кучини сақлайдур. Асалнинг миқдори дориларга икки баравар ёки уч баравар бўлгай. Сафро мижозлик одамга асал ҳам, асал қўшган дорилар ҳам хил келмайдур. Дарҳол қорин оғриқ қилур.

#### ФАСЛ. ҚУРСОҚ ОҒРИҚНИНГ БАЁНИ

Энди бу иллатнинг сабабларини баён қилсак, бу китобчамизга сиғмайдур. Қисқароқ қилиб, иссиқ-совуқ дориларини ёзиб ўтамыз. Билмак керакким, курсоқ оғриганда гур-гур овоз қилиб турса, оғриқ йўткалмай жилиб турса, албатта елдин бўлур. Агар йўткалмай, гурқурамай оғриса, қарасин бирдай, тўхтамай оғридими ёки ўхтин-ўхтин тўхтаб оғрийдурму. Агар тўхтаб-тўхтаб тутқаноқдай оғриса, у ҳам елдин бўлур. Қуюқ ел бўлган сабабдин, у ён-ён ён қўзғолиб юролмас. Шунинг учун дард ҳам бир жойда турар. Елнинг ҳам сузоқ-қуюғи бўлур. Сулоғининг дориси осонроқ бўлур. Елдин бўлгоннинг яна бир очиқ аломати шулки, оғриган жойга қўл қўйиб, қаттиқ босиб турсин. Оғриқ пасанча тониб, озроқ босилса, албатта елдин бўлур. Агар босганда илгарингидин зиёдроқ бўлса, бошқа иллатдин бўлур. Хоҳи елдин, хоҳи бошқадин бўлсин, бунинг иложи шулки, тоза сирқондин қилгон исқанжабин бўлса, шундин икки ош қошиқ олиб уч қошиқ қайноқ сув қўшиб ичурсун. Ҳар қисм қорин оғриққа дарҳол фойдаси маълум бўлур. Агар риванч сувини қайноқ сув ўрнига қўшса, яна яхши бўлур. Яна бир иложи, риванч арпабодиён икковини қўшиб, қайнатиб иссиқ-иссиқ ичулсун. Ёки жувонани қайнатиб ичсин. Ёки игр, арпабодиён, қизилимия илдици қайнатиб ичсин. Бу дорилар иссиқ-совуқ елларга баробардур. Занжабил, мурч, пилпидороз, қалампирмунчоқ — булар ҳам совуқ елдин бўлгон курсоқ оғриқларга наф қилур. Аптекада медний капли деган сув дори бор. Чўнг одамга бир қошиқ қайноқ сувга ўн томизиб ичсун. Қорин оғриқ, юрак оғриқ, агар ел бўлса дарҳол наф қилур. Кекирик бирла елларни тарқатгай. Агар оғриган жой қўл билан босганда оғриғи зиёда бўлса, елдин бўлмасдин, бошқа бир модда борлигини бўлур. Энди бу модда ё иссиқ модда, ёки совуқ; иссиқ бўлса, сафро бўлур. Совуқ бўлса, балағам ёки савдо бўлур. Мана шу иллатга сабаб бўлган моддалар чиқмагунчалик дарддин халос топмас. Буни чиқазмоқ ёки сургу дори, ё қай дори билан бўлур. Энди майли иссиқ, майли совуқ бўлсун, бу сургу фойда қилур. Риванчдан уч мисқол, арпабодиён икки мисқол, қи-

зил гул бир мисқол, қизил мия иддизи уч мисқол, сано олти мисқол — ҳаммасини кўшиб қайнатиб, бир коса қолганда илимон қилиб ичсун. Бу сургу елдин булгонларга ҳам фойда қилур. Агар совуқдин бўлса ҳабтанақор бермоқ керак.

### ҲАБТАНАҚОРНИ ЯСАШНИНГ БАЁНИ

16 мисқол сабр-сакутари, 12 мисқол қора мурч, таңақор 2 мисқол, бангидевона уруғи 2,5 мисқол, бунинг ўрнига 6 мисқол жувона солса ҳам бўлур. Сабрдин бошқасини хавончада хўп мулоийб янчиб, кейин сабрни янчиб, ҳаммасини бир қўшиб, агар ёз кунлари бўлиб, арпабодиён кўки топиласа, янчиб-сувини сиқиб, шу сувдин қўйиб, дорини хамирдек (илаб) юғуриб, мурчнинг донасидек қилиб ҳаб боғласун ва шишада сақласун. Мана бу ҳабни ҳабтанақори деб айтур. Бу ҳабнинг мижози иссиқдур. Лекин бу ҳабнинг дорилари оз, қилиш осон. Нафи кўпдур. Ҳар қандоқ меъда оғриқ агар елдин бўлса, бу ҳабдан саккиз донадан ўн беш донагачалик ютсун. Устидан 2-3 пиёла қайноқ сув ичсун. Албатта, фойдасини кўргай. Елдин булган кўкрак оғриқларига ҳам кўп наф қилур. Яна ўзи зиёнсиз, қорин оғритмасдин бир-икки йўл мулоийм амал қилиб, ични бўшатур. Таом сингмасдин озроқ гизо есаёқ қорни кўпиб, таомга иштаҳаси йўқ кишилар учун ниҳоят топиламас даводир. Гоҳи одамларнинг меъда-ошқозонлари бузулиб таом еса, меъдаси оғриб қусмагунча оғриғи тўхтамай, гоҳиси егани яхши сингмай, сассиқ кекириб қолур. Мана шундоқ одамлар ҳам таом устидин 5 дона бу ҳабдин еб юрса, бу иллатлардин қутулиб, меъдалари қувватли бўлур. Яна иштаҳалари очилур. Хулоса — ҳар хил меъда илатларга нафи зоҳирдур. Узим тажриба қилиб фойдасини кўрдим. Бу ҳаб аъзоларининг энг биринчиси сабрдир. Шунинг яхшисини ҳамда янгисини топиб олмоқ даркор. Кучи кетмаган яхшисининг аломати шулки, ранги баргранг бўлиб, буйи оғир, таъми тахир, буғдойдагини чайнаб тупук билан эзиб кўрса, ранги сариқ чиқади. Яна янги, кучи кетмаганлигига бир аломат шулки, ушатиб кўрса, ичи ялтираб тунуқроқ бўлиб турар. Агар кучи кетиб, эскириб қолган бўлса, ранги қизариб, қорайиб, иси бўлмай, эзиб кўрса ранги яхши чиқмай, жилоси йўқ бўлиб тургани — куч-қуввати кетиб қолгани, дори учун ярамайди. Балки зиён қилур. Шу сабабдин, мумкин қадар дорини аптекадан олмоқ керак. Сабабки, дўхтирлар эски дори сақламайдур. Сабр ҳам ҳар вақтларда аптекада топилур. Сабрни русчада собур ёки нашабур дейдур. Рус дўхтирлари ҳам кўп эътибор кўрурлар. Қозоқ, қирғизлар азизбой дейурлар. Агар сафродин қорин оғриси бу ҳабни истеъмол қилгай. Сабр 16 мисқол, сано 8 мисқол, сариқ халила 6 мисқол, қизил гул шу йилги 4 мисқол, санони янчиб, ундек қилганда сунгра 8 мисқол бўлсун. Сариқ халила ҳам қизил гул тайёр бўлганда вазналари шундоқ бўлсун. Ҳаммасини янчиб, элакдин ўтказиб, сувда юғуруб, хамир қилиб ҳаб боғласун. Мундин ҳам 10-15 донагача қайноқ сув бирла ютсун. Устидин дог сув ичсун. Мана бу ҳабнинг мижози совуққа яқинроқ. Иссиқ моддаларни, сафроларни хирож қилур. Агар меъдада сафро бўлиб, шу сабабдин қорин оғриган бўлса, шу ҳабдин ичса сафрони меъдадан ҳайдаб оғриқни тўхтатай. Агар дорилари келишса, иссиқ мижоз сафромижоз одамлар учун яхши сургудир. Елдин оғриган меъда оғриқларига туз билан кепак қовуриб, иссиқ буйича тортса ё иссиқ кул тортса, ёки кепакни иссиқ сувга чилаб чалароқ сиқиб, лагтага солиб боғлаб қўйса, бу нарсалар ҳам фойда қилур. Буларни ёш болаларга қилиш лойиқдур.

### ФАСЛ. ЮРАК БУРУГИНИНГ БАЁНИ

Чўнг кишиларда бўлсин, хоҳи болаларда бўлсин, тўлғоқ илати кўп бўлур. Бу илатни арабчада заҳир деб айтур. Туркийда ич буруғи, юрак буруғи, тўлғоқ деб айтурлар. Бу илатнинг моддаси кўтан ичак, ёглик ичакда бўлур. Бу илат узоқиб кетса, ҳалок қилур. Бепарволик қилмаслик даркор. Фақир бу илатга бир неча дориларни тажриба қилиб, кўп фойдасини кўрганларимни ёздим. Бу илатга энг зиёналик нарса гўшт, ёғ. Мундин сақланмоқ керак. Гизосига сут оши бермак лозим. Хоҳи гуручдин, хоҳи ундин бўлсин. Дарҳол амалча қилсун ёки сургу ичсун, енгилроқ бўлса, шу билан даф бўлур. Агар мунинг билан яхши бўлмаса, иложи шулки, ярим қошиқ миқдори зигирни бошқа донадан тозалаб туриб сув бирла ютсун. Булар билан бўлмаса, бунинг махсус иложи, шулки, райҳоннинг уруғи, исфагул деган уруғ, баргизубнинг уруғи. Баргизуб деб бақа ёпилмогини айтур. Исфагул бўлса дорифурушларда доимо топилур. Гултожихўрознинг уруғини кўшса ҳам яна яхши бўлур. Мана бу уруғларни истеъмол қилишнинг тариқаси шундоқки, бир кўл чўмичини ўтда қиздириб ўт устидин олиб туриб, мазкур уруғларни чўмичга солиб совуғанчалик айлангириб турсун. Шу билан қовурилгандек бўлиб қолур. Лекин эҳтиёт бўлсин, қовуриганда куйиб қолмасун. Мана шу доридин ош қошиғида бир қошиқдин ҳар қанда у ч қошиқ ичгай. Бу илатга бирма-бир доридур. Албатта, наф қилур, иншооллоҳ. Буларнинг ҳаммаси бўлмаса, бир-икки бўлса бўлур, аммо ёғ, гўштин қаттиқ парҳез қилмоқ керак. Яна бир иложи шулки, Танги араби, катиру, ҳар бири икки мисқолдин, тобошир бир мисқол. Агар бу илатга ичидин қон келса, юқоридаги уч дорини майда қилиб тўққизга бўлиб, уч кун ичсун. Бу илатга қовун-тарвузлар зиён қилур. Бу илат сафро мижоз одамларга кун ўтиб кетгандин кўпроқ пайдо бўлур. Ичидин қон келиб, қорни тўлғаб, ҳеч нарса келмасдин қолса ҳам товўқниқидек оз-оз бир нарса келур. Агар кўп тўлғаб, оз келиб ё келмай қийнаб турса, дарҳол амалча ё сургу қилмасдин илож йўқ. Агар яна нодон жоҳил табиблардек ични қотирадургон нарсаларни бериб қўйса, янаму дард кучайиб кетар. Эҳтиёт қилмоқ лозим. Аввал ични бўшатиб, сунгра тўхтатадургон дори бермак керак. Мана бу ҳаб ҳар қисм тўлғоққа ҳам ич ўтканга шаксиз фойда қилур. Иншооллоҳ. Бир мисқол афюн, 5 мисқол кўк мовзу, 2 мисқол сами араби, мовзун янчиб, элакдин ўтказиб, сами арабини ҳам майдалаб, афюнни бир оз сувда эзиб, қолганларига қўшиб (илаб) юғуриб, қорамурч донасидек ҳаб қилсун. Чўнг одам бўлса 5-6 дона, ёш болаларга 1 дона бергай. Ич тўлғаб, ич ўтган илатларига мундин ортиқ дорини кўрмадим. Узим ишлатдим. Сами араби деган дори ўрик елимнига ўхшаш келган бир елим доридир. Дорилфурушларда ҳар вақт топилур. Табошир оқсуяк майдасига ўхшаш қуйган суяк, тилга ёпишиб турар. Ҳар қисм тўлғоқ ич ўтган илатларига нафлидур. Ҳиндис-тондин келур.

### ФАСЛ. ЙУТАЛНИНГ БАЁНИ

Йутал ўпка илатидин пайдо бўлур. Кўпинча (тумов) зукомдин пайдо бўлур. Назла миядин ўпка тарафига тўкилур. Агар назла ўткир бўлса, ўпкани жароҳат қилиб кетадур. Ўпка жароҳат бўлса, сил бўлур. Силнинг иложи кўп мушкулдур. Йуталга сиркага ўхшаш аччиқ нарсаларнинг ҳаммаси зиён қилур. Мовзу, халилага ўхшаш тилини тириштирадиган нарса, шўр нарсаалар, мурч, қалампирга

ўхшаш нарсалар зиён қилур. Аммо мурч баъзи вақтда совуқ йўталнинг дориларига қўшилур. Айткеда анисивий капли деган исли дори бор. Шундин бир қошиқ қайноқ сувга 10-15 томчи томизиб ичгай. Ёш болаларга 4-5 қатра, кунда 3 қайта ичса, йўталга, диққи-нафас, дам сиққанга, ёш болаларнинг огиз огригига, болаларнинг қурсоқ елларига, безгак-иситмаларга кўп наф қилур. Яна капли досек деган қора дори бор. Бу ҳам бир неча хил йўталга фойдаси бор. Товуши бўғилиб қолганларга ҳам наф қилур. Энди узимзининг ҳар хил йўталларга бориб, кўриб, кўп нафини кўрган ҳам доримиз будур. 2 мисқол ношаста бугдойни сувда бир неча кун ивигиб қўйиб, юмшаганда сув бирла эзиб, сузиб, тилпини ташлаб, тиндириб қўйса, сув остида оқ ун чўкиб қолаур. Сувни тўкиб, урни кури-тиб олса, шуни ношаста деб айтур. Сами араби, катиरो, бодом мағзи, кўкнор уруғи — ҳаммасининг вазни баробар, афюн ярим вазн, масалан, икки мисқолдан бўлса, афюн бир мисқол. Агар кучли бўласин деса, афюн ҳам баробар бўлсин. Сами араби кати-ронни майда қилиб, озроқ сувга эритиб, афюни эзиб, аралаштириб, бошқаларини янчиб, қўшиб ҳаб қилсун. 5-6 донадан озгига солиб шимиб тугатгай. Бу ҳаб янги бўлган сил касалларига ҳам фойда қилур. Агар ёш болаларга бериш лозим бўлса, бир донасини қайноқ сувда эзиб, болақошиқда ичсун. Кўп ёш болаларга бермасун. Маст қилиб қўяди. Кўзларини ола-була қилса, ота-онаси кўрқиб, дори берган одамни хижолат қилур. Ҳар дорини жойига қараб бериш керак.

#### ФАСЛ. ДИҚҚИНАФАСНИНГ БАЁНИ

Йўтал бўлиб дам қисганни айтур. Бу иллатнинг сабаблари кўп-дур. Ҳаммасини ёзай десам, шу дафтарни ёзганимда не ҳолда эканимни, қаңдай жойда ўтирганимни, кўзим ёшли, кўнгам дара-ли, Вағандин, суюклуб аҳли аёлларимдин жудолик ҳолда не мушкул кунлар кеचирганимни бир Оллоҳ билур, бир ўзим билурман. Ме-нинг бу ёзганим кемага тушганчалик, қайиққа тушгандек бир иш-дур. Иншооллоҳ, фурсат топсам, кўп тушунчалик қилиб эзиб, ўзим-дин бу фоний дунёда авлодларим учун ёдгор қилсам, деган умидим бор, иншооллоҳ. Яна мақсадга келайлик. Бу йўтал бўлиб дам чиқиш, кўкрак атрофларида санчиқ пайдо бўлса, кўпроқ бу иллат тумов бузилгандан пайдо бўлур. Тумовни одамлар кўзга илмас, дард қа-тирида кўрмаслар. Лекин ҳамма иллатларнинг бошидур. Шунинг учун ҳукамолар уммал амрож дейдулар. Иллатларнинг онаси де-ган бўлур. Кўп иллатлар мундин тугилур. Энди зуком (тумов) агар бузилмай, ўтиб кетса, кўп хатарли иллатларга дафи бўлур. Терлама кезикка ўхшаш. Тумов бўлган одамларга лозим шулки, палов ош, гўшт, ёғдин ўзини сақласун. Таом ичида палов ошдек тумовга зиён-ли нарса йўқ. Нон, чойга, ёвгон ошга қаноат қилмак керак. Узини, айниқса бошини совуқдин, шамолдан сақласун. Товуқ, жўжа гўшти-дин шўрва қилиб ичса ёки ардоб қилиб ичса, хамиртурушдин кўп муносибдур. Зуком огирлашганда ҳаммомга тушмак, терламак кўп фойда қилур. Агар бурнидин сув келмай, боши огир бўлиб, огриб турса, бошидин икки-уч қумгон иссиқ сув қуйдирсун. Нафи бор-дур. Тумов бузилиб, мундин ўпка тарафларга назла тушса, диққи-нафас йўтал, кўкрак атрофларида санчиқ пайдо бўлур. Озроқ йў-ла юрса, юрак солиб, нафас танг бўлур. Яна оз-кўп иситмаси ҳам бўлур. Бунга бошқа йўтал дорилари ҳам фойда бермас. Узоқиб кетса, силга айланур. Худо сақласун. Энди мунинг иложи парисие-вупшон деган барги майда, сопи йилтроқ, қора-қизил, туркчада

паричочи, потмачочи дейдур. Мен кўп ишлатдим, кўп нафини кўр-дим. Шундин 3-4 мисқолни ўз баробарида қизилмия илдизи бирла чойнакка солиб қайнатсун. Мана шундин ҳар куни 4 вақт-5 вақт, ҳар ичганда 2-3 қошиқдин ичаверсин. Мундин ортиқ дорини бу иллатга мен тополмадим. Тажрибали доридур. Гап шу дорининг то-пилиб туришида. Агар бу дори топилмаса, бунинг ўрнига гулби-нафша нилуфар солса ҳам бўлади. Агар зуком иссиқ бўлса, агар совуқ бўлиб ёки кўп йўталса ҳам ҳеч балғам кўчмай ҳафса қилса, мунда шарбат зупо бермак керак. Дорифурушларда зупо деган чўп дори бор. Ундин 4-5 мисқол баробарида мия илдизи қўшиб қайна-тиб, сувга озроқ хитойнинг оқ шакаридин қўшиб бир сарча бўлса кифоя қилур. Ани шарбат қилиб, кунда 3 вақт, ҳар ичганда 3 қошиқдин ичгай. Бу шарбат зукомдаги ёпишган балғамларни буша-тиб чиқаргай. Шунинг ҳам кўп нафи бордир.

#### ФАСЛ. МАФОСИЛНИНГ БАЁНИ

Мафосил деб бугим огриқларини айтур, бу иллатнинг қисқача сабаби бугим-бугимда сариқ сув тўхтаб, ел пайдо бўлгондин бўлур. Агар бу иллат кучайиб кетса, ўз вақтида иложини қилмаса, сариқ сувлар кўпайиб бир жойдин тешиб чиқади. Агар бу иллатнинг сабаби сариқ сув бўлмай, қуруқ ел бўлса, у чоғда сариқ сув бўлгон-дек тешилиб оқмаса ҳам, ел орқа бугимларда бўлиб кучаб кетса, бугимларини ўз ўрнидан қўзғаб чиқазиб букри қилиб қўяр. Агар ел кучаймаса, бугимларнинг гоҳи бирларини кўтариб дўмбоқ қилур. Бу иллат кўпинча қўла-оёқ бугимларида, тизза, ёнбош, бел орқалари-да тароқ курақларида, гоҳида эт-томир сингирлар ораларида ҳам пайдо бўлур. Бу иллатни рус дўхтирлари ревматизм дейдулар. Туркийда кўён деб айтурлар. Энди бу иллат кўпинча совуқдин, гоҳида иссиқдин бўлур. Майли, совуқ, майли, иссиқ бўлсин, моддасиз бўлмас. Моддаси сариқ сув ёки ел бўлгай. Агар бу иллат иссиқ моддасидин пайдо бўлган бўлса, унинг аломати томирнинг илдам бўлиб туташ сўқиши, огриган жойларни исиб кетиши, огриқнинг қаттиқ бўлиши, агар моддаси сафро бўлса, огриган жойи саргим-тир бўлур. Қуруқ-иссиқдур. Агар кўкимтир бўлса, моддаси савдо бўлур. Қуруқ-иссиқ-совуқдир. Агар огриган жойи кўпчи томирла-ри кўтарилиб оқариб турса, моддаси балғам бўлур. Ҳўл-совуқдир, гоҳи моддаси иссиқ, гоҳи совуқ бўлсин, елдин холи бўлмас. Гоҳида моддаси иссиқ ҳар иккаласи бир бўлиб, кўшимча мижоз бўлгондин бўлур. Бунинг аломати иссиқлик қилса ҳам ёқмайду. Совуқлик қилса ҳам ёқмайду. Томири ҳам икки оралик бўлур. Агар моддаси ёлғизла елдин бўлса, бунинг аломати огриган жойининг кўпчи ту-риши, кўпчиган жойини босганда, остида ел бордек билиниб қўлга юмшоқ уриниши ва ҳам огриқнинг бўшроқ бўлишидур. Бу иллат хотунлар ва ёш болаларда оз пайдо бўлур. Гўшт кўп егандин, ички-ликларни кўп ичгандин, ҳўкиз, сигир гўштларига ўхшаш огир син-гишлик нарсалардин тўйиб туриб жимо қилмоқдин, сиркага ўхшаш аччиқ нарсаларни кўп егандин, иш-ҳаракат қилмай, кўп ётиб ухла-гандин ёки бирданига қаттиқ қийналиб иш қилгондин пайдо бўлур. Бу иллат бот соғаймайду. Шунинг учун буни умрлик огриқ дей-дур. Бу иллат турли-туман бўлиб, иложи ҳам неча хилга булинур. Барисини ёзиш бу ўринга сигмаса ҳам энг керакликарини ёза-миз. Бу иллатнинг устидин қилинадурган даволарнинг яхшироғи арашон. Иссиқ сувга тушмақдир. Арашон суви бўлса, гутурт мағда-нидин чиққанигидин кўп фойдали бир сувдир. Лекин оз бўлгонда, бир ойсиз яхши фойда бермас. Юрак кўтарса, қуввати етса, ҳар



кунда икки қатим тушиб, ҳар тушганда бир соат туриш керак, бўлмаса ўз ҳолига қараб тушгай. Бир ой-икки ой тушганининг фойдаси бўлса, бу мuddат ичида иллатнинг моддаси ҳў бўлиб, тер бўлиб оз-оздан тарқалиб, гамом бўлур. Модданинг туталиши иллатнинг соғайиши демакдур. Ишқилиб, озми-кўпми бу сувга тушишининг фойдаси бўлур. Қанчалик кўпроқ тушса, шунчалик яхши. Бу иллатдин бошқа буйрак иллатларига, жигар иллатларига, тол иллатларига ҳам фойда қилур. Тажриба бирла билишгандир. Сувдин чиққан чоқда ўраниб, бурканиб чиққай. Танлари совуб, тери қури-гунчалик ҳаводин ўзини сақлагай. Бўлмаса, зиёналиқдир. Баданлар юмшаб, тук остидаги тешиклар очилиб, бугим-бугимлар бўшаб турган чоғда шамоллаб қолса, турли иллатларга сабаб бўлур. Ҳар ўринда бу ишни кўзда тутмоқ керак. Энди сиртидин суртадургон дориларни айтамин. Дўхтир дориларидин ушбу фойда қилур: спирт, йод, скипидар, гарчичний спирт, камфорний спирт, напa-тирний спирт. Мана бу сув дорилар ҳар вақт аптекада, дўхтирхона-ларда топилур. Булардин оғриган жойларга ҳар кунда икки қатим-дин узун вақтигачалик суртгай. Суртганда зерикмасдин, бир соат, оз бўлса ярим соат уқалаб туриб сургай. Дори сингишиб иллат ўрнига етсин. Мана шундай қилганда фойдасини кўргай. Энди ичидин ичадургон дориларни айтамин. Бу иллатларга айтилган дорилар ниҳоятда кўпдир. Бу ўринда ўзим ишлатиб тажрибадан ўтган дориларни ёзарман. Ўзим ишлатиб фойдасини кўрган дорилардин бири йод. Бу дори аптека дориларидан энг бир фойдали доридир. Ҳар турли ревматизм иллатларига бирма-бир дори бўлиб, иссиқдин бўлгонларига шак йўқ. Мундин бошқа эски йўталлардан чиқишларга, ҳар қисм яраларга кўп фойдаси бордур. Қон бузуқликдин бўлган қичима, кўтирларга ҳам фойда қилур. Унинг ичииш тартиби шуки, биринчи қатим 6 гр. дорини 12 қошиқ қайноқ сувга солиб, бир кунда 3 қатим ҳар ичганда бир қошиқдин ичгай. Иккинчи қатим 10 гр. 12 сир қошиқ сувга. Учинчи қатим 12 гр. 12 қошиқ сувга. 4 гр. бир мисқол бўлур. Шундоқ қилиб, оғриқнинг ҳолига қараб 8-9 мисқолгачалик ичургай. Сиркага ўхшаш аччиқ нарсалардин, ҳўл мевалардин парҳез қилур. Яна бир иложи: санои макка 5 мисқол, соврунжон 7 мисқол, сариқ халиланинг пўсти 3 мисқол. Санони ҳўб тозалаб, ҳўп-чорларидан ариғдаб, темир ҳавончада сўқиб, элаб, ундек бўлгондин кейин тортиб 5 мисқол қилсун. Қолган дориларни мана шундоқ қилиб, барчасини қўшиб, топилса бодом ёғидин 2-3 мисқол қўшиб, бу талқон дорини ёғласун. Бодом ёғи тайёр бўлмаса, бодом магзини бироз қайноқ сувда чилаб қўйиб, устидаги қизил қовуғини сўйиб ташлаб, юмшоқ янчиб дорига аралаштиргай. Гараз бодом ёғи бирла дори ёғланса, ишганда курсоқни бураб тўлгамас. Мана шу доридин ётар чоғда 3 мисқол олиб, чой ўрнига арпабодиён дамлаб, шунинг суви бирла ичгай. Бирор пиёла шу сувдин иссиқ ичгай. Эрталаб бир қатим, икки қатим ичини бўшатур. Шундоқ қилиб, бу доридин саккиз-тўққиз кун, ниҳояти 12 кунгачалик ичгай. Иншооллоҳ, бу иллатнинг кўпига фойда қилур. Узун мuddатлар ичида қилган тажрибали дориларимизнинг бириси шудир. Дори ичган кунларда аччиқ нарсалардин, гўштдин парҳез қилур. Нон, чойга қаноат қилур. Агар чой ўрнига арпабодиён ичса яна яхшироқдир. Яна бир иложи, горикун, зараваңд, занжабил, шарбат — бу тўрт турли дорининг вазни баробардир. Сўқиб, элаб кечқурун ётар вақтида бу доридин уч мисқоли олиб, қайноқ сув бирла ичгай. Гизо парҳези бунингму, юқоридекдур. Бу дорилар ўзимизнинг дорифурушлардин топилур. Горикун ранги оқ пўр бў-

либ, қолган чилик томирдек енгил нарсадур. Ҳиндистон тарафидин келур. Бу дориларму кўп муборак. Бу иллатга бирма-бир мужарраб дориларданмур. Ёлғиз-ёлғиз келганда, бу иллатга ҳеч қайси дори соврунжондек фойдали эрмас. Ёлғиз соврунжоннинг ўзини иссиқ бўлса, (ош кўки) юмшоқ сут уруги бирла, совуқ бўлса арпабодиён бирла янчиб кап отса ёки қайнағиб ичса, ўзиму кифоя қилур. Яна бир иложи чубичини 10 мисқол, соврунжон 7 мисқол, 3 мисқол арпабодиён, 3 мисқол массаки, 3 мисқол лочин донанинг уруги. Бу беш дориларму, дорифурушларда топилур. Чубичини кўпроқ хитой дорихоналарида топилур. Муштдек-муштдек қотган хамирдек бўлур. Кўп муборак доридур. Томир дори қаторида ишланур. Ишлатишни билган киши фойдаланса бўлур. Бу доридин ўзим кўп фойдаландим. Гап, ўрнини билиб ишлатишадур.

#### ФАСЛ. БУ ФАСЛ СИЙДИК ТУТУЛГОННИ АЙТУР

Бу иллатнинг сабаблари кўпдир. Иссиқдин, совуқдин, елдин, сийдик қопи туворсуққа тош пайдо бўлгондин, сийдик йўлига яра тушгандин, узун китобларда айтилган бошқа бир қанча сабаблардин пайдо бўлур. Бу ўринда бир нечаларнинг иложини баён қилиб кетамиз. Агар ёш болаларнинг сийдиги ўйнаб юрибоқ мижози ҳеч қандай бузилмай туриб тутулган бўлса, суворсуққа тош пайдо бўлган бўлур. Бунинг аломати сيار вақтида боланинг чуқисининг туби қичишиб, оғриб, чуқиси кўпиб диконглаб кетар. Бу очик белгисидур. Бунинг иложи агар эмчақдаги бола бўлса, бир мисқол сийдонани (седона) ундек юмшоқ қилиб янчиб олиб, онасининг сутидин бир қошиқ, урикчалик тоза бол, мана бу учовини бирлаштириб, болни эзиб, яхши аралаштириб, шуни ичирсин. Дарҳол фойдасини кўргай. Шундоқ қилиб, 3-4 йўл ичирса, туварсуқдаги тошни эзиб туширгай. Буни ўзим қилиб қўриб тажрибадан ўтказдим. Қадрини биламак керак. Ёзғувчини дуодин унутма. Яна бир иложи, майли тош, тўхтагандин бўлсин, майли бошқа бир сабабдин бўлсин, бир мисқолча яхши тоза риванч, 3 мисқолча ўғритикан, 3 мисқолча қовун уруги ёки тархамак уруги. Бу учовини хавончада сўқиб, янчиб бир покиза халтага солсин. Сўнгра тўлиқ бир пиёла сувда халгача бирла дорини ярим пиёла қолгунчалик қайнатсун. Халта бирла дорини ҳўб эзиб, сиқиб, бутун титигини чиқариб, шундин ичкурсин. Ёш болаларга бўлиб ичкурсин. Чўнг киши бўлса икки баровар-уч баровар ичкурсин. Оз-кўп ичкурмак касалнинг чўнг кичиклигига боқиб бўлур. Бергувчи ўзи биалур. 9-10 ёшли бола бу иллатга йўлиқиб келганда, ушбу доридин бир шиша ясаб бердим. 2-3 йўли ичиргандаёқ чуқисидин чигитдек тошни сийдик бирла отиб туширибдур. Ота-онаси кўп ташаккурлар айтиб, тошни кўрсатди. Бола ҳам шу иллатдин соғайди.

Гулжа шаҳрида бу иш бўлгандир. Шундин бириси неча қатим бу дорининг фойдасини кўрдим. Ўзи кичик, нафи улуг бир доридур. Риванч бўлса ҳар қачон хитой дорихоналарида топилур. Яхши-си от туягидек бўлиб, ранги қизгимтири. Чайнаб курса, тупурик сап-сариқ чиқгай. Яхшиси шудир. Ҳар қачон дориларни ҳидлаб олмоқ керак. Эскириб халта теги бўлиб қолган дорилардин зарардин бошқа чиқмас, иншооллоҳ дорилар куч-қувватларини узун-қисқа умрларини баён қилиб, бир рисола ёзмок ўйим бор. Худо еткизса, шунга қараб амал қилурсизлар. Бу дори хоҳи иссиқ, хоҳи совуқдин бўлсин баробардир. Энди иссиқ, совуқлигини бошқа турли дориларни ажратишни баён қиламин. Агар сийдик қизил бўлиб ёки сариқ бўлиб, томирлари тирсиллаб тез ўткир урса, иссиқдин бўлур.

Агар сийдик оқ бўлиб, тиниқ чиқса, томир уриши бўш бўлса, чан-қоқлик йўқ бўлиб, танлари салқин бўлса совуқдин бўлур. Агар сийдик билан қон ёки йиринг чиқса, сийдик йўли жароҳат бўлиб, ичи уйилиб, яра тушгандин бўлур. Буни сузнак дейдур. Сузнак иложини кейин айтурмиз. Агар иссиқдин сийдик туширса, бунинг иложи дарҳол ванна қилиб, иссиқ сувга ўлтиргизсин. Агар сув ичида сийдик юриб қолса, шул жойдаёқ ўриндан туриб сийсин. Ваннага кирмасдин илгари юқоридаги риванчдин қилинган доридин бир пиёла ичиб, сунгра ваннага кирсин. Иншооллоҳ, ваннадан чиқар-чиқмасдан туриб фойдасини кўргай. Ваннанинг суви илимон бўлмоқ керак. Агар совуқдин бўлса, бунинг иложи жўхоридек хинни иссиқ сувда эзиб ичурсун. Киндик остилари, туворсуқ устиларига хиндин эзиб сурсун. Иссиқдин бўлгонларга ёз кунларида бўлса, тархамак, ковани қириб устидан чапласин. Агар қиш кунларида бўлса, илимон сувига латтани ҳўлаб, дам олмай чаплаб турсин. Совуқдин бўлганига табобачини ҳам фойда қилур. Чой ўрнига дамлаб ичгай. Тархамак уруғи, кова уруғи, қовун уруғи, тарвуз уруғи, ўғритикан булар иссиқдин сийдик тутилганига фойда қилур. Табобачини, яъни хожи арпабодиён, рум бодиён, ёввойи сабзи уруғи — булар совуқдин елдин бўлгонларига фойда қилур. Бу ўринда мундин зиёда ёзмоқни кўтармас.

#### ФАСЛ. СЎЗНАКНИНГ БАЁНИ

Сузнак деб, сийдик йўли уйилиб, жароҳат бўлиб, ярали бўлиб қолганини айтур. Бу иллатнинг сабаблари кўпдур. Энг ёмони ёмон, бузуқ хотинларга ётқондин бу иллат ювиб ёпишур. Бир нафаслик шайтон кизигига алданиб, умрли дарди бедавога йўлиққай. Кучаб кетса, боду паранги, яъни сифлис. Бу иллат бедаво бўлур. Сифлис иллати инсон ҳаётининг душманидир. Қайси миллатда бу иллат кўпайса, у миллатнинг инқироzi демақдир. Энди мен бу ўринда бу иллатга тажриба қилган дориларимни ёзаман. Дастлабда бу иллатга зиён қиладургон нарсаларни ёзиб ўтай. Бу иллатнинг ҳар қандо-гига хотинларга яқинлик қилиш зиён қилур. Ҳар аччиқ нарсалар, қалампир, мурча ўхшаш ҳар нордон нарсалар, сиркага ўхшаш, бутун ҳўл мевалар, тархамак, қовун, тарвузлар, шўр-тузлик — ҳамма нарсалар бу иллатга зиён қилур. Гўштлар ҳам фойда қилмас. Қуш гўштларининг зиёни озроқдир. Лекин бу иллатнинг ҳар қандо-гига сут фойда қилур. От сутининг фойдаси кўпроқдир. Қимизнинг ҳам заррари йўқдир. Энди бу иллатнинг иложи шулки, шўхладин 15 донани олиб, ичидаги қизил донасини олиб ташлаб, устидаги калодек қизил пўстини бир чайиб сувга солиб қайнатсун. Яхши татиғини чиқазиб, сувини сузиб олсун. Агар бўлса анисувидин 10-15-20 томизиб қўйсин. Мана шу сувдан ҳар кунда тўрт қатим, ҳар ичганда 3 сирли қошиқдин 15-20 кунгачалик ичсун. Бу кунларда парҳезни яхши сақласун. Иложи бўлса сут ва сут ошиндин бошқа, нон чойдан бошқа гизо емасун. Чойни ҳам сутлаб ичсун. Чой ўрнига хожу дамаб шуни сутлаб ичса яна яхши бўлур. Бу орада марганцовка (қизил дори)дин мошина билан ҳар сийгандан кейин чўчоқ тешигидан юбориб ҳар қатим юборганда сувини туширмасин, чўчоғини тешигини тубан қилмай, чуқисини ўн минут миқдори тўғри тугиб турсин. Мана шундоқ қилса, дориининг фойдасини тезроқ кўргай. Бу айтган дорилар фойдаси ёлғизда бу иллатга эмас, зикқинафас, яъни дам чиқиш иллатларига ҳам кўздан-кўп фойдаси бордир. Узим бериб тажрибадан ўтказдим. Киши ҳайрон қолгудек фойда қилур. Тажрибасиз дўхтирларга алданиб, ерли миллий до-

рилардин қуруқ қолмаслик керак. Яна бир иложи — бир миққол шўрай қалами, бу дори миатиқ дорисининг шўри. Русчада силитра деган машҳур дори аптекаларда ва бошқа дўконларда ҳар вақт топилур. Мана шундин бир миққол, шакардин 4 миққол, хитой оқ шакари бўлса яна яхши, бўлмаса қум шакари ҳам бўлур. Бир пиёла пишган сутга солиб, ҳар ичганда шу миққорда қилиб, кунда уч вақт ичгай. 10 кунгачалик гизосига уч шиша сув, бир ҳисса сут қилиб ичаверсин. Чидамаса, бир оз нон кўшиб еса ҳам бўлур. Тухумни чала пишириб, саригини есин. Лекин юқоридаги гизога қаноат қилса яхшидур. Яна бир иложи 3 миққол кабобачини, яъни хожунин ундек қилиб, майда сўқсун. Бир пиёла янги ивигиланган, сариқ суви олинмаган қатиқча кўшиб, аралаштирсин. Бу ишни кечки пайтда қилиб, дори пиёланинг устига бир парча доқа ёпиб, ўтза (том)га қўйсин. Агар ёз кунлари бўлса, дори кечаси билан ўтза устида ҳаво еб турсин. Эрталаб туриб, оч қоринга дорини ичиб олсин. Шу тартибда қилиб, 3 кундан то 7 кунгачалик ичсун. Иншооллоҳ, бу иллатга бирдан бир шифодир. Узининг осонлигига боқиб, қадрини билмай қолмасун. Мундин бошқа кабобачининг узини қайнатиб, татиғини чиқазиб, суви билан оғиз чайқаса тил, оғиз оғриқларига фойда қилур. Товуши совуқдин битган бўлса, товушини очар. Совуқдин бўлган кўҳна бош оғриқларига кўп фойда қилур. Меъдаси бузуқ кишиларга ҳам фойдаси бордир. Ошга солса, гизони тотли қилур. Гўштни ёзиб пиширгай. Бу кейингилар учун чой ўрнида дамлаб ичидин ичмак керак. Хитой, дунгонларни гизолари бусиз бўлмас. Бунинг сувидин сузнак бўлгонлар мошина билан олат ичига юқорида кўрсатилган тартиб буйича юборса, сийдик йўлидаги жароҳат яралар учун кўп нафи бордир. Бу ёзилганларга ўз йўлида амал қилса, иншооллоҳ, шифодин ҳоли бўлмас.

#### ФАСЛ. ХАЙЗА ИЛЛАТИНИНГ БАЁНИ

Бу иллат бир қаттиқ иллатдир. Бу иллат бўлганида аломати шулки, оғзини ёндиргай (қусгай). Ортидин сургай, қорни қаттиқ оғригай. Узи беҳол, кўнгли безоб бўлгай. Кўз косалари ўлтиришиб, оғиз-лаблари қуришиб устаб тургай. Томирлари тубан солиб, биланар-билинмас бўлиб мидирлаб тургай. Гоҳида билинмаслик даражага етибму қолаур. Қўл-оёқ томирлари тортишиб, қаттиқ оғригандин чидаёлмасдин чинқиргай. Мана бу аломатлари билан бу иллатни очиқ таниғали бўлур. Энди бу иллатнинг нимадин пайдо бўлишини айтурмиз. Бу иллатнинг пайдо бўлиши бир гизони еб, бу гизо сингмасдан туриб устига яна бир гизо еб, икки гизо бир-бири билан сўқишиб, ҳазмлар бузилиб, бундин ёмон моддалар пайдо бўлиб, бир қисми тубан тарафдан қорин оғритиб тургай. Иккинчиси юқори тарафдин кўнглини айнитиб қустургай. Мана шундай бўлиб, бу иллат пайдо бўлгай. Ёки гизо еб, устидин ҳўл мевалар еса, бу шундоқ бўлур. Энди бу иллатнинг иложи шулки, ҳеч бир нарса бермаслик керак. Токи ўзи тўхтагунчалик сабр қилмоқ керак. Жоҳил табиблардек кўп суриб беҳол бўлиб кетди деб, ич тўхтатиш чорасини қилса, бирор сабаб билан ичини тўхтатиб қўйса, бегоб киши дарҳол ҳалок бўлур. Чунки бузуқ заҳарли моддалар чиқарга йўл тополмай қамалиб қолиб; мундин чиққан заҳарли хўрлар юрак, мияларга, ички аъзоларга уриб, ажалга сабаб бўлур. Ёлғизгина сиртининг бунинг иложини қилса бўлур. Агар ичи тўхтамай кўп беҳол бўлиб кетса, бир қатта стакан, ё бунга ўхшаш нарса билан нақ киндик устига лўнқа қўйиш керак. Ўт билан лўнқа қўйишни ҳар ким ҳам биладур. Бу қўйилган лўнқа бутун бир соат

туриши лозим. Бунинг фойдаси ҳам ичини тўхтатгай, ҳам қурсоқ огриғини босгай. Узим тажриба қилиб кўрган ишдур. Бадаларига исла хушбўй мойлардин суртиб турсин. Қўла-оёқларини кўп уқаласун. Уқаланмоқнинг кўп фойдаси бордир. Бурунларига атир ифордин буратсун. Қизилгул вақти бўлса, ҳўлидин бўлмаса қуруғидин олиб, янчиб қурсоқларига чапласун. Агар чанқоқлиги бўлса, гулқандни сувда эзиб, ичадургон сусунларига кўшиб берсун. Бу тадбирларни иллатнинг булишидаёқ қилмасдан, охирлашган вақтларда қилсин. Чиқадуврон ёмон бузуқ моддалар чиққандаёқ қилмаса, қилган тадбирлар зиёни натижа берур. Бу иллат бошлаб бўлганда қўстириш-сурдиришнинг иложини қилмоқ керак. Уз-ўзидан қўсмай, сурмай қурсоқ огриғи кучаб кетса, бу вақтда дори билан қўстириб, сурдириш чораларини кўрмак керак. Агар мижози иссиқ бўлса, усулига юмғоқ сут уруғини янчиб, дамбаб сувидин ичсин. Қурсоқларига юмғоқ сут кўкининг суви билан сандал ёғочини суриб, эзиб узум сиркаси кўшиб сурсун. Агар мижози совуқ бўлса, ёнғоқ, зира, ёнғоқдан 10 дона олиб чақиб, магзини янчиб, 3 мисқол зирани янчиб, бу иккисига араашгудек асал кўшиб, икки бўлиб ёгай. Оғзидин кейнидин ёнган нарсалар ҳар турии бўлиб тўхтамай турса, томир нашлаб, бадаллари музлаб, тирноқлари кўкариб кетса, хатарли бўлур.

#### ФАСЛ. БУВОСИЛНИНГ БАЁНИ

Бувосил деб орқа авратнинг чўраларида (атроф) пайдо бўлгон иллатни айтур. 5-6 қисм бўлур. Кўпроқ бўладурғони уч қисмдир. Биринчи, салулий, яъни сўталга ўхшаш нарсадур. Иккинчиси, инабий, яъни узумга ўхшаш нарса бўлур. Учинчиси, тутий, яъни пишган тутга ўхшаш нарсадур. Биринчиси сўталга ўхшаш қаттиқроқ бўлур. Иккинчиси ундан юмшоқроқ бўлур. Учинчиси ундан ҳам юмшоқроқ бўлур. Бу иллатнинг асли сабаби, бағрнинг толининг мижози бузилгондин бўлур. Энди бу уч турилик. Иллатнинг ҳар бири иккига бўлинур. Ташқи бувосилнинг доналари кўзга кўринмас кўтан ичакнинг бир элик, икки элик, уч эликчалик, инжиқ келганда гоҳида кўтан турулиб чиқар. Шунда бошқа киши қараса, кўрса бўлур. Бу иллатнинг аломатлари юзининг сариқлиги, лабларининг оқимтир бўлиб, гудурлиги, кам қувватлик, юрак ўйнаши, гоҳида тил устининг қорамтир бўлиши, кўтан чўраларининг оғир бўлиб тиқилик, орқа пешобнинг оз-оздин келиши, пешобнинг олди-кейиндан қон юришининг кезаклик бўлиши, қон юрмай қолганда доналарига қон тўлиб, қаттиқ огриб, қон юриб кетганда огриқнинг пасаиши, мана булар ҳаммаси бу иллатларнинг аломатидур. Энди бу иллатта зиён қиладурган нарсаларни айтурмиз. Энг биринчи зиёни нарса, бу иллатта сирко лозимдир. Сирко деб аччиқ сувни, лози деб қизил қалампирни айтур. Ила диёрининг тилларида. От гўшти, сигир гўшти, эчки гўшлари, айниқса тузлик сур гўшлар бўлса, кўп зиён қилур. Ошқовоқ, саримсоқ, мурч ё ўхшаш нарсалар ҳам, мевалар, тузланган қўкатлар, сут, қимиз, қатиқ, қаттиқ пишган тухум, патири нон, ични қотирадургон гизолар, сузма, бу нарсаларнинг ҳаммаси зиёнидур. Ёш қўй, қўзи, ўғлоқ (улоқ), семиз товуқ, булардин қилган шўрвалари ҳам гўшлари лойиқ келур. Энди бу иллатнинг иложини баён қиламиз. Агар йилга етмаган янгироқ, энгилроқ бўлса, бунинг иложи шулки, қўйнинг эритган қўйруқ ёғи, бир-икки йиллик эски бўлсин. Шунга бир миқдор соврунжонни янчиб ундек қилиб аралаштириб, малҳам қилиб олсин. Шундин эрталаб-кечлаб икки вақт сурсун. Доналари тўкилиб йўқолгунчалик, агар доналари

кўзга кўринмайдургон ички бувосир бўлса, бу доридин шилта қилиб, кечаси ётар вақтида аврат ичига қўйиб ётсин. Иншооллоҳ, фойдасини кўргай. Тажрибадан ўтган ишдур. Яна бир иложи — илоннинг пўстини сувда қайнатиб, татиғи кучи тамом сувга чиққандан кейин шу сувга уч мисқол сабрани солиб, устига жусайини қўшиб, сўқиб чиқиб, сувидин бир пиёла кўшсун. Бу учовини қайнатиб қўюқлиги зигир ёғидек бўлганда бир шишага қўйиб олиб шундан ҳар куни икки-уч вақт бувосир доналарини ёғласин. Агар ичига бўлса шилта бирла қўйсун. Юқоридаги парҳезларни тутсин. Иншооллоҳ, бу ҳам кўп фойдалидур. Бу айтилган дорилар бу иллат янгироқ ва ҳам энгилроқ бўлса кифоя қилур. Бўлмаса, бу иллатдан тамоман қўтулаш учун дўхтирларга кестириб, операция қилишдан бошқа чораси йўқдир. Лекин бу иллатта орқа пешобнинг юмшоқ бўлиб туриши лозим. Ич қотиб қабзият бўлиши зиёнидир. Гизолардин шўрва ва ҳам ёғлик нарсалар фойда қилур. Ёғлар ичига сариғ ёғ кўп фойда қилур. Ҳам сиртидин суриб, ичидин еса бўлур. Сут ўзи фойда қилмаса ҳам, қатиқ фойда қилур. Лекин сариқ сувини тўкмасдан янги-янги ивйтиб ичмак керак. Яна бир иложи олтингургурт, мовзий, арпабодиён, муръа, кувар иллизининг пўсти, илон пўсти, жусай уруғи, бу дориларнинг бирисидан бир миқдор олиб, туя қумалогини кўйдириб шунинг чўтига солиб, бир тушук тосму ё гултувакму, шунинг остига солиб чўрасидин тутун чиқмаслик қилиб тешигини бувосир донасига тўғрилаб исласин. Ушбу дори билан уч-тўрт қатим исласа, иншооллоҳ фойдасини очик кўргай. Ислагандин болдир ҳайвонот ўтларининг бириси билан мойлаб турсин. Ислаш ўрталарида ҳам ўт билан, қаймоқ билан мойлаб берсин.

#### ФАСЛ. ҚУЛИНЧ БАЁНИ. ЯЪНИ СЎҚИР ИЧАК ОҒРИШИ

Бу иллатни рус дўхтирлари апендецит дейдулар. Кўпинча дўхтирлар бу иллатга операция қилиб шул ичакни кесиб ташлайдилар. Кўпроғи шунинг билан шифо тошқай. Гоҳиси шифо тошмайду. Гоҳи бирлари ич ёриш вақтида қазага учраб ҳалок бўладилар. Бу иллат ўзи қўрқинчли иллат бўлиш устига операция қилмоқ яна қўрқинчлидур. Кўз олдимизда неча киши соғайган бўлса ҳам, бир неча кишининг ҳалок бўлганини кўрдик. Бу иллатнинг сабаби ичак ичида шиимшиқ ёпишқоқ моддалар пайдо бўлиб, мунингдин киши тезағи туташиб, қотиб қумалоқ бўлиб ичак ичида тўсқиналик қилиб зангитларини ўз йўлида ташқари чиққани кўймасдан бу иллатни пайдо қилур. Бунинг аломати қуруқ тўлғоқ огриғидин бошқа, орқа тарафидин ҳеч нарса келмайду. Оғриқ қаттиқ бўлиб, ўнг тарафдин киндик ости оғир бўлиб, яна бир сабаби ичакларда ел пайдо бўлгондин булар. Бунинг аломати киндик ости кўпчиб, қурсоқ ичида галдир-гулдур қилишидир. Энди бунинг биринчи иложи дастлабда амалча қилсун. Амалчани қари хўрознинг шўрвасидан қилса, кўп яхшидур. Хўрозни қўвлаб чарчатиб, ондин сўйиб шўрва қилур. Амалчани 3-4 қатим қилгандин кейин сургу дори ичсун. Мен ўзим фойдасини кўрган сургу ушбуди.

Қизилмийа иллизини қирқиб-қирқиб тўғраб қўйганидан бир чангални икки коса сувда қайнатиб татиғи чиққанда бир коса қолганда шунга икки сир қошиқ кастор ёғи қўшиб ичсун. Бир-икки йўл ичини бунатиб, огриғи пасанча бўлур. Бу сургуга икки сир қошиқ бол қўшиб ичсун. Оғриқ тўхтамагунчалик ҳеч бир гизо емасун. Агар ташна бўлса, қайноқ сувга бол қатиб (қўшиб) шарбат ичсун. Ўзим бу тадбирларни қилиб, тажриба қилиб, фойдасини кўрдим.

Агар қурсоқ ичида гулдурак бўлса, устидин-такмид қилсин. Яъни келак тузни қовуриб ё иссиқ кудни ёки тарик қизил қўноққа ўхшаш нарсани қовуриб, куймагудек иссиқ қилиб огриган жойга такмид. Елларни тарикатиб, огригини пасанча қилур. Қудинч билан бошқа ич огриқларининг фарқи шуки, бу илатда пешоби келмас, қабзият бўлур. Унг тараф киндик остидан бошлар. Ҳар қайсини биз ёзгандек ўз аломатлари билан ажратгани бўлур. Фаҳм билан иш қилмоқ керак.

#### ФАСА. ТАШАННУЧНИНГ БАЁНИ

Ташаннуч деб, томир сингирларни тортишганини айтур. Агар томирлари тўлиқ, қон томирлари кўпчиган бўлиб бирдано пайдо бўлса, ўзиндин бери ич суриш, қон олиш, қусиш, ўтмаган бўлса қўл-совуқдин бадан томирлари модда тўлгонлиқдин бўлур. Агар бу аломатлар бўлмаса, қуруқлиқдин бўлур. Иложи агар совуқдин бўлса, ташқари-ичидин иссиқлик қилмоқ керак. Ташидин жўза-бўза эзиб сурсун. Туз қайнатиб нашатирний қайноқ сувга чилаб, шу сувлар билан пайи тортган қўл-оёқларини юзсин. Ичидин занжабил, долчин, қалампир, арпабодиён ё шунга ўхшаш нарсалардин чой ўрнида дамаб ичсин. Агар қуруқ-иссиқдин бўлса, бу чоғда ваннага тушсин. Бадалларини, айниқса томирлари тортишган, қўл-оёқларини янги хомқаймоққа ёғласин. Ичидин гизосига янги соққан сутдин кўпроқ ичсун. Семиз жўза шўрвасидин ичсин. Янги кечқурунги соғилган сутга хитойнинг оқ шакардан қўшиб ичса кўп фойдалиқдур. Сутни эрталабки соққанидин кечқурунгиси яхшироқдир. Ҳар тўғрида фойдаси ортиқдур. Яна бир иложи кунжут ёғини илимон қилиб, агар мумкин бўлса, чўнгрқ идишга кўпроқ қўйиб, қўл-оёғини шу ёғ ичига чилаб, узун турсун. Уч-тўрт қатим шундоқ қилса, бунинг фойдаси ҳаммадин ортиқдур. Агар қўл-оёқ молиб ултургудек ёғ бўлмаса, бир неча кун узмай устидин суртса ҳам киқоя қилур. Агар юқоридек иложлар кор қилмаса, мижоз қуруқ бўлиб, бу илат қуруқлиқдин пайдо бўлган бўлса, яна иложи шулки, қўйнинг қўйруқ ёғидин уч элик миқдори кенлиги-узунлиги огриқ кишининг бўйнига уралгудек бўлса бўлсун. Қалинлигини пичоқ сиртидек қилиб кесиб олсин. Мана шу ёғни бўйин гарданига ўраб, устидин бир ёғлик билан ўраб қўйсин. Шу ёғ ҳидлангунчалик турсун. Сўнгра янгилаб шу тартиб билан яна ёғласин. Шундоқ қилиб бу иложи уч қатим қилсин. Иншооллоҳ, бу илатнинг ҳар қандоғига фойда қилур. Узим қилиб тажрибадан ўтказдим. Сирко, лози, аччиқ нарсалар, шўр тузлик нарсалар, эчки гўшти, калла гўшти булардин бошқа элик гизолар бу илатга зиён қилур. Гоҳида сургу ичиб, кўп амал қилгондин, айниқса хуббул малик, сургудин, кўп қусгондин, муздек совуқ сув ичгандин, заҳарлик жониворлар чаққондин, ҳайз нафос қонлари тўхтагандин ҳам бу илат пайдо бўлур. Бу чоғда сабаб бўлган нарсаларга илож қилмак керак. Ёки сабаблари тўхташа биланоқ бу илат ўз-ўзидин тўхталур.

#### ФАСА. ЯРАҚОННИНГ БАЁНИ

Ярақон деб сариқ бўлгонни айтур. Бунинг аломати юзи-кўзи, тамом бадаллари сап-сариқ бўлиб, бу илат 16 қисмдир. Ёлғиз бир қисми илож қабул қилмас, бошқаларнинг иложлари бордир. Илож қабул қилмаслик белгиси бўлса, орқа пешоби оқ келур. Бу илатда орқа пешобининг оқ келиши яхши эмас. Бу илатнинг қисқача сабаби сафро тошиб, қонга қўшилиб, бутун баданга тарқалгандан

пайдо бўлур. Энди бу илат кўпинча иссиқдин, гоҳида сафро халтасининг олди бўшаб, жигарда пайдо бўлган сафрони ўзига тортмай қолганидин бўлур. Ҳар қандоқ бўлса ҳам, сариқ бўлган киши, гўшт-ёғ, кучли бўлган гизолардин парҳез қилмоқ керак. Энди бу ўринда ўзим тажриба қилган дориларни ёзиб ўтаман. Биринчи иложи шулки, исканжабин риванчига шўхлани қўшиб, шунинг сувини ичгай. Шундоқки, 7 қошиқ шўхла сувина бир қошиқ исканжабин риванчи қўшилур. Исканжабин риванч бўлса, юқорида иситма-безгак баёнида ва ҳам кезикларнинг баёнида ясаининг тавсифларини ёзиб ўтдик. Риванчини яхши узум сиркаси, шакар, бу уч нарсадин ясалур. Шундоқки, бир қадоқ тоза ўткир узум сиркасина уч қадоқ шакар қўшилур. Шунинг икки сар, яъни 20 миққол яхши тоза риванчини олиб, чала янчиб, икки коса сувга солиб, бир коса сув қолгунчалик қайнатсун. Дорини таъм тотиги чиққандан кейин сузиб олиб, устига сиркони шакарни қўшиб, яна бир оз қайнатиб, шарбат олсин. Мана шуни исканжабин риванчи деб айтурлар. Бу илатга шўхлани сувини қўшиб ичгандек иситма безгак, тиб кезикларига, юрак огриқ, қурсоқ огриқларга қайноқ сув ёки арпабодиённинг сувига ўхшаш сувларга қўшиб ичгай. Агар бу дори тайёр бўлмаса, ёлғиз риванчининг сувига шўхла сувини қўшиб ичгай. Ёки қайси бири топилса, шуни ичса ҳам бўлур. Ичидин арпа кашкоби ичгай. Кашкобининг баёни юқорида ўтди. Узи совуқлик қилсун. Ваннага тушсин. Терлашик фойда қилур. Сариқ сувини тўкмаган қатиқ ичсин. Сут, қаймоқ, сариёғ зиён қилур. Кичик балиқни қуруқ сувда қайнатиб пишириб есин ва ҳам шунга қарасин. Сийдонани (седана) ундек эзиб, хотин кишининг сутти билан бурнига томизсин. Кўз саригини тезда кўтаргай. Кўк мош, бироз гуруч, жўза шўрвасига солиб қайнатиб, шўрва гуруч қилиб, қатиқ, юмғоқ сут қўшиб гизосига ичсун. Лекин ҳаммадан гизосига арпа кашкоб яхшироқдур. Қора ўрик ва ўрик, шафтоли қоқи, кўк кишиши, тамрихинди, шунга ўхшаш нарсаларни чилаб ичсин. Ёз кунлари бўлса тарҳмак, бодришларни артмасдан пусти бирла есин. Юқорида ёзилган сафро сургусидин ичсун. Агар мижози совуқ бўлиб, ўт халтасининг оғзи бўшашиб жигардан сафрони тортмаслиқдин бу илат пайдо бўлган бўлса, бу ҳолда мятний капла яъни ялғиз суви, зарчаба, бу учовидан қайси бириси бўлса ҳам фойда қилур. Қаҳрабони ичидин ичса, ҳам қўлига тушиб қараб юрса, бу ҳам фойда қилур. Ҳар қандоғига бўлсин.

#### ФАСА. АМРОЗ РАҲМ, ЯЪНИ БАЧАДОН

Туркийда бола ётқининг илатларини айтур. Бу илат хотин кишиларга махсусдир. Ҳайз қони-напоз қони бу жойдин келур. Ҳайз қонининг келиши хотинлар учун муборак ишдир. Чунки бола куришининг белгиси бўлур. Тугмас хотинлардин Ҳайз қони келмайду. Хотинларни фарзи шарафи бола туғиш биландур. Энди бу қон ҳар хотиннинг ўз одатича келиб турса, тан соғлиги ҳам бола бўлишининг аломатидир. Агар одати бузилиб, бу қон келмай қолса, ўз вақтида юрмаса, мижози бузилгондин бўлур. Тезда иложини қилмоқ керак. Бепарволик қилса бундин бир неча турли илатлар пайдо бўлур. Бош айланмоқ, кўз тинмоқ, қўл-оёқ сирқираб огримок, бел, бош огримок, кам ишгаталик, бурун-юз устиларига қора доғ тушишлик, охирида истисқо бўлиб, ҳамма бадан ишмаги шундин бўлур. Бу илатни кичик санамай ўз вақтида чорасини қилмоқ керак. Бўлмаса дарди бедавога қолур. Бетоблиқдин, очликдин ориқлаб, қонсизланиб қолса ҳам, Ҳайз қони тўхтагай, бунинг иложи

яхши гизо еб-ичиб, яхши тарбиялаш билан бўлур. Куп ишлаб чарчашлик ҳам қонни қотириб, ҳайз йулини боғлағай. Бунинг иложи кучли ишларни қилмай, ўзига роҳат беришдир. Баданни яшнатадургон янги соққан сут, семиз товуқ шўрваси, қўзи, ўглоқ шўрвалари, чала пиширилган тухум, сут-қаймоқли, шакарли чой. Бу ўхшаш нарсалардин гизо қилғай. Агар мижози қуруқ-иссиқликдин тўхтаган бўлса, бунинг аломати чиройи ўзгариб, қорамтир бўлиб, ориқ-лағай. Юрак ўйноқ бўлиб, кунгли қоронғилашиб, очилмай туриши, киндик чўраларининг оғирлиги, қон томирларининг кўпиб туришидир. Бунинг иложи, агар қон олишни билган киши бўлса, оёғида тўпик устидаги сопин деган томирдин қон олмоқ керак. Бўлмаса одатига қараб, қон келадургон кунларида икки оёқ боддирларига қортиқ қўйиб, 10—15 қортиқ қон олдирсин. Шу вақтда қон юргизадиган дорилардин ичаберсин. Ҳам шу кунларида жимо қилмоқнинг фойдаси бордир. Қон юргизадиган дорилар ичида яхшироғи кирпис уруғи, кравая уруғидур. Кирпис деб, хитойча шинсайдир машҳур нарсадир. Киравая деб, ёввойи сабзи уруғини айтур. Ҳар жойда бор нарсадур. Буларнинг қайси бири бўлса ҳам уч мисқолчаликни бир чойнакка солиб, қайнатиб ярмига келтирсин. Қолганини ичсун. Арпа бодиён ва рум бодиён ҳам шундоқ қон юргизадур. Буни ҳам юқоридагидек қилиб ичсун. Буларни қайнатиб сувига ўлтирсин. Бу уруғларни янчиб қайнатиб, сувини ичиб, тилипини киндик остига боғлаб ётсин. Эрманқурай қайнатиб ичса, сувига иссиқ қилиб ўтирса, кун нафи бордур. Бўйимодорон деган сариқ тегеракбош ислик чўп бордир. Мен ўз юртимиз Тўқмоқда бу чўп доридин кўп ишлатиб, бир неча илатларга кўп фойдасини тажриба қилган эдим. Айниқса хотинларнинг бачадон илатларига, қорин огриқ, биқин огриқларига бўлибму ҳайз қонини юргизмак учун бу доридек фойдали нарса кўрмадим. Бу доридин ароқ (поридан олинган) тортилса ҳаммадин яхшироқдир. Турли иситма-безгалларга, ҳар турли қурсоқ елларига бу доридин бериб, кўп фойдасини кўрдим. Хотинларнинг бачадон илатларига бирма-бир дори эканини ўзим тажриба қилиб билдим. Бу доридин ичган чоғда ёғдин қаттиқ парҳез қилур. Ёғлик нарсалар бу дорига хил келмайдур. Лекин Ила диёрида бу дори кам топилаур экан. Бенам жойларда чиққанини кўрдим. Оз тўла олиб ишлатиб тажриба қилдим. Биздин ерлардагидек бўлмаса ҳам, фойдаси борлиги маълум бўлди. Бу дорининг оқғуллиги ҳамма жойда топилса ҳам кучи камлигини фойдаси озроқ кўринди. Чомғур турш, пиёз, сабзи, нўхат — бу нарсаларни гизога қўшиб кўпроқ еб берсун. Ҳам шулардин ўзини қайнатиб ичиб, сувига ўлтирсин. Ўлтирганда куймағудек қилиб иссиқроқ ҳам узунроқ ўлтирсин. Тилишни олиб киндик остига иссиқ-иссиқ тортиб берсун. Танбия билмоқ керакким, ҳар бир дорини бир қатим, икки қатим қилиб фойда қилмади деб ташлаб қўйиш тўғри эмас. Чунки илаат қандоқлиги биланса, бунинг дориси топилса, фойда қилмасдин қолмайдур. Кўп ўтни учиргани оз сув кифоя қилмагондек гоҳида дори озлик қилиб, фойдаси билинмайдур. Гоҳида илати бор ўринга дори кучи етишолмай турганликдин бўлағай. Шунинг учун дорини озроқ бўлса, кўпроқ қилиб, кучсиз бўлса, кучлироқ қилиб, гумон қилмоғудек йўл билан бир неча кун ичмак керак. Бунда ҳам фойда кўринмаса, бошқа бир чорасига киришмак керак. Дори қайнатиб, сувина ўлтирганда сув белидин юқори чиққудек бўлсин. Ҳамда таҳорат сувидек иссиқ бўлсин. Суви қанчалик кўп бўлса, шунчалик яхшидир. Дориларини кўпроқ солиб, сувини қувватлироқ қилиш керак. Эрман қуврай,

шувочқуп, ёзда ҳўли, қиш кунларда қуруғи, ҳар жойда ҳар қачонда топиладургон нарсадир. Сувида ичиб, ҳам тушиб, тилипларини иссиқ ҳолда белларига, киндик остиларига боғласун. Ишлатгучиларга осонлик бўласин деб, бу китобда ҳар жойда топиламоқда бўлган сероб дориларни ёздим.

#### ФАСЛ. ҲАЙЗ ҚОНИ КЎП КЕТМАСЛИГИНИНГ БАЁНИ

Агар ҳайз қони кўп кетиб тўхтамаса, қараймиз, бу хотиннинг танаси семиз, бадани тўлиқ, қонли, ўзи кучли, қувватли бўлса, ҳар қанча қон кетгани билан ўзига пуғтур етмай, қуввати жойида турса, баданда қон кўпайиб сигмаганликдин бўлур. Бунга илож қилмоқ лозим эмас. Чунки бир илож қилиб, қонни чиқазмай тўсиб қўйса, баданга сигмай, огриқлар келтириб, бирор жойидин жароҳат бериб, чиқиш эҳтимоли бордир. Шунинг учун куч-қувват, ранг-рўй ўрнида бўлса, буни тўхтатишга ҳожат йўқдир. Қачон куч-қуввати озайиб, ранги рўйи сарғая бошласа дарҳол чорасига киришмак керак. Энди қараймиз, агар келган қон оз-оздин узилмай келиб турса, сариқ сув йиринг аралаш бўлса, бачадонда жароҳат яра пайдо бўлгондин бўлур. Чиққан нарсда сассиқлик бўлса, аврат ичига яра чиққаннинг очиқ аломатидир. Бунинг иложи аврат ичидаги ярага илож қилмоқ керак. Бувосил баёнида ёзилган илон пўсти, сабр, жўсай суви билан қилинган доридин пилта қилиб аврат ичига қўймоқ керак. Ёки мошина билан юборсин. Оралаборалаб кала утига бол қотиб буни ҳам аврат ичига қўйсин. Яра жароҳатига зиён қиладургон еллик нарсалар ҳам ҳўл емиш, тарвуз, қовуналардин парҳез қилсун. Агар бу илат мижози бузилиб, модда кўпайгандин бўлса, оқ пахтани авратдин келган қонга суртиб, кунга қўйсин. Агар пахта сариқ қуриса, сафродин бўлур. Сафро сургуси қилмоқ керак. Агар оқ қуриса, балғамдин бўлур. Балғам сургусини ичмак керак. Агар қорамтир бўлиб қуриса савдодин бўлур. Савдо сургусини ичгай. Биринчи санаго сариқ халила, иккинчиси қобили халила, учинчиси қора халила қўшса, ҳар қайси модданинги ўзига лойиқ сургу бўлур. Дори улчовларини юқорида иситма кезик баёнида айтиб ўтдик. Ендириб ёзмоқ ҳожат эмас, шул жойга қарасун. Сургу қилгандин сўнг қаҳрабони янчиб ичидин ичсун. Тин армани деган қизил гулга ўхшаш тўпа дори бор. Шундин сувда чайиб ичсун. Дорифурушларда ҳар қачон топиладургон нарсадур. Ҳўкиз мунгузини куйдириб, қулини ичсун. Қаҳрабодин бошқасини темирчини сувига солиб, қуюқ аталадек қилиб, латтага ё пахтага синдириб, авратига кечаси қўйиб ётсин. Ва айтилган нарсаларни 10—15 кун қилмоқ керак. 2—3 қатим билан иш битмас, темирчинини сувига ўлтириб, ҳам ичиб бермакнинг кўп фойдаси бордир. Чой ўрнида қизил қуюқ дамлаб ичиб берсин. Ҳам темирчининг сувига қуруқ қизил гул, анор пўсти, мовзи буларнинг ҳаммасини қўшиб, қайнатиб ўлтирсин. Кечаси ётганда сувига латгани ҳўллаб авратига қўйсин. Дори сувида аврат ичига кирса, янаму фойдаси зиёда бўлур. Темир бўқини майда янчиб, нафис эргак ё доқадан ўтказиб, бир мисқолни тўрт бўлиб, ҳар ичганда бир бўлимин ичсун. Бир ҳафта, 10 кун ё тўхтагунчалик ичмак керак. Буни ичган чоғда юқоридаги дориларни қилиб, турмоқ керак. Булар ўзим тажриба қилган дорилардир.

#### ФАСЛ. ЁШ БОЛАЛАР ИЛАТИНИНГ БАЁНИ

Бола тугилгандин сўнг киндигини тўрт энлик миқдори қўйиб кесмак керак. Кунаро ёки 3 кунда ёз кунлари чўмилтирсин. Сувиға

бир оз туз солсин. Топилса зайтун мойи ёки бўлмаса қаймоқ билан ёглаб турсин. Бешикка белаганда қиз бола бўлса, қорнини бўш боғлаш одат қилсун. Агар қаттиқ боғлаб ургатса, туғиши қийин бўлур. Буни эҳтиёт қилмоқ керак. Болага онасининг сутидек бошқа сутлар ёқимаи бўлмас. Мумкин қадар ўз онаси эмизсун. Сути чиқмаган чоғда ҳам қуруқ эмчагини солиб сурдириб турса, болага кўп тарбият бўлур. Энди бир узр бўлиб онаси эмизолмай қолса ёки шул хотинга тўғри келадигандек хотинни топиб эмизсин. Тани соғ, ўзи кучли, эмчақлари тўлиқ, хушёр, хушқилиқ бўлсин. Чунки болага эмизган хотиннинг ҳар тўғрили тарбияси ўтадур. Иккига тўлмасдан болани эмчақдан чиқазиш яхши эмас. Бола ётган уйи кўп ёруғ бўлмасин, уртаҳол бўлсин. Болага мусиқий оҳанглар кўп хушкелгай. Зинҳор болага ўткир дориларни ишлатмасин. Мисоли совуқлик қиладурган бўлса, чилон билан жийдадан бошлаб қилсин. Бунинг билан иш битмаса, гулбинафша, нилуфарга ўхшаш совуқ дориларга ўтмасин. Иссиқлик қиладурган бўлса, бобуна арпабодиён, тоза яхши чой ичурсин. Энг ўхшаш дорини қилмасин. Оқил одамга шунчалик сўз кифоя қилур.

### ФАСЛ. ХИММОНИНГ БАЁНИ

Химмо деб иситма-безгакни айтур. Агар ёш бола иситма-безгак бўлса, қорамайиз, кезакликму ё кезаксиз қаттиқму бўшму. Агар кезаксиз бўлиб, қизитмаси қаттиқ бўлса, бунинг устига беҳушлик бўлса, терлама кезикнинг аломатидир. Юқорида кезик баёнидаги кўрсатилган дориларни қилгай. Агар кезикнинг аломатлари бўлмай, огиз, бурни, юз-кўзлари қуруқшаб, ўзи усаб, бир вақт тўхтаб, бир вақт қизитиб кезаклик бўлса, иссиқ сафродин қизитма безгакнинг аломати бўлганидир. Бунинг иложи исканжабин ичирсин. Узум сиркаси ё ўрис сиркасига сув қўшиб бутун баданларига суртсин. Сандал ёғочини сиркада ё сувда эзиб, бошларига, баданларига чапласин. Агар эмчақдаги бола бўлса, онаси гўшт-ёғдин, кучли гизолардин парҳез қилсин. Агар ичи келмаса, кичик амалча ёки пилта қўйиб ичини юргизсин. Устилигига чилон билан таранжабин сувидин ичилса ичини сургай, иситмасини ёндиргай. Таранжабинни таърихинди суви ёки чилон суви билан ичирмак керак. Ёлғиз ўзини ичмасин, зиёнликдир. Аптекада болалар учун тайёрланган аччиги йўқ безгак дориси хин бордур. Шундин ҳар кун икки қатим ичирсин. Иситма тушмасдин ярим соат илгари бирини ичкизмак керак. Яна бир иложи чўнг киши ичгудек аспиринни 3 га бўлиб, бир бўлағига уч арпадек чампара, яъни копур, бир арпа миқдори заъфарон қўшиб, бу учовини ундек қилиб, эзиб, бир оз сув билан ичулсин. Тер келтириб, иситмани тўхтатадур. Болалар кезигига ҳам 2—3 қатим шундин берилса, кўп яхши фойда қилур. Агар иситма совуқдин бўлса, аломати иситма бўшроқ бўлгай. Эзилиб, бўшашиб, узун ётиб, кўпинча кечалаб қизитгай. Усулик камроқ бўлиб, юз-кўзлари оқариб кўпишиб тургай. Бунинг иложи аптекада анисивий капла деган сув дори бор. Ярим қошиқ қайноқ сувга 6—7 дан то 10 қатрагачалик томизиб ҳар кунда 3 қатим ичилсин. Усулигига (сувсаган) арпабодиён дамлаб совутиб бераверсин. Арпабодиён, чилон, кўк кишмиш қайнатиб усуликка берса, яна яхшироқдир. Озроқ қизилмия илдизини қўшиб қайнатса, йўталга фойдаси бордир. Бўз буга, айлашни тоза эзиб туриб, товоналарига, қурсоқларига чапласин. Агар боланинг ичи келмай ёки келсаму бус сассиқ келса, 1—2 мисқол яхши саного 1 мисқол арпабодиён бир сар кўк кишмиш солиб, қайнатиб, шарбат қилиб, шунинг сувидин усуликка

ичириб берса, 2—3 қатим суриб, ичини тозалайдур. Ич тозаланса, иситма уз-ўзидан тўхтаб қоладур. Чунки иситманинг сабаби ички модданинг биқсиб кетганидир. Бу бўлса сургу билан кўтарилгай. Ҳар қачон ҳар қандай иллатга сано ишлатса, олтидин бирига қизил гул қўшмоқ керак. Ҳар кун қизитиб, бўшроқ узунроқ бўлса, совуқ иситма бўлур. Кун оралаб қиздирса, аниқ иссиқдин, ҳар иссиқдин бўлган иситма безгакнинг бош оғриги бўлур. Иситма безгакларга пошўянинг кўп фойдаси бордир. Юқорида иситма безгак баёнида пошўянинг баёни ўтди. Шунга қаралса бўлур. Агар боланинг оғзи оғриб уйилиб кетса, унинг иложи шулки, марганцовкага пахтани чилаб, оғизларини ювсин. Қизилгул, кўкмовзини янчиб, ундек майда қилиб, ўйилган, оғриган жойларига солсин. Айниқса эмизиб бўлиб, бола ухлайдурган вақтида солса, фойдаси тезроқ бўлур. Аччиқ нарса, ширинлик нарсалардин сақлансин. Гоҳи оғиз оғриганда тиш тубларидин қон чиқиб, кўпчиб, сассиқ бураб қолур. Бу чоғда тезроқ чорасига киришилмаса қўрқинчлидур. Қорайиб ё қизариб яраси ўйилиб, улағайиб кетса, акла тушгандин бўлур. Яъни қоралемақдир. Бунинг иложи енгилроқ бўлса йод суртиб, кўкмовзу билан куйдирилган аччиқ тош, замчани сеңсун. Узум сиркага туз қўшиб чайқасун. Агар оғирроқ бўлса кўктошни куйдириб, кўкзока куйдириб сеңсин. 5—6 қатим қилиб, бунингдинму фойда кўролмаса, оғиз-бурундин бошқа жойга тушган бўлса, чўрасига доғ солсин. Шундоқки, ярага ўлчаб, чўрасига келтириб, темирдин тамга ясаб, қиздириб бирла бўлсин. Бузуқ модда тамга босган жойдин соғ тарафга ўтолмайду. Яра тушган жойга юқоридаги дориларни қилсун. Албатта шифо топгай. Энг сўнги иложи шудир. Бу иллатда яранинг тешилган оғзи тег-тегарак бўлиши хатарликдир. Болдин бошқа иложини кўп қабул қилмас. Бошқа шаклдагилари осонроқ бўлур. Бу чоғда аввал амалча сургу бериб туриб, кейин бошқа дориларни қилсин.

### ФАСЛ. АЗҲАР — БОЛАНИНГ ИЧИ ЎТГАННИ АЙТУР

Агар бола ич ўттак бўлиб қолса, қорамайиз, агар тўлғоқ бўлса, ичидин қон, йиринг ёки ичак қириндисидек, тухум оқидек нарсалар товуқ ахлатидек нарса пит-пит бўлиб тушса, бунинг иложи юқорида юрак буруғ баёнида ўтди. Шунга қараб иложини қилсун. Тўлғоқ аломати бола йиғлаб, қорни оғримоқдур. Агар муңдоқ бўлмай, ичи сув-сув ўтса, ичидин ўтган нарсага қараш лозим. Агар оқ ё кўк ўтса, албатта совуқдин бўлур. Долчин уч мисқол, лочиндонна 2 мисқол, 3 дона кўк мовзуну чала янчиб, лочиндонанинг урутини олиб, бу уч дорини бир оз қовуриб, ундек қилиб майда янчиб олсун. Шундин бир мисқолни бўлиб, бир кунда 2—3 қатим ичурсин. Қовун, тарвуз, ҳўл емишлар зиён қилур. Ҳўл мевалар ичида беҳи, анор зиёнсиз, балки фойдаси бордир. Анорни сиқиб ичилса, беҳини ўтда кўмиб пишириб берса, ёлғиз ўзи бирла кифоя қилур. Қартошкани ўтда пишириб ейилса, фойдаси бордир. Агар ичидин ўтган нарсанинг ранги қизил ва сариқ бўлса, иссиқдин бўлур. Бунинг иложи исфағул уруғи, баргизуб уруғи, райҳон, гултожихўроз уруғи ҳаммасини қовуриб, ҳар ичганда бир мисқолдан бир кунда эрта-кеч икки қатим ичгүзсин. Қорахаилани сариеғда ёглаб туриб қовурсин. Қизариб қотиб, қоқ қуригунчалик. сўнг бир оз новвог қўшиб янчиб, бир мисқолдан эрта-кеч ичгүзсин. Сув ўрнига жийда суви, гуруч суви берсун.

## АПТЕКАДА БОР ДҲХТИР ДОРИЛАРИНИНГ БАЁНИ

Бу кундаги аптека дориларини тамом билмак, дҲхтирлик илмини битирган, чунг дҲхтирларгагина хос. Шундоқ булса ҳам, бу уринда билганимизча, машхур аптека дориларини ёздик.

Железний пурush — буни бизча катта пўлат дейдур. Бир оз қанд, озроқ арзаманда бирла қўшиб хап қилур. Бадаида қон оз, огриқдин янгидургон, қуввати оз кишилар учун куп фойда қилур. Ёшликни сақлар. Танга тарбия берур, ҳар тўғрида катта пўлат ахшидур.

Медний капли — бизча ялпиз арақидур. Маҳзанда, Қорабодин, Кабирза ҳовоҳи баён қилингандур. Ташналик, кунгил айниш, қусмоқ, юрак огриқ, ич ўтмакка чунг кишилар учун 10—15—20 томчи, ёш болага уч қатра, беш қатра сувга томизиб ичгай. Вабо текканга ҳам нафлидур. Нашатирний, анисивая каплаи йўтал, диққинафас, ёш болаларнинг огиз огриги, совуқдин бўлган безгак, қизитмоқ, қусмоқ, меъда елига фойда қилур. Ҳар ичганда 10—15 қатра, болалар 4—5 қатра қайноқ сувга томизиб ичгай. Капли дардлик болалар, чунг кишилар йўталларига, товуш ютганга 10 қатрадин 20 қатра қайноқ сув билан ичгай. Апетитная каплаи иситхэзо келтурурга меъда қуввати учун, ҳазм томоққа-15 қатрадин 30 қатрагача қайноқ сув билан ичгай.

Тирманский каплаи — курсоқ тўлгоқ, ичбуруғ, ич ўтмак, санчиқларга, еддин бўлган қорин огриқларга 10 қатра-15 қатра қайноқ сув бирла ҳар кунда 3 йўла ичгай.

Капли бобурдистрой — сариқ, хапақон гаши, беҳудликларга ва қувват бадан учун 20—25 қатра ҳар кунда 3 бор ичур.

Кендровий бальзам — юрак огриқларга, маҳсаларга 30 қатрадин 50 гача, ёш болаларга 5—10 қатра қайноқ сув бирла ичгай.

Зубная капля — тиш огриққа нахтага томизиб, тишга босгай.

Железная капля — қони кам бўлганлар учун баданга қувват беришда 20 қатрадин 30 қатрагача памил чой бирла ичур.

Эфирный валерианный каплаи — хапақон, вос-вос, заиф қилиб, гаши ва боши айланадургон ва бош огриқларга 20—25 қатра сув бирла ичар.

Имзимская капля — ич ўтганга, вабо текканга, ичак огриқ, юрак огриқларга 20 қатрадин ҳар кунда икки бор, то тўрт галгачалик сув бирла ичур. Ёш болаларга мамнундир.

Ланданская капля — йўталларга, овози битганларга 20 қатрадин 30 қатрагачалик қайноқ сув бирла ичур. Ёш болаларга мамнундир.

Капли хиннисулшний — истисқо келтирур, баданга қувват берур. Таомни ҳазм қилур, 15 қатрадин то 20 қатра таомдин чорак соат илгари қайноқ сув бирла ичгай.

Капля дҲхтир Николай — иситма ва безгакларга 10—20 қатра бир кунда тўрт бор ичур.

Капли расинабадү молоко — бир стакан сувга ярим чой қошиқ солиб, бет, томоқ, кўкракларини ювса, кўпроқ мулоим қилур. Жўжишларни йўқ қилур.

Мазь камфорный — огриган жойларга, лат еган, йиқилган ва калтак теккан, ушук урган, тилма бўлган, ҳамма иссиқдин бўлган жўжишларга куп нафлидур.

Цинковый мазь — шишик жароҳатларга, жўжишларга катта латтага суртиб ёпиштирур.

Утная мазь — баданга жўшиш шишларга ва безларга суртса нафлидир.

Мазь атисадка — қичималарга эрта-кеч суртилсин.

Бесдиктарний мойлар билан тўрт кун ҳаммомда баданини ювур.

Вановая масла — буни қотиб қолганларга суртиб, иссиқ сақласун.

Ваножновий бумажный пластир — чипқон ва сўмларга қўйса ёрадур.

Опан — бел огриқ, оёқ огриқларга суртсин.

Белина — япроқ дори аптекада бор. Зотилжан иллатларига миққолининг олтидан бирини қайнатиб ўзини муносиб дорилар билан ичирур.

## ФАСЛ. ТОМИР ТУТМОҚНИНГ БАЁНИ

Билмак керакким, юракнинг солиши, томирнинг уриши бирдек бўлур. Томирни ажратмак учун куп ўткир зеҳн, фаросат, узун тажриба керак. Устоз комилдин таълим олмоқ лозим. Шундоқ ҳам булса, ўз фарзандларим учун кўз билан кўрсатгандек қилиб, очиқ тушунарли қилиб, томирнинг энг керак, зарур бўлганларини баён қилдим. Томир тутмоқнинг тартиби шулки, табиб беморнинг томирига тўрт эликни баробар қўйсун. Қирқ элик ургунчалик пайқаб зеҳн қўйиб турсин. Агар беморнинг томири ингичка бўлиб, тирсилаб тез-тез урса, қуруқ-иссиқнинг аломатидир. Қуруқ-иссиқ бўлганда сафроликму-сафросизму, агар сафролик бўлса, бунинг аломати шулки, огзи тахир бўлур. Юз-кўзлари сариқсимол бўлур. Айниқса, кўзининг оқи саргишироқ кўринур. Сафросиз қуруқ-иссиқда бу аломатлар бўлмас. Агар беморнинг томири оҳиста-оҳиста урса, қараймиз агар йўгон бўлиб лопиллаб томир ушлаган кишининг қўлига қаттиқ тегмай, секин-секин тегса, агар томирни қаттиқроқ босиб турса, томир билинмай тўхтаб қолса, ҳўл-совуқ балғам зифдалиқдин бўлур. Агар томир ингичка бўлиб, юқори кўтарилмай, остинроқ солса, яна шу уриб турган томир ушлаган одамнинг қўлига қаттиқроқ урилса, қуруқ совуқдин бўлур. Агар беморнинг томири йўгон бўлиб, юқорига сакраб, тез-тез урса, қон зийда бўлгондин бўлиб, ҳўл-иссиқдир. Билмак керакким, иситма бўлиб турган одамнинг томири тез ўткир солур. Лекин иссиқ иситма бирла совуқ иситманинг фарқи шулки, совуқ иситманинг томири иссиқ иситманикидек куп қаттиқ тезлаб урмас. Иситмаси ҳам иссиқ иситмадек ўткир бўлмас. Агар беморнинг томири узайиб урса, иссиқнинг куплигининг аломатидир. Агар қисқа урса, иссиқ озлиқнинг аломатидир. Томирнинг узайиб уриши қандоқ бўлур. Тўрт эликнинг остида томир баробар уриб билиниб турадур. Қисқа бўлса, икки энлик, уч энлик тагида билиниб, қолган жойда ургани билинмас. Соғ кишиларнинг томирлари ҳар қанча узайиб урса, бадани қувватли, ўзи кучли экани маълум бўлур. Агар қисқа урса қувватсизлиқнинг ҳам шарият ишига қуввати озлик аломатидир. Агар кишининг томири тўлиқ урса, бадаида рутубат куплиқнинг аломатидир. Агар тўлиқ бўлмай, бўш урса, рутубат озлиқнинг аломатидир. Рутубат қон бўлур. Ё балғам бўлур. Қон ҳўл-иссиқ, балғам ҳўл-совуқ, баданнинг тарбияти рутубат бирла бўлур. Ҳар гнёҳ дарахтларга ҳам рутубат ҳўллик бирла яшнар. Одамзода ҳам шундоқ. Шунинг учун ёш болаларни тез-тез чўмилтирмак керак. Униб-ўсишига куп ёрдам берур. Гоҳида иссиқ ели бор одам томири ҳам, яъни бугим-бугимларида сариқ сув аралаш ел бўлса, агар иложини қилмаса, у ер-бу еридан тешиб чиқар. Мана шундоқ кишиларнинг томирлари иситма чиқиб

турган одам томиридек бўлур. Томирни ҳар вақтда кўриб бўлмас, эрталаб, бемор уйқудан уйғонганда кўриш лозим. Лекин янги йиқилган бемор бўлса, шу вақтида кўрмак керак. Мижоз совуқ бўлганида моддалик совуқму ёки моддаси совуқму. Моддалик совуқ бўлса балғам бўлур. Балғам ҳул совуқдур. Моддалик совуқ бўлгоннинг аломати томири тўлиқ бўлур. Қимирлаши буш бўлур. Моддаси совуқ бўлса, томири тўлиқ бўлмас, ингичкароқ бўлур. Ёки қуруқ-совуқ бўлур. Ҳул-совуқ бўлганда, юқорида утди, балғам бўлур. Балғам деб, арабчада хапрукни айтур. Қуруқ-совуқ бўлганда, савдо бўлур. Савдолик кишининг томири ингичка булиб, остин урғай, яна аста-аста солғай. Лекин томирнинг қўлга урилиши қаттиқроқ бўлғай.

*Дилим шоди, кучим қўлда, чаманзорим Тян-Шанда  
Туғидим ман шу Ватаңда  
Қаён кетиб, қаён турсам,  
Кўнглим саңда.  
Авлодларим шул ватаңда туғилгандур  
Мирзо Бобур уруғларим ибни ҳоқон Темурхондир.  
Илми ҳикмат ҳақиқати чин бўлсин,  
Ой билан юлдузни ҳақиқат қилган  
Ерни ҳам кўрсун  
Дунёда инсонлар озода ва ҳур юрсун.*

Алихонтўра СОҒУНИЙ.  
1937 йил.

Тамом.

Бу эсдаликни Қирғизистон тоғлари Тойошу-Куйошуларининг гарбий томонларида Қорасой деган, одам бормайдиган жойда қочоқ ҳолда ёзганлар.

Эсдаликни ўқиб, айтиб турувчи Асилхон Алихонтўра ўгли ва оққа кучирувчи Юсупова Муҳаббат Эргаш қизи.

Муҳтарам ўқувчилар, мазкур «Шифо ул-илал» (Иллатлар шифоси) сизда яна бир нажот йули очдиким, ҳали энгикканингизни босиб улгуролмадингиз. Ҳаяжонларингиз, талотум уйлариңиз ўз узанини тополгани йўқ. Шу боис сиз азизларнинг сиаҳатларингизни уйлаганимиздан бир машварат қилмоқчимиз, унда ҳаммамиз иштирок этишимиз шарт. Утган кунларимиз, курган-кечирганларимиздан тортиб, ҳозир машғул бўлаётган юмушларимизгача мерос булиб қолгусидир. Айниқса, тиббий соҳадаги билганларимиз янада қадрлироқдир. Биз фақат уларни йиғиб, китоб ҳолида жамлаб қуйсак, нур устига нур бўлади. Камоли савоб сабаблидин, ўзингиз яшаб турган шаҳар, маҳалла, қишлоқ жойларда қандай касалликка қандай халқ даволаш йули мавжуд бўлса, шуни ҳар бирингиз таҳририятга ёзиб юборинг. Биз бу халқ тиббий мажмуини тўшлаб, яна ўзларингизга ҳавола этмоқчимиз. Маълумингизким, баъзи анъаналаримизни, нодир ҳунарларимизни, урф-одатларимизни йўқотганмиз. Айниқса, тиббий муолажа усулининг унутилиши сиз ва бизнинг лоқайдлигимиз туфайлидир. Келинг, ана шу лоқайдликни енгиб, қандай касалга қанақа даволаш йуригини билсангиз ёки эшитган булсангиз бизга ёзиб юборинг. Шифобахш мактубларингизни кутамиз.

Тошкент-83, Буюк Турон кучаси, 41-уй.  
«Шарқ юлдузи» журнали таҳририяти.



БОШ МУҲАРРИР  
Ўткир ҲОШИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Омон МУХТОР, Баҳодир МУРОД АЛИ, Мурод МАНСУР,  
Икром ОТАМУРОД, Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН,  
Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ.

МУАССИСЛАР:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЁТИ

МУНДАРИЖА

Ўлмас Умарбеков. Қизимга мактублар.....	8
Абдулла Қаҳҳор. Ташвиш.....	110
Тўхтасин Жалолов. Отағил ва Зурафо.....	149
Алихонтўра Соғуний. Шифо ул-илал.....	187

Рассом Раҳима Қўнғирова

Техник муҳаррир Ю. Абдулаев. Мусаҳҳих М. Зайнидинова.

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин ● Таҳририятга келган бир босма табоқчага булган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. ● Таҳририят уз тавсиясига қўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. ● Ойнома матбаасига онд нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-83, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. ● Обунага монетлик кўрсатилган ёки ойнома уз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент, 700000, Амир Темури тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 28.10.96 й. Босишга рухсат этилди 29.11.96 й. Қўғоз формати 84x108 1/32. Оффсет босма усулида 2-қўғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт ҳисоб табоғи 18,48. Буюртма № 681. Алади 18.396 нўсха.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41



ТЎХТАСИН  
ЖАЛОЛОВ



ЎЛМАС  
УМАРБЕКОВ